

**М. ҲАМРОЕВ, Д. МУҲАМЕДОВА, Д. ШОДМОНҚУЛОВА,
Х. ҒУЛОМОВА, Ш. ЙЎЛДОШЕВА**

ОНА ТИЛИ

**М. ҲАМРОЕВ, Д. МУҲАМЕДОВА, Д. ШОДМОНҚУЛОВА, Х. ҒУЛОМОВА,
Ш. ЙЎЛДОШЕВА**

ОНА ТИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг бошланғич таълим, дефектология, педагогика ва психология, мактабгача тарбия факультетлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия қилган.

Филология фанлари номзоди М.А.ҲАМРОЕВ нинг мумий таҳрири остида

Такризчилар:

Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари номзоди Р.ЮНУСОВ

Республика таълим маркази “Она тили ва адабиёти” бўлими бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, М.АБДУРАҲИМОВА

*Олий таълим жонкуяри, чин инсон,
марҳума Раъно опа Икромованинг*

Сўз боши

Мазкур дарслик Низомий номидаги ТДПУ профессорлари Д.А.Муҳамедова ва Д.Х.Шодмонқуловлар томонидан тузилган “Она тили” дастури (2006-й.) асосида ёзилди. Бу дарслик олий ўқув юртларининг бошланғич таълим методикаси, дефектология, педагогика-психология, мактабгача таълим каби нофилологик (яъни ўзбек тилини чуқур ўрганишга ихтисослашмаган) факултетлар талабалари учун мўлжалланган бўлиб, умумий тилшуносликдан ҳамда она тили фанининг барча бўлимлари бўйича шу мутахассисликлар фан дастурлари ҳажмида маълумот беради.

Бу дарсликни ёзишда «Таълим ҳақидаги Қонун», “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” каби давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжатлар ва жаҳон ҳамда ўзбек тилшунослиги бўйича кейинги йилларда яратилган илмий ишлар дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Дарсликда тилшунослик фани, унинг ўрганиш объекти, тилнинг ижтимоий моҳияти ва тузилиши, тилшунослик фанининг бошқа фанлар тизимида тутган ўрни, дунё тилларининг таснифи, ўзбек тилининг фонетикаси, луғат бойлиги, лексикографияси, грамматик қурилиши, услубияти ва тиниш белгилари ҳақида кенг маълумот берилади. Дарслик анъанавий тилшуносликнинг бой тажрибасидан ҳамда систем-структур тилшуносликнинг кейинги йилларда қўлга киритган ижобий ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда яратилди. Дарсликни ёзишда муаллифларнинг иштироки куйидагича бўлди:

“Синтаксис” бўлими **Д.А.Муҳамедова** томонидан, “Фонетика”, “Лексикология”, “Лексикография”, “Орфография”, “Орфоепия” бўлимлари **Х.Ғуломова** томонидан, “Фразеология”, “Морфемика”, “Олмош”, “Модал сўзлар”, “Ундов сўзлар”, “Тақлид сўзлар”, “Ўзга гап”, “Услубият”, “Ишорат қоидалари” бўлимлари **М.А.Ҳамроев** томонидан, “От”, “Сифат”, “Сон”, “Феъл”, “Равиш” бўлимлари **Д.Х.Шодмонқулова** томонидан, “Ёрдамчи сўзлар” бўлими **Ш.Йўлдошева** томонидан ёзилди.

1-§. Тилшунослик фани хақида маълумот

Маълумки, ҳозирги замон фанлари тизими қуйидаги асосий йўналишлардан таркиб топган:

1. Табиий фанлар.
2. Техника фанлари.
3. Ижтимоий-гуманитар фанлар.
4. Математика фанлари.¹

Тилшунослик фани кишилар тили хақидаги фан сифатида ижтимоий-гуманитар фанлар гуруҳига киради. “Тилшунослик тил хақидаги, унинг ижтимоий табиати, вазифаси, ички тузилиши, таснифи хақидаги; муайян тилларнинг иш кўриш (фаолият) қонунлари ва тарихий тараққиёти хақидаги фан”². Тилшунослик фани ҳозирги замон фанининг барча асосий турлари билан боғлиқ.

Тилшунослик – кўп қиррали фан. У фан сифатида умумий ва хусусий, назарий ва амалий тилшуносликка ажратилади.

Умумий тилшунослик барча тиллар бўйича тўпланган маълумотларни умумлаштиради ва турли тилларга татбиқ етиладиган назарияни яратади. Умумий тилшуносликнинг мақсади: 1) тилнинг табиатини, моҳиятини аниқлаш; 2) тил хақидаги фаннинг сатҳларини ва уларни ўрганувчи соҳаларни белгилаш; 3) тилларнинг таснифини яратиш; 4) лингвистик таҳлил методикасини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Хусусий тилшунослик – алоҳида, айрим тил хақидаги фан; жумладан, ўзбек тилшунослиги - ўзбек тили хақидаги фан, қозоқ тилшунослиги - қозоқ тили хақидаги фан, рус тилшунослиги – рус тили хақидаги фан ва ҳ.к. Ўз-ўзидан аёнки, ҳар бир хусусий тилшунослик маълум бир конкрет тилга хос бўлган маълумотларни ўз ичига олади.

Назарий тилшунослик тил хақидаги назарияни ўрганса, **амалий тилшунослик** лингвистик билимларни амалда қўллаш билан шуғулланади.

2-§. Тил ижтимоий ҳодисадир

Тил кишиларнинг ўзаро мулоқотга киришуви ва фикр алмашувига бўлган еҳтиёж натижасида пайдо бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Тил пайдо бўлгандан кейин (бу, олимларнинг тахминича, ибтидоий жамоа тузуми даврида юз берган) жамият тез ривожлана бошлаган. Тил жамият учун, унинг аъзолари бўлмиш инсонлар учун хизмат қилади, шунинг учун тил ижтимоий ҳодиса ҳисобланади, яъни тил якка одамга эмас, балки бутун жамиятга дахлдор бўлиб, шу жамият аъзолари ёрдамида шакллантирилиб, ривожланиб боради.

¹ 1. A.Nurmonov, B. Yo`ldoshev. Tilshunoslik va tabiiy fanlar. “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati. –Т.: 2001, 11-bet.

² А.Ҳоҗийев. Tilshunoslik terminlarining izohli lug`ati. O`zbekiston Milliy ensiklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti. –Т.: 2002, 107-bet.

Шу туфайли ҳам тилнинг тақдири жамиятнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Тил бўлмаса, жамиятнинг бўлиши мумкин эмас, яъни тил одамларни жамият сифатида жипслаштириб турувчи буюк неъматдир. Жамияциз тилнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Жамият аъзолари ҳам тилнинг яшаши, ривожланишига ўз хиссаларини қўшади. Шу муносабат билан ўтган асрнинг 80-90-йилларидаги ўзбек тилининг аҳволини еслаш ўринлидир. Бу даврда ўзбек тилининг фаолият кўрсатиш доираси жуда торайиб, унинг йўқ бўлиб кетиш хавфи пайдо бўлди.

Ана шунда жамиятимизнинг илғ ор вакиллари она тилимизни ҳимоя қилиб, унинг тақдири учун қайғуриб, амалий ҳаракатларни бошлашди ва бунинг натижасида 1989 йил 21-октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақидаги Қонун қабул қилинди. Айтиш мумкинки, бу Қонуннинг қабул қилиниши истиклол томон қўйилган дастлабки қадамлардан биридир.

Тил тафаккур билан, кишининг фикрлаш фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай фикр тил материаллари асосида шаклланади.

3-§. Тилнинг тузилиши

Тил тузилишига кўра мураккаб ҳодиса бўлиб, у бир-бири билан узвий боғланган қуйидаги қисмлардан иборат:

1. Товушлар тизими.
2. Луғат бойлиги ёки лексика.
3. Грамматик қурилиши.

Маълумки, инсон тили товуш тилидир. Ҳар бир тилнинг ўз товушлар тизими мавжуд. Товушлар сўзларни, ибораларни, грамматик шакл ва кўрсаткичларни шакллантиради.

Товушлардан иборат бўлган сўз ва иборалар йиғиндиси тилнинг **луғат бойлигини** ташкил қилади.

Луғат бойлигидаги сўз ва иборалар фикрни ифодаловчи гап учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Гап, уни қуриш қонун-қоидаларини тилнинг **грамматик қурилиши** белгилайди.

Демак, тилнинг таркибий қисмлари саналмиш товушлар тизими, луғат бойлиги, грамматик қурилиши ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, бири иккинчисининг бўлишини талаб қилади. Ҳар бир конкрет тил ўзининг ана шу узвлари билан бир бутун тизимни, системани, тил тизимини ташкил этади.

4-§. Тил – тараққий қилиб, ўзгариб борувчи ҳодиса

Тил тўхтовсиз равишда ўзгариб турувчи, тараққий этиб борувчи ижтимоий ҳодисадир. Тил тараққиёти жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Тилнинг тараққиёти биринчи навбатда унинг луғат бойлигида ўз аксини топади. Кишилар ҳаётидаги ўзгаришлар, илм-фан ва маданиятнинг тараққиёти лексикани бойитиб боради. Тилнинг товушлар тизими ва грамматик қурилиши эса жуда секинлик билан ўзгаради. Буни тил тарихини ўрганиш орқалигина сезиш мумкин.

Ўзбек тили - ўзбек миллатининг тили, ўзбек тили - Ўзбекистон Республикасининг давлат тили. Давлат тили сифатида ўзбек адабий тилининг мавқеи бекиёс даражада ўсди, хизмат доираси кенгайди, луғат таркиби бойиди, фонетик тизими, грамматик қурилишнинг такомиллашувида катта ўзгаришлар юз берди.

Ўзбек миллий тили ҳозирги ўзбек миллатига мансуб бўлган барча кишиларнинг умумий ва ягона тилидир. У ўзбек миллатининг шаклланиши билан бевосита боғлиқ. Ўзбек миллати шакллангунга қадар у уруғ тили, қабила тили ва халқ (елат) тили тарзида яшаб, ривожланиб келди.

Ўзбек адабий тили ижтимоий вазифасининг кенгайиши натижасида унинг луғат таркибида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Тилнинг лексикаси ички имкониятлар билан янги ясалган сўзлар ва бошқа тиллардан қабул қилинган сўзлар ҳисобига бойиб бориши кўзга ташланмоқда. Кишилар ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги, халқ ҳўжалигидаги, маданият, фан-техника соҳасидаги кўпгина ўзгаришлар янги тушунчаларни, янгича муносабатларни келтириб чиқарди. Буларнинг ҳаммаси ўзбек тили лексикасининг кўпгина янги сўзлар ҳисобига ҳамда бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳисобига бойишига сабаб бўлди. Масалан: *брокер, дилер, маклер, компьютер, менежер, фермер, бизнес* ва ҳ. Айрим ўзбекча сўзларнинг маъносида ўзгаришлар рўй бериб, улар бошқа маъноларда қўллана бошлади. Масалан: *ишбилармон* ва *тадбиркор* сўзлари илгари сифат туркумига мансуб бўлиб, белги ифодалаган бўлса, ҳозирги пайтда бу сўзлар от туркумига ўтди ва шахс маъносини ифодаладиган бўлди. Бу жараёнларнинг барчаси ўзбек тили луғат бойлигини янги поғ онага кўтарди.

Ўзбек тилининг фонетик тизимида, грамматик қурилишида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлди.

Жумладан, фонетик тизимда, ўзлашма сўзларда ўзбек тилига хос бўлмаган бўғиннинг янги турлари (сўз бошида ва сўз охирида икки ёки ундан ортиқ ундошнинг қатор келиши) пайдо бўлди: *спорт, стол, трактор, шкаф, магистр, конгресс* каби. Шунингдек, ўзлашма сўзларда икки унлининг ўзбек тили учун хос бўлмаган кетма-кет келиш ҳолатлари кузатилади: *аэропорт, бионика, геология, театр, поэма* каби.

Грамматик қурилишда келишиқ шакллари, айрим кўмакчиларнинг маъноси ва вазифаси кенгайди, келишиқли бошқарув ва кўмакчили бошқарув меъёрлари белгиланди. От бошқаруви асосида тузилган сўз бирикмалари кўпроқ қўллана бошлади.

Ўзбек тилининг бундан кейинги тараққиёти лексиканинг яна ҳам бойиши, грамматик қурилишнинг ички қонуниятлар асосида такомиллаша бориши билан боғлиқ равишда давом етади.

5-§. Миллий тил ва унинг таркибий қисмлари

Маълумки, ўзбек халқи Марказий Осиёнинг қадимги халқларидан бири бўлиб, унинг тили ХИ-ХИИ асрларда маълум ижтимоий-тарихий шароитларга кўра халқ тили сифатида шакллана бошлади ва аста-секинлик билан ривожланиб келди.

Қайерда яшашидан қатъи назар ўзбек миллатига мансуб барча одамлар томонидан ишлатиладиган тил **миллий (умумхалқ) ўзбек** тили деб юритилади. Миллий тил ўз таркибига адабий тил, шева, сўзлашув нутқи, жаргонлар, вулгаризм (сўкиш, қарғиш сўзлари), варваризм (тилда ўринсиз ишлатилган чет сўзлар) каби гуруҳ сўзларни қамраб олади.

Жамиятнинг муайян тарихий ривожланиш шароитида халқлар (елатлар) тараққий қилиб, миллатга, халқ тиллари эса миллий тилларга айланди. Демак, миллий тил миллатнинг пайдо бўлиши билан бирга юзага келади.

Миллий тил миллат учун умумий бўлган тилдир. Миллий тил тушунчаси жуда кенг бўлиб, у маҳаллий диалектларни (лаҳжа)ларни ва барча шеваларни ўз ичига олади.

Шева бир миллатга мансуб бўлиб, лекин турли ҳудудларда яшайдиган одамлар томонидан ишлатиладиган миллий тил кўринишидир. Шева адабий тилдан қуйидаги хусусиятларига кўра фарқ қилади:

1. Фонетик (яъни товуш) жиҳатдан: *йўқ (ад.) – жўқ (шева), келди (ад.) – гелди (шева), баҳор(ад.) – боҳор(шева).*

2. Лексик (яъни сўз) жиҳатдан: *ота (ад.) - ада(шева), чумчуқ(ад.) – сеча(шева), сигир(ад.) – инак(шева).*

3. Грамматик (яъни, қўшимчалар ва гап қурилиши) жиҳатдан: *келяпти (ад.) – кевотти – келопти – келутти.*

Халқ шеваларининг фақат **оғзаки** шакли мавжуд.

Шеваларнинг бир-бирига яқин бўлган гуруҳлари **лаҳжа** деб аталади (**диалект** сўзи шева ва лаҳжа тушунчаларини биргаликда ифодалайди.). Жумладан, ўзбек миллий тилининг учта лаҳжалар (диалектлар) гуруҳи мавжуд:

1. Қарлуқ лаҳжаси (жанубий-шарқий гуруҳ).

2. Қипчоқ лаҳжаси (жанубий-ғарбий гуруҳ).

3. Ўғуз лаҳжаси (шимолий-ғарбий гуруҳ).

Қарлуқ лаҳжаси асосан шаҳар шеваларини ўз ичига олади (Тошкент, Андижон, Фарғ она, Самарқанд, Бухоро). Бу шеваларнинг муҳим фонетик ва морфологик белгилари қуйидагилар:

1) сўз охиридаги **к** товуши **й** тарзида айтилади: *елақ - елай, терақ - терай*

2) **о** лашиш юз беради: *ака - ока, наҳор – ноҳор.*

3) Бу лаҳжада қаратқич келишигининг қўшимчаси йўқ бўлиб, унинг ўрнига ҳам тушум келишиги қўшимчаси **-ни** ишлатилади: *укамни(нг) дафтари.*

Қипчоқ лаҳжаси шевалари Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида мавжуд, улар асосан қишлоқларда тарқалган (Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё, Қорақалпоғистон, Шимолий Хоразм вилоятлари, Туркменистоннинг Тошовуз вилояти шевалари). Белгилари қуйидагилар:

1) **й** ўрнида **ж** ишлатилади: *йўл - жўл, йўқ - жўқ.*

2) **г** ўрнида **в** ишлатилади: *тоғ - тов, соғ - сов* ва б.

3) сўз охирида **к, қ** товушлари туширилади: *қуру(қ), сари(қ).*

Ўғуз лаҳжаси Жанубий Хоразмдаги (Урганч, Хива, Хонқа, Ҳазорасп, Қўшкўпир, Шовот туманлари) бир қанча шеваларни ўз ичига олади. Белгилари:

1) унлилар қисқа ва чўзиқ айтилади: *ат (ҳайвон), аад (исм).*

2) **т** товуши **д, к** эса **г** тарзида айтилади: *тоғ - доғ, келди - галди.*

3) **-нинг** қўшимчаси **-инг** тарзида, **-га** қўшимчаси эса **-а, -на** тарзида айтилади: ёримга – ёрима, алина (қўлига).

Ҳозирги ўзбек адабий тили учун қарлуқ лаҳжасига кирадиган Фарғ она-Тошкент шевалари асос қилиб олинган. Олимларнинг фикрича, Тошкент шеваси **фонетик** жиҳатдан, Фарғ она шеваси **морфологик** жиҳатдан адабий тилга асос бўлган. Умуман олганда, адабий тил барча шеваларга таянади.

Миллий тил ва адабий тил тушунчалари бир хил эмас. Миллий тил миллатнинг майдонга келиши билан пайдо бўлса, адабий тил миллий тилдан олдин, халқ тили мавжуд бўлганда ҳам юзага келади.

Миллий тилнинг маълум қоидаларга бўйсундирилган, муайян қолипга солинган, олимлар, санъаткорлар, мутахассислар томонидан ишлов берилган, доим силлиқлаштирилиб, мукаммаллаштирилиб бориладиган шакли **адабий тил** деб аталади. Адабий тил шу тилда гаплашувчиларнинг барчаси учун тушунарли бўлиши керак. Умуман, миллатнинг барча вакиллари учун тушунарли бўлиш зарурати адабий тилнинг яратилишига сабаб бўлган. Миллий ўзбек тилида шеваларнинг кўплиги адабий тилга бўлган еҳтиёжни юзага келтирган. Айрим тилларда (мисол учун, фин тилида) шевалар кам бўлгани учун адабий тилга еҳтиёж йўқ.

Расмий ҳужжатлар, бадиий ва илмий адабиёт, вақтли матбуот адабий тилда яратилади, оммавий ахборот воситалари адабий тилда иш кўради. Адабий тилнинг **оғзаки** ва **ёзма** шакллари мавжуд.

Адабий тилнинг оғзаки шакли нисбатан қадимий бўлиб, у нутқ товушлари, урғу, оҳанг (оҳанг) каби фонетик воситаларга асосланади. Талаффузга оид қоида ва меъёрларни орфоэпия белгилаб беради.

Адабий тилнинг ёзма шакли график воситаларга асосланади. Ёзувга доир қоида ва меъёрларни орфография (имло) ва пунктуация (ишорат) белгилайди.

6-§. Тилларнинг таснифи

Олимларнинг тахмин қилишларича, йер юзида 5000 дан ортиқ тил бор. Бу тиллар тарқалиши ва ижтимоий вазифаларига кўра ҳам, фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларига кўра ҳам ўзаро фарқ қилади. Жаҳон тилларининг кўпчилигини миллий тиллар ва халқ тиллари ташкил қилади, тилларнинг айримлари эса қабила тиллари, ҳатто уруғ тиллари ҳисобланади.

Миллий тиллар ўзининг тарқалиш ҳудуди жиҳатидан ҳамда улардан фойдаланувчи аҳолининг миқдори, сони жиҳатдан бир хил эмас: айрим тилларда кичик ҳудуддаги оз миқдорли аҳоли гаплашади, баъзи тиллар эса жуда катта ҳудудлардаги кўп сонли аҳоли орасида тарқалган. Бундай тилларга инглиз, франсуз, немис, испан, хитой, ҳинд, араб, рус ва шу каби тиллар киради.

Жаҳон тилларини таснифлаш, уларнинг психологиясини ишлаб чиқиш умумий тилшуносликнинг вазифасига киради.

Ер юзидаги тилларни ўрганиш XVIII асрдан бошланди. XIX асрнинг биринчи ярмида тилларни бир-бирига қиёслаб текшириш кенг тус олди. Натижада тилларни текширишда қиёсий усул вужудга келди; бунда тилларнинг фонетик, морфологик, лексик хусусиятлари бир-бирига солиштирилади. Бу

усул билан тилларнинг фақат ҳозирги ҳолатигина эмас, балки уларнинг тарихий ҳолати ҳам ўрганилади. Шунинг учун ҳам ўрганишнинг бу йўли **қиёсий-тарихий усул** деб юритилади. Тилларни шу йўл билан ўрганган ва ўзларининг илмий асослари билан жаҳонга танилган тилшунослар сифатида даниялик Расмус Раск (1787-1832), олмониялик Франс Бопп (1791-1867) ва Якоб Гримм (1785-1863), рус олими Александр Востоков (1781-1864) каби буюк тилшуносларни кўрсатиш лозим.

Тилшуносликда тилларнинг қатор таснифлари мавжуд:

- 1) тилларнинг генеологик таснифи; 2) тилларнинг морфологик таснифи;
- 3) тилларнинг ареал (географик) таснифи; 4) тилларнинг функционал таснифи.

7-§. Тилларнинг генеологик таснифи

Генеологик тасниф тилшуносликда тилларни тарихий-қиёсий усул билан текширишнинг маҳсули бўлиб майдонга келди. Бу таснифга кўра, тиллар бир умумий манбадан келиб чиққанлиги, материали (сўз, ундаги товушлар, ўзак ва қўшимчалар) жиҳатидан яқинлиги, ўхшашлигига асосланиб гуруҳларга ажратилади. Бир умумий манбадан келиб чиққан тиллар қариндош тиллар оиласини ташкил қилади.

Тиллар оиласи қариндош тилларнинг жуда йирик гуруҳи ҳисобланади. Тилшунослик томонидан текшириб аниқланган тил оилалари қуйидагилардан иборат: **1) ҳинд-европа тиллари; 2) семит тиллар; 3) хамит тиллар; 4) дравид тиллари; 5) угор-фин тиллари; 6) хитой-тибет тиллари; 7) иберий-кавказ тиллари; 8) олтой тиллари; 9) австронезия тиллари; 10) япон тили; 11) корейс тили ва бошқалар.**

Булар ўз навбатида яна шохобчаларга бўлинади.

Масалан, энг йирик тиллар оиласи саналмиш **ҳинд-европа** тиллар оиласи қуйидаги тиллар гуруҳларига ажратилади:

1. Ҳинд тиллари. 2. Эрон тиллари. 3. Герман тиллари. 4. Роман тиллари. 5. Славян тиллари. 6. Кельт тиллари. 7. Болтиқ тиллари. 8. Грек тили. 9. Албан тили. 10. Арман тили.

1. Ҳинд тилларига қадимий ҳинд ёки санскрит тили (ўлик тил), ўрта ҳинд тили, ҳозирги ҳинд тиллари (панжоб тили, гужарат тили, бенгал тили) киради.

2. Эрон тилларига тожик тили, афғ он (ёки пушту) тили, осетин тили, курд тили, сўғ д тили (ўлик тил), қадимги форс тили, ўрта форс (ёки пахлавий) тили, янги форс тили киради.

3. Герман тилларига гот тили (ўлик тил), швед, дания, норвег, исланд тиллари (шимолий герман тиллари), инглиз, немис, голланд, фламанд, фриз тиллари (ғарбий герман тиллари) киради.

4. Роман тилларига италян, француз, испан, португал, румин, молдаван, провансал, каталан, сардиния тиллари киради. Роман тиллари тарихан лотин тилидан келиб чиққан. Бундан икки минг йилча олдин жонли тил бўлган лотин тили ҳозир ўлик тилга айланган.

5. Славян тилларига рус, белорус, украин тиллари (шарқий славян тиллари), поляк, словак, чех, лужик тиллари (ғарбий славян тиллари), болгар, македон, серб, хорват, словен тиллари (жанубий славян тиллари) киради.

6. Келт тилларига ирланд, шотланд, уелс, бретон тиллари киради.

7. Болтиқ тилларига қадимги прус тили (ўлик тил), литва тили, латиш тили, латгал тили киради.

Грек, албан, арман тиллари бирор гуруҳга киритилмайди, уларнинг ҳар бири якка-якка ҳолда олинади.

Ўзбек тили олтой тиллар оиласига мансуб бўлиб, унинг туркий тиллар гуруҳига киради. Олтой тиллар оиласи қуйидаги тиллар гуруҳларига бўлинади:

1. Туркий тиллар. 2. Мўғул тиллари. 3. Тунгус-манчжур тиллари.

Туркий тиллар олтой тиллар оиласининг кўп сонли ва ранг-баранг гуруҳидир. Туркий тиллар икки гуруҳга ажратилади: 1) ғарбий туркий тиллари; 2) шарқий туркий тиллари.

Ғарбий туркий тиллари тармоғи ўз навбатида яна тўрт гуруҳга бўлинади: а) булғор тиллари (чуваш тили), б) ўғуз тиллари (гагауз, туркман, турк, озарбайжон тиллари), в) қипчоқ тиллари (татар, бошқирд, кумик, нўғай, қорақалпоқ, қозоқ тиллари), г) қорлуқ тиллари (ўзбек, уйғур тиллари).

Шарқий туркий тиллари тармоғи икки гуруҳга бўлинади: а) уйғур-тўқюй тиллари (тува, ёқут, шор, хакас тиллари), б) қирғиз-қипчоқ тиллари (қирғиз, олтой тиллари).

Мўғул тилларига мўғул, бурят, қалмиқ тиллари (шимолий мўғул тиллари гуруҳи), дагур, дунсян, менгир тиллари (жанубий-шарқий мўғул тиллари гуруҳи) киради.

Тунгус-манчжур тилларига эвенк, евен, негидал тиллари (тунгус гуруҳи) ва манчжур, нанай, удегей, улч, ороқ тиллари (манчжур гуруҳи) киради.

8-§. Тилларнинг морфологик таснифи

Жаҳон тилларининг морфологик таснифи нисбатан кенг тус олган, чунки морфологик тизим тилнинг энг барқарор сатҳи ҳисобланади. Морфологик тасниф сўзнинг тузилишидаги ўзак ва қўшимчаларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга асосланади.

Бу таснифга кўра тилларнинг қариндошлигидан қатъи назар, сўзларнинг тузилиш тури асос қилиб олинади.

Морфологик таснифга мувофиқ жаҳон тиллари тўрт гуруҳга бўлинади:

1) аморф (сўз ўзгартувчи қўшимчасиз) тиллар; 2) агглютинатив тиллар; 3) флектив тиллар; 4) полисинтетик тиллар.

Аморф тилларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда гап таркибидаги сўзлар ҳеч қандай сўз ўзгартувчи қўшимчаларсиз, тўғ ридан-тўғ ри бирикиб, боғланиб келади. Бундай тилларда грамматик маъно ёрдамчи сўзлар, сўз таркиби, музикал урғу ва оҳанг (оҳанг) орқали ифодаланади. Мазкур воситалар сўзлар орасидаги синтактик муносабатни ўрнатиш учун хизмат қилади. Аморф тилларга хитой, тибет, бирма, вьетнам ва хитой-тибет оиласига мансуб бўлган бошқа тиллар мисол бўла олади.

Агглютинатив тилларда ҳар бир грамматик маъно одатда алоҳида аффикс билан, маълум бир грамматик кўрсаткич билан ифодаланади. Масалан, *мактабларга* сўз шакли таркибидаги *-лар* қўшимчаси кўплик кўрсаткичи, *-га* аффикси жўналиш келишиги кўрсаткичидир. *Бормадилар* сўз шакли *бор* - ўзак,

-ма – бўлишсизлик шаклини ясовчи аффикс, *-ди* – яқин ўтган замон шаклини ясовчи аффикс, *-лар* – ИИИ шахс кўпликни ифодаловчи аффиксдир. Бунда бирор аффикс ўзакка ёки маълум бир аффиксга қўшилади.

Агглютинатив тилларга туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили, фин-угор тиллари, дравид, индонез, ҳинду тиллари ва бошқалар, шунингдек, алоҳида тиллар ҳисобланмиш япон ва корейс тиллари киради.

Флектив тилларда бирдан ортиқ грамматик маъно одатда биргина грамматик кўрсаткич орқали ифодаланади. Масалан, рус тилидаги *книга* сўзшакли таркибидаги *-а* аффикси (тугалланмаси) уч грамматик маънони: 1) жинсни (женский род), 2) бош келишикни (именителный падеж), 3) бирлик сонни (йединственнойе число) билдириб келган; рус тилидаги *учу* сўз шакли таркибидаги *-у* аффикси ҳам уч грамматик маънони: 1) аниқлик (хабар) майлини; 2) ҳозирги замонни; 3) 3-шахс бирликни кўрсатиш учун хизмат қилган.

Флектив тиллардаги бундай грамматик кўрсаткич (тугалланма) **флексия** деб юритилади. Флексия икки хил бўлади: **ташқи флексия** ва **ички флексия**.

Ташқи флексия сўз охирига қўшилиб келса, ички флексия сўзнинг ўзагида бўлади. Флексиянинг иккала тури ҳам сўзни грамматик жиҳатдан ўзгартиради. Ташқи флексияли тилга **рус** тили мисол бўла олади: *земл-я, вод-а, пол-е, облак-о, люд-и* сўзлари охиридаги унлилар, тугалланмалар сўзнинг грамматик маъносини кўрсатиб туради.

Сўз ўзаги ичидаги товушни, унли товушни ўзгартириш йўли билан грамматик маънони ифодалаш ички флексия саналади. Масалан, инглизча *woman* (аёл) сўзшакли таркибидаги *a* унлиси бирлик сонни, *woмен* (аёллар) сўзшаклидаги *e* унлиси кўплик сонни кўрсатувчи флексиядир.

Флектив тилларга ҳинд-йевопа, семит, хамит тиллари киради.

Полисинтетик тилларнинг хусусияти шундан иборатки, уларда бутун бир гап бир сўз ҳолида ёзилади. Полисинтетик тилларга **чукот** тили киради.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Тилшунослик фани нималарни ўрганади?
2. Тилшунослик фанининг қандай турлари бор ва улар ўзаро қандай фарқланади?
3. Нима учун тил ижтимоий ҳодиса саналади?
4. “Жамияциз тил, тилсиз жамият бўлиши мумкин эмас”, деган фикрни қандай изоҳлайсиз?
5. Тилнинг таркибий қисмлари деганда нималар назарда тутилади?
6. Тилда юз берадиган ўзгаришлар биринчи навбатда унинг қайси бўлимида (сатҳида) юз беради ва нима учун?
7. Кейинги пайтларда ўзбек тили сатҳларида (лексика, фонетика, грамматикасида) қандай ўзгаришлар юз берди?
8. Миллий тил нима ва унинг таркибига нималар киради?
9. Шевалар адабий тилдан қайси жиҳатларига кўра фарқланади?
10. Ўзбек тилида қандай лаҳжалар мавжуд ва улар қандай белгиларга эга?
11. Тилшуносликда тилларнинг қандай таснифлари мавжуд?

12. Тилларнинг генеологик таснифланишига кўра йер юзида қандай тил оилалари бор?
13. Олтой тиллар оиласи ва туркий тиллар гуруҳи ҳақида нималарни биласиз?
14. Морфологик тасниф бўйича бўлинган аморф ва агглютинатив тиллар гуруҳлари ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
15. Флектив ва полисинтетик тиллар ҳақида нималарни биласиз?

Ф О Н Е Т И К А

1-§. Фонетика ва фонология ҳақида умумий маълумот

Фикр гап орқали ифода қилинади. Гап, одатда сўзлардан ташкил топади. Гап таркибида сўзлар ва шу сўзларнинг ўзаро боғланишини таъминловчи грамматик воситалар (қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар) маълум нутқ товушлари орқали шаклланади. Масалан: *Биз улугайёмни мана шу чўлда кутиб оляпмиз* (Й. Шамшаров). Бу гапни тузишда *биз, улуг, айём, мана, шу, чўл, кутиб, олмоқ* сўзлари, уларнинг ўзаро боғланишини таъминловчи *-ни* (тушим келишиги қўшимчаси), *-яп* (замон маъносини ифодаловчи қўшимча), *-миз* (шахс-сон қўшимчаси) қўшимчалари қатнашган; ҳар бир сўз ва қўшимча эса нутқ товушлари воситасида (масалан, *биз* - *б, и, з*; *улуг* - *у, л, у, г*; *-ни* - *н, и*; *-да* - *д, а* каби) шаклланди.

Кўринадикки, нутқ товушлари сўз ва гапларни тузишда моддий база ҳисобланади, чунки инсон тили товуш тилидир.

Фонетика тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, унда нутқ товушлари, уларнинг ҳосил бўлиши, турлари, ўзгариши, урғу, бўғин, оҳанг кабилар ўрганилади. **Фонетика** грекча *пҳоне* сўзидан олинган бўлиб луғавий маъноси *товуш* демакдир.

Фонология сўзи таржима қилинганда “товуш ҳақидаги таълимот” деган маънони билдиради (*пҳоне* – товуш, *логос* - таълимот). Бу бўлимда товушларнинг сўз ва морфемалар маъноларини фарқлашдаги роли баён қилинади. Агар фонетика бўлимида товушларнинг физиологик-акустик хусусиятлари текширилса, фонологияда, таъбир жоиз бўлса, товушнинг ижтимоий моҳияти ўрганилади.

2-§. Товуш ва фонема

Товуш билан фонемани ўзаро фарқлаш зарур. **Товуш** нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлинмайдиган энг кичик бирлигидир, у маъно ифодаламайди, лекин ҳар қандай сўз товушлар воситасида шаклланади. Масалан, *а, д, м, о* товушларини маълум бир тартибда талаффуз қилиш орқали *одам, омад, мода* сингари бошқа-бошқа маънодаги сўзлар ҳосил қилинади. Сўзлар товуш таркибига кўра турлича бўлади.

1. Бир товуш билан фарқ қиладиган сўзлар: *от – ол, ол – оқ, оқ - ош, ош – ов, ов – оз, оз – он, он – ор, ор – ос, ос – оч, оч – оғ, оғ - ох; оз – из, из – уз, уз – ез, давлат – савлат, ко`за – з`о`за* каби.

2. Товушларнинг жойлашиш тартибига кўра фарқ қиладиган сўзлар. Масалан: *қўй – йўқ* (биринчи сўз таркибидаги биринчи товуш иккинчи сўзнинг охирида қўлланади.)

3. Бирор товушнинг ортиқлиги билан фарқ қиладиган сўзлар: *ўлка – йўлка, ет-бет, сава – сават, тана – ташина, тахт – тахта, ўроқ - сўроқ* каби.

Демак, сўзлар товушлардан тузилади, улар бир, икки, уч, тўрт ва ҳоказо миқдордаги товушларнинг тартиблашишидан ҳосил бўлади.

Фонема сўз маъносини фарқлаш учун хизмат қиладиган товуш туридир. Масалан: *бал - бел – бил – бол – бўл* сўзлари таркибидаги *а, е, и, о, ў* товушлари сўз маъноларини белгилаш (ажратиш)га хизмат қилувчи фонемалардир: *бор, дор, зор, кор, нор, тор, хор, чор, қор* сўзлари таркибидаги биринчи товушлар (*б, д, з, к, н, т, х, ч, қ*) ҳам шундай вазифа бажарган.

Фонемаларнинг уч белгиси бор: 1. Акустикаси (эшитилиши). 2. Артикуляцияси (айтилиши ёки талаффузи). 3. Маъно фарқлаши (баъзи дарсликларда “лингвистик томони” дейилади)³.

Булар ичида фонеманинг маъно ажратиш белгиси муҳим ҳисобланади. Акс ҳолда товуш фонема саналмайди.

³ Tursunov U., Muxtorov J., Rahmatullayev Sh. Hozirgi o`zbek adabiy tili. – T.: “O`zbekiston” nashriyoti. 1992, 15-bet.

3-§. Фонетик акустика

Фонетик акустика нутқ товушларининг физик хусусиятларини текширадиган соҳадир. Акустик жиҳатдан ҳар қандай товуш ҳаво оқимининг тебраниши ва бу тебранишнинг қулоққа ешитилишидир. Нутқ товушлари эса ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг ун пайчалари тебранишидан ҳосил бўладиган овоз ва нутқ органларида ҳосил бўладиган шовқиннинг қулоққа ешитилишидир. Нутқ товушлари акустикасида кўйидагилар фарқланади:

1. Нутқ товушларининг баландлиги ёки пастлиги маълум вақт ичида ун пайчаларининг тебраниш миқдорига кўра ҳар хил чиқишидир: ун пайчалари кўп тебранса, товуш баланд бўлади, аксинча, ун пайчалари кам тебранса, товуш паст чиқади.

2. Нутқ товушларининг кучи маълум кенгликдаги майдондан маълум вақтда ўтадиган энергия миқдоридир. Бу ҳақда тилшунос олим Ҳ.Жамолхонов шундай ёзади: “Товушнинг кучи (интенсивлиги) - 1 см^2 майдондан 1 секундда ўтадиган энергия миқдоридир”⁴ Демак, нутқ товушларининг кучи ун пайчалари тебраниши кенглигига боғлиқ: тебраниш кенглиги катта бўлса, товуш кучли чиқади, бу кенглик кичик бўлса, товуш ҳам кучсиз чиқади.

3. Нутқ товушларининг тембри (сифати) – асосий тон билан ҳосил бўлади. Товушларнинг тембри оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиғининг ҳажми, шаклига, товуш пайчаларида шовқиннинг қандай ҳосил бўлишига боғлиқ.

4. Товушнинг чўзиқлик даражаси ун пайчаларининг тебраниши давом етган вақт билан ўлчанади. Тебраниш узок давом еца, товуш чўзиқ; тебраниш қисқа давом еца товуш қисқа бўлади.

4-§. Нутқ товушларининг артикуляцияси

Нутқ товушларини ҳосил қилишда иштирок этадиган органлар **нутқ аъзолари** деб юритилади. **Артикуляция** деганда эса нутқ аъзоларининг нутқ товушларини ҳосил қилишдаги фаолияти англашилади.

Нутқ аъзоларига кўйидагилар киради:

1. Нафас аппарати: ўпка, бронхлар (бир жуфт), нафас йўли (трахея).

2. Бўғиз бўшлиғида халқасимон, пирамидасимон, қалқонсимон тоғайлар ҳамда ун пайчалари жойлашган.

3. Оғиз бўшлиғида тил, танглай (қаттиқ ва юмшоқ), кичик тил, лаб ва тишлар жойлашган .

4. Бурун бўшлиғи.

5. Марказий нерв системаси.

Нутқ аъзоларининг жами **нутқ аппарати** дейилади. Енди ҳар бир нутқ аъзосининг вазифаси хусусида тўхталиб ўтамыз.

Ўпка инсон организмни кислород билан таъминловчи аъзо эканлиги ҳаммага маълум. Нутқ аъзоси сифатида эса ўпка нутқ товушларининг ҳосил бўлиши учун зарур бўлган ҳаво оқимини етказиб беради, яъни инсон нафас олганида ўпка ва ундаги бронхлар ҳавога тўлади ва бу ҳаво оқими ташқарига

⁴ Jamolxonov H.A. Hozirgi o`zbek adabiy tili. - T.: “Talqin” nashriyoti. 2005, 25-bet.

қайтиб чиқиш жараёнида товуш ҳосил қилувчилик вазифасини ҳам бажаради. Ҳаво оқими **нафас йўли** орқали **бўғизга** томон ҳаракатланади. Бўғиздаги **чўмичсимон, узуксимон, шохсимон, ҳалқасимон, пирамидасимон, қалқонсимон тоғайлар** ун пайчаларини ушлаб турувчи аъзолардир. **Ун пайчалари** эса овоз манбаи ҳисобланади, чунки улар дутор ёки соз торларига ўхшаб ҳаво урилиши натижасида овоз чиқаради (симёғ очга тортилган симларнинг шамол келиб урилиши натижасида чийиллаб овоз чиқаришини кўз олдингизга келтиринг). **Оғиз бўшлиғи** товушни кучайтириб беришга ёрдам берадиган аъзодир. **Тил** жуда кўп товушларни ҳосил қилишда иштирок этадиган аъзодир. Тилнинг турлича ҳаракати ва ҳолати натижасида унли ва ундош товушлар ҳосил бўлади. **Кичик тил** ҳам айрим товушларнинг (**қ, з, х**) ҳосил бўлишида қатнашади. **Лабларнинг** кенг очилиши, чўччайиши, жипслашиши ёки пастки лабнинг устки тишларга тегиши натижасида турли товушлар ҳосил бўлади. Айрим товушлар ҳаво оқимининг **тишлар** орасидан сирғалиб чиқиши натижасида ҳосил бўлади. **М, н, нг** товушлари ҳосил бўлишида ҳаво оқимининг бир қисми бурун бўшлиғи орқали ўтиб, ташқарига чиқади. **Марказий нерв системаси** нутқ аъзолари ҳаракатини юзага келтиради, бу ҳаракатни бевосита бошқариб туради. Ана шу тариқа ҳар бир нутқ аъзосининг товушларни ҳосил қилишда ўз вазифаси бор.

Сўз маъноларини ажратиш, чэгаралаш учун хизмат қиладиган воситалар **фонетик воситалар** саналади. Бундай воситалар қаторига **нутқ товушлари, урғу, оҳанг (оҳанг)** киради. Сўз маъноларини фарқлашга хизмат қиладиган фонемалар хусусида юқорида фикр юритилди. Луғат таркибидаги барча сўзлар, грамматик шакллар ана шу фонемаларининг маълум тартибда кетма-кет жойлашиши орқали шаклланади. Айрим ҳолларда ўхшаш бўлган (омоним) сўзларнинг маъно ва грамматик шаклларини фарқлашда **урғу** (лексик урғу) фонетик восита бўлиши мумкин. Масалан: *олма́* (предмет, меванинг бир тури), *о́лма* (ҳаракат, *олмоқ* феълнинг бўлишсиз шакли, *-ма* қўшимчасини ажратиш мумкин); *академи́к* (предмет, от), *академи́к* (белги, сифат); *гулла́р* (от, “кўп гул” маъносида), *гилла́р* (феъл, “гулламоқ”).

Гапнинг мақсадга кўра турини ажратишда эса **оҳанг (оҳанг)** фонетик восита бўлиши мумкин. Масалан: *Дарс бошланди. (дарак гап) Дарс бошланди? (сўроқ гап).*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Фонетика нимани ўрганади?
2. Товуш ва фонеманинг фарқини айтинг.
3. Фонология ҳақида нималарни биласиз?
4. Фонема қандай белгиларга эга?
5. Фонетик акустика ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
6. Нутқ товушлари артикуляцияси деганда нимани тушунасиз?
7. Нутқ аъзоларининг вазифалари нималардан иборат?
8. Ўзбек тилининг фонетик воситаларига нималар киради?

6-§. Нутқ товушларининг таснифи

Нутқ товушлари икки хил: **унли товушлар, ундош товушлар**. Булар қуйидагича фарқланади: 1) унли товушлар ҳосил бўлишида ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан ўтади, ундош товушларни ҳосил қилишда эса ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учрайди ва бунинг натижасида шовқин ҳосил бўлади; 2) унли товушларни чўзиб талаффуз қилиш мумкин, ундошларни эса чўзиб талаффуз қилиб бўлмайди; 3) унли товушлар талаффузида товуш пайчалари албатта титрайди, ундошлар талаффузида эса товуш пайчалари титраши ҳам (жарангли ва сонорларда), титрамаслиги ҳам (жарангсизларда) мумкин.

7-§. Унли товушлар ва уларнинг таснифи

Ҳар бир тил ўзининг унли товушлар тизимига эга. Бу тизим **вокализм** деб аталади. Ўзбек тилидаги унли товушлар (**а, и, о, у, ў, е**) уч томондан тасниф қилинади:

1. Тилнинг горизонтал (ётиқ) ҳаракатига кўра.

Оғиз бўшлиғида енг фаол орган тилдир. У унли товушларни талаффуз қилишда олдинга (тиш ёки милкка томон) ва орқага қараб ҳаракат қилади. Тилнинг бу ҳаракати **горизонтал** ҳаракат ҳисобланади. Шунинг учун унлилар тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1) олд қатор унлилар: **а, е, и;**

2) орқа қатор унлилар: **о, ў, у.**

2. Тилнинг вертикал (тик) ҳаракатига кўра.

Унли товушлар талаффузида тилнинг танглайга томон кўтарилиши ва тушиши **вертикал** ҳаракатдир. Бу ҳаракат туфайли оғизнинг очилиш даражаси ҳар хил бўлади. Чунончи, **и, у** унли товушларини ҳосил қилишда тил танглайга яқин туради, шунинг учун ҳам оғизнинг очилиш даражаси тор бўлади; аксинча, **а, о** товушларини ҳосил қилишда тил танглайдан анча узоқлашади (қуйида туради), шунинг учун тил билан танглай ўртасидаги оралиқ кенг бўлади; **е, ў** товушларини ҳосил қилишда эса тил билан танглай ўртасидаги оралиқ ўртача (тор ҳам эмас, кенг ҳам эмас) бўлади. Кўринадикки, тилнинг вертикал ҳаракати оғизнинг очилиш даражасини (тор, кенг, ўрта кенг) белгилайди. Шунинг учун унлилар тилнинг вертикал ҳаракати (ёки оғизнинг очилиш даражаси)га кўра уч гуруҳга бўлинади:

1) юқори тор унлилар: **и, у;**

2) ўрта кенг унлилар: **е, ў.**

3) қуйи кенг унлилар: **а, о.**

3. Лабларнинг иштирокига кўра.

Унлилар талаффузида лабларнинг роли ҳам каттадир. Айрим унлилар талаффузида лаблар албатта қимирлайди, яъни улар доира шаклини олади, айримларида эса нисбатан кам қимирлайди. Шунга кўра унлилар икки гуруҳга бўлинади:

1) лабланган унлилар: **у, ў, о;**

2) лабланмаган унлилар: **и, е, а.**

Унли товушлар таснифини қуйидаги жалдвалда акс еттириш мумкин:

Лабларнинг иштирокига кўра	Тилнинг горизонтал харакатига кўра		Тилнинг вертикал харакатига кўра
	Олд қатор	Орқа қатор	
Лабланмаган	<i>и</i>		Юқори тор унлилар
Лабланган		<i>у</i>	
Лабланмаган	<i>е</i>		Ўрта (кенг) унлилар
Лабланган		<i>ў</i>	
Лабланмаган	<i>а</i>		Қуйи (кенг) унлилар
Лабланган		<i>о</i>	

8-§. Айрим унли товушлар тавсифи

И унлиси қуйидагича тавсифланади:

- 1) сўз бошида (*ипак*), сўз ўртасида (*тилак*) ва сўз охирида (*тулки*) келади.
- 2) сўз ичида икки жарангсиз ундош орасида ниҳоятда қисқа айтилади: *билан, сира*.
- 3) *к, г, х* ундошларидан кейин келганда орқа қатор унли каби айтилади: *қир, Ғирот, охир*.
- 4) чўзиқ варианты бор: *муҳим, муסיқа*.
- 5) *е* товушига мойил варианты бор: *мих-мех*.

У унлиси қуйидагича тавсифланади:

- 1) сўз бошида (*урмоқ*), сўз ўртасида (*тугун*) ва сўз охирида (*урғу*) келади.
- 2) тил олди варианты ҳам учрайди: *куч, гул*;
- 3) *қулф, гулгула, тухум* сўзларида эса тил орқа варианты қўлланган.
- 4) *и* товуши каби кучсизланиши, яъни қисқариши ҳам мумкин: *тухум, булбул, тутун* каби.

Е унлиси қуйидагича тавсифланади:

- 1) сўз бошида, сўзнинг биринчи бўғинида келади: *ешик, елак, еътибор, кел, бет* каби.
- 2) жонли нутқда шева таъсирида *и* товушига мойиллашади: *дейди – дийди*.
- 3) ўғуз шеваларида *а* товушига ўтиш ҳолати ҳам мавжуд: *ешик – ашик, деб – даб, кел – гал* каби. Лекин адабий тилда *е* тарзида талаффуз етилади.

А унлиси қуйидагича тавсифланади:

- 1) сўз бошида (*ари*), ўртасида (*дафтар*) ва сўз охирида (*қора*) келади.
- 2) *қ, х, г* товушларидан кейин келганда тил орқароқ - орқа қатор унлиси каби талаффуз қилинади: *газаб, хабар*.
- 3) баъзи сўзларда шева таъсирида *о* товуш каби айтилади: *баҳо – боҳо, шавла – шовла*. Адабий тилда *а* тарзида талаффуз етилади.

О унлиси қуйидагича тавсифланади:

- 1) сўз бошида (*олим*), ўртасида (*тоза*) ва сўз охирида (*бобо*) келади.

Ў унлиси қуйидагича тавсифланади:

- 1) содда сўзларнинг асосан биринчи бўғинида учрайди: *ўғил, бўри, тўғри, ўрин, бўйин*.
- 2) ўзлашма сўзларнинг охирги бўғинида ҳам келади: *рўбарў, хушрўй, гулрў, кубок, (кубўк)*.

3) тил олди варианты ҳам бор: *ўрик, кўл, чўл*.

9-§. Ундош товушлар ва уларнинг таснифи

Ундош товушлар тизими тилда **консонантизм** деб юритилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида 24 та ундош товуш мавжуд: *б, в, з, д, ж* (*журнал* сўзидаги биринчи товуш), *жс* (*жой, жийда* каби сўзлардаги биринчи товуш), *з, й, к, л, м, н, нг* (*тонг* сўзидаги охириги товуш), *п, р, с, т, ф, х, ч, ш, қ, ғ, җ*. Сирғалувчи *жс, ф* тожик ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда келади: *фойда, офтоб, фабрика, тафаккур, журнал, аждар*. Ундошлар ҳам уч томондан тасниф қилинади:

1. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра ундош товушлар уч асосий гуруҳга бўлинади:

1) лаб ундошлари бевосита лаблар иштирокида ҳосил бўлувчи товушлар бўлиб, уларга *б, п, м, в, ф* ундошлари киради.

Лаб ундошларининг баъзилари икки лаб орасида пайдо бўлади: баъзилари эса (масалан, *автобус, автор, вагон, вирус, пассив* каби сўзлардаги *в*; *телефон, кефир, фабрика, факт, фазо, фармон, фасон* каби сўзлардаги *ф*) пастки лаб билан устки тишлар орасида ҳосил бўлади. Шунга кўра лаб ундошларини икки турга бўлиш мумкин:

а) лаб-лаб ундошлари: *б, м, п*;

б) лаб-тиш ундоши: *в, ф*.

2) тил ундошлари бевосита тил иштирокида ҳосил қилинувчи товушлар бўлиб, уларга қуйидаги ундошлар киради: *з, д, жс* (*гижда* сўзидаги каби), *жс* (*жийда* сўзидаги каби), *з, й, к, л, н, нг* (*онг*), *р, с, т, х, ч, ш, қ, ғ* (жами 18 та).

Ундошлар тилнинг қайси қисмида ҳосил бўлишига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади: *т, д, н* каби товушлар тилнинг олд қисми билан тиш ва милк орасида; *к, з* каби ундошлар тилнинг орқа қисми билан қаттиқ танглайнинг орқа қисми орасида; *й* ундоши тилнинг ўрта қисми билан қаттиқ танглайнинг орқа қисми орасида; *қ, ғ* товушлари эса тил илдизи билан юмшоқ танглайнинг орқа қисми орасида (бўғизга яқин жойди) ҳосил бўлади. Шунга кўра, тил ундошлари ўз навбатида 4 гуруҳга бўлинади.

а) тил олди ундошлари: *д, жс* (*журнал*), *жс* (*жаҳон*), *з, л, н, р, с, т, ч, ш* (жами 11 та);

б) тил ўрта ундоши: *й*;

д) тил орқа ундошлари: *к, з, нг* (*жанг*);

е) чуқур тил орқа ундошлари: *қ, ғ, х*.

3) бўғиз ундоши. Бўғиз ундоши фақат битта *ҳ* товушидан иборат бўлиб, у бўғиз бўшлиғида ун пайчалари орасидаги тор ораликда ҳосил бўлади (жадвалга қаранг).

Е с л а т м а : Шунинг айтиш керакки, *в* товушининг лаб-лаб варианты ҳам мавжуд: *ов, қовун, бевосита, биров*. Шунингдек *ф* товушининг ҳам лаб-лаб варианты бор: *вафо, пуф, туфурмоқ, жуфт*. Тилшунос Ҳ.А.Жамолхонов

“лаб-тиш **в** ни лаб-лаб **в** нинг факултатив варианты деб қараш тўғрироқ бўлади” деган фикрни билдирган.⁵

2. Ҳосил бўлиш усулига кўра ундош товушлар уч турга бўлинади:

1) портловчи ундошлар (жами 9 та) икки нутқ аъзосининг ўзаро жипслашуви ва ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг ана шу нутқ аъзоларига маълум зарб билан урилиб, портлаб ўтишидан ҳосил бўладиган товушлар бўлиб, уларга: **б, г, д, ж** (*жўжа* сўзидаги), **к, п, т, ч, қ** ундошлари киради. Портловчи товушлардан **б, п** ундошларини ҳосил қилишда ҳаво оқими икки лаб орасидаги тўсиқдан, **д, ж** (*жажжи* сўзидаги), **т, ч** ундошларини ҳосил қилишда тилнинг олд қисми билан тишлар ва милк орасидаги тўсиқдан, **к, г** ундошларини ҳосил қилишда эса тилнинг орқа қисми билан танглайнинг орқа қисми орасидаги тўсиқдан портлаб ўтади. Бу ундошлардан **ч, ж** (*жадвал* сўзидаги) ўзига хос мураккаб артикуляцияси билан бошқалардан ажралиб туради. Масалан, **ч** ундошининг ҳосил бўлишида тилнинг олд қисми милкка тақалади, лекин одатдаги портлаш юз бермай, оғиз бўшлиғига келган ҳаво, асосан, сирғалиб чиқади. Натижада, тўла бўлмаган портлаш (**т + ш = ч** каби) қоришиқ (**аффрикатив портловчи** ҳам дейилади) портловчини вужудга келтиради. Қоришиқ **ж** товуши эса портловчи **д** ва сирғалувчи **ж** товушлари оралиғидаги товушдир, шунинг учун *Жума, Жаҳонгир* сўзлари рус тилида *Джума, Джахонгир* шаклида ёзилади ва шундай талаффуз қилинади. Шу жиҳатдан портловчилар икки турга ажратилади.

а) соф портловчилар: **б, г, д, к, п, т, қ;**

б) қоришиқ портловчилар: **ч, ж** (*жаҳон*)

2) сирғалувчи ундошлар (жами 9 та) икки нутқ аъзосининг ўзаро яқинлашиши ва ҳаво оқимининг ана шу нутқ аъзолари орасидан сирғалиб чиқиши билан ҳосил бўладиган товушлар бўлиб, уларга **в, ж** (*журнал, виждон*), **з, й, с, ф, х, ш, г, ҳ** ундошлари киради.

Ҳаво оқимининг икки лаб ўртасидаги ёки пастки лаб билан юқори тишлар орасидаги тор ораликдан сирғалиб ўтиши **ж** (*жирафа*), **з, с, ш** ундошларини; тил ўрта қисми билан қаттиқ танглайнинг ўрта қисми орасидаги тор ораликдан сирғалиб ўтиши **й** ундошини; тилнинг орқа қисми билан танглайнинг орқа қисми ўртасидаги тор ораликдан сирғалиб ўтиши **г, х** ундошларини; бўғиздаги ун пайчалари орасидаги тор ораликдан сирғалиб ўтиши эса **ҳ** ундошини вужудга келтиради.

3) портловчи-сирғалувчи ундошлар (жами 5 та) бир вақтнинг ўзида ҳам портлаш, ҳам сирғалиш жараёнларининг рўй бериши натижасида ҳосил бўлади. Уларга **м, н, нг, л, р** ундошлари киради. Бундай ундошлар ҳосил бўлиш усулига кўра бошқа ундошлар (портловчилар, сирғалувчилар)дангина эмас, ўзаро ҳам фарқ қилади ва уч гуруҳга бўлинади:

а) бурун товушлари: м, н, нг. Булардан **м** ундошининг ҳосил бўлишида ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг бир қисми оғиз бўшлиғидан лабларнинг тўскинлигига учраб, қисман портлаб, ҳаво оқимининг қолган қисми бурун бўшлиғидан сирғалиб чиқади, **н** ундошининг ҳосил бўлишида эса тил учи юқори тишларга ва милкка тегиб, ярим портлаш рўй беради, бурун йўли очик

⁵ 1. Jamolxonov H.A. Hozirgi o`zbek adabiy tili. - T.: “Talqin” nashriyoti. 2005, 59-bet.

бўлгани учун, ҳаво оқимининг қолган қисми бурун бўшлиғи орқали сирғалиб чиқади. Тилнинг орқа қисми қаттиқ танглайнинг орқа қисмига тегиб, ҳаво оқимининг қисман портлаши ва ҳаво оқимининг бир қисми бурун бўшлиғи орқали сирғалиб чиқиши **нг** товушини вужудга келтиради.

б) ён товуш л ундошини ҳосил қилишда тил учи юқорига томон букилиб, милкка тэгади, аммо ҳаво оқимининг тилнинг икки ёнидан сирғалиб ўтиши унинг оғиз бўшлиғидан қисман портлаб, қисман сирғалиб чиқишига сабаб бўлади.

д) титроқ товуш р ундошини ҳосил қилишда ўпкадан чиқаётган ҳаво тўлқини тилнинг учига зарб билан кучли урилади ва уни титратади, тилнинг титраб туриши эса ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғидан портлаб-сирғалиб чиқишига олиб келади.

Демак, портловчи-сирғалувчи ундошларнинг ҳосил бўлишида ҳам портловчиларга хос бўлган икки аъзонинг жипслашуви, ҳам сирғалувчиларга хос бўлган икки нутқ аъзоси орасидаги тор ораликдан (ёки бурун бўшлиғидан) сирғалиб ўтиши содир бўлади.

3. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундош товушлар дастлаб икки турга бўлинади:

1) шовқинли ундошлар (жами 19 та) таркибида шовқиннинг миқдори овозга нисбатан кўп ёки овоз мутлақо қатнашмаган товушлар бўлиб, бу гуруҳга **б, в, г, д, ж** (*аждар*), **ж** (*жиян*), **з, й, к, н, с, т, ф, х, ч, ш, қ, ғ, җ** ундошлари киради. Шунинг учун ҳам шовқинли ундошлар ун пайчаларининг иштирокига, таркибида овознинг иштирок етиш-етмаслигига кўра, иккига бўлинади:

а) жарангли ундошларни (жами 9 та) талаффуз қилиш пайтида ун пайчалари титрайди, шунинг учун унинг таркибида овоз қатнашади, лекин овоз миқдори шовқинга нисбатан озроқдир. Жаранглилар шу билан сонорлардан фарқ қилади: **в, б, г, д, ж** (*гараж*), **ж** (*жўхори*), **з, й, г**.

б) жарангсиз ундошлар (жами 10 та) талаффузда ун пайчалари қатнашмайди, бу ундошлар фақат шовқиннинг ўзидан иборат бўлган, таркибида овоз мутлақо иштирок етмайдиган товушлардир: **к, н, с, т, ф, х, ч, ш, қ, җ**. Баъзи жарангли ва жарангсиз ундош товушлар ҳосил бўлиш ўрни жиҳатдан жуфтлик (8 та) ҳосил қилади: **б – н, в – ф, г – к, д – т, ж(қоришиқ) – ч, ж(сирғалувчи) – ш, з – с, г – х**.

2) сонор (ёки шовқин иштирок етган овоздор) ундошлар (жами 5 та) таркибида овознинг миқдори шовқинга нисбатан ортиқ бўлиб, уларга **м, н, нг, л, р** ундошлари киради. Бундай овоздор ундошларнинг ҳосил бўлишида ун (овоз) пайчалари фаол иштирок этади – бу товушлар ун пайчаларининг титрашидан ҳосил бўлади, шунинг учун ҳам улар унли товушларга бирмунча яқин туради. Аммо бу ундошлар ўпкадан чиқиб келаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида тўсиққа учраб, қисман шовқин ҳосил қилиши натижасида ҳосил бўлади.

Ундош товушларнинг таснифини қуйидаги жадвалда акс эттириш мумкин:

Овоз ва	Ҳосил	Ҳосил бўлиш ўрнига кўра
---------	-------	-------------------------

шовқиннинг иштирокига кўра		бўлиш усулига кўра		Лаб ундошлари		Тил ундошлари				Бўғиз ундоши
				лаб-лаб	лаб-тиш	тил олди	тил ўрта	тил орқа	чуқур тил орқа	
Шовқинлилар	Жарангли	Портловчилар	Соф портловчилар	б		д		г		
	жарангсиз			п		т		к	қ	
	жарангли		Қоришиқ портловчилар			ж				
	жарангсиз					ч				
	жарангли	Сирғалувчилар		в	в ¹	ж ¹ , з	й		ғ	
	жарангсиз			ф	ф ¹	с, ш			х	ҳ
Овоздор (сонор)лар	жарангли	Портловчи-Сирғалувчи-лар	Бурун товушлари	м		н		нг		
			Ён товуш			л				
			Титроқ товуш			р				

10-§. Ундош товушлар тавсифи

Б товуши - лаб-лаб, соф портловчи, жарангли ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*баҳор*), ўртасида (*абдий*) ва охирида (*китоб*) учрайди. Бу товуш сўз охирида келганда жарангсизлашади ва **п** товуши билан алмашади: *мактаб* – *мактап*, *одоб*- *одоп*. Бу товуш кўпинча икки унли орасида келганда ёки икки феъл бирикиб талаффуз қилинганда, **в** товуши каби айтилади ва баъзан шундай ёзилади: *кабоб* – *кавоб*, *қобирга* - *қовурга*, *сабил* – *савил*, *қурбақа* – *қурвақа*, *кўра бер* – *кўравер* каби.

Сўз бошида келган **б** товуши айрим шеваларда талаффуз пайтида **м** товушига ўтади: *мурч* > *бурч* (гармдори – Хоразм шевасида). Тарихан **б** ва **м** товушларининг алмашинуви туркий тилларда кузатилади: *бен* – *мен*, *бунга* – *мунга* ва ҳ.

В товуши – лаб-лаб ва лаб-тиш, сирғалувчи, жарангли ундош товуш. Сўзнинг бошида (*вазифа*, *вафо*), ўртасида (*совун*, *лавлаги*, *тақвим*) ва охирида (*ўтов*, *биров*) кела олади. Соф ўзбекча сўзларда бу товуш сўз бошида деярли қўлланмайди.

М товуши - лаб-лаб, портловчи-сирғалувчи, бурун, сонор, жарангли ундош товуш бўлиб, сўзнинг бошида (*меҳр*, *мўйлов*, *мулк*), ўртасида (*омон*, *умр*) ва охирида (*том*, *бодом*, *қадам*) кела олади.

П товуши – лаб-лаб, соф портловчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, сўзнинг бошида (*пилла*, *пўчоқ*, *парда*), ўртасида (*опа*, *қипиқ*, *тўпиқ*) ва охирида (*чўп*, *топ*, *сон*) кела олади. Кўп бўғинли сўзларнинг охирида бу товуш деярли учрамайди.

Ф товуши - лаб-тиш, сирғалувчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, фақат ўзбек тилига араб, форс ва рус тилларидан ўзлашган сўзларнинг бошида

(*фақир, офтоб, фабрика*), ўртасида (*қофия, иффат, кофе*) ва охирида (*сарф, урф*) кела олади. Баъзи сўзларда талаффузда п товуши билан алмашади: *фойда > пойда, Фарида > Парида*. Бундай ўзгаришлар ҳозирги орфографияда акс еттирилмайди.

11-§. Тил ундошлари

Т товуши тил олди, портловчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, сўзнинг бошида (*тўти, тухум*), ўртаси (*катта, ватан*) ва охирида (*сават, қават, ҳаракат*) кела олади. Ўзбек миллий тилининг ўғуз лаҳжасига мансуб шеваларда **т** баъзан **д** га ўтади: *туз > дуз, ўт > ўд* каби. Бу ўтишлар адабий орфографияда ифодаланмайди.

Араб, рус ёки форс-тожик тилларидан ўзлаштириган сўзлардаги кўш ундошлар таркибидаги т товуши талаффузда кўпинча тушиб қолади: *гишт > гиш, пастқам > пасқам, таксист > таксис* каби. Бу ўзгариш ёзма нутқда акс етмайди.

Д товуши тил олди, портловчи, жарангли ундош товуш бўлиб, сўзнинг бошида (*девор, дўкон, дала*), ўртасида (*шабада, содда, тўда*) ва охирида (*қасд, ҳудуд, гард*) кела олади. Сўз охирида келган **д** товуши талаффузда ҳамма вақт жарангсизлашади ва **т** товушига ўтади: *Асад > Асат, Самарқанд > Самарқант, Хўжанд > Хўжант* каби. Бу товуш ҳам ўзлашма сўзлар таркибидаги кўш ундошлар ичида келганда тушиб қолиши мумкин: *фарзанд > фарзан, баланд > балан*.

Н товуши тил олди, портловчи-сирғалувчи, бурун, сонор, жарангли ундош товуш бўлиб, сўзнинг бошида (*ном, нима, нуша*), ўртасида (*аниқ, тиниқ*) ва охирида (*ун, тўн, сон*) кела олади. Бу товуш айрим сўзлар таркибида **б** ёки м товушларидан олдин келганда, шу товушлар таъсирида талаффузда (*ёзувда аслича ёзилади*) м товушига ўтади: *манба > мамба, танбал > тамбал, кўнмади > кўммади* каби.

С товуши тил олди, сирғалувчи, шоқинли, жарангсиз ундош товуш бўлиб, сўзнинг бошида (*соат, семиз, сабр*), ўртасида (*асар, мустақил, осма*) ва охирида (*тус, мос, товус*) кела олади. Бу товуш ўзбек тилидаги енг фаол қўлланадиган товушлардан биридир.

З товуши тил олди, сирғалувчи, шовқинли, жарангли ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*заҳар, зехн, зина*), ўртасида (*Азиза, андоза, қизиқ*) ва сўз охирида (*тигиз, қарз, юлдуз*) кела олади; бу товуш соф ўзбекча сўзларда сўз бошида деярли қўлланмайди. Айрим сўзлар таркибида ёнидаги жарангсиз товушлар таъсирида кўпинча с товушига ўтади: *ризқ > рисқ, тузсиз > туссис*. Бу товуш баъзи сўзларда **й** товушига мос келиши мумкин: *сизламоқ > сийламоқ, сўзламоқ > сўйламоқ, ёзмоқ > ёймоқ*, каби.

Ш товуши тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*шар, шаҳар, шולי*), ўртасида (*ҳашар, ўша*) ва охирида (*қиш, ёш, ташвиш*) келади. Бу товуш сўзларнинг турли ўринларида кўп қўлланади.

Ж тил олди, сирғалувчи, жарангли ундош товуши араб, форс-тожик ва рус тилларидан ўзлаштирилган сўзларнинг бошида (*жанр*), ўртасида (*виждон, сажда, фуражка*) охирида (*гараж*) учрайди.

Ж тил олди, қоришиқ портловчи, жарангли ундош товуши сўзнинг бошида (*жамалак, жабр, жилов*), ўртасида (*кажава, ожиз, ўжар*) ва охирида (*хориж, хирож, саж*) келади. Бу товуш ўзбекча сўзлар охирида деярли қўлланмайди. Ўзлашма сўзлар охирида кўш ундошлар таркибида келган **жс** товуши **ч** товушига ўхшаб талаффуз қилинади: *мавжс>мавч, авжс>авч*.

Ч товуши тил олди, қоришиқ портловчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, сўзнинг бошида (*чақа, чигит, чуқур*), ўртасида (*аччиқ, очиқ, кўча*) ва охирида (*оч, уч, кеч*) келади. Айрим сўзларда ўзидан кейинги жарангсиз ундошлар таъсирида талаффузда **ш** товушига ўтади: *кечди>кешти, қочди>қошти, сочди>сошти*.

Л товуши тил олди, портловчи-сирғалувчи, жарангли (сонор) ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*лаган, латифа, лоф*), ўртасида (*олис, улоқ, белги*) ва охирида (*касал, кел, йўл*) келади. Бу товуш сўз ўртасида келганда сўзлашув нутқида кўпинча тушиб қолади: *олса>оса, келса>кэса, бўлса>бўса, келган>кэган*.

Р товуши тил олди, портловчи-сирғалувчи, титроқ, сонор, жарангли ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*ранда, ранг, руҳ*), ўртасида (*арра, мўри, барака*) ва охирида (*бозор, ҳозир, ҳузур*) келади. Бу товуш соф ўзбекча (туркийча) сўзлар бошида қўлланмайди.

Й товуши тил ўрта, сирғалувчи ва жарангли ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*йигит, йўл, йил*), ўртасида (*сайр, қайир*) ва охирида (*тўй, уй, ой*) келади.

К товуши тил орқа, соф портловчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*катта, ким, кўп*), ўртасида (*икки, ака, ука*) ва охирида (*тилак, юк, тўк*) келади. Бу товуш билан тугаган кўп бўғинли сўзларга унли билан бошланувчи кўшимча қўшилганда, **к** товуши **г** товушига ўтади ва бу ҳолат ёзувда ҳам акс етади: *малак>малаги, кўйлак>кўйлагим*.

Г товуши тил орқа, соф портловчи, жарангли ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*гулхан, гилам, гўзал*), ўртасида (*тугун, агар, егри*) ва охирида (*барг, биолог, педагог*) келади. Бу товуш соф ўзбекча сўзлар охирида деярли қўлланмайди. **Г** товуши билан бошланадиган кўшимчалар **к** товуши билан тугаган сўзларга қўшилганда **к** товушига айланади: *кўк+га > кўкка, боқ+ган > боққан*. Ўзлашма сўзларда бундай ўзгариш бўлмайди: *геологга, биологга*.

Нг товуши тил орқа, портловчи-сирғалувчи, бурун, жарангли, сонор ундош товуш бўлиб, сўз бошида мутлақо учрамайди. Сўз ўртасида (*янги, банги*) ва охирида (*бодринг, онг*) келади.

Қ товуши чуқур тил орқа, соф портловчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*қадр, қовоқ, қўл*), ўртасида (*оқил, бақир, чуқур*) ва охирида (*ўроқ, йўқ*) келади. Бу товуш айрим кўп бўғинли сўзлар охирида келганида унли билан бошланган кўшимчалар қўшилса, **г** товушига алмашади: *қулоқ+им>қулогим, тўёқ+и >тўёги*. *Тўқсон, мақтов, мақсад* каби сўзларда эса **х** товушига ўхшаб талаффуз қилинади.

Ғ товуши чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*газаб, гилдирак, гўза*), ўртасида (*дағал, оғир, ўғри*) ва охирида (*тоғ, буг, тиг*) келади.

Х товуши чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, сўз бошида (*хабар, хуржун, хол*), ўртасида (*пахта, ахир*) ва охирида (*сиз, миз*) қўлланади.

Ҳ товуши бўғизда ҳосил қилинадиган, сирғалувчи, жарангсиз товуш бўлиб, сўз бошида (*ҳалол, ҳикоя, ҳукумат*), ўртасида (*саёҳат, оҳу*) ва охирида (*сайёҳ, еҳ*) қўлланади. Бу товуш асосан араб, форс тилларидан ўзлашган сўзларда учрайди.

12-§. Қўш товушлар ва уларнинг қўлланилиши

Маълумки, унли товушлар сўзларни шакллантиришда якка ҳолда, қўш ҳолатда ва кетма-кет ҳолда қўлланади. Унлиларнинг якка ҳолатда келиши ўзбек тили табиатига хос бўлиб, турли типдаги икки унли кетма-кет бир ўринда келиши ёки бир хил унлининг бир ўринда қўш ҳолда қўлланиши (*ноема, доим, саноат, таажжуб, матбаа*) туркий тиллар тараққиётининг кейинги даврларида бошқа тилларнинг таъсири, халқларнинг ўзаро алоқаси туфайли пайдо бўлади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *ао, оа, ои, иа, ио* каби турли унлиларнинг кетма-кет бир ўринда келиш ҳоллари мавжуд: *жамоат, фаол, доира, ...*

Бир хил унлиларнинг *аа, уу, ии, оо* каби қўш келиш ҳоллари учрайди: *тааллуқли, шуур, бадиий, иншоот*. Деярли барча ундошлар қўш ҳолатда (*г, х, ҳ, з* ундошлари бундан мустасно) қўлланади: *қубба, аввал, содда, мижжа, лаззат, тайёр, икки, алла, омма, аннексия, оппоқ, бурро, иссиқ, ўттиз, иффат, аччиқ, ишиаймоқ, тўққиз*. Бу ундошлар талаффузда ҳам қўш тарзда айтилади. Бу ҳодиса алоқаларнинг кенгайиши туфайли янги сўзлар ҳисобига бойимокда: *муссон, Анна, Емма, миллиард, аффикс*. Қўш унлилар сўзнинг ўртасида (*манфаат*), сўз охирида (*мутолаа*), қўш ундошлар эса сўз бошида (*ссенарий*), ўртасида (*қаттиқ*) ва охирида (*конгресс*) қўлланади.

Туркий тилга турли типдаги ундошларнинг сўз охирида кетма-кет (қатор) келиши қўш ундошларга нисбатан анча илгари ўзлашди: *дарахт, гишт, пайванд, Самарқанд, бахт, хурсанд* каби.

Ўзбек тилида олдин сўз бошида ундошларнинг кетма-кет келиш ҳоллари йўқ еди, рус тили ва бошқа тилларнинг таъсирида адабий тилимизда бу ҳолат ҳам пайдо бўлди: *бром, дрезина, фтор, грек, крем, стол, трактор, хром, шкаф* каби.

13-§. Нутқнинг асосий фонетик бирликлари

Инсон нутқи узлуксиз ва тўхтовсиз давом этадиган товушлар оқимидан иборат эмас. У турлича ҳажмдаги интонацион бирликларни ўз ичига олади. Фраза, такт, фонетик сўз, бўғин, товуш ана шундай фонетик бирликлардир.

1. Фраза нутқ оқимида каттароқ пауза билан ажратиб айтиладиган нутқ бирлигидир. У оҳанг ва фикрий тугалликка эга бўлганлиги учун кўпинча гапга тенг келади. Масалан: *Дунёда боладан азиз нарса йўқ // Бўлмайди // Болалар – келажакимиз // (Ў. Ҳакимали)*. Бу нутқий парчада учта фраза бор. Фразалар ҳажм жиҳатидан ҳар хил бўлиб, улар бир, икки, уч ва ундан ортиқ сўздан ташкил топиши мумкин. Масалан, юқорида келтирилган мисолдаги биринчи фраза бешта, иккинчиси битта, учинчиси иккита сўздан ташкил топган. Яна

қиёсланг: *Уларнинг уйи қишлоқнинг енг чеккасида, ҳовлилари баланд тоғнинг шундоққина етагида. // Баҳаво. // Богларининг ортидан шовуллаб сой ўтади. (Тўлқин).*

2. Такт фразанинг бир қисми бўлиб, қисқа пауза билан ажратиб айтилади. Бунинг таркибидаги сўз ёки сўзлар бир бош урғу (бир ҳаво оқими) билан талаффуз қилинади. Масалан: *Дунёда / хушфеъл, / олижаноб, / ҳамиша езгу ният билан иш қиладиган одамлар / жуда кўп (О.Хусанов).* Бу фраза таркибида 6 та такт бўлиб, биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи тактлар бир сўздан, тўртинчи такт олти, олтинчи такт эса икки сўздан ташкил топган.

Фраза баъзан бир тактга тенг бўлади. Масалан, *Кеч куз еди. // Қўққисдан қорасовуқ бошланиб, / чўпонларни таишишга солиб қўйди (М.Қорийев).* Бунда биринчи фраза – *Кеч куз еди* бир тактга тенгдир.

3. Фонетик сўз ўз урғусига эга бўлган сўз ёки бир урғуга бирлашадиган (бир урғу билан талаффуз этиладиган), икки ва ундан ортиқ сўзшаклдир. Такт таркибидаги фонетик сўзлар сони ундаги сўзларнинг умумий миқдори билан эмас, урғули сўзлар миқдори билан белгиланади, яъни такт ичида урғули сўз қанча бўлса, фонетик сўз ҳам шунча бўлади: *Даштда / одам ақли шошадиган / буюк ишлар / қилинади // (Й.Шамшаров).* Бу фраза таркибида тўртта такт бўлиб, биринчи тактда битта, иккинчи тактда учта, учинчи тактда иккита, тўртинчи тактда эса битта фонетик сўз қатнашган. Бу фразадаги сўзларнинг умумий сони фонетик сўзларнинг умумий сонига тенг.

Мустақил урғуга эга бўлмаган ёрдамчи сўзлар ўзлари тобе бўлган мустақил сўз билан бирга бир урғуга эга бўлади ва бир фонетик сўзни ташкил этади: *Дилда сақланган адоват темир зангига ўхшайди, занг темирни йэгани каби, адоват қалбни азоб ва изтироб билан йемиради (Оз-оз ўрганиб доно бўлур).* Бунда 14 та фонетик сўз бўлиб, буларнинг иккитаси (*йэгани каби, изтироб билан*) нинг таркибида кўмакчи сўзлар қатнашган.

Бир тушунчани ифодалайдиган кўшма сўзлар ҳам, таркибидаги сўзларнинг умумий миқдоридан қатъи назар, бир фонетик сўз саналади: *Кўпол ва дағал бармоқлар торларни шундай чертар едики, оддийгина қилдан таралаётган бу оҳанг дилларни ром қилиб олганди. (Тўлқин)* Фраза таркибидаги *ром қилиб олганди* бўлаги битта фонетик сўз деб қаралади.

4. Бўғин ўпкадан чиқиб келаётган ҳаво оқимига берилган бир зарб билан айтиладиган товушлар ёки айрим бир товушдир. Унли товуш бўғин ҳосил қилувчи товушдир. Шунинг учун сўзда нечта унли товуш бўлса, бўғинлар сони ҳам шунча бўлади. Масалан, *адолат* сўзида уч бўғин бор: *а-до-лат*. Биринчи бўғин бир товушдан, иккинчи бўғин икки товушдан, учинчи бўғин уч товушдан иборат. Демак, бўғинлар бир товушли, икки товушли ва кўп товушли бўлиши мумкин. Чунончи: *о-та, о-на, а-ка* сўзларининг биринчи бўғини бир товушдан, иккинчи бўғини икки товушдан, *а-дир, о-қил, е-шит, и-диш* сўзларининг иккинчи бўғини уч товушдан, *а-ван-гард, ак-сент, е-ле-мент, ан-ти-фа-шист, ар-тист, ге-о-граф* сўзларининг охириги бўғини тўрт товушдан, *а-ле-бастр, а-гит-пункт* сўзларининг охириги бўғини беш товушдан иборат. Бўғиннинг тузилиши қуйидагича ифодаланади: *она: В – С*. Бунда **В** белгиси лотинча **вокалис** сўзидан олинган бўлиб, аслида **унли** (овоз) деган маънони билдиради. **С** белгиси эса инглизча **сонстант** сўзидан олинган бўлиб, **ундош** деган

маънони билдиради. Бир товушли бўғинлар унли товушдангина иборат бўлса, икки товушли ва кўп товушли бўғинлар унли ва ундош товушлардан тузилади. Бўғинлар қандай товушлар билан бошланиши ва қандай товушлар билан тугашига қараб турларга ажратилади. Қандай товуш билан тугашига кўра икки хил: **1) очик бўғин** – бир товушли ёки охири унли товуш билан тугаган бўғин: *о-во-за, о-и-ла, ба-ҳо, би-но, де-ле-га-ци-я, жа-зи-ра-ма, Ра-ҳи-ма*; **2) ёпик бўғин** ундош товуш билан тугаган бўғин: *зарб-дор, зум-рад, ид-рок*. Бўғинлари қандай товуш билан бошланишига кўра ҳам икки хил бўлади: **1) беркитилган бўғин** ундош билан бошланади: *та-лаб, тинч-лик*. **2) беркитилмаган бўғин** унли билан бошланади: *ў-қиш, аъ-ло*.

Таркибидаги бўғинлар сонига кўра сўзлар бир бўғинли (*иш, кўк, кам, оз, беш, юз, сен, пишт, ол, ёз*); икки бўғинли (*да-ла, қуш-ча, ях-иш, шар-бат, қизил, ик-ки, ол-ти, ўт-тиз, ни-ма, ҳам-ма, ў-қи, иш-ла, бор-ди, бу-гун, се-кин, билан, худ-ди, ...*); кўп бўғинли (*кў-ғир-чок, а-ра-ва-ча, пла-не-та-рий, ...*) бўлади.

Сўзларни бўғинларга тўғри ажрата билиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунончи: 1) ёзувда сўзнинг бир қаторга сиғмай қолган қисми иккинчи қаторга бўғин асосида кўчирилади; 2) бармоқ вазнида ёзиладиган шеър мисралари бўғин сонининг тенг бўлишига асосланади; 3) биринчи синф ўқувчиларини саводга ўргатиш даврида ҳам асосий диққат сўзларни бўғинлаб ўқиш ва ёзишга қаратилади.

5. Товуш нутқнинг бўғин (ёки сўз) таркибидаги енг кичик, фонетик жиҳатдан бўлинмайдиган бирлигидир: **бола** сўзи 4 та товушдан (*б, о, л, а*) иборат.

14-§. Урғу

Сўз бўғинларидан бирининг ёки гап таркибидаги сўзлардан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ ёки чўзиқроқ талаффуз қилиниши **урғу** деб аталади.

Урғу, одатда, бўғиндаги унли товушга тушади. Сўз нечта бўғиндан тузилганлигидан қатъи назар, унда битта урғу бўлади (гап бўлақларидан бирини ажратиб кўрсатиш ҳам худди шундай хусусиятга эга). Сўз таркибидаги урғу олган бўғин **урғули бўғин**, урғу олмаган бўғинлар эса **урғусиз бўғин** дейилади. Масалан: *Сизларнинг матонатли меҳнатларингиз Улуг Ватан уруши йилларидаги муқаддас галабамизни яқинлаштирди. (С. Кароматов)* Бу гапдаги ҳар бир сўз ўз урғусига эга (чунончи, «сизларнинг» сўзида учта бўғин бўлиб, охирги бўғин (-нинг) урғу олган; «матонатли» сўзида тўртта бўғин бўлиб, охирги бўғин (-ли) урғу олган ва ҳоказо). Бундан ташқари, шу гап таркибидаги *сизларнинг* сўзи бошқа сўзларга нисбатан кучлироқ талаффуз қилинади. Демак, ҳар хил объектга – сўз таркибидаги бирор бўғинга ҳам, гап таркибидаги айрим сўзга ҳам урғу тушиши мумкин. Шунга кўра, урғу икки турга ажратилади:

1) сўз урғуси (ёки лексик урғу) сўз бўғинларидан бирига тушадиган урғудир. Ёзувда урғу бўғиндаги унли устига қўйиладиган махсус белги (´)

орқали кўрсатилади. Масалан: *Аслида инсон табиатнинг олтиндан ҳам бебаҳо мўжизаси -ку! Дунёда инсондан азиз, инсондан қимматли нарса борми ўзи?* (О.Хусанов). Лексик урғу сўзнинг қайси бўғинига тушишига кўра икки хил бўлади: **а) боғлиқ урғу;** **б) эркин урғу.**

Ўзбек тилида сўз урғуси асосан сўзнинг охириги бўғинига (масалан, *дафтár, овóз, сарíқ, бурín* каби) тушади. Шунинг учун сўзларга кўшимчалар кўшила бориши билан урғу ҳам сўз охиридаги бўғинга кўча боради. Масалан: *имзó-имзолá- имзоламóқ, пахта́ -пахтакóр- пахтакорлár*. Сўзнинг бирор бўғини (масалан, охириги) билан боғлиқ бўлган урғу **боғлиқ урғу** дейилади.

Ўзбек тилининг сўз урғуси, асосан, боғлиқ урғу ҳисобланади. Сўзнинг турли бўғинларига тушиши мумкин бўлган урғу эса **еркин урғу** дейилади. Бу асосан русча-интернационал сўзларга хос. Масалан, *вита́мин, абзáс, аванга́рд, батóн, оператíв, буфéт, гига́нт* (охириги бўғинида), *авантíйíра, авиáция, профéссор, акробáтика, геóлог* (ўртадаги бўғинида), *áрия, ванна, нóта, ма́ксимум, ва́хта, сiнтаксис, áксия* (биринчи бўғинида).

Бундан ташқари, ўзбек тилида урғуси биринчи бўғинга (*ба́рча, ҳáмма, до́им, áсло, ле́кин* каби, ўртадаги бўғинга (*ҳамíша, афсúски, алба́тта*) тушадиган сўзлар ҳам бор. Демак, ўзбек тилида боғлиқ урғу билан бир қаторда, қисман эркин урғу ҳам мавжуд.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тилида урғу олмайдиган элементлар ҳам бор. Масалан: *-ку, -у, -ю, -да, -ми, -чи, -дир, гина, -оқ(-ёқ)* юкламалари; ўхшатиш маъносини ифодаладиган *-дай (-дек); -ча* шакл ҳосил қилувчи кўшимчалар; *-дир, -ман, -сан, -миз, -сиз* каби кесимлик кўшимчалари; бўлишсизлик маъносини ифодаловчи *-ма* кўшимчаси шулар жумласига киради. Лексик урғу муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки у, биринчидан, сўзларни тўғри талаффуз қилиш нормаларини белгилайди; иккинчидан, сўз маъноларини фарқлаш учун хизмат қилади: *óрган* - организмнинг бир қисми, *орга́н* – чолғу асбоби; учинчидан, сўз шакллари ажратишга ёрдам беради: *қушча́* – кичрайтиш оти, *қúшча* – “қушдек” маъносини ифодаловчи равиш; *тарбиячимíз* (бизнинг тарбиячи) – *тарбиячímиз* (биз – тарбиячи).

Демак, лексик урғу адабий талаффуз (орфоепия) билан боғлиқ. Чунки сўзнинг урғули бўғини бузилса, сўзни тушуниш қийинлашади.

2) гап урғуси (ёки мантикий урғу, маъно урғуси) гап бўлақларидан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ оҳанг билан айтилишидир. Бу урғу, одатда, индивидуал характерга эга бўлиб, сўзловчи ўзича муҳим санаган сўзни мантикий урғу билан талаффуз қилади ва бу билан тингловчининг еътиборини шу бўлақ билан ифодаланган маънога тортади, ёки ўша бўлақнинг маъносини бўрттириб, кучайтириб кўрсатади. Масалан: *Илмда кўп нарсани билиш – олимлик фазилати.* (С.Кароматов) гапида мантикий урғу қуйидагича тус олиши мумкин:

- 1) *Илмда* (бошқа нарсада эмас) *кўп нарсани билиш* – *олимлик фазилати.*
- 2) *Илмда кўп нарсани* (оз нарсани эмас) *билиш* – *олимлик фазилати.*
- 3) *Илмда кўп нарсани билиш* (билмаслик эмас) – *олимлик фазилати.*
- 4) *Илмда кўп нарсани билиш* – *олимлик фазилати* (бошқаларнинг фазилати эмас). Ёзувда мантикий урғу олган бўлақ кесим олдида келади.

Урғу сифатига кўра икки турга бўлинади: **1) динамик урғу** сўз бўғинларидан бирининг кучли айтилиши: ўзбек ва рус тили урғуси киради;

2) **муסיқаил урғу** сўз бўғинларидан бирининг баландроқ айтилишидир. япон, хитой тиллари урғуси шундай хусусиятга эга.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Урғу нима? Унинг қандай турлари бор?
2. Лексик урғу нима? Унинг қандай турлари бор? Улар ўзаро қандай фарқ қилади?
3. Лексик урғунинг қандай амалий аҳамияти бор?
4. Мантикий урғу нима? У лексик урғудан қандай фарқ қилади?

НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Ҳар қандай тилда ҳам товушлар ёзувда ёзилганидек талаффуз қилинавермайди. Товушлар комплексини (тизимини) бирга талаффуз қилиш натижасида айрим товушлар ўзаро бир-бирига таъсир қилади ва бу таъсир товуш ўзгаришига олиб келади. Масалан, *юрт* сўзига ўрин-пайт келишиги аффикси *-да*, чиқиш келишиги аффикси *-дан* қўшилганда, сўз охиридаги *т* товуши аффиксдаги *д* ундошига таъсир қилиб, уни *т* товушига айлантиради: *юрт+да=юртта*, *юрт+дан=юрттан* каби (ёзилиши: *юртда*, *юртдан*). Бир санок сонига дона сон аффикси *-та* қўшилганда, аффиксдаги *т* ундошнинг таъсири билан сўзнинг охиридаги *р* товуши *т* га ўтади: *бир+та=битта* каби.

Сўз таркибидаги товушлар нутқ жараёнида бир-бирига таъсир қилмаган ҳолда ҳам ўзгаришга учраши мумкин. Бунда товушнинг сўз таркибидаги ўрни (қандай тартибда жойлашганлиги); сўзнинг бошида ёки охирида, урғули ё урғусиз бўғинда келиши муҳим рол ўйнайди. Масалан, *одоб*, *жавоб*, *ниқоб*, *мактаб* сўзлари охирида келган *б* жарангли ундош талаффузда жарангсиз *п* тарзида талаффуз қилинади; *нэгатив*, *норматив* *позитив*, *оператив* каби русча-интернационал сўзларнинг охирида келган *в* жарангли ундош жарангсиз *ф* тарзида; *волейбол*, *олимпиада* каби русча-интернационал сўзларнинг урғусиз бўғинида келган *о* унлиси эса *а* тарзида талаффуз қилинади: *вале́йбол*, *оли́мпиада*. Бундай ҳодисаларнинг содир бўлишига нутқда ихчамликка интилиш, бўғинда урғунинг тушиши ёки тушмай қолиши, шошилиб талаффуз қилиш, бошқа тиллардан ўтган сўзларни талаффуз қилишдаги қийинчиликлар сабаб бўлиши мумкин.

Демак, нутқ товушларининг ўзгариши икки турга бўлинади.

1-§. Комбинатор ўзгаришлар

Сўз таркибидаги товушларнинг бир-бирига ўзаро таъсири натижасида рўй берадиган товуш ўзгариши (фонетик ўзгариш) **комбинатор ўзгариш** дейилади. Бунга **ассимиляция**, **диссимиляция**, **метатеза** каби ҳодисалар киради.

1. Ассимиляцияда товушлардан бири иккинчи бир товушни ўзига айнан ёки қисман ўхшатиб олади. Масалан, *хат-ни* – *хатти* (ўзакдаги *т* товуши аффикс таркибидаги *н* ни айнан ўзига ўхшаш товуш – *т* га айлантиради (ёзилиши: *хатни*); *иш+га* – *ишка* (бунда ўзакдаги жарангсиз ундош *ш* аффикс

таркибидаги жарангли ундош *г* ни ўзига қисман ўхшатади, яъни жарангсиз *к* га айлантиради (ёзилиши *ишга*). Шунга кўра ассимиляция икки хил бўлади: **а) тўлиқ ассимиляция** сўз таркибидаги бир товушнинг иккинчи бир товушни айнан ўзи каби товушга айлантиришидир: *тўк+ган = тўккан, йет+ди=йетти, чиқ+ган = чиққан, туз+сиз=туссиз, ўрис+ча=ўричча* (ёзилиши: *йетди, сизни, чиққан, тузсиз ўрисча*). Бунда товушлар ўзаро мослашади; **2) тўлиқсиз ассимиляция** сўз таркибидаги бир товушнинг иккинчи бир товушни ўзига қисман ўхшатиб олишидир: *ўч+ган=ўчкан, шош+ди=шошти, туш+га=тушка ...* (буларда жарангсиз *ч, ш* ундошлари аффикс таркибидаги жарангли *г* ни жарангсиз *к* га, *д* ни эса *т* га айлантирган; ёзилиши: *ўчган, шошди, тушга*). Тўлиқсиз ассимиляцияда баъзан товушлар ўр>нига кўра ҳам мослашади: *шанба > шамба*. Бунда *б* лаб товушининг таъсирида *н* тил товуши лаб-лаб *м* товушига айланади. Демак, тўлиқсиз ассимиляцияда товушлар ҳосил бўлиш усулига кўра қисман мослашиш ҳолатига ўтмайди. Бунда ёнма-ён келаётган товушлар овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ва ҳосил бўлиш ўрнига кўра мослашади. Олдин келган товуш ўзидан кейин келган товушни (масалан, *ўт+ди=ўтти*), шунингдек, кейин келган товуш ўзидан олдин келган товушни (*ўн бир - ўмбир*) ўзига ўхшатиши мумкин. Шунга кўра ассимиляция яна икки турга бўлинади: **1) прогрессив ассимиляцияда** олдинги товуш ўзидан кейинги товушни ўзига ўхшатади: *от+да = отта* (ёзилиши *отда*), *билак+га – билакка* (ёзилиши: *билакка*). **2) регрессив ассимиляцияда** кейинги товуш ўзидан олдинги товушни ўзига ўхшатади: *танбур – тамбур, йигит+ча = йигичча, нон+вой = новвой*, (ёзилиши: *танбур, йигитча, нонвой*).

2. Диссимиляцияда иккита айнан ёки қисман ўхшаш товушдан бири ёки ҳар иккаласи талаффузда ўзгариб, ноўхшаш товушга айланиб қолади. Масалан, *зарур – зарил* (*зарар* сўзи таркибидаги иккита бир хил *р* ундошининг бири талаффузда *л* га айланган). Яна қиёсланг: *коридор>калидор, девор>девол, нодон>лодон, бирор>бирон* (ёзилиши: *зарур, коридор, девор, бирор* ёки *бирор, нодон*).

3. Метатеза сўз таркибидаги айрим товушларнинг талаффузда ўрин алмашувидир. Масалан: *дарё – дайро* (бунда *р* ва *й* ундошларининг ўзаро ўрин алмашуви юз берган); *аҳвол – авҳол* (хв-вх), *айланай – айналай* (лн-нл), *тупроқ-турпоқ* (пр-рп); *ёмғир-ёмғир* (ғм- мғ); ёзилиши: *дарё, аҳвол, айланай, тупроқ, ёмғир*.

2-§. Позцион ўзгаришлар

Товушнинг сўз таркибидаги ўрни (жойлашиш таркиби) унинг **позициясини** ташкил қилади. Товуш сўзнинг турли ўринларида кела олади. Масалан, *д* ундоши *доно, деҳқон, достон* сўзларининг бошида; *абадий, аеродром, бадий, байроқдор* сўзларининг ўртасида; *тақлид, обод* сўзларининг эса охирида келган. Шу сўзларни талаффуз қилганимизда, уларнинг айримлари (масалан, *доно, деҳқон, достон, абадий, аеродром, бадий, байроқдор...*) таркибидаги *д* ундоши ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди, аммо *тақлид, обод* сўзлари таркибидаги бу ундош жарангсиз *т* тарзида (*тақлит, обот*) айтилади.

Демак, мазкур ундошнинг талаффузда ўзгариши – жарангли товушнинг жарангсизланиши унинг маълум бир позицияда – сўз охирида келиши билан боғлиқ. *Космонавт, космодром, лимонад, микрофон, оркестр* сўзларининг урғусиз бўғинида келган **о** унлиси **а** тарзида (*касманавт, касмадром, лиманад, аркестр, микрофон* каби) талаффуз қилинса, *картошка, директор, лектор, диктор, агрессор* сўзларининг урғусиз бўғинида келган **о** унлиси қисқа **и** тарзида (*картишка, директир, лектир, диктир, агресси* каби) талаффуз қилинади. Бу типдаги русча-интернационал сўзлар таркибидаги **о** товушининг гоҳ **а**, гоҳ **и** каби айтилиши уларнинг урғусиз бўғинда келиши билан боғлиқдир.

Товушнинг сўздаги ўрни, урғули ёки урғусиз бўғинда келиши билан боғлиқ ҳолда юз берадиган ўзгаришлар **позицион ўзгаришлар** дейилади. Позицион ўзгаришларнинг қуйидаги турлари бор:

1) протеза сўз бошида битта унлининг орттирилишидир. Одатда, аксарият сонор **р** товушидан олдин **ў** унлиси орттирилади: *рўмол - ўрамол, рўза - ўраза*. Айрим ҳолатда сўз бошида сирғалувчи ва портловчи икки ундош қатор келганда **и** ёки **у** унлиси орттирилиши мумкин: *шкаф-ишкаф, стол-устол, стул-устул*.

2) эпентеза сўз бошида, ўртасида ва охирида икки ундош қатор келганда, унли товушнинг орттирилишидир: *фикр - фикир, ҳукм - ҳукум, узр - узур*.

3) эпитеза сўз охирида бир ўринда келган икки ундошдан сўнг **а** товушининг қўшилиш ҳодисасидир: *диск - диска, банк - банка, танк - танка, киоск - киоска* каби.

4) прокопа сўз бошида унли ёки ундош товушнинг тушиб қолиш ҳодисасидир: *йигна - игна, ёгоч - огоч, йирик - ири*.

5) синкопа ҳодисасига биноан сўз ўртасидаги ва охиридаги кенг унлилар тор унлилар каби талаффуз қилинади ва айрим ҳолатларда тушиб қолади: *трактор - трактир, директор - директир, генератор - генератир* каби.

6) апакопа сўз ўзигидаги охирги унли ёки ундошнинг тушиши ҳодисасидир: *дўст - дўс, хурсанд - хурсан* ва ҳоказо.

7) синерезис ҳодисасига кўра сўз ўртасида бир жойда келган икки унлининг бири кучсизланади ва нутқда тушиб қолади, иккинчи унли фонема эса чўзиқ талаффуз қилинади: *маориф - мо:риф, саодат - со:дат, қироат - қиро:т, жамоат - жамо:т*.

8) редуксия сўзнинг биринчи бўғинида бирор унлининг (одатда тор унлининг) кучсизланиб талаффуз қилинишидир. Масалан, *бир, бил, тил* сўзлари бир бўғинли бўлганлиги ва урғу шу сўздаги **и** унлисига тушганлиги туфайли бу сўзлардаги **и** унлиси нормал ҳолда талаффуз қилинади ва нормал ҳолда ешитилади. Лекин шу сўзларнинг охирига иккинчи бир бўғин қўшилиши билан, урғу ҳам иккинчи бўғинга кўчади. Натижада биринчи бўғиндаги **и** унлиси кучсизланади ва ешитилар-ешитилмас ҳолда сусти талаффуз қилинади: *билак, тилак, бироқ*. Редуксиянинг иккинчи бўғинда келиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу ҳодиса сўзга учинчи бўғин қўшилганда содир бўлади – иккинчи бўғиндаги унли тамоман кучсизланиб, тушиб қолади. Масалан, *бурун - бурни, бўйин - бўйни, егин - егни* сингари.

9) елизия унли билан тугайдиган ва унли билан бошланадиган икки сўзнинг қўшилиши натижасида унли товушдан бирининг тушиб қолиш

ҳодисасидир. Бунда бир неча ҳолат кузатилади: а) биринчи сўз охиридаги унли тушиб қолади: *ёза олади – ёзолади, бора олади – боролади*; б) унли билан бошланувчи иккинчи сўзнинг бош унлиси тушиб қолади: *борар екан – бораркан, борар емиш – борармиш, ёзган екан – ёзганкан* каби; д) *Абдусалом сўзининг Абсалом, Абдужаббор сўзининг Абжаббор, олиб кел сўзининг опке* тарзида талаффуз қилиниши натижасида бир унли ва бир ундошнинг тушиб қолиши ҳодисаси ҳам елизиянинг юқори, мураккаблашган шакли ҳисобланади. Бундай ҳолларда элизиянинг мураккаблашиши натижасида сўзларнинг қисқарган шакллари ҳосил бўлади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нутқдаги товуш ўзгаришлари нима? Нима учун нутқда товуш ўзгариши рўй беради?
2. Товуш ўзгаришларининг қандай турларини биласиз?
3. Комбинатор ўзгариш нима? Унинг қандай турлари бор?
4. Ассимиляция нима ва унинг қандай кўринишларини биласиз?
5. Диссимиляция нима?
6. Метатеза ҳақида нималарни биласиз?
7. Позицион ўзгаришлар деганда нимани тушунасиз?

ГРАФИКА ВА ИМЛО

2-§. Графика ҳақида умумий маълумот

Тилшунослик луғатларида графика тушунчасига икки хил таъриф беришади:

“1. Графика (*юн.* грапҳике - ёзма). 1. Нутқ товушларини ёзиб ифодалаш воситаларининг муайян тизими. 2. Тилшуносликнинг алифбодаги ҳарфлар таркибини, шаклини, ҳарф ва нутқ товушлари орасидаги муносабатни белгилаш билан шуғулланувчи амалий соҳаси”⁶.

Графика грекча *графикос* сўзидан олинган бўлиб, **ёзув** деган маънони билдиради.

Графика оғзаки нутқни турли шакллар, белгилар, рақамлар ва чизиқлар ёрдамида акс еттирувчи тилшунослик соҳаси ҳисобланади. График воситаларга ҳарфлар, белгилар ва тиниш белгилари киради. Ҳарф – товуш ифода етувчи шакл.

15-§. Тил ва ёзув

Тил ва ёзув ўзаро узвий боғлиқ ва алоқадор ҳодисадир. Тил жамият билан бир вақтда юзага келган. У жамиятнинг бўлишида муҳим омиллардан биридир. Тилсиз жамият бўлмайди.

Ёзув – жамиятнинг маданий ютуқларидан бири. У жамият тараққиётининг кейинги босқичларида ҳаётий зарурат натижаси сифатида юзага келди, яратилди. Ёзув ҳам тил каби жамият аъзоларининг алоқа-

⁶ А.Ҳоҗиев. *Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati*. Т.: “O‘zbekiston Milliy Ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti. 2002. 33-bet.

аралашувида асосий восита сифатида хизмат қилади. Кўп ҳолларда ёзув тилнинг ўрнини босади. Лекин тил ва ёзувнинг ўзига хос аҳамиятли томонлари бор. Ёзув фикрни йетказишда масофа жиҳатидан чэғара билмайди. Тил эса вақт ва макон жиҳатдан чэгараланган. У яқин масофада турган суҳбатдошига ешитилади.

Ёзув маданий, маърифий ва адабий бойликларни кейинги авлодларга мерос сифатида қолдириш имкониятига эга. Оғзаки нутқ эса айтилаётган пайтдагина қабул қилинади. Бироқ ёзув махсус ёзув қуроллари, шароит, вақт ва шартли белги шаклларни талаб этади. У тилни барча нозикликлари билан акс эттира олмайди. Шунга қарамай, жамиятда ёзувнинг ўз ўрни бор; ёзув масофа билан ажралган одамлар орасида алоқа муносабатини таъминлашда, барча учун тушунарли бўлган адабий тилнинг юзага келишида, маданий-адабий бойликларни кейинги авлодларга йетказишда катта имкониятларга эга.

Тарихчиларнинг аниқлашича, ёзув дастлаб Мессопотамия деган жойда пайдо бўлган ва бу ёзув тарихга **миххат** номи билан кирган. Бу хат эрамиздан олдинги V–IV асрларда Ўрта Осиёнинг Ерonga яқин ҳудудларида расмий ёзув сифатида ишлатилган. Ҳозирги эрамиздан бошлаб тахминан VI асргача **сўғд** ёзуви ишлатилган. V–VIII асрлар давомида туркий халқлар **руник** ёзувидан фойдаланишган. Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари дастлаб Жанубий Сибирнинг Енасой дарёси хавзаларида ва Мўғулистоннинг Ўрхун водийсида топилган. Шунга нисбатан қадимги туркий ёзув Ўрхун-Енасой обидаларининг ёзуви деб ҳам юритилади. 1893-йили даниялик олим Н. Томсен ва рус олими В. В. Радлов қадимги туркий ёзувни ўқишга муваффақ бўлдилар. Ўрхун-енасой ёзувлари Рим ёзувларига ўхшаб кетганлиги учун **рун (руник)** ёзувлари ёки **дулбарчин** деб ҳам юритилади.

Ўрта Осиёнинг бизга маълум бўлган энг қадимги маҳаллий халқи сак ва массагет уруғлари бўлиб, уларнинг ҳам ўз ёзувлари мавжуд еди. Ана шу ёзувдан қадимий **хоразмий** ва **сўғд** ёзувлари яратилган. **Хоразмий** ёзуви ҳам ўзбек халқи аجدодлари томонидан қўлланилган ёзув бўлиб, бу ёзув II асрнинг охири III асрнинг бошларида хоразмшоҳ чиқарган пулларда учрайди.

1970-йилларгача туркий ёзув эрамизнинг VI–VII асрларида шаклланган деган фикр етакчи ‘ди. Кейинги топилмалар туркий ёзувнинг илдизларини икки ярим минг йиллик ўтмишдан изламоқ керак, деган хулосани чиқаришга асос бўлди. 1988-

йилда Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Лўмбитепа ёдгорлигидан кўза топилди. Унинг банди сиртига қадимий туркий битик ўйиб туширилган экан. Бу битик ВИИ-ВИИИ асрларга оид туркий обидалардан ёш жиҳатидан қарийб И-ИИ асрча қадимийроқдир.

ВИ-ВИИ асрлардан то XV асрларгача туркийлар ва мўғуллар уйғур ёзувидан фойдаланишган. Бу ёзувда битилган ёдгорликларнинг энг қадимгиси Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарининг Вена кутубхонасидаги нушасидир. Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат-ул-ҳақойик" ("Ҳақиқатлар армуғони"), Хоразмийнинг "Муҳаббатнома", Лутфий ва бошқа шоирларнинг айрим шеърлари **уйғур** ёзувида ёзилган. Уйғур ёзуви X–XV асрларда мавжуд бўлиб, араб ёзуви билан маълум давргача баравар ишлатилган.

720-йилдан бошлаб **араб** ёзуви таркала бошлаган. Араб ёзувида битилган энг қадимги туркий ёдгорликлар ХИ асрга тааллуқлидир. Булар Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг Наманган ва Қоҳира нушаларидир. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону-луғотит-турк" номли асари ҳам араб ёзувида ёзилган. Халқларимиз тахминан 1200 йилдан кўпроқ вақт давомида араб алифбосидан фойдаланган. 1929-йилдан **лотин** алифбоси асосидаги янги ёзувга ўтилган еди. 1940- йилдан бошлаб эса **рус (кирилл)** графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтилди.

Бизнинг давримизда жаҳондаги халқлар 220 хил ёзувдан фойдаланадилар. Шу ёзувлардан жуда кенг тарқалгани **лотин** ёзуви бўлиб, жаҳон халқларининг 30 фоизидан зиёди шу ёзувни қўллайдилар. 1993 йил 2-3 сентябрда бўлиб ўтган Олий Кенгаш йиғилишида ўзбек ёзувини лотин алифбосига ўтказиш тўғрисида қонун қабул қилинди. 1995-йил 6-майдаги Олий Мажлис сессиясида бу алифбога айрим ўзгаришлар киритилди ва бу ёзувга тўлиқ ўтиш муддати 2005-йил сентябр ойи деб белгиланди. 2004-йилда чиқарилган қонунга кўра эса лотин ёзувига тўлиқ ўтиш муддати 2010-йил сентябрига қадар чўзилди⁷. Ислоҳ қилинган янги ўзбек алифбосида 29 та ҳарф бор. Шулардан 3 таси ҳарфий бирикма: ш, ч, нг:

Aa(1) Bb(2) Dd(3) Ee(4) Ff(5) Gg(6) Hh(7) Ii(8) Jj(9) Kk(10) Ll(11) Mm(12) Nn(13) Oo(14) Pp(15) Qq(16) Rr(17) Ss(18) Tt(19) Uu(20) Vv(21) Xx(22) Yy(23) Zz(24) O'o' (25) G'g' (26) Sh sh(27) Ch ch(28) Ng ng(29).

Муайян тартибда жойлаштирилган шакллар йиғиндиси **алфавит** дейилади.

16-§. Кирилл графикаси асосидаги ўзбек ёзуви

Кирилл ёзувига асосланган алфавитда 35 та шакл бўлиб, бу шакллардан 33 таси ҳарф, 2 таси белгидир. Ҳар бир ҳарфнинг бош ва кичик шакли (Аа), босма ва ёзма шакллари бор. Ҳар бир ҳарф ўз номига эга. Ҳарф номини билиш ва уни тўғри талаффуз қилиш муҳим амалий орфоепик аҳамият касб этади, чунки тилдаги қисқартма сўзларни тўғри ўқиш учун ҳарф номларини билиш зарур. Масалан: *БМТ – бе – ем – те.*

Кирилл графикаси асосидаги алифбо қуйидагича тартиблаштирилган:

Аа, Бб, Вв, Гг, Дд, Ее, Ёё, Жж, Зз, Ии, Йй, Кк, Лл, Мм, Нн, Оо, Пп, Рр, Сс, Тт, Уу, Фф, Хх, Цц, Чч, Шш, Ъъ, Ьь, Ээ, Юю, Яя, Ўў, Ққ, Ғғ, Ҳҳ.

Бу алифбода 10 та унли ҳарф (*а, о, и, у, ў, э, е, ё, ю, я*) бўлиб, улар 6 та унли товушни ифодалайди. Булардан тўрттаси (*е, ё, ю, я*) ёлашган (графема) товушлар бўлиб, уларнинг 2 ҳолати фарқланади:

1. Баъзи сўзларда ундошдан кейин келиб, у билан бирга битта бўғинни ҳосил қиладиган ва бир товушни (*а, у, е, о*) ифода этадиган ҳолати: *тер-тер, сюжет-сюжет, сентябр-сентябр, режиссёр-режиссёр* каби.

2. Сўз бошида ва бўғин бошида келиб, икки товушни (*йэ, ю, я, ё*) ифода этадиган ҳолати: *ёстиқ - ёстиқ, юрак - юрак, қуёш - қуёш, январ - январ* ва ҳоказо.

⁷ “Qalqon” jurnali, 2004-yil, 7-son.

Юқоридаги алфавитга ўзбек тилининг товушлари табиатидан келиб чиқиб, 4 та ҳарф (*ў, қ, з, ҳ.*) қўшилган. Кирилл ёзувида 2 та белги (*ъ, ь*) бўлиб, улар товуш билдирмайди. Айириш белгиси (*ъ*) унлидан кейин келганда ўша унлининг чўзиқ айтилиши (*маъно, еълон* каби), ундошдан кейин келганда бўғинларни ажратиб айтилишини (*суръат, журъат* каби); юмшатиш (*ь*) белгиси эса русча-интернационал сўзларда ўзидан олдинги ундошнинг юмшоқ айтилиши учун (*альбом, циркуль*) хизмат қилади.

Алфавитдаги *ж* ҳарфи 2 товушни, портловчи *ж* (*жайрон*) ва сирғалувчи *ж* (*журнал*) товушини ифодалайди. Алфавитдаги *н* ва *г* ҳарфлари алоҳида *н* ва *г* товушларини ёзувда ифодалаш билан бирга, бирикма шаклида саёз тил орқа бурун товушини (*нг*) ифодалаш учун ҳам хизмат қилади (*тонг, бодринг* каби).

16-§. Ҳозирги ёзув ва уни ифода этувчи воситалар

1996-йилдан бошлаб латин алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви жорий этилди. Бу алифбода 29 та шакл бўлиб, улар 30 та товушни ифодалаш учун хизмат қилади. Ҳозирги ўзбек ёзувидаги ундош ҳарфлар бир товушни ифода этади. (*Жж* ҳарфи бундан мустасно). Иккита товушни ифодалаш учун *Жж* ишлатилади: 1) қоришиқ, портловчи *ж* (*д+ж*) товушини (*жўжа, жайрон, авж* каби) ва 2) сирғалувчи *ж* товушини (*журнал, жирафа*) билдиради.

Мазкур ёзувда учта ҳарф бирикмаси мавжуд: *нг, ш, ч*. Улар сўз таркибида ажратилмайди ва бўлинмас бир товушни ифода этади: *нг* саёз тил орқа, портловчи-сирғалувчи, сонор ундош товушини (*тонг, оҳанг, чанг. манглай*), *ч* тил олди, қоришиқ портловчи, жарангсиз ундош товушни (*чарос, тинч, синч, чойнак*), *ш* тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундошни (*шабада, шар, шаҳар, тошқин, бош*) ифодалайди.

Товушлар икки турга бўлинади: 1) унли товушлар, 2) ундош товушлар. Улар унли ва ундош ҳарфлар билан белгиланади. Ҳозирги ўзбек алифбосида 6 унли товуш ва 6 та унли ҳарф бор (*а, о, у, и, ў, е*). 24 та ундош товуш 23 та ундош ҳарф билан белгилаб кўрсатилади (*б, д, ф, г, ҳ, ж, к, л, м, н, п, р, с, т, в, х, й, з, ш, ч, нг*). Ҳар бир ҳарфнинг бош ва кичик, босма ва ёзма шакллари бор.

Ҳарфларнинг алфавит тартибидан билиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки турли луғатлар, давлат идора органларида, архивларда сақланадиган ҳужжатлар, рўйхатлар алфавит тартибидан тузилади.

Ёзувда ҳарфлар билан бирга тиниш белгилар: (.) (,) (?) (!) (:) (;) (...) («») (-) (*ъ*) ҳам қўлланади. Урғу (*ъ*) белгиси сўз бўғинларидан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ талаффуз қилиш учун унли ҳарф устига қўйилади. Ёзувда ҳарфлар билан бирга тиниш белгиларнинг ҳам роли катта. Тиниш белгилари ёрдамида фикр ёзувда аниқ, равшан ва тушунарли қилиб берилади. Оғзаки нутқнинг фикрини тўлиқ ифодалаш учун хизмат қиладиган оҳанг ва паузалари ёзувда тиниш белгилари орқали ифода этилади.

Тутуқ белгиси (*ъ*) ҳам график воситалардан бири сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) сўзда унли товушдан кейин келиб, унинг чўзиқ айтилишини (*аъло, еътибор, истеъмол*); 2) сўзда ундошдан кейин келиб, олдинги бўғин билан кейинги бўғиннинг ажратиб айтилишини билдиради; 3)

сўз маъноларини фарқлаб беради (*таъна – маломат, тана – организм*); 4) с ва ҳ товушларини ш товушидан фарқлайди: *Исҳоқ*.

19-§. Орфография (имло)

Орфография грекча **орпхос** (тўғри) ва **грапхо** (ёзаман) сўзларидан ташкил топган бўлиб, «тўғ ри ёзаман» деган маънони билдиради.

Жамиятнинг ҳар бир аъзосидан тўғри сўзлай олиш ва саводли ёза билиш талаб етилади. Ўқув муассасалари олдида турган асосий вазифа ҳам шу талаб асосида келиб чиқади. Адабий тилнинг икки шакли бўлиб, улардан бири ёзма нутқдир. Бу нутқ орфография қонун-қоидаларига асосланади. Демак, **орфография** адабий тилнинг ёзма шаклига хос бўлиб, у тилдаги ўзак-негиз ва қўшимчаларни ягона тарзда тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар йиғиндир. Кирилл графикаси асосидаги имло қоидалари 1956-йилда тасдиқланган. Бу имло қоидалари қуйидаги бўлимларни ўз ичига олган:

1. Айрим ҳарфлар имлоси;
2. Ўзак-негиз ва қўшимчалар имлоси;
3. Қўшма сўз ва сўз бирикмалари имлоси;
4. Бўғин кўчирилиши;
5. Бош ҳарфларнинг ёзилиши.

1995-йил 24-августда лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзувининг имлосига доир қоидалари тасдиқланди. Бу имло қоидалари қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Айрим ҳарфлар имлоси: унлилар имлоси, ундошлар имлоси.
2. Асос ва қўшимчалар имлоси.
3. Қўшиб ёзиш.
4. Ажратиб ёзиш.
5. Чизикча билан ёзиш.
6. Бош ҳарфлар билан ёзиш.
7. Кўчириш қоидалари.

Олдинги имло қоидалари билан ҳозирги имло қоидалари ўртасида қуйидаги айрим ўзгаришлар мавжуд:

1) жуфт сўзлар орасида боғловчи бўлиб келган юкламалар ўзи боғланган сўздан чизикча билан ажратилади: *дост-у душман, кеча-ю кундуз*;

2) йил, ойни кўрсатувчи рақамлардан кейин ҳам чизикча қўйилади: *1995-йил 24-август, 1993-йил 2-сентябр*;

3) кирилчадаги **ц** ҳарфи сўз бошида ва охирида **с** ҳарфи билан берилади: *цирк – сирк, абзац – абзас*. Сўз ўртасида унлидан кейин **ц** ҳарфий бирикмаси, ундошдан кейин эса **с** ҳарфи билан берилади: *лицей – лицей, акция – аксия*.

4) **-га** қўшимчаси **г** товуши билан тугаган сўзларга қўшилганда морфологик ёзув бўйича аслига мувофиқ ёзилади: *бог+га= богга, тог+га= тогга*.

5) олдин шаклий ёзув қоидаига мувофиқ ёзиб келинган жуда кўп чет тили сўзлари ендиликда фонетик ёзув бўйича ёзиладиган бўлди (бу ўзгариш асосан таркибида **ё, ю, я** ҳарфлари қатнашган сўзларга тегишлидир) : *сентябр (сентябрь), октабр (октябрь), бюджет (бюджет), режиссор(режиссёр), ликор (ликёр)*.

6) айрим сўзлар эса олдин фонетик ёзув бўйича ёзилган бўлса, янги алифбода морфологик ёзувга кўра ёзиладиган бўлди: *ерталабки эмас ерталабги*.

Имло қоидалари орфографиянинг фонетик, морфологик, шаклий, анъанавий ва дифференциация тамойиллари асосида ишлаб чиқилган. Фонетик ва морфологик тамойиллар ўзбек орфографиясининг асосий тамойилларидир.

Фонетик тамойил (фонетик усул). Бу тамойил бўйича сўзлар, сўз таркибидаги кўшимчалар қандай талаффуз етилса, худди ўшандай ёзилади. Бу тамойил асосида айрим ҳарфлар имлоси, асос ва кўшимчалар имлосидаги айрим қоидалар ишлаб чиқилган. Масалан, 1) *сон* сўзига феъл ясовчи **-а** кўшимчаси кўшиш билан ясалган сўз *сона* эмас, *сана* тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади. *Ёш*, *от* сўзларига феъл ясовчи **-а** кўшимчаси кўшилиши билан ясалган *ёша*, *ота* сўзлари *яша*, *ата* тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади. *Онг* сўзига феъл ясовчи **-ла** кўшимчасини кўшиш билан ясалган сўз *онгла* эмас, *англа* тарзида талаффуз қилинади ва ёзилади. 2) *ўйин* сўзига **-а** феъл ясовчи кўшимча кўшилиши билан ясалган сўз *ўйна* тарзида (**и** товуши туширилиб) айтилади ва шундай ёзилади; 3) *сарик*, *улуғ* сўзларига феъл ясовчи **-ай** кўшимчаси кўшилиши билан ясалган сўз *саргай*, *улгай* тарзида айтилади ва шундай ёзилади; 4) *ўқи*, *тани*, *таши* каби феъл формаларига **-в** кўшимчасини кўшиш билан ҳосил қилинган сўз *ташув*, *ўқув*, *танув* тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади; 5) *тара*, *бўя* сўзларига от ясовчи **-қ** кўшимчасини кўшиш билан ясалган сўз *тароқ*, *бўёқ* тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади; 6) **қ** ва **к** товуши билан тугаган кўп бўғинли сўзларга эгалик кўшимчаси кўшилганда **қ** товуши *г*, **к** товуши *г* товушига алмашади ва шундай ёзилади: *тароқ+и=тароғи*, *курак+и=курағи*, *истак+и=истағи*, *ўртоқ+и=ўртоғи*.

Изоҳ: **қ** ва **к** ундоши билан тугаган айрим сўзларга эгалик кўшимчаси кўшилганда **қ** ва **к** товушлари аслига мувофиқ айтилади ва ёзилади: *иштироки*, *иштиёқи*, *завқи*, *шавқи*, *чоки*, *чеки*.

7) *огиз*, *қорин*, *ўрин*, *сингил*, *кўнгил*, *бурун*, *шаҳар* каби сўзларга эгалик кўшимчалари кўшилганда, иккинчи бўғиндаги **и**, **у**, **а** унлилари талаффузда тушиб қолади ва шундай ёзилади: *огиз+им=огзим*, *қорин+им=қорним*, *ўрин+им=ўрним*, *сингил+им=синглим*, *кўнгил+им=кўнглим*, *бурун+им=бурним*, *шаҳар+им=шаҳрим* (бу сўз *шаҳарим* тарзида айтилиши ва ёзилиши ҳам мумкин. Бу икки ҳолат тилда параллел ишлатилади.);

8) адабий тилда жўналиш келишигининг **-га** кўшимчаси шакли қабул қилинган. Баъзан бу шакл **-ка**, **-қа** тарзида эшитилади. Масалан: *билакка*, *гўдакка*, *қишлоққа*, *тоққа* каби. Кўриниб турибдики, сўз **қ** ёки **к** ундоши билан тугаганда жўналиш келишиги **-қа**, **-ка** шаклини оляпти. Оғзаки талаффузда сўз қандай товушлардан ташкил топган бўлса, бу товушлар ёзувда ҳам шу товушларга мос ҳарфлар билан акс еттириляпти.

9) **қ** ва **к** ундоши билан тугаган феъл шакллари равишдош ҳосил қилувчи **-гач** кўшимчасининг **-қач** ва **-кач** вариантлари кўшилиб, *чиққач*, *экач* тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади;

10) рус тилидан ўзлашган *киоск*, *диск* сўзлари ўзбек тилида *киоска*, *диска* тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади;

11) ўзлашма *рама*, *пара*, *минута*, *секунда*, *конфета* каби сўзларнинг охиридаги **а** унлиси ўзбек тили оғзаки нутқида талаффуз етилмайди ва ёзувда ҳам акс еттирилмайди (*ром*, *пар*, *секунд*, *минут*, *конфет* каби).

12) ўзлашма *иётка*, *поднос* сўзлари эса *чўтка*, *патнис* тарзида айтилади ва ёзилади.

13) **у**, **бу**, **шу**, **ўша** олмошларига **-да**, **-дан**, **-га**, **-гача**, **-ча** кўшимчалари кўшилганда **и** товуши кўшиб айтилади ва шундай ёзилади: *унда*, *ундан*, *унгача* ва ҳоказо.

14) *зачёт*, *сюжет*, *сентябр* сўзлари оғзаки нутқида *зачот*, *сужет*, *сентабр* тарзида талаффуз қилинади ва талаффузга мос шаклда ёзилади.

Фонетик тамойил ёзувни жонли талаффузга яқинлаштиради, улар ўртасида умумийликни вужудга келтиради.

Демак, фонетик тамойилга кўра ёзувда талаффуздаги товушга мувофиқ келадиган, айнан мос тушадиган ҳарф қўлланади.

Морфологик тамойил. Бу тамойилга кўра сўзларнинг таркибий қисмлари: ўзак-негиз ва кўшимчалари оғзаки нутқида қандай талаффуз қилинишидан қатъи назар, яъни оғзаки талаффуз шаклига қараб эмас, аслига мувофиқ ёзилади. Бу тамойил сўз ўзагини, унга кўшиладиган кўшимчаларни муайян бир система асосида акс еттиради, тилдаги вариантликка, ҳар хилликка барҳам беради. Бу тамойилга кўра вариантлардан бири танланиб, ёзувда танланган вариант асос қилиб олинади. Ўзбек орфографиясининг асосий имло қоидалари, яъни айрим унли ҳарфлар имлоси, айрим ундош ҳарфлар имлоси ҳамда асос

ва қўшимчалар имлоси шу тамойилга таянади. Масалан: 1) *узум, узук, тугун, турмуш* каби сўзларнинг олдинги бўғинида *у* келса, кейинги бўғинида *у* унлиси **и** тарзида айtilса ҳам, *у* ёзилади.

2) жарангсиз жуфти бор жарангли ундошлар (*б, д, в, г, ж(жим), ж(жури), з, з*) сўз охирида жарангсиз (*п, т, ф, к, ч, ш, с*) тарзида талаффуз қилинса ҳам, аслига мувофиқ ёзилади: *мактаб, озод*; 3) *шанба, сунбул, манба, ватанпарвар* каби сўзлар ўртасида келган **н** ундоши ўзидан кейин келган **б, н, м** ундошлари билан ёнма-ён келганда, оғзаки талаффузда *шамба, сумбул, мамба* каби **м** тарзида айtilса ҳам, **н** шаклида ёзилади. 4) *дўст, гўшт, тўрт, Тошкент* каби сўзларда сўз охирида ёнма-ён келган ундошларнинг охириги талаффуз қилинмайди, аммо ёзувда сақланади; 5) *пастқам* сўзи ўртасида кетма-кет келган икки ундошнинг (*ст*) кейингиси талаффуз қилинмайди, лекин ёзувда сақланади; б) *–лар* кўплик қўшимчаси сўз охирида келганда, оғзаки нутқда *–ла* тарзида айtilса ҳам, ёзувда *–лар* шаклида ёзилади. 7) *уч, тўрт* сонларига *–та, –ала* қўшимчалари қўшилганда, *ушта, уччала, тўрттала* тарзида айtilади, лекин ёзув учун танланган варианты ёзилади: *учта, учала, тўрттала* каби.

Шунингдек, қўшимчаларнинг асосий қисми морфологик тамойил асосида ёзилади, яъни келишиқ қўшимчалари оғзаки нутқда *мактабта, иштан* тарзида айtilса ҳам, *мактабда, ишдан*; феъллардаги *–ди* шахс-сон ҳамда яқин ўтган замон қўшимчаси *–ти* тарзида (*айтипти, айтти*) айtilса ҳам, *айтибди, айтди* каби ёзилади.

Морфологик тамойил ўзбек орфографиясининг асосий ва йетакчи тамойили саналади ва ёзувда бир хилликни таъминлайди.

Демак, морфологик тамойилга кўра сўзнинг товуш таркиби оғзаки нутқда қандай айтилишидан қатъи назар ўзининг морфологик шаклини ўзгартирмаган ҳолда ёзилади.

Шаклий анъанавий тамойил (тарихий-анъанавий тамойил деб ҳам юритилади). Бу тамойилга кўра бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳозир ҳам ўтмишдаги шаклига мувофиқ ёки ўзи мансуб бўлган тилдаги шаклини ўзбек имлосида ҳам сақлаган ҳолда ёзилади. Бу тамойил асосида қуйидаги каби имло қоидалари ишлаб чиқилган:

1. *Манфаат, матбаа, мутолаа, таажжуб, таассурот* каби араб тилидан ўзлашган сўзларда битта чўзиқ а талаффуз қилинса ҳам, араб имлосини сақлаган ҳолда ёзувда иккита **а** ёзилади.
2. *Муболага, музокара, муносабат, муҳокама* каби арабча сўзларнинг урғусиз бўғинида **а** оғзаки нутқда қисқа **и** тарзида айtilса ҳам, анъанага кўра **а** ёзилади.
3. *Тадбир, татбиқ* сўзларининг биринчи бўғини охиридаги **д** ва **т** ундошлари бир хил **т** товуши тарзида талаффуз қилинса ҳам, ёзувда **д** ва **т** ундош харфлари сақланади.
4. *Дорбоз, торозибор* каби сўзлардаги форс-тожик тилидан ўзлашган *–боз, –бор* қўшимчалари оғзаки нутқда *–воз, –вор* тарзида айtilса ҳам, унинг анъанавий шакли ёзувда сақланади.
5. Анъанавий тамойил *тақозо, ҳоказо* каби сўзларнинг товуш таркибига нисбатан ҳам татбиқ етилади. Бу сўзларнинг иккинчи бўғинидаги **о** ва **а** унлилари баъзан **а**, баъзан **о** унлиси каби талаффуз қилинади. Тарихан *о (тақозо), а (ҳоказо)* ёзиб келингани учун ҳозир ҳам ёзилади.
6. *Очерк, тонна* каби сўзларининг урғули бўғинида **о** унлиси ўзбек тилидаги **ў** унлиси каби айtilса ҳам, рус тилидаги шаклига мувофиқ ёзилади.
7. *Директор, трактор, экспедитор* каби сўзларнинг урғусиз бўғинидаги **о** унлиси оғзаки нутқда қисқа **и** унлиси тарзида айtilса ҳам, рус тилидаги шакли сақланади.
8. *Мотор, отряд, лимонад, концерт, конспект* каби сўзларнинг урғусиз бўғинида келган **о** унлиси талаффузда **а** унлиси каби айtilса ҳам, рус тилидаги каби **о** унлиси билан ёзилади.
9. *Зачёт, сюжет, режиссёр, сентябр* сўзлари оғзаки нутқда *зачот, сужет, режиссор, сентябр* тарзида талаффуз қилинса ҳам, кирилл алифбосида рус тилидаги шакли сақланади.
10. *Раён, маёр, Нью-Ёрк* сўзларидаги **ё** харфий бирикмаси оғзаки нутқда *йў* тарзида талаффуз қилинса ҳам, ёзувда ўша тилдаги анъана сақланади.

Бу тамойил мумтоз адабиёт тилига ҳам татбиқ этилади. Қадимда ҳозирги-келаси замон кўшимчаси *-р (-ар)* нинг *-ур* шакли ишлатилган. Бу шакл баъзан ҳозирги шеърятда ҳам сақланади.

*Баъзан тирноқлар безаги учун
Саҳардан шомгача қилурсиз тоқат,
Аммо ерингизни кутгали нечун
Топилмас тирноқча сабр-у қаноат. (А.Орипов)*

Мазкур шеърда мақсад маъносини ифодаловчи *-гани* кўшимчаси *-гали* тарзида қўлланган.

Ески ўзбек тилида чиқиш келишиги *-дин* баъзан ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *-дан* ўрнида қўлланилади: *Сендин ўзгани дэсам...*

Сўроқ маъносини ифодалаш учун *-ми* юкламаси баъзан *-му* тарзида, яъни қадимги шаклда қўлланади. Масалан:

Демак, бу тамойилга кўра сўзлар талаффузидаги ҳозирги ҳолатига қараб эмас, балки анъана тусига кириб қолган шаклини сақлаган ҳолда ёзилади.

Дифференциация тамойили. Бу тамойилга кўра, шакли ёки талаффузи бир хил бўлган сўзлар ёзувда турли шартли белгилар воситасида (ёки баъзан маънога кўра) фарқланади. Масалан:

1. Урғу воситасида фарқлаш: *атлас* - мато, материал. *Атлас* - географик атлас, харита. *Академик* - от, *академик* - сифат (масалан, *академик лицей*).

2. Унлининг чўзиқ-қискалиги орқали фарқлаш (бундай сўзларда унлининг чўзиқлигини тутуқ белгиси таъминлайди, демак бундай сўзларнинг шакли ва маъноси тутуқ белгисига кўра фарқланади): *тана* – *таъна*, *сурат* – *суръат*, *қала* – *қалъа* каби.

3. Бошқа-бошқа товуш ифодаловчи ҳарфлар воситасида сўз маъносини фарқлаш: *хол* (юздаги хол) – *ҳол* (аҳвол, ҳолат).

График тамойил. Бу тамойил асосидаги имло қоидалари товуш билан унинг ёзувдаги шакли ўртасидаги муносабатларни ифодалашга асосланади. Масалан, сирғалувчи *ж* товуши билан қоришиқ портловчи *ж* товушлари ёзувда битта шакл – ҳарф билан берилиши (*жўжа-гужда* каби), саёз тил орқа *-нг* товушини ифодаловчи ҳарфлар бирикмаси *нг* ҳамда *н* ва *г* товушларини ифодаловчи *н* ва *г* ҳарфлари ёнма-ён келганда ҳам *н* ва *г* талаффуз этилиши график тамойил асосида белгиланган: *кўнгил* – битта товуш, *сенга* - иккита товуш.

Фонетик таҳлил намунаси:	
1. Сўзда нечта товуш ва нечта ҳарф бор?	4. Сўз бўгинларга ажратилиб, бўгин турлари аниқланади.
2. Унли ва ундош товушлар аниқланиб, улар тавсифланади.	5. Сўзнинг урғуси аниқланади.
3. Товуш ўзгаришлари аниқланади.	6. Сўз қайси ёзув қоидаси бўйича ёзилган?

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Лексикология ҳақида умумий маълумот

Лексикология⁸ ўзбек тили курсининг луғат таркиби (лексикаси)ни ўрганадиган бўлимидир.

Тилда мавжуд бўлган барча сўзлар ва иборалар йиғиндиси **лексика** дейилади. Бу сўзлар шу тилнинг луғат бойлигини ташкил етади.

Лексикология тилнинг луғат таркибини икки томонлама: 1) **ички** ва 2) **ташқи** томондан текширади. Тилнинг луғат таркибини ички томондан ўрганадиган соҳаси

⁸ Leksikologiya – grekcha – *lexikos* – «lug`atga (so`zga) oid», *logos* – «ta`limot», «fikr» elementlaridan tuzilgan.

сэмасиология⁹ деб юритилади. Унда сўз ва ибораларнинг нутқда маъно ифодалаш хусусияти ўрганилади. Ҳар қандай сўз тилда пайдо бўлиши билан ўзининг шакли ва маъносига эга бўлади, борлиқдаги предмет, ҳодиса, белги, ҳаракатларни ифодалайди. Сўздаги маъно турли таъсир ва талаблар асосида тараққий этиб боради. Демак, сэмасиология сўз ҳамда турғун ибораларнинг маъно хусусиятларини текширади.

Лексикологиянинг яна бир соҳаси **этимология**¹⁰ деб юритилади. У тилнинг луғат таркибидаги сўз ва ибораларнинг тарихан келиб чиқишини, ясама сўзларнинг ва бошқа тиллардан кирган сўзларнинг маъноли қисмларини изоҳлайди. Демак, этимология сўзнинг икки томонини ҳам, яъни ички – маъно томонини ҳамда ташқи – товуш томонини ҳам таҳлил қилади.

Лексикология **ташқи** томондан луғат таркибининг ҳозирги аҳволини, тилнинг луғат таркибида содир бўлаётган турли ўзгаришларни: сўзларнинг кўлланиш даражасини, баъзи сўзларнинг ескириб истеъмолдан чиқиб кетишини (*секретар*, *област* каби), фан, маданият ва техниканинг узлуксиз ривожланиши билан тилнинг янги сўзлар ҳисобига бойишини, баъзи сўзлар маъносида содир бўладиган ўзгаришларни (маъно кўчиш ҳодисасини) ўрганади.

Лексикологиянинг яна бир соҳаси **лексикография**¹¹ деб юритилади. Лексикографиянинг вазифаси тилдаги сўзларни ёзма равишда тўплашдир. Лексикография сўз ва ибораларни маълум бир соҳалар бўйича тўплаб, муайян тартибда келтиради (алифбо тартибига солади) ва луғат китоблари шаклида нашр этади.

Лексикология тилнинг фонетика ва грамматика бўлимлари билан бевосита боғлиқ. Фонетика нутқ товушларини ўрганади. Лексика шу товушлар асосида шаклланадиган сўзни, грамматика ўз қонун-қоидалари асосида сўзларни ўзаро боғлайди ва тилни фикр ифодалаш учун тайёрлайди. Демак, товуш бўлмаса, сўз бўлмайди, сўз бўлмаса грамматиканинг ҳам бўлиши мумкин эмас.

Маълумки, сўзловчи тилнинг луғат таркибидан мақсадига мувофиқ тарзда фойдаланади. Бу лексикологиянинг услубият билан ўзаро боғлиқ эканини билдиради.

Луғат таркиби шу тилда сўзлашувчи халқларнинг моддий ва маънавий маданият тарихи билан боғлиқ. Шунинг учун лексикология тарих, археология, адабиёт, фалсафа каби ижтимоий фанлар билан ҳам яқиндан алоқададир.

21-§. Сўзнинг лексик ва грамматик маънолари

Сўз нутқ товушларининг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлиб, маъно англатувчи тил бирлигидир.

Сўзнинг товуш томони фонетикада, грамматик томони грамматикада, маъно томони лексикологияда ўрганилади. Сўзнинг барча томонлари назарда тутилса, у тил ва нутқнинг энг муҳим элементларидан бири эканлиги англашилади.

Сўз тил бирлиги сифатида маъно ифодалаш хусусиятига эга. Сўзнинг маъноси нарса-ҳодисалар билан боғланишидан келиб чиқади, бу бевосита боғланиш бўлмай, борлиқнинг инсон онгида акс этиши орқали юзага келади. Инсоннинг борлиқни англаши, онгида акс еттириши сўз маъносида ўз аксини топади. Борлиқни билиш нарса-ҳодиса ҳақида тушунчага эга бўлишдир. Тушунчада сўзнинг умумий ва муҳим белгилари мужассамлашади. Бу белгилар уни бошқа предметлардан ажратиб туради.

Инсон маълум бир предмет, белги, ҳаракат, ҳолат кабиларнинг умумий ва ўзига хос муҳим хусусияти асосида уларни бошқа шу каби предмет, белги, ҳаракатлардан ажратади. Демак, сўз тушунчанинг номи, тушунчага эга сўз маъносининг асосини ташкил этади. Сўз асосида ётган тушунча сўзнинг лексик маъноси саналади. Демак, сўзнинг лексик маъноси унинг материал маъноси бўлиб, сўз ифода этган аниқ бир предмет белги, ҳаракат, микдор кабилардан иборат бўлади: *анор*, *дарахт* – предмет тушунчасини, *екди* - ҳаракат, *қизил* – белги, *ўнта*, *кўп* - микдорга кўра белги, *мен*, *сен* – шахс тушунчасини ифодалайди.

⁹ Semasiologiya – grekcha *semasio* – «belgi», «tamg`a» va *logos* – «ta`limot» ma`nolarini bildiradi.

¹⁰ Etimologiya – grekcha *etymon* – «haqiqat», *logos* – «ta`minot» ma`nolarini ifodalaydi.

¹¹ Leksikografiya – grekcha *lexikos* – «lug`at» va *grapho* – «yozaman» degan ma`noni bildiradi.

Демак, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш сўз туркумлари луғавий маъно билдиради. Сўзларнинг луғавий маънодан ташқари, грамматик маъноларга ҳам эга бўлади. Сўзнинг луғавий маъноси лексикологияда ўрганилади. Грамматик маъно грамматикада ўрганилади. Ёрдамчи сўз туркумлари луғавий маъно ифодаламайди, улар грамматик маъно ифодалашга хизмат қилади.

Сўз луғавий маъно-тушунчадан ташқари, инсоннинг нарса ва ходисага бўлган ижобий ёки салбий муносабатини ҳам билдиради. Инсоннинг ижобий ва салбий муносабати сўз ҳиссий-таъсирий бўёғи деб юритилади. Масалан, *юз, афт, башара, турқ, чеҳра, ораз, чирой* каби синонимлар каторида *юз* сўзи одам аъзосининг бири ҳақидаги тушунчани англатади, бу ижобий ёки салбий маъно оттенкасига эга бўлмаган бетараф сўз. *Афт, башара, турқ* сўзларида сўзловчининг асосий-бош тушунчага қўшимча салбий муносабатини ифода этувчи маъно ҳам мавжуд. *СҲирой, чеҳра, ораз, рухсор* сўзларига сўзловчининг ижобий (хайрихоҳлиги, ёқимли, гўзал каби маъно) муносабати ҳам юклатилган. Бундай қўшимча маъно оттенкалар кишиларнинг ҳиссиётига ўз таъсирини ўтказди. Сўздаги салбий ҳиссий-таъсирий бўёқ муайян матн таркибида ойдинлашади. *Бет* сўзи «*Бети қурсин*» гапида салбий маъно, «*Бети-бетига тушса нима дейди*» гапида бу салбий маъно кучсизланади. *Китобнинг бети* бирикмасидаги *бети* сўзида салбий маъно умуман йўқ.

Ҳиссий-таъсирий бўёқ тилдаги ҳамма сўзларда бўлавермайди. Масалан, илм-фан, техникага оид атамаларда ҳиссий-таъсирий бўёқ бўлмайди.

Сўзлар оғзаки ва ёзма нутқда қўлланишига кўра ҳам фарқ қилади. *Афт, башара, турқ* сўзлари кўпроқ оғзаки нутқда, *чирой, ораз, рухсор* кўпроқ ёзма нутқда, *юз* сўзи ҳар иккала нутқда қўлланади. Кўриниб турибдики, сўзлар бирор нутқ услубида қўлланишга мослашган бўлади, бу улардаги услубий белги деб юритилади. Услубий белги-сўзнинг маълум услубга мансублигини кўрсатувчи белги. Масалан, *метро* – сўзлашув услубида *метрополитен* китобий услубда қўлланилади.

Лексик маъно деганда сўз ифода етадиган тушунча, ҳиссий-таъсирий бўёқ ва услубий белгилар йиғиндиси тушунилади. Демак, тушунча, ҳиссий-таъсирий бўёқ, услубий белги лексик маъно компонентлари дейилади.

3 -§. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар

Тилдаги сўзлар бир маъноли ва кўп маъноли бўлади. Гап ичида ҳам, гапдан ташқарида ҳам айнан бир маънони ифода этувчи ўзлар **бир маъноли сўзлар**¹² дейилади. Масалан, *компас, мрамор, морфология, таассурот, хулоса, гигиена, э оя, мимика, қобилият, фонема* ва б.

Сўзлар баъзан алоҳида ҳолатда, нутқдан ташқарида бир хил маънони, гап таркибида бошқа сўзлар билан боғлиқ ҳолда бошқа бир маъно англатиши мумкин. Масалан, *пасаймоқ* сўзи гапдан ташқарида олинганда ерга томон яқинлашмоқ маъносини билдиради. Гап таркибида эса *билими пасайди, кўриш сезгиси пасайди* каби бошқа маъноларни билдиради.

Бу сўзлар бирдан ортиқ лексик маъно ифодалаётгани учун кўп маъноли сўз саналади.

Демак, нутқдан ташқарида бир маъно, нутқ таркибида бошқа сўзлар билан боғлиқ ҳолда яна бошқа маъно ифодаловчи сўзлар **кўп маъноли сўзлар**¹³ дейилади.

Кўп маънолилиқ тил тараққиёти давомида келиб чиқади. Тилдаги ҳар қандай сўз, аввало бирор нарса ёки ходисани аташ туфайли пайдо бўлади, яъни бир маънонигина ифодалайди. Кейинчалик эса шу сўз тараққиёти маъно туфайли кўп маъноли сўзга айланиши мумкин. Кўп маъноли сўзларда 2 хил маъно фарқланади: 1) бош (асл, ўз) маъно; 2) ясама (кўчма) маъно. Бош маъно сўзнинг нутқдан ташқарида ифодалаган маъноси бўлиб, у бошқа маъноларнинг келиб чиқишига асос бўлади. Ясама маъно бош маънонинг тараққиёти билан юзага келади. Масалан, *огиз* сўзининг бош маъноси инсоннинг тана аъзоси, *э орнинг оғзи, қопнинг оғзи* ясама маъно. Сўзнинг ясама маъноси гапдаги бошқа сўзлар билан боғлиқ ҳолда ангилашади.

¹² Bir ma'nolilik – monosemantizm (gr. monos – «bir», sementikos – «belgi», «ma'no») deb yuritiladi.

¹³ Ko'p ma'nolilik – «polisemantizm» (gr. poli – «ko'p», sementikos – «belgi», «ma'no») deb yuritiladi.

Маъно тараққиёти қонунларига маъно кўчиши, маъно кенгайиши, маъно торайиши ҳодисалари киради.

Сўз маъносининг кўчиши беш хил бўлиб, улар қуйидагилар: 1) метафора; 2) метонимия; 3) синекдоха; 4) киноя; 5) вазифадошлик йўли билан кўчиш.

Метафора (грекча метафҳора – «кўчирма») нарса ва ҳодисалар орасидаги ўхшашлик асосида улардан бирининг ифодаси бўлган сўзни иккинчисини ифодалаш учун қўллашдир, метафорада шаклий ўхшашлик: белги-хусусият, ҳаракат-ҳолат назарда тутилади. Шу туфайли от, сифат ва феъл туркумларида метафора йўли билан кўчиш ҳодисаси мавжуд. Масалан, тиш, енгил, пасайди сўзларининг маъносини кузатинг: Тиш: 1) одамнинг тиши (бош маъно);

2) арранинг тиши (ясама маъно). Йенгил: 1) йенгил ешик (бош маъно); 2) йенгил таъзим (ясама маъно). *Пасайди*: 1) самолёт пасайди (бош маъно); 2) билими пасайди (ясама маъно).

Метафорага қуйидагилар асос бўлади:

1) одамнинг тана аъзолари номлари: бет, юз, бурун, қулоқ, кўз, лаб, тиш, елка, оёқ, оғиз каби;

2) кийимлар ва уларнинг бирор қисмини номлари: етак, ёқа каби;

3) ҳайвон, парранда ва ҳашаротларнинг бирор аъзосининг номи: қанот, дум, тумшук;

4) ўсимлик ва унинг бир қисми номи: томир, илдиз;

5) қурол номи: найза, пичоқ;

6) турли белги, ҳаракат номлари бўлган сўзлар: баланд, паст, олмоқ, чақмоқ каби.

Метонимия – нарса, белги ва ҳаракатлар ўртасидаги алоқадорлик асосида маъно кўчиш ҳодисаси. Бу алоқадорлик ўрин ва вақт жиҳатдан бўлади. Метонимияда бир предмет билан иккинчи предмет орасида доимий реал алоқа мавжуд бўлади. Қуйидаги гаплардаги сўзларнинг маъно муносабатини кузатинг:

Синекдоха. Нарса ёки шахс қисмати номини айтиш билан ўзини (бутунни) ёки нарсанинг номини айтиш билан унинг қисмини тушунишга асосланган маъно кўчиш ҳодисасидир. Масалан: Беш қўл баробар эмас (бутун номи билан қисмини англаш). Дунёда ўзимиздан қоладиган туёғимиз... (А.Қодирий)

Синекдоха қисм номини бутунни ифодалаш учун (оқсоқол, оқсоч, жигар, тирноқ, томир), кийим номини одам ёки бошқа бирор тирик мавжудотни ифодалаш учун (қизилиштон), қурол номини шу қуролни ишлатадиган кишини ифодалаш учун (найза, қилич, тиг , кетмон – «жангчи» маъносида), ҳайвонларнинг бирор аъзоси номини ўша ҳайвонни ифодалаш учун (бош, туёқ), мева номини шу мевани берадиган дарахтни англатиш учун (ёнг оқ, олма, нок, узум) қўллаш ёки, аксинча, бутун номини қисмни англатиш учун (қўл сўзини «бармоқ» маъносида) қўллаш каби миқдор муносабатларига асосланади.

Киноя – сўзларнинг акс маънода қўллаш ҳодисаси. Бундай кўчишлар ёзувда қўштирноққа олинади. Масалан: *Шунақа «дўстлар»нинг камроқ бўлгани маъқул*.

Вазифадошлик асосида маъно кўчиши – нарсаларнинг бажарадиган вазифасининг ўхшашлиги асосида маъно кўчиш ҳодисасидир. Маънонинг бундай кўчиши метафорадаги каби ўхшашликка асосланади. Лексик метафорада предметнинг сезги органларига таъсир қиладиган материал томонига – ранги, шакли, ҳаракати каби белгиларига асосланилади. Вазифадошлик асосида маъно кўчишида предметнинг ҳаётда бажарадиган вазифаси назарда тутилади. Масалан, ўқ, сиёҳ, қалам каби сўзларнинг маъноларидаги кўчиш улар дастлаб ифодалаган тушунчалар билан ҳозиргилари орасида бажарадиган вазифа жиҳатдан ўхшашликка асосланган.

Илгари парранда патидан ёки қамишдан ясалган ёзув қуролини қалам деб атаганлар. Графитли ёзув қуроли пайдо бўлгандан сўнг, уни қарандаш қалам деб, кейин эса тўғ ридан тўғ ри қалам деб атай берганлар.

Ўқ - ёй ўқи; ўқ - милтиқ ўқи (булар шакл жиҳатдан эмас, балки вазифаси жиҳатдан ўхшашдир).

Сиёҳ сўзи тожик тилида «қора» деган маънони билдиради. Ёзув қуроли сифатида ишлатилган суюқлик қора рангда бўлгани учун сиёҳ деб номланган. Ҳозирги кунда ёзув учун қўлланиладиган турли рангдаги суюқликлар (қизил, кўк, яшил) ҳам вазифасининг ўхшашлиги

асосида сиёҳ деб аталмоқда: қизил сиёҳ (асл маъноси қизил қора), кўк сиёҳ (асл маъноси кўк қора).

Метафора ва метонимия маҳсулдор кўчиш йўли, синекдоха, киноя, вазифадош асосида маъно кўчиши кам маҳсул ҳодисалардир.

4-§. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари

Тилдаги сўзлар шакл ва маъно хусусиятларига кўра ўзаро турли муносабатда бўлади. Сўзларнинг айримлари шакл жиҳатдан, айримлари маъно жиҳатдан, баъзилари эса талаффузи жиҳатидан ўхшаш бўлади. Шу хусусиятларига кўра сўзлар куйидаги гуруҳларга бўлинади:

1.Омоним сўзлар. Шакли (ёзилиши ва айтилиши) бир хил, маъноси ҳар хил сўзлар омонимлар дейилади. Омоним сўзи грекча «бир хил» деган маънони ифодалайди. Масалан: от - ҳайвон, от - улоқтирмақ, от - исм; оғиз - инсоннинг тана аъзоси, оғиз - янги тукқан сигир сутидан тайёрланадиган таом; чанг - тўзон, гард, ғубор, чанг – тўртбурчак, ясси қути шаклидаги торлар тортилган кўш чўп билан чалинадиган мусиқа асбоби; қовоқ - инсоннинг тана аъзоси, от, қовоқ - полиз экини, от.

Омоним сўзлар туркумига (юз – инсоннинг тана аъзоси, от; юз - миқдор билдирувчи сон) оид бўлади.

Омонимлар 2 турга ажратилади: 1) луғавий омонимлар; 2) грамматик омонимлар. Луғавий омонимлар:

1) сўзлар доирасида; 2) иборалар доирасида бўлади.

1.Омонимлик ҳодисаси сўз билан сўз доирасида бўлса, лексик омоним дейилади. Масалан: кул (от) – бирор нарсанинг ёниши натижасида ҳосил бўладиган кукун. У ошхона олдида турган кул челакни олишга буюрди. (П.Турсун) Кул (фёъл) - завқ шовқини, хурсандчилик билдирувчи товушлар чиқармоқ. Нэга Азиз бу қадар шод: ЙУзи кулади, кўзлари ёнади? (Ҳ.Ғулом)

2.Омонимлик ҳодисаси ибора билан ибора доирасида бўлса, фразеологик омоним дейилади. Масалан: бош кўтармоқ - қарши кўзғ олон кўтармоқ, бош кўтармоқ - тузалмоқ, соғая бошламоқ.

Грамматик омонимлар кўшимчалар доирасидаги шаклий тенгликдир. Шакли бир хил, маъноси ҳар хил кўшимчаларга грамматик омонимлар дейилади. Масалан: -им кўшимчаси билим – от ясовчи кўшимча, фёълдан от ясайди. Китобим – И шахс, бирлик кўшимчаси; -ки (тепки) – от ясовчи кўшимча, -ки (кечки) – сифат ясовчи кўшимча.

Баъзи омоним сўзлар кўшимчалар олганда ҳам омонимлик шаклини сақлаб қолади. Масалан, тер+им, тер+им. Биринчи сўз –тер от туркумига оид сўз бўлиб, И шахс, бирлик эгалик кўшимчасини олган, иккинчиси фёъл туркумига оид сўз от ясовчи –им кўшимчасини олган. Бу сўзлар бир хил шаклини сақлаб қолган.

Кўшимчалар кўшилганда ҳам омонимлик шаклини сақлаб қоладиган сўзлар омоформалар дейилади. Омоформалар бир хил сўз туркумига ҳам, бошқа-бошқа сўз туркумига ҳам оид бўлади. Масалан, 1) боғ - мевазор (от); 2) боғ - боғич (от). Уларнинг кўшимча олгандан кейинги грамматик шакллари:

1) боғ ни, боғ нинг, боғ дан;

2) боғ ни, боғ нинг, боғ дан.

Қиёсланг: оқ (сифат)+ар – фёъл ясовчи кўшимча;

оқ (фёъл)+ар – сифатдош ҳосил қилувчи кўшимча.

Омонимлар бадиий адабиётда туюқ жанрида, оғзаки сўзлашув нутқида сўз ўйинлари, аскияларда қўлланади.

Омонимлар кўп маъноли сўзлар маъносидаги боғланишнинг йўқолиши, сўзлардаги фонетик ўзгаришлар ва бошқа тилдан сўз ўзлашиши жараёнида юзага келади. Масалан: 1) боғ (мевазор) тожик тилидан кирган, боғ (боғич) ўзбекча сўз; 2) дам – нафас (ўз маъноси), дам - босқон (кўчма маъно), дам - хордиқ (кўчма маъно). 2-мисолда полисемия ҳодисаси йўқолиб, омонимия ҳодисаси юзага келди.

Синоним сўзлар. Шакли ҳар хил, маъноси бир-бирига яқин бўлган сўзлар синоним дейилади. Синоним сўзлар бир предмет ҳодисанинг (таом, овқат; бахт, иқбол, толе, саодат), белгининг (сезгир, зийрак, туйғун; аниқ, очиқ-равшан, ёрқин, ойдин, аён), ҳаракатнинг (ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ) бир неча номи. Синоним сўзи грекча «бир номли» деган маънони ифодалайди. Шунинг учун синонимик ҳодиса бир сўз туркуми доирасида юзага келади.

Синоним сўзлар айнан бир предмет, белги, ҳаракат тушунчасини ҳам, қўшимча маъно оттенкалари билан фарқланадиган предмет, белги, ҳаракат тушунчаларини ҳам англатади. Масалан, тилшунослик – лингвистика синонимларининг маъноси айнан бир хил. Йиғламоқ, йиғламсирамоқ синонимларининг маъносида фарқ мавжуд.

Бир маъно атрофида бирлашган сўзлар гуруҳи синонимик қаторни ташкил этади. Масалан: одам – киши – инсон – башар; даволамоқ, тузатмоқ; ёруғ - нурли - чароғ он, ёрқин – мунаввар.

Синонимик қаторни тузишда маънодош сўзлар учу насос қилиб олинган сўз бош сўз (доминанта) дейилади. Синонимик гуруҳдаги маъноли, барча нутқ услубларида қўлланадиган, адабий тилга мансуб, маъно доираси кенг бўлган сўз бош сўз сифатида танлаб олинади: ботир - қаҳрамон – дов юрак - қўркмас – жасур.

Синонимик қаторни белгилашда сўзларнинг ягона умумий белгисига асосланади. Масалан: уй ва бино сўзлари бир-бирига яқин маъноли бўлса ҳам, уй сўзига хос асосий тушунча билан (одам яшайдиган жой) «бино» сўзи ифодалайдиган тушунча (иморат) ўртасида умумийлик йўқлиги учун улар синоним бўла олмайди.

Жинс ва тур муносабатидаги (дарахт – жинс, олма – тур), предмет ёки ҳаракатнинг бир томонини образли қилиб, бўрттириб ифодалайдиган сўзлар ўша предмет ёки ҳаракат тушунчасига кириши мумкин бўлган тушунчани ифодаласа ҳам, предмет ёки ҳаракатни тўлалигича англатмаганлиги, образлилик асосий тушунчага нисбатан кучли бўлса (чулдирамоқ, пинғилламоқ, пичирламоқ, шипшитмоқ, тўнғилламоқ, вағилламоқ сўзлари гапирмоқ сўзига синоним бўлмайди), моҳият жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ қиладиган социал тузумларга хос бўлган тушунчаларни ифодаласа (миршаб – милиционер) улар ўзаро синоним бўла олмайди¹⁴.

Синонимларнинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) луғавий синонимлар; 2) грамматик синонимлар.

1. Луғавий синонимлар: 1) сўзлар доирасида (безак, зийнат, ҳашам); 2) сўз ва иборалар доирасида (айёр - муғамбир – пихини ёрган, илоннинг ёғини ялаган); 3) иборалар доирасида (оғзига талқон солмоқ - оғзида қатиқ ивитмоқ) бўлади.

2. Грамматик синонимлар қўшимчалар доирасида бўлади.

Синоним сўзлар ўзбек тилининг ички тараққиёти асосида (кун - қуёш, иш – юмуш, қари – кекса) ва бошқа тилдан сўз олиш натижасида (шоҳ (ўзбекча) – мугуз (тожикча), орзу (тожикча) – тилак (ўзбекча), булоқ (ўзбекча) – чашма (тожикча), адабий тилга хос сўз билан шевага хос сўзлар (гўзал – сулув – кўхлик – хушрўй) ёки шевага оид бир неча сўзлар доирасида (челак – сатил - пақир) юзага келади.

5 -§. Ўзбек тилининг луғат таркиби

Ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркиби ўзбек тилининг бутун таркибий тараққиёти давомида шаклланган. Тилдаги сўзларнинг пайдо бўлиш даври ва келиб чиқиш манбалари ҳам ҳар хил. Сўзларнинг пайдо бўлиш даври ва келиб чиқиш манбаидан қатъи назар, ўзбек миллатига мансуб кишилар тилида қўлланадиган барча сўзлар ўзбек тилининг луғат бойлигини ташкил этади. Демак, тилдаги барча сўзлар йиғиндиси луғат таркибини ташкил этади. Тилнинг луғат таркиби қанчалик бой бўлса, унда фикрни мукамал ифодалаш имконияти мавжуд бўлади.

Тилнинг луғат таркиби жамият тараққиёти жараёнида бойиб боради ва ўзгариб туради, яъни айрим сўзлар еҳтиёжнинг йўқлиги ёки унинг ўрнини босадиган сўзнинг юзага

¹⁴ М. Mirzayev va b. O`zbek tili, T.O`qituvchi, 1978.

келиши билан истеъмолдан чиқиб кетади, янги тушунчаларни ифода етадиган сўзлар кириб келади.

Ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркибини қуйидаги туркум сўзлар ташкил етади:

1. Кундалик турмушда ишлатиладиган ҳамма учун тушунарли бўлган сўзлар:

1) озиқ-овқатга доир нарсаларнинг номлари: *ёғ*, *гуруч*, *мош*, *ловия*, *пиёз*, *картошка*, *сабзи*, *полов*, *арпа*, *буг дой*, *ун*, *шакар*, *нон*;

2) нарса-буюм, қурол номлари: *болта*, *теша*, *ранда*, *арра*, *коса*, *товоқ*, *тароқ*, *дафтар*, *ручка*, *китоб*, *қалам*, *машина*, *самолёт*, *поезд*, *елак*, *чакич*, *белкурак*, *кетмон*, *қамчи*, *пичоқ*;

3) табиий борлиққа оид номлар: *күёш*, *ер*, *ой*, *юлдуз*, *осмон*, *чақмоқ*, *зилзила*, *шамол*, *қор*, *ёмғир*, *булут*, *туман*, *ўт*, *сув*, *дарё*, *тоғ*, *тош*, *дарахт*, *кеча*, *кундуз*, *тун*, *ёруғлик*, *ой*, *йил*;

4) тирик мавжудот ва уларнинг тана аъзолари номлари: *киши*, *одам*, *ер*, *хотин*, *чол*, *кампир*, *қари*, *ёш*, *деҳқон*, *боғ бон*, *шифокор*, *ўқитувчи*, *дўст*, *душман*, *меҳнаткаш*, *қуш*, *хайвон*, *бузоқ*, *мол*, *сигир*, *от*, *мушук*, *илон*, *тошбақа*, *чивин*, *қўл*, *оёқ*, *бош*, *тиш* *жигар*, *қорин*, *ичак*, *курак*, *бурун*, *лаб*, *кўз*;

5) қариндошликка оид номлар: *ота*, *она*, *бува*, *буви*, *момо*, *амаки*, *амма*, *холла*, *тоға*, *ака*, *опа*, *сингил*, *ука*, *ўғил*, *қиз*;

6) жамиятга оид номлар: *ватан*, *мамлакат*, *юрт*, *халқ*, *армия*, *давлат*, *тузум*, *жамият*, *ташкилот*, *ҳокимият*, *суд*, *прокуратура*;

7) ҳаракат билдирувчи сўзлар: *юрмоқ*, *турмоқ*, *ўтирмақ*, *ётмоқ*, *ухламоқ*, *уйғ онмоқ*, *ювмоқ*, *бормоқ*, *келмоқ*, *кулмоқ*, *йиғламоқ*, *гапирмоқ*, *ўсмоқ*;

8) миқдор билдирувчи сўзлар: *бир*, *икки*, *уч*, *тўрттинчи*, *олтинчи*, *ўнинчи*, *минг*, *ўн минг*, *кўп*, *оз*, *пича*, *сал*;

9) олмошлар: *мен*, *сен*, *биз*, *сиз*, *у*, *улар*, *ана*, *манна шу*, *ўша*, *ана шу*, *ким*, *нима*, *қайси*, *қачон*, *қаер*, *ҳамма*, *барча*;

10) ҳолат ва белги номлари: *яхши*, *ёмон*, *кучли*, *қўрқоқ*, *тўғ ри*, *егри*, *баланд*, *паст*, *катта*, *кичик*, *аччиқ*, *чучук*, *ширин*, *оқ*, *қора*, *қизил*, *шўх*, *ески*, *янги*, *ўткир*, *ўтмас*, *аста*, *секин*, *тез*;

2. Жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда тилда пайдо бўлаётган янги сўзлар, иборалар: *бакалавр*, *магистр*, *магистратура*, *менежмент*, *брокер*, *фермер*.

3. Истеъмолдан чиқиб кетган ва кетаётган сўзлар: *пуд*, *ботмон*, *мингбоши*, *жаллод*, *секретар*, *революция*, *область*, *раён*, *министр*.

4. Касб-хунарга доир сўзлар: *ағ дарма чок*, *бигиз*, *сакманчи* (қўзиларга қаровчи чорвадор), *деҳқон* (кулолчиликда ишлатиладиган тош ўғирча), *ранда*, *охорча*, *тахлилчи* ва бошқалар.

5. Фан-техникага доир атамалар: *эга*, *кесим*, *гап*, *сўз туркуми*, *от*, *товуш*, *атом*, *заряд*, *чумчуқ*, *ҳужайра*, *қўшув*, *олув*, *бўлув*, *кўпайтирув*, *физика*, *профессор*, *доцент*, *хирург*.

6. Ҳис-туйғуларни ифодалайдиган сўзлар: *ура*, *яша*, *ҳорманг*, *рахмат*, *баракалла*, *ох*, *воҳ*, *ух*, *ехҳе*, *ликилламоқ*, *жимир-жимир*.

7. Шевага оид сўзлар: *сатил* (челак), *сўри* (ишком, супа), *кура* (хўтик), *ет* (гўшт), *сипса* (супурги), *коса* (пиёла).

8. Жаргон ва арголар: *офтоби олам*, *олам паноҳ*, *лой*, *якан* (пул), *данаб* (хотин), *калмата* (сўз), *отар* (тўй), *қивиз* (нон) ва бошқалар.

6-§. Ўзбек тили лексикасида ўз ва ўзлашган қатлам

Маълумки, ўзбек халқи тарихий даврлар мобайнида бошқа халқлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқада бўлиб келган. Бу алоқалар ўзаро алоқада бўлган халқнинг тилига маълум даражада ўз таъсирини ўтказади. Ўзаро таъсир натижасида тилнинг барча бўлимларида: фонетика, лексика, грамматика кабиларда ўзгаришлар юз беради. Тилдаги ўзгариш ва ривожланиш тилнинг лексикасида кучли бўлади.

Ўзбек халқи қардош бўлмаган тожиклар билан қадимдан алоқада бўлди. Шунинг тарихий сабаблар билан боғлиқ ҳолда араб, руслар билан алоқада бўлди. Ҳозирги даврга

келиб бир қанча хорижий давлатлар билан дўстона алоқалар ўрнатган. Булар ўзбек тили лексикасига кўплаб сўзларнинг ўзлашишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги ўзбек тили лексикаси тарихий жиҳатдан икки қатламга ажратилади:

1. Ўз қатлам.
2. Ўзлашган қатлам.

Ўз қатлам. Ўз қатламга умумтуркий сўзлар ва ўзбекча сўзлар киради.

1. Умумтуркий сўзлар. Кўпчилик туркум халқлар тилида қўлланадиган, барча туркий тиллар учун умумий бўлган сўзлар умумтуркий сўзлар дейилади. Бу сўзлар туркий қабилаларнинг гоҳ кўшилиши, гоҳ ажралиши натижасида юзага келган, ҳозирда туркий халқлар деб номланадиган кишилар тилига мансуб сўзлардир. Олтой тиллар оиласининг туркий гуруҳида (туркумида) 24 та тил: ўзбек, қозоқ, уйғур, бошқирд, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, озарбайжон, нўғ ой, татар, чуваш, ёкут, тува, шор, қораим, кўмик, гагауз, хакас, балқар, ойрот, қарағас, турк, қорачой, олтой турклари тиллари мавжуд.

Умумтуркий сўзлар ҳозирги ўзбек тили лексикасининг асосий қисмини, деярли ярмини ташкил қилади.

Умумтуркий сўзлар турли соҳаларга оид бўлиб, уларга нарса-шахс, белги, миқдор, ҳаракат, ҳис-туйғу билдирадиган сўзлар киради: киши, оёқ, қўл, бош, кўз, қош, қизил, кўк, яшил, ок, бир, икки, уч, тўрт, ўн, кел, тур, ёт, ўтир, ол, ур, яхши, ёмон, сен, у, биз, сиз, улар, аста, секин, тез каби.

2. Ўзбекча сўзлар. Ўзбек тили шароитида ўзбек тили ва бошқа тил элементлари асосида яратилган сўзлар ўзбекча сўзлар дейилади. Ўзбекча сўзлар ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида, ўз қонуниятлари асосида яратилади. Бунда қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

1. Асли ўзбекча сўзларга шу тилдаги сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган сўзлар: тер+им+чи, бир+лаш+ма, қўл+лан+ма, ўт+каз+гич, тур+ғун, бола+ларча.

2. Бошқа тилдан ўзлашган сўзларга ўзбек тилидаги ясовчи қўшимчаларни қўшиш билан ясалган сўзлар: а) тожикча сўзлардан ясалган сўзлар: мард+лик, жанг+чи, дўст+лик, пул+сиз; б) арабча сўзлардан ясалган сўзлар: раҳбар+лик, қиммат+ли, шифо+ла+моқ, нифоқ+чи, номус+ли; в) русча-интерноционал сўзлардан ясалган сўзлар: спорт+чи, разведка+чи, бетон+ла+моқ, экскаватор+чи.

3. Бошқа тиллардан кирган ясовчи қўшимчалар ёрдамида ўз ва ўзлашма сўзлардан ҳосил қилинган сўзлар: тил+шунос, меҳнат+каш, чизма+каш, китоб+хон, илм+ий, вагон+соз ва бошқалар.

Ўзлашган қатлам. Ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркибига тарихий сабабларга кўра бошқа тиллардан кўплаб сўзлар кириб келган. Ўзбек тилига бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ўзлашган сўзлар (олинма сўзлар) деб юритилади. Ўзлашган сўзлар уйғур, тожик, араб, рус, немис, француз, испан, инглиз ва бошқа тилларга оид.

Ўзбек тилига бошқа тиллардан кириб келган сўзларни қуйидаги қатламларга бўлиш мумкин:

1. **Тожикча сўзлар:** осмон, офтоб, баҳор, баҳо, барг, дарахт, мироб, даста, бемор, ғишт, дашт, хонадон, шогирд, харидор, мард, кам, чала, балки, агар, ҳам каби.

2. **Араб тилидан ўзлашган сўзлар.** Арабча сўзлар ўзбек тилига ВИИ-ВИИИ асрлардан бошлаб кирган. Бу ҳол арабларнинг Марказий Осиёни босиб олиши билан боғлиқ. Китоб, мактаб, халқ, маориф, шоир, маъно, илҳом, касб, қассоб, санъат, асбоб, бино, иморат, овқат, ғалла, фил, парранда, ҳашарот, инсон, одам, оила, амма, холла, димоғ, идора каби.

3. Русча-интерноционал сўзлар. XIX асрнинг 2-ярмидан Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон чор Россиясининг мустамлака мамлакатига айланди. Рус тилининг ўзбек тилига таъсири шу даврдан бошланди. Рус тилидан, рус тили орқали бошқа тиллардан кўплаб сўзлар ўзлашди.

Ўзбек тилига рус тилидан ва рус тили орқали Европа халқлари тилларидан (француз, италян, немис, инглиз, испан) сўз кириши икки тарихий даврни ўз ичига олади:

1. XIX асрнинг 2-ярмидан XX асрнинг бошларигача бўлган давр.
2. 1917 йилдан кейинги давр.

Рус тилидан сўзлар икки йўл билан ўзлашди:

1. Рус ишчилари, усталари, рус аскарлари, чиновникларининг маҳаллий аҳоли билан турли хилдаги алоқалари билан оғзаки нутқ орқали: чилон (член), адбакат (адвокат), аписор (офицер), искалат (склад), ахран (охрана), чойнай (чойнак) каби.

2. Матбуот орқали: айрапилан (аероплан), пабрик (фабрика), пўшта (почта), зовут (завод), уез (уезд), кридит (кредит), банка (банк), вексил (вексил) каби.

Рус тили орқали кирган сўзларнинг баъзилари дунёдаги кўпгина халқларнинг тилида товуш томони деярли ўзгартирилмай ишлатиладиган халқаро сўзлардир. Улар, одатда, интерноционал (байналминал) сўзлар деб юритилади. Ўзбек тилига ўзлашган интерноционал сўзлар тарихий жиҳатдан қуйидаги тилларга мансуб:

1. Рус тилига: судья, самолёт, стол, стул, ток, ручка каби.

2. Лотин тилига: ревизия, нота, металл, рефлекс, резина, генерал, капитал, канал, план, директор, радио каби.

3. Грек тилига: грамматика, педагог, талант, тезис, кафедра, поезия, поэма, метр, нефт, тактика, параллел каби.

4. Немис тилига: ракета, кран, шахта, ролик, полиция каби.

5. Инглиз тилига: чемпион, футбол, доллар каби.

6. Француз тилига: роман, палто, сержант, министр, банк каби.

Рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзлар ижтимоий-сиёсий ҳаётга, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан-техника, маданий-оқартув, санъат, савдо, спорт, ҳарбий соҳага доир.

Ҳозирги Европа тилларидан сўзлар бевосита алоқалар орқали ўзлашмоқда. Масалан, ўз навбатида сўзлар ўзбек тилидан рус тилига ҳам ўзлашмоқда: ўрик, анжир, сомса (урюк, инжир, самса) каби.

Халқлар орасидаги турли хилдаги алоқа тилларнинг луғат таркибининг бойиб боришига хизмат қилади.

7-§. Ўзбек тили лексикасининг ишлатилиш доираси

Ўзбек тили лексикаси шу тилда гаплашувчи кишилар томонидан бир хилда қўлланмайди. Айрим сўз кенг жамоатчилик тилида қўлланса, баъзилари эса маълум территорияда яшовчи ёки маълум касб-ҳунар билан шуғулланувчи кишилар нутқида ишлатилади. Шунга кўра ўзбек тилидаги сўзлар икки гуруҳга ажратилади:

1. Ишлатилиш доираси чегараланмаган лексика.

2. Ишлатилиш доираси чегараланган лексика.

Ўзбек тили луғат таркибининг асосий қисмини ишлатилиш доираси чегараланмаган лексика ташкил этади.

Ўзбек тилида гаплашувчи барча кишилар тилида қўлланадиган сўзлар ишлатилиш доираси чегараланмаган лексика дейилади. Ишлатилиш доираси чегараланмаган лексикадан яшаш жойи, касби, хунари, жинси, маданий савиясидан қатъий назар барча ўзбек миллатига мансуб кишилар фойдаланади, шунга кўра улар умумистеъмолдаги сўзлар деб ҳам юритилади. Умумистеъмолдаги сўзларнинг маъноси ҳаммага тушунарли бўлади. Бу сўзлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, барча сўз туркумларига оид бўлади. Умумистеъмолдаги сўзларнинг кўп қисмини умумтуркий сўзлар ва ўзбекча сўзлар ташкил этади.

Бошқа тиллардан кирган сўзлар ҳам ўзбек халқининг барчасига тушунарли бўлса, улар ишлатилиш доирасига кўра чегараланмайди. Масалан, араб тилидан ўзлашган шамол, соат, иноқ, доҳий, мағ рур, ҳафа, мақол, ҳаёт, миллат, ҳикоя сўзлари; тожик тилидан ўзлашган гўшт, нон, созанда, суҳбат, сабзавот, омбур каби сўзлар; рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган трактор, кино, театр, цирк, картошка, фабрика, завод каби сўзлар умумхалқ тилида қўлланади.

Демак, ишлатилиш доираси чегараланмаган сўзлар ўз қатламга ҳам, ўзлашган қатламга ҳам оид бўлиши мумкин.

Ишлатилиш доираси чегараланган лексика. Тилдаги сўзларнинг умумхалқ томонидан ишлатилмайдиган қисми ишлатилиш доираси чегараланган лексика дейилади.

Бундай сўзларнинг ишлатилиши маълум сабабларга кўра чэгараланган бўлади. Ишлатилиш даражаси чэгараланган лексикага диалектал сўзлар, атамалар, жаргон ва арголар киради.

Диалектал лексика ишлатилиш территорияга кўра чэгараланган сўзлар бўлиб, улар адабий тилга кирмайди. Маълум бир худуддаги кишилар нутқида қўлланиб, уларгагина тушунарли бўлган сўзлар шева сўзлари дейилади. Шева сўзлари йиғиндиси диалектизм деб юритилади. Диалектизм – грекча сўз бўлиб, диалектос – «тилнинг маҳаллий кўриниши» демакдир. Шунинг учун диалектизм умумтилнинг маҳаллий кўриниши бўлган диалектларга хосдир.

Мисоллар: қоринжа (чумоли), ғ ўз (ёнғ оқ), карвич (ғишт) – Хоразм; норбон (нарвон), бодрак (варрак), поку (устара) – Бухоро; мишиқ (мушук) - Фарғ она; инак (сигир), мўрча (чумоли), пишак (мушук) - Самарқанд шевасида.

Шевадаги баъзи сўзлар адабий тилда ҳам бўлиши мумкин. Лекин улар бошқа-бошқа маъноларни билдиради. Масалан: коса сўзи Хоразм шевасида «пиёла» маъносини, адабий тилда «суяқ овқат соладиган идиш», лаган сўзи Хоразм шевасида кир ювадиган тоғ ора, адабий тилда «куюқ овқатларни соладиган идиш» маъносини билдиради.

ЙОзувчилар бадий асарда маҳаллий колоритни бериш, қахрамоннинг нутқини индивидуаллаштириш, унинг қаерлик эканини, тилидаги хусусиятларни кўрсатиш мақсадида шева сўзлардан фойдаланади.

Касб-хунар лексикаси. Ўзбек халқи қадимдан турли касб-хунар билан шуғулланиб келади. Шунинг учун Ўзбекистонда касб-хунар тармоқлари тараққий этган. Жумладан, кулочилик, кашшоқлик, каштачилик, дурадгорлик, теримчилик, овчилик, чорвачилик, косибчилик ва ҳоказолар шулар сирасига киради. Турли касб-хунарга доир сўзлар касб-хунар лексикаси дейилади. Ҳозирги ўзбек тили лексик таркибида касб-хунарга доир сўзларга бой. Масалан: кулолчиликда доғ чил (хум ясада ишлатиладиган асбоб), аспак ёки об ёғ оч, бандак, боғич (идиш четини текислаш учун ишлатиладиган латта, чарм ёки кигиз парчаси) каби сўзлар, сувокчилик соҳасида бози (токча ёки), андава (асбоб), лойкаш (киши), мола газчўп (асбоб) каби махсус сўзлар бор. Улар шу хунар эгалари тилида қўлланади ва улар учун тушунарлидир.

Ёзувчилар бадий асарларда қахрамонларнинг меҳнат фаолиятини кўрсатишда касб-хунарга доир сўзлардан фойдаланадилар.

Атамалар. Фан-техника, халқ хўжалиги, қишлоқ хўжалигига доир илмий тушунчаларни аниқ ифодалайдиган сўзлар атамалар дейилади. Фан-техника ва ишлаб чиқариш соҳасида қўлланиладиган терминларнинг жами терминология (терминологик лексика) деб юритилади. Масалан: фонетика, лексика, морфология, морфемика, синтаксис – тилшуносликка оид; квадрат, илдиз, теорема – математикага доир; сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш – адабиётшуносликка доир атамалардир. Ҳозирги кунда дунёда фаннинг 500 дан ортиқ тармоқлари бор, улар ҳар томонлама тараққий етмоқда. Бу тилда атамаларнинг бойиб боришига олиб келади. Атамалар илмий нутқда қўлланади ва улар бир маъноли бўлади.

Баъзи атамалар ўзбек тилида сўзлашувчи барча кишилар нутқда қўлланиб оммалашиб кетиши мумкин. Бунда улар ишлатилиш доираси чэгараланмаган умумхулқ сўзига айланади. Масалан, ўқитувчи, китоб, дафтар, дарс каби.

Жаргон ва арголар. Ўтмишда халқни эксплуатация қиладиган синф вакиллари, сарой ахллари, мансабдор шахслар, савдогарлар, қаландар, маддоҳлар, халқни алдаб юривчи гадойлар, ўғ рилар, фирибгарлар ўз ниятларини халқдан яшириш учун ўзларига тушунарли сўз ва иборалардан фойдаланганлар.

Тилда синфий айирмаликни кўрсатиб турадиган бундай сўзлар «синфий диалектнинг сўзлари» - жаргонлар деб юритилади.

Айрим ижтимоий гуруҳлар томонидан яратилиб, умумхалқ тилидан фарқ қиладиган дабдабали сўз ва иборалар **жаргонлар** дейилади. Масалан, офтоби олам (подшо), ҳусни мутлак (худо), нишони олий мон, шоеъ қилинг (билдиринг), мал ҳуз эмас (мулоҳаза қилинган эмас), неъматни жаннат (ёр, маҳбуба), шаваққуъ айланг (умид билан кутинг), танзил (фойда).

Ўғ рилар, қиморбозлар орасида қўлланадиган сўзлар **арголар** деб юритилади; лой (пул), хит (милиционер), бедана (тўппонча), хитола (ўғирла), замри (жим тур), атамри (гапир), атанда (қоч) каби.

Қадимда савдогарларнинг, отарчиларнинг ҳам арголари бўлган: якан (пул), жойи (йўк), хасут (нон), дах (яхши, дуруст) – отарчилар аргоси; сар ёки сари пиёз (минг сўм), сару нимсар (бир минг беш юз сўм), капара (олти минг сўм).

8 -§. Тарихий жиҳатдан ўзбек тили лексикаси

Тилнинг тарихий тараққиёти давомида унинг барча бўлимларида, жумладан, лексикасида ҳам ўзгаришлар юз беради. Бунда тилдаги баъзи сўзлар эскириб, истеъмолдан-ишлатилишдан чиқиб кетади ёки янги тушунчаларни номловчи сўзлар пайдо бўлади. Бу ҳодисалар тилнинг лексик таркибини 2 қатламга ажратишни тақозо этади:

1. Замоनावий қатлам (нейтрал қатлам).
2. Эскирган қатлам.
3. Янги қатлам.

Замоनावий қатлам. Бу қатлам ўзбек тили лексикасининг асосий қатлами бўлиб, уни умумхалқ лексикасига – ишлатилиш доираси чегараланмаган лексикага оид сўзлар, шунингдек, атамалар, касб-хунарга доир сўзлар ташкил этади. Бу қатламдаги сўзлар янгилик бўёғига ҳам, эскилик бўёғига ҳам эга бўлмайди.

Замоनावий қатламда сўзларнинг нутқда кўп ёки кам ишлатилиши, барча кишиларнинг ишлатилиши ёки маълум гуруҳ кишилари нутқидагина ишлатилиши асосга олинмайди.

Демак, янгилик ва эскилик бўёғига эга бўлмаган сўзлар.

Эскирган қатлам. Сўз ифодалайдиган предмет ёки тушунча ҳаётда йўқолиши ёки уларнинг маъносини ифодалайдиган бошқа сўзларнинг пайдо бўлиши муносабати билан айрим сўзлар аста-секин қўлланилмай унутила боради. Улар нутқда кам қўлланади. Уларнинг баъзиларини тушуниш мумкин, айримларини кўпчилик тушунмайди, улар бадиий ва илмий адабиётларда қўлланса, изоҳ талаб этади. Эскилик бўёғига эга бўлган сўзлар **эскирган лексика дейилади**. Эскирган лексика 2 турга ажратилади:

1. Тарихий сўзлар ёки историзмлар.
2. Архаик сўзлар ёки архаизмлар.

Тарихий сўзлар ўтмишдаги нарса ва ҳодисаларнинг номи бўлган, аммо ҳозир эскириб қолган сўзлар **тарихий сўзлар** дейилади. Тарихий сўзлар жамиятда йўқ бўлиб кетган нарсалар, шахслар ҳақида гап борганда қўлланилади. Ҳозирги тилда уларнинг синонимии йўқ. Масалан: **фойтун**, **ясовул**, **тахт**, **канизак**, **динор** (тилла пул), **чақирим** (1 км), **тош** (8 чақирим – 8 км), **газ** (71 см), **ботмон** (176, 128 кг), **мисқол** (4,25 г.), **мири** (5 тийин).

Баъзи сўзлар тил тараққиёти давомида турли хил нарсаларни ифодалайдиган бўлиб қолади. Бундай сўзларнинг бир маъноси эскирса, иккинчи хил маъноси замоनावий қатламда ишлатилади.

Масалан: *бой* сўзининг маъносини қиёсланг: *Бой Йўлчини зимдан кузатди (Ойбек). Сен бой бўламан деб нима ишларни қилмадинг, оқибати нима бўлди?*

Архаик сўзлар. Ҳозир мавжуд бўлган нарса-ҳодисаларнинг эскириб қолган номлари архаик сўзлар дейилади. Архаик сўзлар йиғиндиси архаизмлар дейилади. Архаизм – грекча сўз бўлиб, арчаиос – «қадимги» деган маънони билдиради.

Эскирган сўз ифода етаётган нарса-ҳодисалар ҳозирги ҳаётда бор бўлгани учун унинг эскирган номини алмашмай оладиган замоनावий қатламга оид сўз мавжуд бўлади. Аслида бир нарсанинг бирдан ортиқ номи бўлса, улардан тил тараққиёти қонуниятларига жавоб бера оладиган тилда сақланиб қолади, жавоб бера олмайдигани эскилик бўёғига эга бўлиб, ишлатилмай қолиб кетади. Масалан, **секретар** – котиб, мирзо, котиба. Улар ичидан котиб сўзи ҳозирги кунда кишилар томонидан кенг қўламда қўлланилган. Секретар сўзи эскириб, архаиклашиб қолган. Архаик сўзлар сўзловчининг кўз олдида истеъмолдан чиқиб кетаётган сўзлардир революция (инқилоб), туман (раён), вилоят (област), байналмилал (интерноционал).

Масалан: битик (китоб), улус, будун (халқ), ўмиз (кўкрак) каби.

Сўзлар бутун ҳолда архаиклашиши ёки унинг бирор маъноси архаиклашиши мумкин. Шунга кўра улар: а) лексик архаизмлар; б) семантик архаизмлар тарзида икки хил бўлади.

Лексик архаизмда сўз ескиради: гулгун, сиймо (образ).

Семантик архаизмда маъно ескиради: чечак – «гул» маъносида ескирган, бекат – карвонлар тўхтайдиган жой маъносида ескирган, бағир – «жигар» маъносида ескирган, давлат – «бойлик» маъносида ескирган.

Архаиклашиш ибораларда ҳам, грамматик ҳодисалар доирасида ҳам юз беради. Ибораларнинг архаиклашиши ҳолати кўп, лекин грамматик ҳодисаларнинг архаиклашиши ҳам учрайди: дасти алиф –лом килиб, гардонини ҳам килиб, ёқасини чоп етмоқ (иборалар); сифатдошнинг –дин, -миш шакллари, равишдошнинг –бон, -ибон шакллари, -дур – кесимликни кўрсатувчи боғлама ескирган грамматик шакллардир.

Фонетик архаизмлар ҳам мавжуд бўлиб, унда товуш ескиради: собун, қабок каби (совун, ковок).

Неологизмлар. Кундалик ҳаётимиздаги анги нарсаларни, уларнинг белгиларини, янгича муносабатларни, умуман янги тушунчаларни ифода етиш еҳтиёжи билан юзага келган сўзлар ёки янги маънода қўлланган ески сўзлар неологизмлар дейилади. Неологизм грекча сўз бўлиб, неос – «янги» деган маънони билдиради. Неологизм янгилик бўёғига эга бўлган сўзлардир. Масалан: **бакалавр, магистратура, компьютер, компьютер технологияси, маркетинг, супермаркет** каби. Неологизмлар янги пайдо бўлган пайтда, ишлатилиш доирасига кўра чэгараланган лексикага киради. Неологизмни маъноси тушунарлилик касб еца, халқ орасида оммалашиб кетиши мумкин. Бунда у янгилик бўёғини йўқотади ва умумхалқ сўзига айланади. Масалан: бригада, телевизор, трактор, космос, космонавт ва ҳоказо.

Баъзи неологизмлар янгилигича қолиб кетиши, ишлатилиш доираси чэгараланган лексикадан ўрин олиб қолиши мумкин. Демак, неологизм – нисбий тушунча. Чунки ҳар бир давр ўз неологизмига эга бўлади.

Сўз ёки сўзнинг маъноси неологизм бўлиши мумкин.

Сўз неологизм бўлса, лексик неологизм деб юритилади: брокер, ...

Лексик неологизмлар тамомила янги, ҳали ўзлашиб кетмаган сўзлардир. Бундай сўзлар: 1) ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган сўз ва ясовчи қўшимчалар билан ясалган янги сўзлардир: етти йиллик; 2) бошқа тилдан кирган ҳали умумхалқ тилига сингиб ўзлашиб кетмаган янги сўзлардир: магистр, бакалавр.

Лексик маънолардан бири янги бўлса, семантик неологизм деб юритилади. Масалан: Йўлдош (ер йўлдоши), пайвандчи (металлни уловчи).

9 -§. Ўзбек тили лексикасининг бойиш манбалари

Ўзбек тилининг лексикаси фан-техника, санъат, ишлаб чиқаришнинг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда бойиб боради. Тилнинг луғат таркиби 2 манба асосида бойийди.

1. Ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида (ички манба). Бунда сўз ясаш орқали янги сўзлар ҳосил қилинади: синфдош, лимонзор, вазирлик, ижарачи, тинчликсевар, МДХ, БМТ каби. Ички имкониятга шевалардан адабий тилга сўз олиш ҳам киради: ая, болиш, увилдирик (икра) каби.

2. Бошқа тиллардан сўз олиш (ташқа манба). Ўзбек тилига бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш турли даврларда турлича бўлган. Енг қадимда форс-тожик тилларидан, кейинроқ араб тилидан, ундан ҳам кейинроқ рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан сўз ўзлаштириш фаоллашган. Ўзлашган сўзлар ҳам ўзбек тили лексикасида анчагина миқдорни ташкил етади. Кейинги йилларда тилнинг лексик таркибини сўз ясашдан кўра бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ҳисобига бойиши етакчилик қилмоқда.

Бошқа тиллардан сўзлар икки усул билан ўзлаштирилади: 1)сўзни айнан олиш йўли билан; 2) калкалаб олиш йўли билан.

Сўзни айнан олиш йўли билан тожик, араб тилларидан, шунингдек, рус тилларидан, рус тили орқали бошқа Европа тилларидан кўпроқ ўзлаштирилган. Масалан, синч, девор, яна, рубоб, китоб, мактаб, дарахт, мутолаа, муомала, трактор, спорт каби.

Калкалаб ўзлаштиришда сўз айнан олинмайди, балки сўзнинг маъноси ўзлаштирилади. Иккинчи тилдаги сўзнинг маъноси шу сўзнинг морфемик таркибидан қисмма қисм нуша кўчириш орқали ифода етилади. Калкалаб ўзлаштиришнинг 2 хил йўли бор:

1. Тўлиқ калка. Бу усулда ўзлаштирилаётган сўзнинг барча қисмлари ўз тил материалдан тузилади. Масалан: полуграматный – чаласавод, всесоюзный - бутуниттифоқ.

2. Ярим калка. Бу усулда ўзлаштирилаётган сўзнинг бир қисми айнан сақланиб, бир қисми ўз тил орқали берилади. Тракторист – тракторчи, табелшик – табелчи каби.

Ярим калкада баъзан ўзлаштирилаётган сўзнинг бир қисм ташланиб, қолган қисми айнан олинади: актуальный – актуал каби.

Ўзга тил сўзидаги маъно ўз тилдаги сўз билан берилса, бу семантик калка деб ҳам юритилади. Масалан, бўғин сўзининг русча «поноление» маъноси.

10 -§. Фразеология

1-§. Нутқда икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро маъно ва грамматик жиҳатдан боғланишидан тузилган бирикмалар қўлланилади.

Бундай бирикмаларнинг айримлари нутқ жараёнида тузилади, айримлари эса тилда тайёр бирикма шаклида мавжуд бўлади. Улар бир-биридан ўзига хос белгилари билан фарқ қилади.

Нутқ жараёнида тузилган бирикма камида иккита мустақил сўздан ташкил топади ва мураккаб тушунча ифодаляди. Бундай сўз бирикмаси ифодалядиган тушунча таркибидаги сўзларнинг маъноси асосида юзага келади: қизиқарли асар. Бундай сўз бирикмаси таркибидаги сўзлар айрим-айрим сўзларга ажрала олади: қизиқарли асар – зерикарли асар. Шунинг учун улар еркин сўз бирикмаси деб юритилади.

Тилда кўп вақт бир қолипда қўлланавериб, бўлинмайдиган ҳолга келиб қолган бирикмалар мавжуд: оғзи қулоғида. Демак, сўз бирикмалари икки хил: а) еркин сўз бирикмаси; б) турғун сўз бирикмаси. Турғун бирикмалар икки хил: а) бирикмали атамалар; б) иборалар.

Тилда икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топиб, кўчма маъно ифодалядиган, маъноси бир сўзга тенг келадиган турғун бирикмалар ибора (фразеологик бирлик) дейилади.

Бирикмаларгина эмас, айрим гаплар ҳам ибора ҳолига келиб қолиши мумкин: Иштаҳаси очилди. Дили сиёҳ бўлди.

Ибораларнинг барчаси кўчма маъно ифодаляди ва уларда эмоционаллик сўзга нисбатан кучли бўлади. Шунинг учун иборалар нутқнинг ифодалигини ва таъсирчанлигини оширади.

Тилнинг ибораларни ўрганадиган бўлими фразеология, иборалар йиғиндиси эса фразеологизм деб юритилади.

Иборалар ўртасида ҳам ўзаро синонимлик, антонимлик, омонимлик ҳодисаси бўлиши мумкин. (Қаранг: -§. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари.)

11 -§. Лексикография

Тилшуносликнинг луғат тузиш иши билан шуғулланадиган бўлими лексикография дейилади. Луғатлар тилнинг луғавий бойлигини тўпловчи китобдир. Луғатлар муайян мавзуларда тузилиб, унда сўзлар алфавит тартибида жойлаштирилади. Луғат тузиш иши билан луғатшунослар қадимдан шуғулланиб келишган. Масалан, ХВИ асрда усмонли турк тилида «Абушқа» луғати яратилган.

Луғатлар характериға кўра икки турга бўлинади:

1) қомусий (енциклопедик луғат) луғатлар;

2) лингвистик луғатлар.

Қомусий луғатлар илмий, сиёсий, адабий ва ишлаб чиқаришга хос тушунчалар, борлиқдаги предметлар ва воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот беради.

«Ўзбек миллий энциклопедияси», «Уй-рўзғ ор энциклопедияси», «Саломатлик энциклопедияси», «У ким, бу нима?» каби луғатлар қомусий луғатлар сирасига киради.

Сўзларни тилшунослик нуқтаи назардан изоҳлайдиган луғатлар лингвистик луғат деб юритилади. Лингвистик луғатлар бир тилли, икки тилли ва кўп тилли бўлади.

Бир тилли лингвистик луғатларда луғавий бирликлар бир тилнинг - ўзбек тилининг ўзида изоҳланади. Бундай луғатларга «Имло луғати», «Орфоепик луғат», «Ўзбек тилининг морфем луғати», «Ўзбек тилининг синоним сўзлар луғати», «Ўзбек тилининг омоним сўзлар луғати», «Ўзбек тилининг антоним сўзлар луғати», «Ўзбек тилининг фразеологик луғати», «Етимологик луғати», 1981 йилда яратилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (2 жилд) кабилар. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да сўз ва ибораларнинг ўз ва кўчма маънолари ҳақида тўла маълумот берилади.

Икки тилли ва кўп тилли луғатлар таржима луғатлари бўлиб, улар бошқа тилнинг луғат таркибини ўзбек тилига ёки аксинча ўзбек тилининг луғат таркибини бошқа тилга таржима қилиш учун хизмат қилади. Икки тилли ва кўп тилли луғатларга ўзбекча-русча, русча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча-немисча каби луғатлар киради.

Кўп тилли луғатлар ўтмишда ҳам тузилганлиги арабча-форсча-туркча луғатлардан маълум. Ҳозирги кунга келиб кўп тилли луғатлар тузиш анча жадаллашди. СХунки кўп тилли луғатлар ҳозирги тилларни қиёсий ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Луғат фан ва техника, маданият, умуман жамиятнинг тараққий етиб бораётганини ўзида акс етиради. Луғатлар муҳим маданий бойликдир, чунки луғат нутқ маданияти, сўзларнинг маъноларини аниқ тушуниш ва уларни нутқда тўғ ри қўллаш, саводхонликка еришишнинг асосидир.

Лексик таҳлил намунаси	
1. Сўзнинг луғавий маъноси.	антонимлик, паронимлик хусусияти аниқланади.
2. Сўзнинг бир маъноли ёки кўп маъноли эканлиги аниқланади.	5. Умумхалқ ишлатадиган сўзми ёки умумхалқ ишлатмайдиган сўзми?
3. Маъно кўчган бўлса, кўчиш усули аниқланади.	6. Ибора мавжуд бўлса, унинг маъноси изоҳланади
4. Сўзнинг омонимлик, синонимлик,	

Такрорлаш учун саволлар

1. “*Лексикология*” сўзининг маъноси ва моҳиятини тушунтиринг.
2. Сўзнинг луғавий маъноси деганда нимани тушунаси?
7. Кўп маъноли сўзлар ҳақида гапиринг ва мисоллар келтиринг.
8. Кўп маъноли сўз ва омонимларнинг фарқи нимада?
10. Ўз маъно ва кўчма маъно ҳақида гапиринг.
11. Метафора усули ҳақида гапиринг.
12. Метонимия усули ҳақида гапиринг.
13. Синекдоха усули ҳақида гапиринг.
14. Киноя усули ҳақида гапиринг.
15. Вазифадошлик асосида маъно кўчиш усули ҳақида гапиринг.
16. Сўзлар шакл ва маъно муносабатларига кўра қандай турларга бўлинади?
17. Омонимлар ва уларнинг турлари ҳақида гапиринг.
19. Синонимларнинг таърифини айтиб, мисоллар келтиринг.
20. Синонимик қатор ва доминанта (бош сўз) ҳақида гапиринг.
21. Ўзлашма ва ясама сўзларнинг синонимик хусусиятлари ҳақида гапиринг.
22. Синонимларнинг турлари ҳақида гапиринг.
23. Антонимларнинг таърифини айтиб, мисоллар келтиринг.
24. Кўп маъноли сўзларнинг антонимик хусусиятлари ҳақида гапиринг.
25. Антонимликдаги учта белги ҳақида гапиринг.

26. Паронимлар ҳақида гапиринг.

27. Паронимларнинг омонимларга ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида гапиринг. 28. Антоним, омоним синоним ва паронимлардан қайсилари сўзнинг маъно томони билан, қайсилари шакл томони билан боғлиқ?

СЎЗ ЯСАЛИШИ

Сўз ясалиши тилшуносликнинг мустақил соҳаларидан бири бўлиб, у янги маъноли сўз ясалиши, сўз яшаш усуллари, сўз ясалишига алоқадор бўлган ҳодисаларни ўрганади.

«Сўз ясалиши» атамаси икки хил ҳодисага нисбатан қўлланади: 1) тилшуносликнинг сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодисаларни текширувчи бўлимини; 2) умуман сўз ясалиши, сўз ҳосил қилинишини билдиради.

Нутқда сўзлар туб ёки ясама шаклда қўлланади.

Ясовчи аффиксларга ёки ясовчи қисмларга эга бўлмаган сўз туб сўз дейилади: инсон, халқ, миллат, сув, нон, ҳаво, яхши, зийрак, хурсанд, беш, ўн, йигирма, биз ҳамма, баъзи, бормоқ, келмоқ, ўқимоқ, секин, бирга, ҳозир ва ҳ.к.

Тилда мавжуд усуллар билан янги ҳосил қилинган сўз ясама сўз деб юритилади. Масалан, тинчлик, боғ бон, гулзор, жонлан, бирлаш, кўкар, сезгир, завқли сўзлари ўзакка ясовчи аффикслар (-лик, -бон, -зор, -лан, -лаш, -ар, -гир, -ли) қўшиш усули билан ясалган бўлса, Дилором, Дурбек, Оқтепа, билақузук, соҳибжамол, софдил, ерксевар сўзлари сўзларни ёки сўз шакллари кўшиш, бириктириш усули билан ҳосил қилинган.

Тилда мавжуд бўлган сўз (ёки сўзлар, сўз шакллар негизида маълум усуллар билан янги маънодаги сўзларни ҳосил қилиш сўз ясалиши дейилади.

Ўзбек тилида сўз ясалишининг аффиксация, композиция, фонетик, семантик, аббревиация каби усуллари бўлиб, шулардан аффиксация ва композиция усуллари асосий ва етакчи усуллар ҳисобланади.

Аффиксация усули. Сўзга сўз ясовчи аффикс қўшиш билан янги сўз ҳосил қилиш аффиксация усули дейилади. Масалан, Пахтакор, синфдош, қувонч, дўстлик, очик, тиришқоқ, сержило, илмий, ўйла, кенгай, шодлан, тинчи, тасодифан, оқилона, кўпинча, ерталаб ва бошқалар.

Сўз ясовчи аффикслар ўзбек тилида асосан суффикс тарзида қўлланиб, сўз ўзагидан сўнг қўшилиб келади. Баъзан бундай аффикслар ўзак олдига префикс тарзида қўшилиб, янги маънодаги сўз ясаши мумкин. Масалан, серҳосил, серунум, бадавлат, баъмани, беминнат, беғараз, ноўрин, ноҳақ, бадфеъл, бадбашара ва ҳ.к.

Ўзбек тилида сўз ясовчи аффикслардан ташқари, ўз хусусиятлари билан аффиксларга жуда яқин турадиган хона, нома, обод каби сўз-аффикслар ҳам мавжуд. Бундай сўз-аффикслар тилшуносликда аффиксоидлар деб ҳам юритилади: ишхона, мехмонхона, ошхона, қабулхона, табрикнома, Халқобод, Янгиобод.

Композиция усули. Бирдан ортиқ мустақил маъноли сўз ёки сўз шакллари кўшиливи, бирикуви орқали янги сўз яшаш композиция усули билан сўз яшаш дейилади. Бу усул билан қўшма, айрим жуфт сўзлар ҳосил қилинади. Масалан, гулдаста, гултожихўроз, асалари, томорқа, хушфеъл, раҳмдил, олижаноб, ҳозиржавоб, ҳаво ранг, еълон қилмоқ, рад етмоқ, олиб келмоқ, олиб чиқмоқ, ҳар галл, ёнма-ён, зўр-базўр, кетма-кет ва б.

Фонетик усул. Бу усулга кўра, сўзда фонетик ўзгариш юз бериб, янги сўз ҳосил қилинади. СХунончи, сўз урғусининг ўрнини алмаштириш натижасида бошқа-бошқа сўз туркумига доир сўзлар ҳосил бўлиши мумкин: йўзма – феъл, ёзмаъ – сифат, суъзма – феъл, сузмаъ – от, физиък – от, физиък – сифат, акадеъмик – от, академиък – сифат ва б.

Семантик усул. Бу усулга биноан, сўз маъносида ўзгариш рўй бериб, маъноси бошқа-бошқа, шаклан ўхшаш янги сўз ҳосил бўлади: кун – сутканинг ёруғ қисми, кун - куёш, планета; кўк – осмон, кўк - ҳаворангга ўхшаш ранг, бир – сон, бирга, бирдан, бирда – равиш.

Фонетик ва семантик усул ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан нофаол тарихий сўз яшаш усуллари деб қаралади.

Аббревиация усули. Бу усулга кўра, бир бутун ҳолда қўлланадиган тўғри маъноли турғун бирикмаларнинг қисмлари ҳар хил йўл билан қисқартирилиб сўз ҳосил қилинади. Бу усул рус тилидан кирган бўлиб, қисқартма отлар шу усулда ясалади: БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДХ - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, АТС – Автоматик телефон станцияси, ТошМИ – Тошкент Медицина институти, Филфак – филология факултети, академлицей – академик лицей, педуниверситет – педагогика университети ва б.

ГРАММАТИКА

1-§. Грамматика ҳақида умумий маълумот

Грамматика – тилнинг грамматик қурилишини ўрганувчи тилшуносликнинг бўлими. Грамматика сўзларнинг гапда ўзгариши ва уларнинг ўзаро бирикиб, сўз бирикмаси, гап ҳосил қилиши ҳақидаги қоидалар тўпламидир.

Грамматика икки қисмдан: морфология ва синтаксисдан иборат. Морфологияда сўз туркумлари ва уларга хос бўлган шакллар ҳақида баҳс юритилса, синтаксисда сўзларнинг бир-бири билан боғланиб, гап, сўз бирикмаси ҳосил қилиши текширилади.

Кўринадики, грамматика ҳам лексикология сингари сўзни ўрганади. Аммо лексикология лексик сўзни – лексемани ўрганса, грамматика грамматик сўзни – сўзнинг шаклини, сўз шаклини текширади.

2-§. Сўз шакл ва грамматик маъно

Лексик сўз ёки лексема маъно ва ифода бирлигидан иборат бўлганидек («китоб» лексемасининг маъноси, ёки мазмун плани - «ўқиш қуроли» тушунчасини англатиши, ифодаси ёки ифода плани к, и, т, о, б товушларидан ташкил топишидир), грамматик сўз, ёки сўз шакл ҳам грамматик маъно ҳам грамматик ифода (шакл) бирлигидан иборатдир. Жумладан, китоб сўзи «ўқиш қуроли» тушунчасидан ташқари от, бирлик сон, бош келишиқ тушунчаларини ҳам билдиради. Бунда китоб сўзининг «ўқиш қуроли» тушунчасини ифодалаши унинг лексик маъноси саналади ва шу сўзнинг отга мансублиги, бирлик сон ва бош келишиқда экани унинг грамматик маъносидир.

Сўзнинг грамматик маъноси унинг лексик маъноси билан белгиланмайди. Масалан, сув, ҳаво, шамол, булут каби сўзларнинг лексик маънолари турлича, лекин грамматик маънолари бир хил, яъни буларнинг барчаси бирлик, бош келишиқдаги отлардир. Аксинча, биргина лексик сўз, лексема, маълум лексик маъно англатгани ҳолда турли шаклларда қўлланиб, ҳар хил грамматик маънони ифодалаши мумкин. Масалан, ўқимоқ феълининг тусланишли шакллари турли грамматик маъноларни билдиради: ўқияпман сўз шакли ҳозирги замон давом феълининг И шахс бирлик маъносини, ўқияпсан сўз шакли ҳозирги замон давом феълининг ИИ шахс бирлик маъносини ва ҳ.к.

Демак, сўзнинг маълум туркумга мансублигини кўрсатувчи, сўзнинг маълум бир грамматик шаклини ифодаладиган маъно грамматик маъно ҳисобланади. Кўринадики, грамматик маъно ўз хусусиятига кўра икки хил бўлади: 1) маълум бир сўз туркуми учун умумий бўлган маъно, яъни категориал грамматик маъно; 2) хусусий грамматик маъно сўзнинг категориал грамматик маъноси маълум сўз туркумлари учун хос бўлган умумий грамматик маънолардир. Масалан, нон, сув, уй, дала сўзларининг ҳар бирига хос бўлган маъно – лексик маъно. Аммо уларнинг барчаси учун умумий бўлган маъно яъни предмет маъноси грамматик маънодир. Айни шу умумий грамматик маъно уларни бир туркумга, яъни от туркумига бирлаштиради. Шунингдек, чиройли, доно, фозил, камтарин сўзлари учун умумий бўлган белги маъноси ва ўқи, ўрган, меҳнат қил, бор, кел сўзлари учун умумий бўлган ҳаракат маъноси категориал грамматик маъно саналади.

Сўзнинг хусусий грамматик маъноси маълум бир сўз туркуми учун мансуб бўлиб, бундай маънога отларга хос бўлган сон, эгалик, келишик маънолари, феълларга хос бўлган нисбат, майл, замон, шахс-сон, бўлишли – бўлишсизлик каби маънолар киради.

3-§. Грамматик маънони ифодалаш восита ва усуллари.

Ўзбек тилида грамматик маъно қуйидаги восита ва усуллар билан ифодаланади:

1. Аффиксация. Бунда грамматик маъно сўзнинг негизига турли шакл ясовчи аффиксларни қўшиш билан ифодаланади: мактаблар, мактабга, оддийрок, ишланди ва ҳ.к.

2. Ёрдамчи сўзлардан фойдаланиш. Мустақил маъноли сўзлар ёрдамчи сўзлар орқали грамматик маънога эга бўлиши мумкин: дарахт меваси билан кўркам, одам - меҳнати билан. (макол)

3. Такрорлаш. Сўзларни такрорлаш ҳам грамматик маънони ифодалашга хизмат қилади: даста-даста гул, хирмон-хирмон пахта каби. Бунда даста, хирмон сўзларини такрорлаш билан кўплик, мўллик маъноси ифодаланган.

4. Супплетивизм. Бу - ўзаро боғланган, маълум бир тизимни ташкил қилган грамматик маъноларни ифодалаш учун алоҳида-алоҳида сўздан фойдаланиш усули. Масалан, ўзбек тилида бир грамматик тизимни ҳосил қиладиган И ва ИИ шахс кишилик олмошларининг бирлиги мен ва сен сўзлари орқали, кўплиги биз ва сиз сўзлаори орқали ифодаланади.

5. Урғу. сўзининг грамматик маъносини ифода қилиш учун хизмат қилиши мумкин: *академик* (от), - *академик* (сифат), *янги* (сифат) – *йанги* (равиш), *терма* (сифат) – *терма* феълнинг бўлишсиз шакли.

6. Сўз тартиби. Сўзларнинг гапда олдинма-кейин келиш ҳам баъзан грамматик маъно ифодалашга ёрдам беради. Масалан: 1. Ажойиб одамлар. 2. Одамлар ажойиб. Биринчи гапда ажойиб сўзи отдан олдин келиб сифатловчи вазифасини, иккинчи гапда ушбу сўз отдан кейин келиб кесим вазифасини бажарган.

7. Оҳанг ҳам грамматик маъно ифодалашда катта аҳамиятга эга. Бунда грамматик маъно сўзларнинг гап сифатида шаклланиши билан боғлиқ. Масалан: *Ҳамма келди*. (Дарак гап) - *Ҳамма келди?* (сўроқ гап) - *Ҳамма келди!* (ундов гап).

4-§. Сўзнинг грамматик шакли

Сўзнинг бирор грамматик маъно ифодалайдиган кўриниши унинг грамматик шакли дейилади. Грамматик шакл грамматик маънони ифодалашнинг энг зарурий шарт, тилда улар бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди. Масалан, отлардаги кўплик маъноси лар аффиксли шакл орқали ифодаланади: гуллар; тушум келишиги маъносини ни аффиксли шакл кўрсатади ва ҳ.к.

Ўзбек тилида сўзлар бир грамматик кўрсаткичли, кўп грамматик кўрсаткичли ёки грамматик кўрсаткичсиз шаклда бўлиши мумкин. Масалан: мамлакат – грамматик кўрсаткичсиз сўз шакли; мамлакатлар – бир грамматик кўрсаткичли сўз шакли; мамлакатларида – кўп (3 та) грамматик кўрсаткичли сўз шакл.

Ҳозирги ўзбек тилида сўзларнинг грамматик шакллари аффикслар, ёрдамчи сўзлар воситасида, сўзларни жуфтлаш ёки такрорлаш орқали ҳосил қилинади. Шунга кўра сўзларнинг қуйидаги грамматик шакллари фарқланади:

1. **Синтетик шакл**. Бу шакл шакл ясовчи аффикслар воситасида ҳосил қилинади: *китобнинг*, *китобни*, *китобга*, *китобда*; *ўқимоқдаман*, *ўқимоқдасан*, *ўқимоқдамиз*, *ўқимоқдасиз* каби.

2. **Аналитик шакл**. Мазкур шакл ёрдамчи сўзлар ёки кўмакчи феъллар орқали юзага келади: *болалар учун*, *завқ билан*, *ўқиб тур*, *ўқиб кўр* каби.

3. **Жуфт ва такрорий шакл**. Икки сўзни жуфтлаш ёки бир сўзни такрорлаш билан ҳам грамматик шакл ясалдики, бундай шакл жуфт ва такрорий шакл деб юритилади: *тоғ - тош*, *катта-кичик жуфт* шакли умумлаштириш маъносини, *сават-сават* (нон), *тоғ -тоғ*

(пахта) такрорлаш шакли кўплик, мўллик маъносини ифодалайди, *катта-катта, тез-тез* такрорий шакл маънони кучайтириш учун хизмат қилади.

Демак, сўзнинг у ёки бу шакли махсус восита ва усуллар ёрдамида юзага келади. Аммо ўзбек тилида сўзларнинг махсус грамматик кўрсаткичга эга бўлмаган шакллари ҳам мавжуд. Масалан:

институтлар – институт Ø (бирлик сон);
институтда – институт Ø (бош келишик);
ишлама – ишла Ø (бўлишли феъл шакли) каби.

Сўзнинг шакллари тизимида кўрсаткичга эга бўлмаган сўзнинг махсус кўриниши нол кўрсаткичли (Ø кўрсаткичли) шакл деб юритилади. Сўзнинг бундай кўриниши сўз шакллари тизимида белгиланади.

Сўзнинг грамматик шакллари тизими **парадигма** (юнонча *парадеима* – «намуна») дейилади.

Парадигма ўз хусусиятига кўра икки турга бўлинади: 1) хусусий парадигма, 2) тўлиқ парадигма.

Бир туркумга оид сўзнинг муайян шакллари тизими **хусусий парадигмани** юзага келтиради. Масалан, отлардаги сон парадигмаси (*китоб-китоблар*), отлардаги келишик парадигмаси (*китоб-китобнинг-китобни-китобга-китобда-китобдан*) ва бошқалар хусусий парадигмалар ҳисобланади.

Бир туркумга хос хусусий парадигмалар йиғиндиси **тўлиқ парадигмани** ҳосил қилади. Масалан, отга хос тўлиқ парадигма: *китоб-китоблар-китоб-китобнинг-китобни-китобга-китобда-китобдан-китобим-китобинг-китоби-китобимиз-китобингиз...*

5-§. Грамматик категория

Бир-бирига қиёсан олинган икки ёки ундан ортиқ грамматик маъно билан шу маънони ифодаловчи грамматик шакллар тизими **грамматик категория** дейилади.

Грамматик категория сўзларни, сўз шаклларни, сўз ўринларини, сўз қурилмаларини бирлаштиради, умумлаштиради. Шунга кўра грамматик категорияларнинг тўрт тури фарқланади: 1) сўзнинг грамматик категориялар; 2) сўз шаклларнинг грамматик категориялари; 3) сўз ўринларининг грамматик категориялари; 4) сўз қурилмаларининг грамматик категориялари.

Сўз ва сўз шаклларнинг грамматик категориялари тизими тилнинг морфологиясини ташкил еца, сўз ўринлари ва сўз қурилмаларининг грамматик категориялари тизими тилнинг синтаксисини ташкил етади.

Демак, грамматик категорияларни морфологик категорияларга ва синтактик категорияларга ажратиш мумкин.

Морфологик грамматик категорияларга, биринчидан, сўз туркумларининг ўзи, яъни от, сифат, сон, феъл кабилар кирса, иккинчидан, маълум бир туркумга хос бўлган категориялар, яъни отларга хос бўлган сон, эгалик, келишик категориялари, феълларга хос бўлган бўлишли-бўлишсизлик, нисбат, майли, замон, шахс-сон категориялари киради.

Синтактик грамматик категориялар дейилганда, гап, гап бўлаклари: эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол кабилар назарда тутилади.

6 -§. Сўз туркумлари

Нутқимизда мавжуд сўзлар бир-биридан маъно ва грамматик хусусиятлари жиҳатидан фарқ қилади. Шу жиҳатдан сўзлар айрим-айрим лексик-грамматик гуруҳларга, туркумларга ажратилади. Сўзларнинг маъно ва грамматик белгиларининг ўхшашлигига қараб гуруҳларга бўлиниши сўз туркумлари дейилади. Сўзларни туркумларга ажратиш уч тамойилга таянади:

- 1) лексик-семантик тамойил;
- 2) морфологик тамойил;

3) синтактик тамойил.

Лексик-семантик тамойилга кўра сўзларни гуруҳларга ажратишда, сўзнинг лексик маъносига етибор берилади. Масалан: туз, нон, тинчлик, дарё, тоғ, осмон каби сўзлар предмет ёки предметлик тушунчасини (бундай сўзлар от сўз туркуми деб номланган); катта кўча, ширин олма, тиник осмон, кўк кўйлак каби ажратилган сўзлар предметнинг белгисини (бундай сўзлар сифат деб номланган), бешта дафтар, юзлаб одам, ўнтадан ўқувчи, иккинчи курс кабиларда ажратилган сўзлар предметнинг миқдорини, тартибини (бундай сўзлар сон деб номланган); айрим сўзлар бормоқ, келмоқ, ёзмоқ, кулмоқ, ухламоқ каби ҳаракат ва ҳолат тушунчасини (бундай сўзлар феъл деб номланган); аста ўқиди, дўстона гапирди, пиёда юрди каби ажратилган сўзлар эса иш-ҳаракатнинг белгисини (бундай сўзлар равиш деб номланган) билдиради.

Чунончи, айрим сўзлар предмет, белги, миқдор маъносини номлаб кўрсатмаса ҳам, уларнинг мавжудлигига ишора қилади: мен, сен, бу, шу, қанча, ҳар ким, қандайдир каби (бундай сўзлар олмош деб номланган).

Тилда шундай сўзлар ҳам (билан, ва, аммо, учун, чунки, албатта, йўқ, -ми, -чи, еҳ, оҳ, дупур-дупур, ялт-юлт каби) борки, улар мустақил ҳолда лексик маъно ифода етмайди, бирор тушунчанинг атамаси бўла олмайди. Бундай сўзлар ҳозирги ўзбек тилида кўмакчи, боғловчи, юклама, модал, ундов, тақлид сўзлар деб юритилади.

Морфологик тамойилга кўра сўзларни гуруҳларга ажратишда уларнинг морфологик хусусиятлари асос қилиб олинади. Сўзларнинг қандай морфологик шаклда келиши унинг маъно хусусияти билан боғлиқ. Масалан: предмет тушунчасини англатадиган сўзлар (отлар) сон, эгалик, келишиқ каби грамматик шаклларга; предметнинг, иш-ҳаракатнинг белгисини билдирадиган сўзлар (сифат ва равишлар) даража шаклига; ҳаракат ёки ҳолат маъносини билдирган сўзлар (феъл) нисбат, замон, шахс-сон, майл каби грамматик шаклларга эга.

Предмет ёки шахсга ишора қилувчи сўзлар (олмош) ҳам морфологик жиҳатдан ўзгариб, сон, эгалик, келишиқ шаклида кела олади.

Предметнинг миқдори ва тартибини англатувчи сўзлар (сон) морфологик жиҳатдан ўзгармайди. Шунингдек, лексик маъно англатмайдиган сўзлар (кўмакчи, боғловчи, юклама, модал сўз, ундов ва тақлид сўзлар) ҳам морфологик шаклларга эга эмас.

Синтактик тамойилга кўра сўзларни гуруҳларга ажратиш эса унинг синтактик томони, яъни қандай сўзлар билан грамматик муносабатга кириши, гапда бажарадиган синтактик вазифасига кўра белгиланади. Масалан: предмет маъносини англатувчи сўзлар (от) бош келишиқ шаклида эга ва кесим вазифасини, қаратқич келишиги шаклида аниқловчи, тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги шаклларида тўлдирувчи ва ҳол вазифаларида келади: дарс бошланди, одамнинг кўрки, хатни ёзди, университетда ўқийди каби.

Белги билдирадиган сўзлар (сифат, сон, равиш) предмет ёки ҳаракат ифодаловчи сўзлар билан грамматик муносабатга киришиб, гапда аниқловчи ёки ҳол вазифаларида келади (тўғ ри сўз, ўз, бешта бола, кўп китоб, яхши ўқийди, биринчи келди каби).

Предмет, белги, миқдорнинг мавжудлигига ишора қилувчи, улар ўрнида алмашилиб қўлланувчи сўзлар (олмошлар) гапда нимага ишора қилиши ва қандай сўзлар билан бирикишига кўра гапда эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол вазифаларида келади (мен гапирдим, мақсадим – шу, бу бино, нимани ўқидинг, қаерда яшайди каби).

Тилда мавжуд лексик маъно ифода етмайдиган сўзлар эса (кўмакчи, боғловчи, юклама) лексик маъно ифодаловчи сўзлар орасидаги грамматик муносабатни шакллантиради, га пёки унинг таркибидаги айрим сўзларга қўшимча маъно қўшади. Бундай сўзлар синтактик вазифа бажармайди.

Шунингдек, лексик маъно ифодаламай, бирор ҳодисанинг атамаси (номи) бўлмаса ҳам, лексик гап бўлаги сифатида ёки мустақил ҳолда сўз-гап сифатида қўллана оладиган сўзлар (модал, ундов, тақлид сўзлар) ҳам мавжуд (керак, зарур, бор, оҳ, еҳ, уф, ей, гуп-гуп, дупур-дупур каби).

Демак, сўзларнинг гапда қандай гап бўлаги бўлиб келиши, унинг қандай сўзлар билан алоқага кира олиши, маъносига ва грамматик шаклига боғлиқдир.

Ўзбек тили луғат таркибидаги сўзлар лексик-семантик, морфологик ва синтактик тамойилга таянган ҳолда қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1) мустақил сўзлар, 2) ёрдамчи сўзлар, 3) модал, ундов ва тақлид сўзлар.

Мустақил ҳолда лексик маъно ифода эта оладиган бирор морфологик шаклда келиб, гап бўлаги вазифасини бажарадиган сўзларга мустақил сўзлар дейилади. Мустақил сўзларга от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш каби сўз туркумлари киради.

Мустақил ҳолда лексик маъно ифода етмай, гап бўлаги вазифасини бажармайдиган, фақат сўзлар орасидаги синтактик муносабатни ифодалайдиган ёки уларга қўшимча маъно қўшишга хизмат қиладиган сўзлар ёрдамчи сўзлар дейилади. Ёрдамчи сўзларга кўмакчи, боғловчи, юклама киради.

Модал сўзлар модал маъно ифодалаш жихатидан юкломаларга ўхшаса-да, лекин ундан фарқли равишда гапда гап бўлаги (кесим, составли кесим таркибида) вазифасида, бутун бир гап тарзида кела олади.

Ундов ва тақлид сўзлар мустақил сўзлар каби бирор ҳодисанинг номи бўла олмайди, лекин гап бўлаги вазифасида сўз-гап вазифасида кела олади. Шунинг учун ҳам бундай сўзлар алоҳида гуруҳни ташкил этади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Грамматик маънони ифодалаш воситалари ҳақида гапиринг.
2. Сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида қандай туркумлар ясалади? Мисоллар.
3. Сўзларни қўшиб, жуфтлаб яшашда қандай сўзлар ҳосил бўлади?
4. Қисқартма усул ҳақида гапиринг.
5. Қайси туркумлардаги сўзлар бошқа туркумга кўчиб, янги сўз ясалади?
6. Сўзларни такрорлаш ёрдамида сўз ясалиши ҳақида гапиринг.
7. Содда туб ва содда ясама сўзларга мисоллар келтиринг.
8. Қўшма сўзларга мисоллар келтиринг.
9. Қисқартма сўзларнинг турли кўринишларига мисоллар келтиринг.
10. Жуфт сўзларнинг қисмлари қандай хусусиятларга эга бўлиши мумкин?
11. Жуфт сўзларнинг қисмлари маъно жихатдан қандай турларга эга бўлиши мумкин?
12. Такрорий сўзлар қандай маъноларни ифодалайди?
13. Морфология ва синтаксис бўлимлари-да қандай масалалар ўрганилади?
14. “Грамматика” ва “морфология” сўзларининг маъноларини изоҳланг.
15. “Сўз туркумлари” деганда нимани тушунаси?
16. Мустақил сўзларнинг хусусиятлари ва турлари ҳақида гапиринг.
17. Ёрдамчи сўзларнинг хусусиятлари ва турлари ҳақида гапиринг.

ОТ

1-§. Отнинг лексик-грамматик хусусиятлари

Предметнинг номини (кенг маънода) билдирувчи мустақил сўз туркумига от дейилади. От сўз туркумига оид сўзлар ким? нима? кимлар? нималар? саволларидан бирига жавоб беради: ўқитувчи, хонанда, тилшунос – ким?, ер, сув, туз, нон – нима? каби.

Кенг маънода предмет маъносини ифодалаш отнинг лексик хусусиятидир. Предметлик маъносини тирик мавжудотлар (парранда, қуш, чумоли каби), ер ва осмонга оид нарсаларнинг номи (қуёш, ой, тоғ, тош, дарё каби), кундалик турмушга оид нарсаларнинг номи (туз, нон, чойнак, қатиқ каби), ўсимликларнинг номи (пахта, шоли, жўхори, беда каби), воқеа-ходиса, белги, хусусият ва муносабатларнинг номи (тўй, анжуман, мажлис, шодлик, ишонч, кураш каби), ўрин ва вақт номлари (ёз, куз, пастлик, тепалик каби), шунингдек атаб қўйилган шахс ва предмет номлари (Тошкент, Зулфия, Сирдарё, «Ўқитувчи» нашриёти каби) ифода этади.

От шу маъно хусусияти жиҳатидан икки турга бўлинади: турдош отлар ва атоқли отлар. Китоб, дафтар, тинчлик – турдош отлар; Самарқанд, Акмал, «Қора кўзлар» (роман), «Фан» (нашриёт) - атоқли отлар.

От ўзига хос морфологик хусусиятларга эга, яъни:

1) От сон категориясига эга, яъни предмет англатувчи сўзлар бирлик ва кўплик сонда қўлланади. Отлар бирлик сонда якка бир предметни ифодалайди: дарахт – якка бир предмет, бирлик сон шаклида келган; дарахтлар - ноаниқ кўплик сон шаклида келган;

2) от эгалик категориясига эга, яъни предметнинг уч шахсдан бирига (сўзловчи, тингловчи, ўзга шахсга) тааллуқлилигини, қарашлилигини, мақсублигини билдиради: менинг дафтарим, сенинг уканг, унинг қувончи каби;

3) от келишик категориясига эга. Отлар олтига келишик маъносига эга бўлиб, бу келишик шакллари отнинг бошқа сўзларга бўлган синтактик муносабатини ифодалайди (Барнонинг китоби, китобни ўқиди, китобдан фойдаланди каби);

От ўзига хос синтактик белгиларга ҳам эга:

1) от от билан боғланади. Бош ва қаратқич келишигидаги отлар ана шундай хусусиятга эга: пахта ғуруримиз, фарзанднинг бахти каби;

2) от феъл билан боғланади, яъни тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги отлар феъл билан бирикади: хатни ўқиди, хатга қаради, хатда ёзилган, хатдан кўчирди каби;

3) от баъзан сифат, равиш, сон, олмош, таклид ва ундов сўзлар билан ҳам бирика олади: осмон тиниқ, уйлар кўп, бешта бола, мақсадим шу, дупур-дупур овоз, холига вой каби;

4) бош келишик шаклидаги от гапда асосан, эга ва кесим, баъзан сифатловчи-аниқловчи, изоҳловчи каби гап бўлаклари вазифасида, шунингдек, ундалма, номинатив гап тарзида келади. Масалан: Ўзбекистон – келажаги буюк давлат (И.Каримов). Олим киши ўзининг илми ва одобига таянади. (Оз-оз ўрганиб доно бўлур). Сени улуғлайман, ей она халқим (А.О.) Субҳидам. Куёш ётоғидан бош кўтарди (П.Қ.);

5) Қаратқич келишигидаги от қаратувчи-аниқловчи вазифасида келади: Сен Пушкиннинг севган малаги (А.О.);

б) тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги шаклидаги отлар тўлдирувчи, хол, баъзан кесим вазифасини бажаради. Масалан: Байрамни муносиб меҳнат тортиқлари билан нишонлашди (С.А.). Боғ чада дарахтлар олтин ранг билан товланарди (О.). Олтин ўтда билинади, одам меҳнатда. (Мақол).

Демак, отнинг қандай синтактик вазифада келиши унинг қайси келишик шаклида келиши билан боғлиқдир.

Шунингдек, от сўз туркуми сўз ясалиш хусусиятига эга. От сўз туркуми фаол сўз ясалиш усуллари морфологик, синтактик ва фақат от сўз туркуми ясайдиган аббревиация усули билан ясалади: хизматчи, кулги, тароқ, гулзор, севинч (морфологик усул билан); белбоғ, кўзойнак, бахт-саодат, ота-она (синтактик усул); ДАН, ТошДПУ (аббревиация усули билан) каби.

Отларда модал шакл ясалиши ҳам мавжуд. Отларда модал маъно отнинг лексик маъносига кенгайтириш, еркалалаш, ҳурмат, кучайтириш, гумон, ноаниқлик, кэсатик, таъкид, умумлаштириш каби қўшимча маъноларни қўшиш билан ҳосил қилинади: кизча, кўзичок, бўталок, болагина, Каримжон, Раънохон, ун-пун, нон-пон каби.

2 -§. Отларнинг маъно турлари

Отлар маъно жиҳатдан икки турга бўлинади: **атоқли отлар ва турдош отлар.**

Бир хилдаги предмет (шахс) ёки ҳодисалардаги биринчи айириб кўрсатадиган отлар атоқли отлар дейилади. Атоқли отлар атаб қўйилган номлардир. Атоқли отларга қуйидагилар киради:

1) кишиларнинг исми ва фамилиялари: Мурод, Ўктам, Ўткир, Маҳмудов, Аҳмедов каби;

2) ёзувчи ва шоирларнинг тахаллуслари: Ойбек, Уйғун, Муқимий, Фурқат каби;

3) уй ҳайвонларига атаб қўйилган номлар: Олапар, Тўрткўз, Мош каби;

- 4) планета, юлдуз ва сайёраларнинг номи: Ер, Зухра, Етти қароқчи, Миррих каби.
- 5) географик номлар (шаҳар, қишлоқ, тоғ, дарё, қўл, чўл, қитъа номлари): Самарқанд, СҲотқол, Помир, Оҳангарон, СҲирчиқ, Осий каби;
- 6) олий давлат ва юқори ташкилотларнинг номлари: Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Олий Кенгаши каби;
- 7) илмий муассасалар, олий ўқув юртлири, вазирликлар ва корхоналар номи: Пахтачилик илмий-текшириш институти, Тошкент Давлат Педагогика университети, Молия вазирлиги, Давлат банки каби;
- 8) юқори мансаб, олий фахрий унвон номлари: Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамаси раиси, Бош Қўмондон каби;
- 9) турли анжуман, ҳужжат ва резолюциялар, тарихий воқеалар номи: Улуғ Ватан уруши, Мустақиллик куни, Тошкент анжумани каби;
- 10) фабрика, завод, жамоа хўжалиги, спорт жамиятлари, кино, театр, китоб, газета, журнал номлари: «Шарқ юлдузи» хўжалиги, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, «ЙОш куч» спорт жамияти, «Туркистон» концерт зали, «Йўлдузли тунлар» романи, «Маърифат» газетаси, «Гулистон» журнали каби.

Атоқли отлар, одатда, бош ҳарф билан ёзилади, шунингдек, кўплик сон шаклида қўлланмайди. Шу хусусиятлари билан турдош отлардан фарқ қилади.

Бир турдаги предмет, ходисаларнинг умумлаштирувчи номи турдош от дейилади: стол, китоб, танбур, бахт, ғ оя, анжуман каби. Турдош отлар атоқли отларга нисбатан кўп микдорни ташкил этади. Турдош отлар кичик ҳарф билан ёзилади.

Атоқли отлар турдош отларга ёки аксинча, турдош отлар атоқли отга ўтиши мумкин. Масалан, франциялик устанинг номи Батист (атоқли от) сўзи турдош отга (матонинг номи) айланган бўлса, муҳаббат турдош оти (абстракт от) атоқли отга (исмга) айланган.

Турдош от ифодаланган тушунчанинг хусусиятига кўра конкрет (аниқ) ва абстракт (мавҳум) отларга ажратилади. Бевосита предмет англатадиган отлар конкрет отлар дейилади: қалам, дафтар, бола, тоғ каби. Конкрет отларни бевосита санаш ва кўриш мумкин: ўнта дафтар, бешта бола каби. Бирлик ва кўплик шаклида кела олади: бола (бирлик) – болалар (кўплик) каби.

Мавҳум тушунчани, белгини предмет сифатида ифодаладиган отлар абстракт от дейилади: тинчлик, ирода, бахт, қувонч каби.

Абстракт отларни санаш ва кўриш мумкин эмас. Кўплик сон шаклида қўлланмайди.

Турдош отлар бирлик шаклда келиб яқка бир предметни ёки предметларнинг тўдасини ифодалаш мумкин. Шу хусусиятга кўра турдош отларнинг икки тури мавжуд: яқка от ва жамловчи от.

Бирлик шаклда келиб бир турдаги предметлардан биттасини ифодаладиган от яқка от дейилади: дарахт, стол, киши, дарё каби.

Бирлик шаклда келса ҳам, лекин бир турдаги предметларнинг жамини, тўдасини ифодаладиган от жамловчи от дейилади: халқ, лашкар, тўда, оломон, кўпчилик, озчилик каби.

3 -§. Отларда сон категорияси

Отларга хос морфологик хусусиятлардан бири сон категориясидир. Отларда сон категориясини бир-бирига қарама-қарши қўйилган бирлик сон шакли ва кўплик сон шакли ташкил этади.

Бирлик сон шаклида қўлланувчи отлар яқка бир предметни ёки яққаликни ажратилмайдиган предметни англатади: қалам, дафтар, тоғ, уй, талаба каби. Бирлик сон шаклида қўлланган от махсус грамматик кўрсаткичга эга эмас. Шунинг учун отнинг бундай қўшимча олмаган шакли (нол кўрсаткичли шакл) грамматик жиҳатдан бирлик сон шакли деб қаралади.

Кўплик сон шаклида қўлланувчи отлар икки ёки ундан ортиқ предметни (ёки ноаниқ кўпликни) англатади: қаламлар, дафтарлар, тоғлар, уйлар, талабалар каби.

Отларда грамматик кўплик сон шакли –лар аффикси билан ҳосил қилинади.

Кўринадик, отлардаги бирлик маъноси ва кўплик маъноси ҳамда буларни ифода етувчи шакллар йиғиндиси сон категориясини ҳосил қилади.

Отларда сон категориясини бирлик ва кўплик маъносида қўллана оладиган отларга хосдир. Санаш мумкин бўлган, бевосита предметни англатадиган конкрет турдош отлар бирлик шакли билан бирга кўплик сон шаклида ҳам қўлланади: хона – учта хона – хоналар; бола – беш бола – болалар каби.

Ўзбек тилида бирлик ва кўплик сон шаклига эга бўлган отлар билан бир қаторда фақат бирлик шаклида қўлланидиган отлар ҳам мавжуд.

Бундай отларга абстракт отлар (севги, ишонч, кўнгил каби), доналаб саналмайдиган предметларни англатувчи отлар (ун, сув, ёғ, гуруч каби), якка бир предметни англатувчи отлар (тил, бош, юрак каби), жуфт предметни англатувчи отлар (кўз, қош, кўл, етик, пайпоқ каби), атоқли отлар (Зулфия, Тошкент, Сирдарё каби) киради. Айрим ҳолларда бу отларга –лар кўплик аффикси қўшила олади. Бундай ҳолда –лар кўплик маъносини эмас, балки қуйидаги маъноларни ифодалаб келади:

1. Абстракт отлар, якка бир предметни англатувчи отлар, жуфт предметни англатувчи отларда –лар аффикси қўшилганда маънони кучайтиради ёки таъкидлайди: Кумушнинг қошлари чимирилди (А.Қодирий).

2. Доналаб саналмайдиган предметни англатувчи отларга –лар аффикси қўшилганда, шу предметнинг тури, нави, ёки мўллик каби маъноларни билдиради: Зилол сувлар, ерам каби боғу-бўстонлар (Ғайратий).

3. Атоқли отларга қўшилганда эса умумлаштириш, биргалик каби маъноларни билдиради: Саидалар келишди каби.

Шунингдек, қариндош-уруғлик муносабатини билдирувчи (ота, она, буви, ака, опа каби) отларга эгалик қўшимчасидан кейин –лар аффикси қўшилганда, бу отлар ҳурмат маъносини англатади: отамлар, опамлар, бувимлар каби.

Отларда кўплик маъноси турли хил усуллар билан ифодаланади.

1. Отларда кўплик маъноси, асосан, –лар аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади. Кўплик маъносининг бундай махсус грамматик кўрсаткич билан ифодаланиши кўпликнинг морфологик усул билан ифодаланиши саналади: ешиқлар, кўчалар каби. Бундай отларга грамматик жиҳатдан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам кўплик сон шаклида деб қаралади. Отларда кўплик маъноси, асосан шу усул билан ифодаланади.

2. Отларда кўплик маъноси лексик маъноси кўп предметни билдирадиган отлар орқали ҳам англашилади. Бундай отлар бирлик шаклида бўлса ҳам, бир турдаги предметларнинг тўдасини, жамини билдиради: тўда, гала, аҳоли, халқ, оломон каби. Кўплик маъносини бундай жамловчи отлар орқали ифодаланиши лексик-семантик усул дейилади. Бундай маънодаги отларга грамматик жиҳатдан бирлик шаклда, лекин семантик жиҳатдан кўпликда деб қаралади.

3. Отларда кўплик маъноси от олдидан миқдор билдирувчи равишлар, санок сонлар, гумон олмошларини келтириш, сўзларни такрорлаш билан ҳам ҳосил қилинади. Бу усул билан кўплик маъносининг ифодаланишига синтактик усул дейилади: кўп бола, учта китоб, бир неча қиз, даста-даста гул, тўда-тўда одам каби.

4-§. Отларда эгалик категорияси

Предмет ёки предметлик тушунчасининг уч шахсдан бирига (баъзан предметга) тааллуқли эканлигини кўрсатувчи умумий маънолар ва бу маъноларни ифода етувчи шакллар тизимига эгалик категорияси дейилади.

Предмет ёки предметлик тушунчасининг уч шахсдан бирига, яъни сўзловчи (И шахс), тингловчи (ИИ шахс), ўзга (ИИИ шахс) шахсга тааллуқлилигини ифодалайдиган аффикслар эгалик аффикслари дейилади. Эгалик аффикслари шахс маъноси билан бирга унинг сонини (бирлик ёки кўплик маъносини) ҳам ифодалайди. Эгалик аффикслари қуйидаги жадвалда берилган.

Шахс	Бирлик	Кўплик
------	--------	--------

И шахс	-(<i>и</i>)м	-(<i>и</i>)миз
ИИ шахс	-(<i>и</i>)нг	-(<i>и</i>)нгиз
ИИИ шахс	- <i>и</i> , - <i>си</i>	- <i>и</i> , - <i>си</i>

Жадвалдан кўринадик, ИИИ шахс эгалик аффикси бирлик ва кўплик сон учун умумий. Предметнинг бир шахсга ёки кўп шахсга тааллуқлилиги эгалик аффикси олган от боғланиб келган сўзнинг грамматик сон шаклига қараб аниқланади: унинг китоби – бирлик, уларнинг китоби – кўпликдир.

Шунингдек, эгалик аффикслари от негизининг унли ёки ундош товуш билан тугашига қараб икки хил шаклда қўлланади.

Шахс	Бирлик		Кўплик	
	унлидан сўнг	ундошдан сўнг	унлидан сўнг	ундошдан сўнг
И шахс	<i>совга</i> + - <i>м</i>	<i>дафтар</i> + - <i>им</i>	<i>совга</i> + - <i>миз</i>	<i>дафтар</i> + - <i>имиз</i>
ИИ шахс	<i>совга</i> + - <i>нг</i>	<i>дафтар</i> + - <i>инг</i>	<i>совга</i> + - <i>нгиз</i>	<i>дафтар</i> + - <i>ингиз</i>
ИИИ шахс	<i>совга</i> + - <i>си</i>	<i>дафтар</i> + - <i>и</i>	<i>совга</i> + - <i>си</i>	<i>дафтар</i> + - <i>и</i>

Эгалик аффикслари одатда, кўплик аффиксидан кейин қўшилади: китоб+ -лар+ -им каби.

Эгалик аффикси қўшилган от, одатда, қаратқич келишигидаги (белгили ва белгисиз шаклдаги) бошқа от, олмош ва отлашган сўз билан боғланади: дарахтнинг барги, ипак курти, менинг вазифам, яхшининг сўзи каби. Бу боғланиш эгалик аффиксини олган от англатган предметнинг қаратқич келишигида келган сўзга қарамли еканлигини кўрсатади.

Эгалик аффиксини олган от баъзан чиқиш келишигидаги от билан ҳам боғланиши мумкин. Масалан: талабалардан бир гуруҳи каби. Бундай боғланишда эгалик аффиксини олган от юқоридаги каби қарашлилиқ маъносини эмас, балки алоқадорлик, мансублик маъносини ифодалайди. Демак, бу ҳолда фақат грамматик эгалик (алоқадорлик, мансублик) маъноси мавжуд.

Эгалик аффикси И ва ИИ шахсда предметнинг қайси шахсга тегишли еканлигини аниқ кўрсатади. СХунки бу шахслар ҳар вақт кишилиқ олмошлари билан ифодаланади. Масалан: менинг бурчим, сенинг бурчинг, бизнинг бурчимиз, сизнинг бурчингиз каби. ИИИ шахсда эса эгалик аффиксини олган от қаратқич келишигида келган олмош билан ҳам, от ва отлашган сўзлар билан ҳам боғлана олади: унинг бурчи, фарзанднинг бахти, кўпларнинг орзуси каби.

Баъзан услуб талаби нуқтаи назаридан шахс ва эгалик аффиксини олган от орасидаги муносабат ўзгача бўлиши мумкин, яъни ИИ шахс бирлик сондаги эгалик аффиксини олган от шу шахснинг кўплиги учун қўлланиши мумкин: сенларнинг мақсадинг каби. ЙОки, аксинча, отнинг ИИ шахс кўплик шаклидаги эгалик аффиксини олган от шу шахснинг бирлиги учун қўлланиши мумкин: сизнинг опангиз каби. Биринчи ҳолда камситиш, кэсатиқ каби маънолар, иккинчи ҳолда эса ҳурмат маъноси ифодаланади.

От кўплик сон шаклида келиб, кўплик маъносини ифодалаганда, эгалик аффикси –лар қўшимчасидан кейин қўшилади: опаларим каби. Лекин ҳурмат маъноси ифодаланганда, эгалик аффикслари –лар қўшимчасидан олдин қўшилади: опамлар, акамлар каби.

Эгалик аффикслари отнинг гапдаги синтактик вазифасини кўрсатмайди.

Баъзи отларга эгалик аффикслари қўшилганда, сўз таркибида турли фонетик ўзгаришлар рўй беради. Булар қуйидагилар:

1. **к, қ** ундоши билан тугаган кўп бўғинли сўзларга, шунингдек, бек каби айрим бир бўғинли сўзларга эгалик аффикслари қўшилганда, **к** ундоши **г** ундошига, **қ** ундоши **ғ** ундошига айланади ва бу ҳолат ёзувда ҳам сақланади: тилак – тилаги, юрак – юраги, бек – беги, кубок – кубоги, қишлоқ - қишлоғи каби. Лекин кўп бўғинли ўзлашма сўзларга, бир

бўғинли сўзларга (кўп ҳолларда) эгалик аффикслари қўшилганда к, қ ундоши аслига мос ҳолда айтилади ва ёзилади: иштирок – иштироки, очерк – очеркинг, ерк – ерки; ҳуқуқ - ҳуқуқим, завқ - завқи каби.

2. Ўрин, қорин, бурун, ўғил, бўйин, кўнгил, сингил каби отларга эгалик аффикслари қўшилганда, иккинчи бўғиндаги и, у унлилари талаффузда айтилмайди ва ёзилмайди: ўрин - ўрним, қорин - қорним, бурун – бурнинг, ўғил - ўғлим, кўнгил – кўнгли, сингил – синглим каби.

3. Парво, обрў, мавқе, авзо, мавзу сўзларига И ва ИИ шахс эгалик аффикслари қўшилганда, сўз таркибида бир й товуши қўшим айтилади ва шундай ёзилади: парвойим, парвойинг, обрўйим, обрўйинг каби; ИИИ шахсда эса парво, обрў, мавқе, авзо сўзлари парвойи, обрўйи, мавқеи, авзойи каби, мавзу сўзи эса мавзуси тарзида айтилади ва ёзилади.

5-§. Отларда келишик категорияси

От (ёки отлашган сўз)нинг бошқа сўзларга бўлган синтактик муносабатини кўрсатувчи маънолар ва бу маъноларни ифодаловчи шакллар тизимига келишик категорияси дейилади. Келишик категорияси олтига грамматик маъно ва уни ифода етувчи шаклларни ўз ичига олади. Буларга бош келишик, қаратқич келишик, тушум келишик, жўналиш келишик, ўрин-пайт келишик ва чиқиш келишик каби грамматик маънолар ҳамда бу маъноларни ифодаловчи –нинг, -ни, -га (-ка,-қа), -да, -дан келишик шакллари киради. Ҳар бир келишик ўз номи, ифода шаклига эга, маълум бир сўроқларга жавоб беради.

Келишиклар	Турланиши	Сўроқлари
Бош келишик	<i>Саида, китоб, Тошкент</i>	<i>ким? нима? қаер?</i>
Қаратқич келишик	<i>Саиданинг, китобнинг, Тошкентнинг</i>	<i>кимнинг? ниманинг? қаернинг?</i>
Тушум келишик	<i>Саидани, китобни, Тошкентни</i>	<i>кимни? нимани? қаерни?</i>
Жўналиш келишик	<i>Саидага, китобга, Тошкентга</i>	<i>кимга? нимага? қаерга</i>
Ўрин-пайт келишик	<i>Саидада, китобда, Тошкентда</i>	<i>кимда? нимада? қаерда</i>
СҲиқиш келишик	<i>Саидадан, китобдан, Тошкентдан</i>	<i>кимдан? нимадан? қаердан?</i>

Отларда келишик аффикслари турловчи аффикслар деб ҳам юритилади. Отларнинг келишиклар билан ўзгариши турланиш деб юритилади.

Келишик аффикси йўқ ҳолат бош келишик бўлиб, бундай шаклдаги от кўпинча бошқа сўзни ўзига тобелайди. Шунинг учун ҳам бош келишик деб юритилади. Қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин-пайт чиқиш келишиги шаклидаги от гапда бошқа сўзларга грамматик жиҳатдан тобе бўлади. Бу келишиклар воситали келишиклар дейилади. Масалан: *Покиза ақл инсонни айб ва камчиликлардан қутқаради (У.Маҳкамов)*. Бу гапда ақл сўзи бош келишикда бўлиб, аффикси бўлмаган шаклда қутқаради феълига нисбатан ҳоким ҳолатда; инсонни сўзи –ни тушум келишиги шакли воситасида, айб (-дан), камчиликлардан сўзлари –дан чиқиш келишиги воситасида қутқаради феълига тобе бўлиб келган.

Келишик шаклидаги отлар бошқа сўзлар билан ўзаро синтактик муносабатга киришади.

Қаратқич ва қисман бош келишик шакли от билан отнинг, тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари, одатда, от билан феълнинг синтактик муносабатини кўрсатади: оиланинг кўрки, онани ардоқламоқ, саёҳатга борди, мактабдан қайтди.

Баъзан келишик шаклидаги отлар сифат, сон, олмош, равиш, ундов билан ҳам боғланиб, уларга тобе бўлиб келади: ипакдан майин, талабалардан бештаси, Барнонинг ўзи, хонада кўп, холига вой каби.

Келишик шаклида келган отнинг маъноси ва вазифаси унинг лексик грамматик маъноси, қандай сўзлар билан (фeъл, от) боғланишига қараб аниқланади. Масалан: жўналиш келишигининг асосий маъноси ҳаракатнинг йўналиш ўрнини кўрсатишидир: мактабга борди. Бу маънодан ташқари жўналиш келишигида келган от восита, пайт, аташ, мақсад маъноларини ифода қилади: расмга қаради, кузга қолдирилди, синглисига олди, ўқишга келди каби. Лекин келишик маъноларидан бири асосий маъно саналади, келишик номи шу асосий маънога кўра номланади.

Бош келишикдаги от шахс, предмет, воқеа-ҳодисаларнинг номини атайди. Ким? нима? қаер? каби сўроқлардан бирига жавоб беради. Бу келишикнинг кўрсаткичи йўқ, яъни нол кўрсаткичли шаклда келади. Бундай шакл таҳлилда Ø белгиси билан ифодаланади.

Бош келишик шаклида келган отнинг асосий синтактик вазифаси эга вазифасида келишидир. Масалан: Ҳимматлилик ўзининг саховати билан одамлар қалбига сингиб кетади. (Ў.Маҳкамов)

Нутқда оз учрасада, эга вазифасидаги сўз қаер? сўроғига ҳам жавоб бўлиб келади, бундай ҳолда ўрин предмети маъноси англашилади. Масалан: Тошкент – тинчлик шахри.

Ўзбек тилида бош келишикдаги от яна бир неча синтактик вазифани бажаради.

1.Кесим вазифасида келади: Илм – инсоният гавҳари (Бедил).

2.Изоҳловчи вазифасида келади: Наврўзда Она табиат уйғ онади.

3.Сифатловчи вазифасида келади: Пўлат пичоқ қинсиз қолмас (Мақол). Бунда бош келишик шаклида келган от бошқа от олдида келиб, қандай? қанақа? сўроқларидан бирига жавоб беради.

4.Ҳол вазифасида келади: Йўлдузлар чаман-чаман ёнади (О).

5.Ундалма вазифасида келади: Яхшилик қил, болам, ёмонликни от! Ундалма вазифасида келган бош келишикдаги от гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди.

6.Номинатив (атов) гап вазифасида келади: Субҳидам. *Қуёш ётоғидан бош кўтарди* (Т.Қ.).

Бундан ташқари бош келишикдаги отлар кўмакчи шаклда келиб тўлдирувчи ва ҳол вазифасини ҳам бажаради. Масалан: Игна билан қудуқ қазиб бўлмас (Мақол). Йўксак қуёш каби, юксак ой каби. Сеп билан безалсин юртнинг фазоси (Уйғун).

Қаратқич келишиги бирор предметнинг шу келишикдаги отдан англашилган предметга ёки шахсга қарашли еканлигини ифодалайди. Қаратқич келишигида келган от кимнинг? ниманинг? қаернинг? каби сўроқлардан бирига жавоб беради. –нинг аффикси билан шаклланади. Масалан: Билим ва донишмандлик инсоннинг бегагидир (А.Навоий).

Баъзан шеъриятда қаратқич келишиги эгалик аффиксидан сўнг –н шаклида ҳам қўлланади: Ҳар болам уфурган нафасин атрии. Шеърининг энг етук, энг яхши сатри (Ғ.Ғулом).

Қаратқич келишигидаги от эгалик аффиксини олган от билан грамматик жиҳатдан боғланиб, гапда аниқловчининг тури қаратувчи вазифасида келади. Қаратқич келишигидаги сўз қаратувчи, унга боғланиб келган эгалик аффиксини олган от эса қаралмиш саналади. Масалан: Гуручнинг курмаги бор, ёмоннинг тўғ моғи бор (Мақол).

Қаратқич келишиги икки хил – белгили ёки белгисиз шаклда қўлланади.

Қаратқич келишиги –нинг (-н) аффикси билан қўлланса, белгили саналади. Белгили қаратқич келишигидаги от аниқ қарашлилиқ маъносини ифодалайди: дарахтнинг илдизи, онанинг бахти каби.

Қаратқич келишиги –нинг аффикси билан қўлланмаса, белгисиз саналади: умид учқуни, баҳор фасли каби. Белгисиз қаратқич келишигидаги от ўзи боғланиб келган от англаган предметнинг қаратқич келишигидаги от англаган предметга алоқадор ҳодиса еканлигини ифодалайди.

Белгисиз қаратқич келишигидаги от ўзи боғланган от билан маъно ва грамматик жиҳатдан жуда зич боғланган бўлиб, улар орасига бошқа сўз киритиш мумкин эмас.

Қаратқич келишиги куйидаги ҳолларда белгили қўлланади:

1.Қаратқич келишигидаги от шахс отлари бўлганда: Зулфиянинг хати, талабанинг баҳоси каби.

2. Бутуннинг қисмини англаган отлар: узукнинг кўзи, столнинг оёғи каби.

3. Қаратқич келишигидаги сўз ўзи боғлатган отдан англашилган предмет билан ўзаро генетик алоқада бўлса: бувининг невараси, шернинг боласи каби.

4. Қаратқич келишигидаги сўз манба маъносини ифодалаганда: олимнинг маърузаси, талабанинг фикри каби.

5. Қаратқич келишигидаги сўз билан қаралмиш ўртасида бошқа сўзлар келганда: шаҳарнинг баланд иморатлари, ёзнинг иссиқ шамоли каби.

6. Қаратқич келишигида от ўзининг махсус аниқловчисига эга бўлганда: алўчи ўқувчининг хулқи каби.

7. Қаратқич келишигидаги сўз таркибида –лар кўплик аффикси қўлланганда: қизларнинг рақси, гулларнинг ҳиди каби.

8. Қаралмиш отлашган сўзлар билан ифодаланганда: олманинг ширини, сўзнинг ози, дўстларнинг учтаси каби.

Қаратқич келишиги қуйидаги ҳолларда белгисиз қўлланади:

1. Қаратқич келишиги шаклидаги от абстракт отлар билан ифодаланганда: муҳаббат сеҳри, билим манбаи, илм аҳли, тафаккур гулшани каби.

2. Қаратқич ва қаралмиш муносабатидаги отлар пайт маъносини англаганда: баҳор фасли, оқшом пайти, тонг чоғи, якшанба куни каби.

3. Қаратқич келишиги шаклидаги от ифодалаган предметнинг қаралмиш ифодалаган предметга умумий хослигини билдирганда: ипак курти, ер ислоҳоти каби.

4. Қаратқич келишиги шаклидаги от номига қўйилган, атаб қўйилган отлар билан ифодаланганда: Навоий театри, Орол денгизи, Тошкент шаҳри каби.

5. Қаратқич келишиги шаклидаги отлар бир-бирига тобе ҳолда бирин-кетин келганда, энг сўнгисидagi олдинчилари белгисиз шаклда қўлланади: Тошкент Давлат педагогика университети, бошланғич таълим ва дефектология факултети бошланғич таълим бўлимининг талабаси каби.

Тушум келишиги от иш-ҳаракатни ўз устига олган предметни англади. Тушум келишигидаги от, одатда, иш-ҳаракатни ўз устига олган предметни, яъни объект маъносини ифодалаганда кимни? нимани? сўроғига жавоб беради: Ҳаёт ҳаракатни талаб қилади (Арасту).

Тушум келишигидаги отнинг негизи ўрин маъносини англади, қаерни? сўроғига жавоб беради: Хужрани яратганмисан? (А.Қаҳҳор). Тўртта карнай, олти сурнайнинг шовқини кўкни тутди (О.).

Тушум келишиги –ни аффикси билан шаклланади: Улуғ кишиларни меҳнат етилтиради («Тафаккур гулшани»).

Баъзан шеърятда эгалик аффиксидан сўнг –н шаклида ҳам учрайди: Олмазорлар гулин тўкади, Мева боғлаб шохин букади (Ҳ.О.).

Тушум келишигида келган от феъл билан боғланади ва гапда асосан, воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаради.

Тушум келишиги ҳам қаратқич келишиги сингари 2 хил шаклда қўлланади: белгили тушум келишиги ва белгисиз тушум келишиги.

Белгили тушум келишиги шаклидаги от –ни (-н) аффиксини олган ҳолда келади: Хушрўйнинг раҳмсиз муҳокамасидан оққан бу ҳақиқатлар Зайнабни йиғлатди (А.Қодирий).

Белгисиз тушум келишиги шаклидаги отда эса –ни аффикси қўлланмайди: Гул туфайли тикан сув ичар (Мақол).

Тушум келишигининг ҳам белгили ва белгисиз шаклда қўлланиши маъно талаби ва грамматик ҳолатга кўра белгиланади. Белгисиз тушум келишигидаги отнинг тушум келишигида еканлиги унинг мазмунидан ва феълга боғланишидан билиниб туради.

Белгисиз тушум келишигидаги от феъл кесим билан жуда зич боғланган бўлиб, улар орасига бошқа сўзни киритиб бўлмайди: Назира сингисига хат ёзди.

Тушум келишиги қуйидаги ҳолларда фақат белгили қўлланади:

1. Тушум келишиги шаклидаги от атоқли от билан ифодаланган ҳолда: Саидани ўз қаноти остига олди (А.Қаҳҳор).

2. Тушум келишигидаги от пайт билдирувчи отлар билан ифодаланса: Зулфия таътилни яхши ўтказди.

3. Тушум келишигидаги от ўз аниқловчисига эга бўлса: Бук учли иродани, бу жаҳоний қудратни ҳар кимки менсимаса, ўзига-ўзи золим (Ғ. Ғулом).

4. Тушум келишигидаги от билан уни бошқарган феъл ўртасида бошқа сўзлар келса: Боғ ни бир боғ бон яратади, Минг одам бахраманд бўлади (Ҳикматлар хазинаси).

5. Тушум келишиги шаклидаги от, яъни келишик аффиксидан олдин эгалик аффикси бўлса, белгили қўлланади: ... Узоқ вақт ҳаётда йўлини тополмай юрибди (А.Қаҳҳор).

Шунингдек, бошқа сўз туркумлари (олмош, феълнинг ҳаракат номи шакли, отлашган сўзлар) фақат белгили тушум келишиги шаклида келади.

Жўналиш келишигидаги от иш-ҳаракат йўналган предметни, шунингдек, ҳаракатнинг бажарилиш пайти, иш-ҳаракатнинг бажаралишида восита бўлган предметни англатади. Отларда жўналиш келишигининг асосий маъноси ҳаракатнинг йўналиш нуқтасини ифодалашдир. Объект, пайт, сабаб, мақсад каби маъно хусусиятларининг ифодаланиши бу келишик шаклини олган ва уни бошқарган сўзнинг лексик маъносига боғлиқ. Шу маъноларига кўра жўналиш кишилик шаклидаги от кимга? нимага? қаерга? қачон? каби сўроқларга жавоб беради.

Жўналиш келишиги –га аффикси билан шаклланади: дафтарга, осмонга каби. Лекин сўз негизи к товуши билан тугаса, -ка шаклида: қ товуши билан тугаса, -қа шаклида қўшилади: терак-теракка, кишлок-кишлокқа каби.

Жўналиш келишигидаги отлар қуйидаги синтактик вазифаларни бажаради:

1. Ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни англатганда, кимга? ёки нимага? сўроғига жавоб бўлади ва гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади: Маҳмадона, валдирувчи одам очиқ бир мақтубга ўхшайди (Оз-оз ўрганиб доно бўлур).

2. Ҳаракатнинг йўналиш ўрнини англатганда, қаерга? сўроғига жавоб бўлади ва ўрин ҳоли вазифасида келади: Қишлоққа шаҳар туташ, икков бирга ҳамнафас (Ғ. Ғулом). Инсон агар жаҳл қилса осмонни ҳам ерга олиб тушади (Бедил).

3. Ҳаракатнинг бажарилиши вақтини англатганда қачон? сўроғига жавоб бўлади ва пайт ҳоли вазифасида келади: Тўй қўқламга белгиланди.

Шунингдек, жўналиш келишиги шакли феълнинг ҳаракат номи, отлашган сифатдошларга қўшилиб ҳаракатнинг бажарилиш сабаби ва мақсадини англатиб, нэга? нима мақсадда? сўроқларига жавоб беради ва гапда сабаб, мақсад ҳоли вазифасини бажаради: Мен Фарғ онадан атайлаб сиз билан кўришишга, рози бўлсангиз, отпускаи ичида тўй қилишга келган едим (Ойдин). Турмушнинг қайнаб турган жойига тушиб қолганимга хурсандман (А.М.).

Ўрин-пайт келишигидаги от иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини, пайтини ва иш-ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни англатади. Бу келишик шаклидаги от қандай лексик маънони англатишига қараб ўрин, пайт, объект маънолари ҳақида гапирилади. Шу маъноларига кўра ўрин-пайт келишиги шаклидаги от кимда? нимада? қаерда? қачон? каби сўроқларга жавоб беради. Ўрин-пайт келишиги –да аффикси билан шаклланади: Сада тагидаги ховузнинг зилол сувида япроқлар сузади (С.З.). Айвонда босма гули бўз кўрпа ёпилган пастаккина танчада қизлар ўтиради (О.). Шаввозларда шунча ҳунар бор экан-ку, билмай юрган эканмиз (Ҳ.Н.).

Ўрин-пайт келишигидаги от гапда қуйидаги синтактик вазифаларда келади:

1. Иш-ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни англатиб, кимда? нимада? сўроғига жавоб беради ва гапда воситали тўлдирувчи вазифасини бажаради: Болага отанинг меҳнати сингган бўлса, сўнг у боланинг хулқ-атворида билинади (ЙУсуф Хос Ҳожиб).

2. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини англатиб, қаерда? сўроғига жавоб беради ва гапда ўрин ҳоли вазифасини бажаради: Воҳидларнинг қишлоғида бошқа ерларда жуда кам учрайдиган ҳалим ва ширин олма бор. (О.ЙО.)

3. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини англатиб, қачон? сўроғига жавоб беради ва гапда пайт ҳоли вазифасини бажаради: Баҳорда шафтоли гуллари кўм-кўк майсалар устида тўкилиб қолади (М.И.).

4.Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини англатиб, қандай? сўроғига жавоб беради ва гапда равиш ҳоли вазифасини бажаради: Улар мусикани чуқур суқутда тинглар еди (О.).

Баъзан предмет ёки ҳодисанинг бўлиш ўрнини, ёшини, ҳолатини ифодалаб, қаерда? нечада? кимда? нимада? сўроқларидан бирига жавоб бериб, гапда кесим вазифасини бажаради: Синглим уйда. Барно йигирма ёшда. Куч бирликда.

Чиқиш келишиги шаклидаги от иш-ҳаракатнинг келиб чиқиш ўрни, манбаи, пайти, сабаби, ҳолати ёки иш-ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни англатади. Шу маъноларига кўра чиқиш келишиги шаклидаги от кимдан? нимадан? қаердан? қачондан? каби сўроқлардан бирига жавоб беради. СҲиқиш келишиги –дан аффикси билан шаклланади: Инсонга билимдан дурустроқ бирор нарса топилмайди («Ҳикматлар хазинаси»).

СҲиқиш келишигидаги от гапда қуйидаги синтактик вазифаларда келади:

1.Ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни, бир предметни бошқа бир предмет билан чоғиштириш маъноларини англатиб, кимдан? нимадан? сўроғига жавоб беради ва гапда воситали тўлдирувчи вазифасини бажаради:

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,

Шунда билурсанким, илм бепоён (Фирдавсий).

2.Ҳаракатнинг бошланиш ўрни, пайти, ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати, сабабини англатиб, қаердан? қачондан? қандай? нэга? каби сўроқлардан бирига жавоб беради ва гапда ўрин, пайт, ҳолат, сабаб ҳоли бўлиб келади: Улуғ мусаввир Камолиддин Бехзод ҳали ёшлиқдан Ҳазрат Мирнинг тарбиялари билан улғайдилар (П.Қ.). Зумрад игнани палакка тўғ нади-да, ўрнидан турди (О.) Умаралининг юракдан ёзган илиқ сўзлари унинг кўнглини шодликка тўлдириб юборди (О.). Ел тикилар ва севинчидан жавдирайди кўзларида ёш (Ҳ.О.).

3.Кимдан? ёки нимадан? каби сўроқларга жавоб бериб, гапда кесим вазифасида келади: Шахноза, зерикмайдиган бўлдингиз, бу онангиз ҳаваскор алпинистлардан экан (С.Абдуллаева).

6 -§. Отларнинг ясалиши

Ҳозирги ўзбек тилида от сўз туркуми луғат таркибида мавжуд бўлган сўзларнинг миқдорини ташкил қилади. СХунки от сўз туркуми бошқа сўз туркумларига нисбатан янги сўзлар ҳисобига тез бойиб борадиган туркумдир.

Ўзбек тилида от морфологик, синтактик ва аббревиация усуллари билан ясалади.

Морфологик усул билан от яшаш. Бу усулга кўра сўз негизига махсус от ясовчи аффиксларни қўшиш билан янги от ясалади. От ясовчи аффикслар от, сифат, сон, олмош, феъл ва равиш каби мустақил сўз туркумлари, шунингдек, модал ва тақлид сўз негизларидан ясалади.

Морфологик усул билан от ясовчи аффикслар маъно жиҳатдан қуйидаги гуруҳдаги отларни ясайди:

- 1.Шахс ва касб-ҳунар отларини ясовчи аффикслар.
- 2.Нарса, қурол, ўлчов бирлиги отларини ясовчи аффикслар.
- 3.Ўрин-пайт отларини ясовчи аффикслар.
- 4.Абстракт от ясовчи аффикслар.

Шахс ва касб-ҳунар оти ясовчи аффикслар, асосан, от негизига қўшилиб, негиздан англашилган предмет билан боғлиқ шахс отларини ва маълум бир соҳа, касб билан шуғулланувчи касб-ҳунар отларини ясайди.

Бу аффиксларга қуйидагилар киради:

-чи: тарбиячи, теримчи, спортчи, тижоратчи, навбатчи

-дош: фикрдош, курсдош, замондош, суҳбатдош, муаллифдош

-гар,-кор: заргар, кимёгар, ғаллакор, санъаткор

-бон,-,боз: боғ бон, дарвозабон, дарбоз, беданабоз

-паз: ошпаз, сомсапаз, кабобпаз

-каш: сураткаш, аравакаш, меҳнаткаш

- дор: чорвадор, мулкдор
- шунос: тилшунос, тупрокшунос, табиатшунос
- хон: китобхон, газетхон, ғазалхон
- соз: машинасоз, тракторсоз, соақоз
- дўз: дўппидўз, етиқдўз, маҳсидўз, гиламдўз
- хўр: чойхўр, ошхўр.

Шахс ва касб-ҳунар оти ясовчи аффикслардан –чи енг маҳсулдор от ясовчи аффикс саналади.

ЙУқорида қайд етилган –каш, -хўр, -паз, -дўз, -боз, -гар, -соз, -хон, -шунос сўз ясовчи аффикслари тожик тилида феъл ўзаклари бўлиб, ўзбек тилида сўз ясовчи аффикс вазифасини бажаради.

Нарса, қурол, ўлчов бирлиги отларини ясовчи аффикслари, асосан, феъл негизига қўшилиб негиздан англашилган иш-ҳаракат ва ҳолатнинг натижаси бўлган ёки иш-ҳаракатни бажариш учун қўлланиладиган нарса, қурол отини ясайди. Кам ҳолларда от, сифат, тақлид сўз негизлари нарса, қурол, ўлчов бирлиги отларини ясашга асос бўла олади. Бу аффикслар қуйидагилар:

-к (-ик), -ак, -қ (-ик, -ук), -ок: елак, курак, тешиқ, пирпирак, бўлак, бўёқ, сўроқ, чопиқ, топшириқ, ютуқ, ўроқ каби.

-ғич (-ғич, -кич, -қич): сузғич, ўчирғич, қирғич, кўрсаткич, тутқиқ, қисқиқ.

-ғи (-қи, -қи, -ғи, -ғу): супурғи, кулғи, тепқи, чопқи, тутатқи, ёқилғи, чолғу.

-м (-им, -ум): тўплам, тишлам, чимдим, кийим, унум.

-ма: қийма, қатлама, димлама (маҳсулот номи), тенглама, айирма (математик терминлар), иситма, жамғарма.

-дон: қаламдон, гулдон.

-инди: ювинди, чиринди, қиринди.

-қин (-қун, -ғин, -ғун): тўлқин, тошқин, учқун, ёнғин, юлғун.

-ин (-ун, -он): йиғин, тугун, тўзон.

-ак (-ок): қарсақ, варрак, қалтироқ.

-а: шаршара, жизза.

-ос: гулдурос, чуввос.

-гақ (-как): илгақ, ешкақ.

-док: ковордоқ.

-моқ (-мақ): қуймоқ (овқат тури), чертмақ.

-ча: қизилча, олача.

-чиқ: ёпинчиқ.

-илдоқ: шақилдоқ.

-мачоқ: бекинмачоқ, тортишмачоқ.

-нома: таклифнома, ташаккурнома, васиятнома.

ЙУқорида саналган аффикслардан –а, -ос, -гақ, -док, -моқ, -ча, -чиқ, -илдоқ, -мачоқ аффикслари от ясашда кам унум сўз ясовчи аффикслар саналади.

Ўрин-пайт оти ясовчи аффикслар, асосан, от негизига қўшилиб, негиздан англашилган предмет мавжуд бўлган, екиладиган, дам оладиган, яшайдиган ўрин-жой отини ясайди. Бу аффиксларга қуйидагилар киради:

-зор: олмазор, гулзор, буғ дойзор

-лоқ: ўтлоқ, тошлоқ, қумлоқ

-истон: Ўзбекистон, гулистон, қабристон

-гоҳ: оромгоҳ, сайилгоҳ

-хона (аффиксоид): чойхона, ошхона, ётоқхона, сартарошхона

-қоқ: ботқоқ (феъл негиздан ясалган ўрин-жой оти).

Абстракт от ясовчи аффикслар от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, баъзан модал сўз негизларига қўшилиб, негиз англаган тушунча билан боғлиқ абстракт маънодаги от ясайди. Булар қуйидагилар:

-лик (-лик): гўзаллик, мардлик, яхшилик (от негизидан ясалган); кўплик, тезлик (равиш негизидан); бирлик, юзлик (сон негизидан); қариндошлик, болалик (от негизидан); ўзлик, манманлик (олмош негизидан); йўқлик, борлик (модал сўз негизидан).

-ч (-инч): севинч, кувонч, таянч, кўрқинч (феъл негизидан ясалган)

-чилик, -гарчилик: пиллачилик, темирчилик, ипакчилик, одамгарчилик (от негизидан), хурсандчилик (сифат негизидан), йўқчилик (модал сўз негизидан ясалган).

-гилик, -килик: кўргилик, ичкилик (феъл негизидан ясалган).

Синтактик усул билан от ясаш. Бу усулга кўра икки ва ундан ортиқ сўз шакллари Бирон қолипда бирикиб, бир предметни англатадиган янги от ясалади.

Синтактик усулга кўра кўшма ва жуфт отлар ясалади.

Кўшма от икки ва ундан ортиқ сўзнинг бирикишидан ҳосил бўлиб, бир предметни англатадиган янги от. Кўшма от таркибидаги сўзлар дастлаб маъно ва грамматик жиҳатдан тобеланиш йўли билан (кўшимча аниқловчи+аниқланмиш) тузилган сўз бирикмаси бўлиб, кейинчалик шу синтактик муносабатнинг йўқолиши натижасида бир тушунчани, янги бир предметни ифода етади: кўзойнак, белбоғ, ўринбосар каби. Кўшма от бир бош урғу билан айтилади.

Кўшма от қисмлари орасидан қуйидаги синтактик муносабатларнинг йўқолиши натижасида ҳосил бўлади:

1.Аниқловчи+аниқланмиш: билагузук, аччиқтош, ошқозон, тошкўмир, бедапоя, сўз боши, Бешариқ, Каттақўрғ он.

2.Эга+кесим: Сойкелди, Қорёғ ди.

3.Тўлдирувчи+кесим: дунёқараш, кунгабоқар, музёра, отбоқар, иш ташлаш.

4.Ҳол+кесим: беш отар, искабтопар, босволди.

5.Кесим+ундалма: ЙОрилтош, очилдастурхон.

Ўзбек тилида рус, тожик ва бошқа тиллардан ўзлашган паровоз, аэропорт, душанба, чоршанба, обдаста каби отлар келиб чиқишига кўра кўшма от бўлса-да, ўзбек тилида кўшма от еканлиги англашилмаганлиги туфайли содда от деб қаралади.

Жуфт от бир хил грамматик шаклда келган икки сўзнинг грамматик жиҳатдан тенг боғланишидан тузилган жамловчи, бир умумий маънони англатадиган янги от. Жуфт от қисмлари орасидаги тенглик муносабати ёзувда чизиқча билан кўрсатилади. Бундай жуфт отнинг қисмлари 2 хил боғланади: а) боғловчиларсиз: ота-она, гул-лола; б) боғловчи вазифасидаги –у, –ю юкламалари ёрдамида: тоғ –у тош, олма-ю ўрик каби.

Жуфт от қисмлари бир сўз туркумига оид бўлиб, қисмларининг ҳар бири ўз урғусига эга бўлади. Жуфт отларнинг маъноси қисмлар маъносининг йиғиндисидан келиб чиқади: куч-қувват, ақл-хуш, ота-она.

Жуфт от таркибидаги қисмлар қуйидаги маъно муносабатларини ифодалайди:

1.Қисмлар ўзаро маъно жиҳатдан бир-бирига яқин сўзлардан тузилади: ковун-тарвуз, бахт-саодат, қозон-товоқ, гап-сўз каби.

2.Қисмлар ўзаро маънодош (синоним) сўзлардан тузилади: бахт-саодат, орзу-ҳавас, куч-қувват, асбоб-ускуна.

3.Қисмлари бир-бирига антоним бўлади: ўғил-қиз, ер-осмон, ака-ука, ер-хотин.

Жуфт отлар қуйидагича ясалади:

1.Жуфт отнинг ҳар икала қисми мустақил маъноли сўзлардан тузилади: ўйин-кулги, опа-сингил

2.Жуфт отнинг бир қисмигина мустақил маънога эга бўлади: кийим-кечак, бозор-ўчар

3.Жуфт отнинг ҳар икки қисми мустақил маънога эга бўлмаган сўз бўлиши мумкин: ғала-ғ овор, дали-ғули.

Жуфт отлар такрорланган ҳолда келиши мумкин, лекин бундай от ясама от саналмайди: чой-пой, иш-пиш, дон-дун кабилар. Бундай жуфт отлар модал маъно ифодалайди.

Аббревиация усулига кўра турғун сўз бирикмаларини турли усуллар билан қисқартиш орқали қисқартма от ҳосил қилинади. Қисқартма отлар аббревиатуралар деб юритилади. Бу усул билан сўз ясаш ўзбек тилига рус тилидан ўзлаштирилган бўлиб, нутқда ихчамликка еришиш мақсадида қўлланилади.

Ҳозирги кунда рус тилидан айнан ўзлаштирилган бир қатор қисқартма отлар бир қаторда рус тилидаги қисқартма отларнинг ўзбек тилидаги шакли ишлатилмоқда. ГЕС, ЗАГС – айнан ўзлаштирилган, ВАК – Высшая Аттестационная Комиссия, ОАК – Олий Аттестация комиссияси, ГА – государственная аттестация – ДА – давлат аттестацияси кабилар ўзбекча қисқартма шакли ҳосил қилинган. Шунингдек, ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида ясалган янги қисқартма отлар луғат таркибидан жой олмоқда: ДТМ, ДАН, ЎзФА каби.

Қисқартма отлар тузилиш жиҳатдан қуйидагича бўлади:

1.Қисқартирилаётган сўзларнинг биринчи товушларидан тузилади: БМТ (Бирлашган миллатлар ташкилоти), ХХР (Хитой Халқ Республикаси), ДТМ (Давлат тест маркази); ДАН (давлат автомобил назорати).

2.Қисқартирилаётган сўзнинг бош қисми ва кейинги сўзларнинг биринчи товушларидан: ТошДИУ (Тошкент Давлат иқтисодиёт университети), ЎзФА (Ўзбекистон Фанлар Академияси).

3.Биринчи сўзнинг бош қисми ва кейинги сўз тўлиқ олинади: педколледж (педагогик колледж), педамалиёт (педагогик амалиёт).

4.Сўзларнинг бош қисмларидан: Тошунивермаг (Тошкент универсал магазини), ...

7 -§. Отларда модал шакл ясалиши

Отларда сўз ўзгариш, сўз ясалиш хусусиятлари бир қаторда модал шакл яшаш ҳодисаси ҳам мавжуд.

Отларнинг лексик маъносига қўшимча модал маъно қўшилиши билан ҳосил қилинадиган шакл модал шакл яшаш дейилади. Отлар ўз лексик маъносига қўшимча кичрайтиш, еркалаш, ҳурмат, кучайтириш, гумон, ноаниқлик каби модал маъноларни ифодалайди.

Отларда бу модал маънолар икки хил усул билан ясалади: морфологик усул ва такрорлаш усули.

Морфологик усулга кўра отнинг лексик маъно ифода етувчи қисмига модал шакл ясовчи аффиксларни қўшиш орқали модал маъно ясалади. Бу усулга кўра отларнинг кичрайтиш, еркалаш, ҳурмат каби модал шакллари ҳосил қилинади.

Отларда модал шакл ясовчи аффиксларга қуйидагилар киради:

-ча: кизча, уйча

-чак, -чоқ: келинчак, қўзичоқ, тойчоқ

-лок, -алок: жойлок, бўталок, қизалок

-гина: болагина, қизгина

-хон, -жон, -ой, -бой: отахон, онажон, Раънохон, ЙУлдузой, Каримбой.

Отни махсус такрорлаш йўли билан гумон, камситиш, умумлаштириш, ноаниқлик каби модал маънолар ясалади. Бу усулга кўра модал шакл ҳосил қилишда такрорланувчи қисмда турли фонетик ўзгаришлар юз беради:

1.От унли товуш билан бошланганда, такрорланувчи қисм бошқа п, м, с, ч, д, ж, т товуш орттирилади: ун-пун, от-пот, ўрик-мўрик, ирим-сирим, ирим-чирим, ими-дими, аланг-жаланг каби.

2.От ундош товуш билан бошланганда, такрорланувчи қисмдаги биринчи ундош п, м, с, ч, б товушларидан бири билан алмаштирилади: лой-пой, мош-пош, нон-пон, бош-мош, пода-мода, патир-сатир, мева-чева, ғиди-биди каби.

3.Отнинг такрорланувчи қисмида кенг ва чўзиқ унли қисқа ва тор унли билан алмашади: дон-дун, хашак-хушак каби.

4.Такрорланувчи қисмда биринчи ундош ҳам, кенг унли товуш ҳам алмашади: латта-путта каби.

Баъзан отнинг ўзи айнан ҳеч ўзгаришсиз такрорланган ҳолда қўлланиб, кучайтириш маъносини ҳосил қилади: тоғ -тоғ , хирмон-хирмон каби.

8 -§. Отларнинг тузилиш жиҳатдан турлари

Отлар тузилиши жиҳатдан содда от, кўшма от, жуфт от, қисқартма отларга бўлинади.

1. Содда от бир ўзак морфемадан ташкил топади: дарахт, китоблар, гулзор, уйча каби.

2. Кўшма от икки ва ундан ортиқ ўзак морфеманинг бирикишидан ҳосил бўлади: белбоғ, атиргул, оқсокол каби.

3. Жуфт от икки ўзак морфеманинг ўзаро тенг боғланишидан тузилади: ака-ука, ўй-хаёл, темир-терсак каби.

4. Қисқартма отлар бирикма қисмларини қисқартиш йўли билан тузилган отлар: АҚШ, МДХ, ЎзМУ каби.

5. Такрорий отлар: *чай-пой, ин-инига, томир-томирига, дон-дун, ирим-сирим, ёр-ёр* (қўшиқ номи).

Жуфт ва такрорий отлар орасига чизикча қўйиб ёзилади.

Агар жуфт отлар ўртасида икки отни бир-бири билан боғлайдиган **у, ю** товушлари бўлса, кирилча ёзувда чизикча қўйилмайди: *Онаю бола - гулу лола*. Такрорий отлар бир отни такрорлаш ёрдамида ҳосил қилинади: *Айтилган сўзлар жон-жонидан ўтиб кетди*. Тилимизда такрорланган, сўзнинг бошида келган ундош **п** еки **м** ундошидан бирига алмашадиган ёки унли товушдан олдин **п** товуши орттириладиган *чай-пой, нон-пон, қоп-моп, ош-пош, пул-мул* каби **такрорий** отлар ҳам бор.

От таҳлили намунаси	
1. Сўроғи.	унинг шахс-сони
2. Маъно тури (атоқли ва турдош отлар, турдош отларнинг турлари).	аниқланади.
3. Бирлик ёки кўплиги (сони)	6. Кичрайтириш, еркалаш, хурматлаш маънолари бўлса, аниқланади.
4. Келишиги.	7. Тузилиш тури.
5. Эгалик қўшимчаси бўлса,	8. Туб ёки ясамалиги.
	9. Гапдаги синтактик вазифаси.

Такрорлаш учун саволлар:

1. От туркумининг таърифи ва сўроқларини айтинг, мисоллар келтиринг. 2. Отларнинг хусусиятлари ва гапдаги вазифаларини айтинг. 3. Турдош отлар деб қандай отларга айтилади? 4. Қандай тушунчани ифодалашига кўра турдош отларнинг турлари ҳақида гапиринг. 5. Бирлик шаклда кўпликни ифодалаш-ифодаласлигига кўра турдош отларнинг турлари ҳақида гапиринг. 6. Атоқли отларнинг таърифи ва турлари ҳақида гапиринг. 7. Турдош отларнинг атоқли отларга, атоқли отларнинг турдош отларга ўтишига мисоллар келтиринг. 8. Отлардаги бирлик маъноси қандай воситалар ёрдамида ифодаланади? 9. Отлардаги кўплик маъноси қандай воситалар ёрдамида ифодаланади? 10. Қандай отлар фақат бирликда қўлланади? 11. Фақат бирликда қўлланадиган отларга **-лар** қўшимчаси қўшилса, қандай маъно ифодаланади? 12. **-лар** қўшимчаси яна қандай туркумдаги сўзларга қўшилади ва қандай маъноларни ифодалайди? 13. Отларнинг турланиши деганда нимани тушунаси? 14. Келишикларни қўшимчалари билан айтиб беринг. 15. Қайси келишикдаги отлар қандай сўзларга боғланиши ҳақида гапиринг. 16. Белгили ва белгисиз келишиклар ҳақида гапиринг. 17. Қайси келишик қўшимчалари қисқаради? 18. Эгалик қўшимчалари қандай маънони ифодалайди? 19. Эгалик қўшимчалари билан боғлиқ товуш ўзгаришлари ҳақида гапиринг. 20. Кичрайтириш, еркалаш ва хурматлаш маъноларини ифодаловчи қўшимчаларни мисоллари билан санаб кўрсатинг

СИФАТ

1-§. Сифатнинг лексик-грамматик хусусиятлари

Предметнинг доимий, ўзгармас белгисини ифодаладиган сўзлар сифат дейилади.

Сифат мустақил сўз туркуми сифатида уч хил белгига эга:

1. Лексик-семантик белги. Сифат белги маъносини билдиради.

2. Морфологик белгиси: Сифат қандай?, қанақа?, қайси? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Сифат ифодаладиган белги тушунчаси кенг бўлиб, маъносига кўра бир неча гуруҳга ажратилади:

а) ранг-тус маъносини билдирадиган сифатлар: оқ, қизил, сариқ, ҳаво ранг, кул ранг, яшил, зангори;

б) ҳажми маъносини билдиради: кенг, тор, баланд, паст, узун, чуқур, йирик, майда;

в) шакл ва кўриниш маъносини билдиради: думалоқ, ясси, егри, қийшиқ, дўнг;

г) маза-таъм маъносини билдиради: ширин, аччиқ, нордон, шўр, тахир, чучмал, бемаза;

д) характер-хусусият маъносини билдиради: мулойим, одобли, ширинсўз, чакқон, шўх, ялқов, дангаса, чечан, қўрс, қайсар. Характер-хусусият билдирувчи сифатлар ижобий ёки салбий хусусиятларни ифодалайди;

е) ҳид маъносини билдиради: сассиқ, қўланса, бадбўй, хушбўй, муаттар;

ж) ҳолат маъносини билдиради. Ҳолат билдирувчи сифатлар икки хил бўлади:

1) психик ҳолатни ифодалайди: хурсанд, хафа, шод, касал, инжик;

2) табиий ҳолатни ифодалайди: ёш, қари, кекса.

Сифат белгини бевосита ёки бавосита ифодалайди. Предметнинг доимий белгисини билдирадиган белгини бевосита ифодаладиган сифатлар аслий сифат дейилади. Сифатнинг юқоридаги маъно турлари сифатни бевосита ифодалайди.

Аслий сифатлар белгини даражалаб кўрсата олади: катта, каттарок, енг катта каби.

Жуфт сифатлар асосан аслий сифатлардан таркиб топади: ёш-қари, яхши-ёмон каби.

Белгини бавосита, яъни бирор нарса ва ҳодисага нисбат бериш, ўхшатиш орқали ифодаладиган сифатлар нисбий сифат дейилади.

Нисбий сифатлар бошқа сўз туркумларидан ясалади ва хослик, ўхшашлик, ўрин ёки пайтга муносабат, мўлжал маъноларини билдиради:

а) хослик маъносини ифодаладиган сифат от туркумидаги сўзга –ий, –вий қўшимчасини қўшиш билан ясалади: замонавий, оилавий, маънавий, сиёсий;

б) ўхшашлик маъносини ифодаладиган сифатлар от туркумидаги сўзга –симон, –сифат аффиксларини қўшиш билан ясалади: одамсимон, ҳайвонсифат, девсифат;

в) ўрин ва пайт маъноларини ифодаладиган сифатлар от туркумидаги сўзларга –ги, –қи, –ки, –даги аффиксларини қўшиш билан ясалади: қишки, ёзги, баҳорги, бултурги, тушки, кечки;

г) мўлжалланганлик, хослик, ўлчов маъноларини ифодаловчи сифатлар от туркумидаги сўзларга –лик аффиксини қўшиш билан ясалади: кўрпалик, кўрпачалик, тошкентлик, кўйлақлик.

Сифат баъзан равиш ўрнида қўлланиб, ҳаракатнинг белгисини билдириши мумкин: маъноли гапирмоқ, чиройли ёзмок, яхши ўқимоқ каби.

Сифатнинг белгисини даражалаб кўрсатиши (қизил, қизилроқ, енг қизил, қип-қизил), ясаиш системасига эгаллиги отлашиши унинг морфологик белгиларидан ҳисобланади.

3. Сифатнинг синтактик белгиси. Сифат гапда отга, баъзан феълга битишув усули орқали боғланади ва ўзи боғланиб келаётган сўзга тобеланади.

Сифат отга боғланиб келганда, сифатловчи аниқловчи вазифасини бажаради. Мисол: Биз дўстларнинг енг яхши дўсти, душманларнинг енг кучли душмани эканлигимизни ҳам оқил одамлар тушунсин. (ЙО.Шукуров).

Сифат феълга боғланиб келганда вазият ҳоли вазифасини бажаради. Мисол: ЙУлдузлар одатдагидан кўра тоза, каттарок, ёркинроқ кўринарди. (П.Қодиров).

2-§. Сифат даражалари

Предметлардаги бир хил белгини миқдорга кўра нисбатлаб фарқлаш ҳодисаси сифат даражаси дейилади. Сифатларда уч хил даража бор: 1) оддий даража

- 2) қиёсий даража
- 3) орттирма даража

Предметнинг белгиси бошқа предметдаги худди шундай белгига қиёс қилинмаса, оддий даражадаги сифат дейилади. Оддий даражадаги сифат белгининг меъёрида еканини кўрсатади ва у махсус кўрсаткичга эга бўлмайди: гўзал табиат, ширин қовун, кенг ҳовли.

2) қиёсий даража. Предмет белгисининг бошқа предметдаги худди шундай белгидан ортиқ ёки кам эканлигининг ифодалайдиган сифатлар қиёсий даражадаги сифат дейилади. Қиёсий даража лексик-морфологик усул билан ҳосил қилинади.

Оддий даражадаги сифатга –роқ аффиксини қўшиш ёрдамида ясалади. Бунда гап мазмунидан чоғиштириш, қиёслаш маъноси англашилиб туради. Мисол: Шу лаҳзада унга Фарҳод ҳар вақтдагидан донороқ ва ҳатто савлатлироқ кўриниб кетди. Донороқ, савлатлироқ сифатларидан олдин келган чиқиш келишигидаги сўз (ҳар вақтдагидан) қиёслаш мазмун муносабатини ифодалаяпти. Ўшандан буён ҳалол деҳқончилик қилади; ўртадан кўра пастроқ... хўжалиги бор. (А.Қаҳҳор). Бу мисолда пастроқ белгини камлиги билдирияпти, қиёслаш маъносини ўртадан кўра сўзлари ифодалаяпти.

Қиёсий даражадаги сифат олдидан сал, пича, оч, бир оз, хиёл, айтарли сўзларини келтириш билан ҳосил қилинади: сал баланд, бир оз баланд, пича каттароқ, хиёл аччиқроқ.

Фонетик усул. Унлилар чўзиб, ундошлар эса иккилантирилиб айтилади: баланд, чуқуур, теккис каби.

3 -§. Озайтирма ва кучайтирма сифатлар.

Сифат белгини озайтириб ёки кучайтириб ифодалашига кўра икки хил бўлади:

- а) озайтирма сифат;
- б) кучайтирма сифат.

Озайтирма сифат ўзакдан англашилган белгининг меъёридан озлигини билдиради. Улар морфологик ва лексик усуллар билан ясалади:

1. Морфологик усул. Сифатларга –иш, -имтир, -мтир аффиксларини қўшиб озайтирма сифат ҳосил қилинади: кўкиш, қизғиш, оқимтир, қорамтир. –иш қўшимчаси қўшилган баъзи сифатлар ўзагида товуш ўзгаришлари содир бўлади: сариқ+иш-сарғиш. Бу сўзда ўзақдаги и унлиси тушиб қолган, қ ундоши ғ ундошига алмашган. Қизил сифатига -иш қўшилиши билан ўзақдаги –ил товушлари тушиб, ғ товуши орттирилган.

Сифатларга –гина, -кина, -қина аффикслари қўшилиб, белгиларни кучсизлантириш озайтириши мумкин. Бунда –к билан тугаган сифатларга –кина, -қ билан тугаган сифатларга -қина, қолган сифат шаклларига –гина аффикси қўшилади. Мисол: тузуккина, ориққина, сариққина, каттагина.

2. Лексик усул. Сифатнинг олдидан оч, ним сўзларини келтириш билан белги камайтиради: оч пушти, нимқизил.

Кучайтирма сифатлар ўзакдан англашилган белгининг ортиқлигини билдиради. Кучайтирма сифатлар лексик ва морфологик усул билан ҳосил қилинади.

А) Морфологик усул. Бу усулда сифатни товуш ўзгаришлари орқали такрорлаш йўли билан:

- Сифатнинг биринчи бўғини иккинчи бўғинидаги ундош билан такрорланади: дум-думалоқ, пак-пакана, бут-бутун
- Сифатнинг биринчи бўғинига –п ундоши қўшиб такрорланади: сап-сарик, қип-қизил.
- Сифатнинг олдинги икки товуши ажратилиб унга п, м товушларидан бири қўшилади ва ундан кейин сўзнинг ўзи такрорланади: яп-янги, кўм-кўк.
- Сифатнинг биринчи бўғинидан кейин ппа шакли қўшилади: соппасоғ , тўппатўғ ри.

б) Лексик усул. Сифат товуш ўзгаришларисиз такрорланиб орттирма даража ҳосил қилинади: катта-катта

Қиёсий даражадаги сифат олдидан маънони кучайтирувчи яна, янада, яна ҳам сўзлари келиши мумкин: янада яхшироқ, яна ҳам баландроқ, яна жонлироқ.

3) Орттирма даража. Предметдаги белгининг бошқа предметдаги шундай белгига нисбатан энг кўп, олий даражада еканлигини ифодалаш орттирма даража дейилади. Сифатнинг орттирма даража шакли лексик усул билан ифода қилинади.

Оддий даражадаги сифат олдидан энг, жуда, ниҳоятда, беҳад, ғ оят, ғ оятда, ҳаммадан каби сўзларни келтириш билан: жуда чиройли, ниҳоятда ширин, ғ оятда меҳрибон каби.

Лексик усулда баъзан белги билдирувчи сифатлар ўрнида бошқа сўзлар ишлатилиши мумкин: захар (гармдори), олов (шўх).

Лексик усул.

Сифат товуш ўзгаришларисиз такрорлаш орқали ҳам орттирма даража ҳосил қилинади: катта-катта, ширин-ширин.

- сифат олдидан тўқ, жиққа, тим, ғирт каби сўзларни келтириш билан: жиққа ҳўл, тим қора.

- сифат олдидан сўз бирикмалари ва ибораларни қўллаш орқали: ҳаддан зиёд (чиройли), кулинг ўргилсин (жонон).

Морфологик усулда сифатни товуш ўзгаришлари орқали такрорлаш йўли билан. Бунда:

- сифатнинг биринчи бўғини иккинчи бўғинидаги ундош билан такрорланади: дум-думалоқ, пак-пакана, бут-бутун каби.

- сифатни биринчи бўғинидаги п ундоши кўшиб такрорланади: сап-сарик, қип-қизил.

- сифатнинг олдинги икки товуши ажратилиб, унга п,м товушларидан бири қўшилади ва ундан кейин сўзнинг ўзи такрорланади: яп-янги, кўм-кўк.

- сифатнинг биринчи бўғинидан кейин –ппа шакли қўшилади: соппа-соғ , тўппа-тўғри.

4 -§. Сифатларнинг отлашиши

Сифат туркумидаги сўзлар баъзан от туркумидаги сўзларнинг маъносини ифодалаб, унинг вазифасини бажариб келиши мумкин. Бунда сифат ўзининг лексик ва грамматик маъносини йўқотиб, предметлик маъносини ифодалайди. Гапда сифат боғланиб келаётган отнинг тушиб қолиши натижасида сифат унинг предметлик маъносини ҳам, морфологик белгисини ҳам, синтактик вазифасини ҳам ўз устига олади. Мисол: Яхши топиб гапиради, ёмон копиб гапиради гапида яхши (одам), ёмон (одам) сифатлари тушиб қолган ким? сўроғига жавоб бўлган, бош келишиқдаги, эга вазивасидаги от вазифасини бажарган. Одам оти гапда тушиб қолгани туфайли яхши, ёмон сифатлари отлашишган. Бу ходиса гап таркибида юз берган. Бунга нутқнинг ихчамликка интилиши сабаб бўлади. Сифатларга оид сўзларнинг ҳаммаси ҳам отлашавермайди. Асосан белги-хусусият билдирувчи сифатлар, кишиларнинг лақабини билдирувчи (тажанг, маймоқ, чўтир, дарроз) сифатлар, ҳайвонларнинг тусини билдирувчи (саман, тўриқ, бўз, қашқа) сифатлари отлашади.

Отлашган сифатлар аниқловчилик вазифасидан чиқиб, отга хос эга, кесим, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи, ундалма вазифасини бажаради. Мисол: Ақлсизлар гап бермайди отасига. (А.Пўлат) Мард бўлгандан кейин ёмонни ҳам яхшилик билан энгар екан. (П.Кодиров) Яхшининг сўзи қаймоқ, ёмоннинг сўзи тўқмоқ. (Мақол) Яхшилар, уни есланг!

5-§. Сифатларнинг ясалиши

Сифатлар куйидагича ясалади: 1. Сифат ясовчи қўшимчалар билан. 2. Сўзларни қўшиш билан. 3. Сўзларни такрорлаш билан.

1. Сифат ясовчи қўшимчалар қуйидагилардир:

1) отдан сифат ясовчи қўшимчалар:

-ли: расмли китоб, кучли шамол

-дор: айбдор, вафоддор

ба-: бадавлат, бақувват

сер-: серҳосил олма.

-манд: касалманд, давлатманд

ЙУ қоридаги кўшимчалар асосдан англашилган белгига эгаликни билдиради.

-сиз: тузсиз овқат.

бе-: безубор, беҳабар

Бу кўшимчалар эса (но- кўшимчаси билан биргаликда: ноаниқ, нотинч.) асосдан англашилган белгига эга эмасликни ифодалайди.

-лик: тошкентлик (бола)

-ий,-вий: тарбиявий соат, деворий соат.

-ги,-ки,-қи: баҳорги ишлар, қишқи кийим
(пайтга хос белгини билдиради).

-аки, -оқи: жиззак, жирттаки, пистоқи

-йи: ҳавойи.

-чан: ишчан бола.

-симон: одамсимон маймун
(ўхшашлик маъносини билдиради).

-кор,-гар: исёнкор, зулмкор, жавобгар, из вогар.

-и: қишлоқи, қозоқи, жаннати

-ча: фарғ онача, еркакча, арабча (ўйин)

-намо: авлиёнамо, дарвешнамо

-парвар: халқпарвар, адолатпарвар

-он: чароғ он, заъфарон

-аки: даҳанаки, оғзаки

бад-: бадбахт, баднафс

-шумул оламшумул, жаҳоншумул

-дон: гапдон, билимдон

-каш: дилкаш, ҳазилкаш

-боп: паловбоп, қишбоп

хуш-: хушфеъл, хушҳаво

-ин: еркин, оташин

-вор: девонавор, афсонавор

-параст: мансабпараст, маишатпараст

бар-: барҳаёт, барвақт

-чил: халқчил, изчил.

-лик(-лиқ): кўйлақлик(чит), болалик(чоғлар)

-и: жаннати(кампир)

-лоқ: бақалоқ, қўшалоқ (ғ ўза)

-кор: девкор(иш), фусункор(хусн)

-каш: заҳматкаш(одам), носкаш(кампир)

-чи: гапчи(одам), ваҳимачи(аёл)

-вон: зўравон(одам)

-қа: лойқа(сув)

-омуз: ҳазиломуз(гап), заҳаромуз(ҳазил)

-хўр: гамхўр(одам), гўитхўр(ҳайвон)

-соз: соақоз(уста)

-дек(-дай): муздек(сув), жўжабирдай(жон)

2) Феълдан сифат ясовчи кўшимчалар:

-чоқ,-чак,-чиқ: мақтанчоқ, куюнчак, қизганчиқ

-гир,-гир,-кир,-қир,-қур: сезгир, топқир, ўтқир, олгир,
учқур

-ма: қайнатма иўрва, бурма кўйлақ

-к (-ук, -ик, -ак) чирик, тешик, тузук, галвирак

-қ(-уқ,-иқ,-а/оқ): илиқ, синиқ, бузуқ, қолоқ.

-оқ: қочоқ, қўрқоқ, бақироқ

-қи: сайроқи қуш,

-қоқ, -ғ оқ: тиришқоқ, уюшқоқ, тойғ оқ

-аг он:	билаг <u>он</u> , чопаг <u>он</u>		
-мон:	билар <u>мон</u> , қирар <u>мон</u>		
-қун, -қин, -гин,	туш <u>қун</u> , оз <u>гин</u> , жўш <u>қин</u> ,		
-гун, -қун:	тур <u>гун</u> , тут <u>қун</u>		
-(а)рли:	етар <u>ли</u> , зерикар <u>ли</u>		
-ч:	тин <u>ч</u> , жиркан <u>ч</u>		
-гич:	юл <u>гич</u> (одам)		
-онгич:	теп <u>онгич</u> , суз <u>онгич</u>		
-овуч:	хурк <u>овуч</u> , иск <u>овуч</u>		
-мас:	ўт <u>мас</u> (пичоқ), инда <u>мас</u> (одам)		
-(и)нди:	асран <u>ди</u> (бола)		
-а:	қўтар <u>а</u> (савдо)	-мсиқ:	қарим <u>сиқ</u> ,
	ачим <u>сиқ</u>		

3) Бошқа туркумлардан сифат ясовчи қўшимчалар :

Равишдан: -ги: кечаги, дастлабки

Сифатдан: но-: номаълум, нотўғ ри.

-лом: соғлом

Тақлид сўздан: -илдоқ: бижилдоқ, ликилдоқ

2. Сўзларни қўшиш, боғлаш ва жуфтлаш билан қуйидаги турдаги сифатлар ясалади:

1) қўшма сифатлар қуйидагича ясалади ва ёзилади:

а) от ва отдан. Булар қўшиб ёзилади: бодомқовоқ, шерюрак;

б) сифат ва отдан. Булар қўшиб ёзилади: қимматбаҳо;

в) от ёки равишга -ар қўшимчали феълни қўшиш билан ясалади. Булар қўшиб ёзилади: тезоқар дарё, ертанишар (ўрик)

г) отга аро, умум, ярим, гайри, ним, ранг сўзларини қўшиш билан. Булар қўшиб ёзилади: халқаро, умумкоманда, яримавтомат, гайридин, нимпушти.

Қўшма сифатлар а) икки туб сўздан ташкил топади: совуққон, хом семиз, камган; б) бири туб, иккинчиси ясама сўздан иборат бўлади: шиёқмас, ерксевар, тилбилмас, ўзбилармон.

2) бирикмали сифатлар таркиби икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлади ва улар орасидаги муносабатлар аниқ сезилиб турган бўлади, бундай сифатлар аралаш, йўқ, қўп, олий, оч, тўқ, тўла, чала, ярим, бир, икки каби сўзлар иштирокида ҳосил қилинади: қум аралаш (лой), тенги йўқ, қўп тармоқли, олий маълумотли, оч қизил, қорни тўқ, тўқ қизил, тўла ҳуқуқли, чала мулла, бир томонлама, икки қаватли, юқори ҳосилли (дала), узун толали (пахта), ёши улуг (инсон), ганга уста (одам), оқшидан келган (йигит).

3) жуфт сифатлар қуйидагича ясалади: 1) қарама-қарши маъноли сўзлардан: катта-кичик, узун-қисқа, маза-бемаза, сезилар-сезилмас, билинар-билинмас, кирди-чиқди; 2) синоним кўринишдаги сўзлардан: ерка-арзанда, бой-бадавлат, соғ -саломат, узуқ-юлуқ, ола-чипор, соя-салқин, мўмин-қобил, хор-зор; 3) яқин маъноли сўзлардан: оч-наҳор, шалдир-шулдир, ўйдим-чуқур, оч-ночор, нозик-ниҳол, ола-қуроқ, қуйди-пишиди.

Жуфт сифатлар чизикча билан ёзилади, -у, -ю юкламалари билан боғланса, чизикча қўйилмайди: яккаю ягона фарзанд.

3. Сўзларни такрорлаш билан ҳам сифатлар ясалади: Бу усул ёрдамида санокли миқдордаги сифатларгина ясалади: йўл-йўл (қўйлак), манман (одам), шиқшиқ (тугма), липлип (чирок), чақчақ (одам),

6-§. Сифатларнинг тузилиш турлари

1. Содда сифатлар бир ўзакдан иборат бўлади: ақлли, яхши.

2. Қўшма сифатлар - раҳмдил, ертанишар, ҳаво ранг. Бундай сифатлар: 1) икки туб сўздан ташкил топиб, от+от (кулча юз бола), от+сифат, сифат+от (совуққон), равиш+от кўринишларида бўлади: оммабон, хом семиз (йигит), камган; 2) бири туб, иккинчиси ясама сўздан иборат бўлади: совуққон, шиёқмас, ерксевар, тилбилмас.

3. Бирикмали сифатлар: узун толали (пахта), ёши улуг (инсон), гапга уста (одам), оқишдан келган (йигит).

4. Жуфт сифатлар - ўйдим-чуқур, оч-ночор, нозик-ниҳол, ола-қуроқ.

5. Такрорий сифатлар - баланд-баланд, узун-узун, йўл-йўл (кўйлак).

Сифат таҳлили намунаси	
1. Сўроғи.	4. Отлашган ёки отлашмаганлиги.
2. Даражаси.	5. Тузилиш тури.
3. Озайтirma сифатми ёки кучайтirma сифатми?	6. Туб ёки ясамалиги.
	7. Гапдаги синтактик вазифаси

Такрорлаш учун саволлар

1. Сифатнинг таърифи ва сўроқларини айтинг. 2. Сифатнинг маъно жиҳатдан турларини мисоллар билан кўрсатинг. 3. Аслий ва нисбий сифатлар ҳақида гапиринг. 4. Сифат даражалари деб... (давом еттиринг). 5. Ортгирма даража ҳосил қилишнинг лексик ва морфологик усуллари ҳақида гапиринг. 6. Ортгирма даража ҳосил қилишнинг семантик ва фонетик усуллари ҳақида гапиринг. 7. Қиёсий даража қандай ифодаланади? 8. Озайтirma даража қандай ясалади? 9. Отдан ясалган сифатларга 5 та мисол келтиринг. 10. Феълдан ясалган сифатларга 5 та мисол келтиринг. 11. Бошқа сўз туркумларидан ясалган сифатларга 3 та мисол келтиринг. 12. Қўшма сифатлар қандай ясалади ва ёзилади? 13. Жуфт сифатлар қандай ясалади ва ёзилади? 14. Сўзларни такрорлаб ясалган сифатларга мисоллар келтиринг. 15. Отлашган сифатлар қандай қўшимчаларни олиши мумкин? 16. Қайси туркумдаги сўзлар сифат ўрнида қўлланади? Мисоллар келтиринг. 17. Қўшма сифатлар қандай сўзлардан иборат бўлади? 18. Бирикмали сифатлар ҳақида гапиринг ва мисоллар келтиринг. 19. Жуфт сифатларнинг турларига мисоллар келтиринг. 20. Бошқа сўзларнинг сифат ўрнида қўлланишига мисоллар келтиринг.

СОН

1-§. Соннинг лексик-грамматик хусусиятлари

Предметнинг миқдорини, саноғини, жойлашиш тартибини, баъзан иш-ҳаракатнинг бажарилиш тартибини, миқдорий белгисини билдирадиган мустақил сўз туркуми сон дейилади. Сон неча? нечанчи? нечта? қанча? каби сўроқлардан бирига жавоб беради.

Сон отга боғланиб, у ифодалаган предметнинг конкрет миқдорий белгисини, баъзан феълга боғланиб, у ифодалаган ҳаракатнинг миқдорий белгисини англатади: тўртта дафтар, икки ой ўқиди, биринчи келди каби. Арифметик амалларда эса сон отга, феълга боғланмаган ҳолда келади. Бунда сон ифодалаган миқдор мавҳум маънога эга бўлади: икки қўшув уч беш. Арифметик ҳисоблашда қандай предметлар миқдорининг қўшилиши билан беш ҳосил бўлиши аниқ эмас.

Сонлар кўпинча рақамлар билан ёзилади:

1) араб рақамлари билан 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

2) рим рақамлари билан: **бирликлар:** I (1), II (2), III (3), IV (4), V (5), VI (6), VII (7), VIII (8), IX (9); **ўнликлар:** X (10), XX (20), XXX (30), XL (40), L (50) LX (60), LXX (70), LXXX (80), XC (90); **юзликлар:** C (100), CC (200), CCC (300), CD (400), D (500), DC (600), DCC (700), DCCC (800), CM (900); **мингликлар:** M (1000), MM (2000), MMM (3000) ...

Бадий асарларда сонлар сўз билан ёзилади: **Тўрт** йил кутди.

Нутқимизда тез-тез ишлатиладиган **23** та содда сон бўлиб, бошқа сонлар шуларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади: *нол, бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, еллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион, миллиард.*

Ески ёзув тилида туман (ўн минг), лак (юз минг) каби сонлар бўлган. Тарихий асарларда манна шу сонлар учрайди.

Сон предметнинг аниқ (бешта дафтар) ёки ноаниқ (беш-олтита дафтар) миқдорини билдириши мумкин. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам сон ёзувда рақам билан ифодаланган. Равиш сўз туркумига доир кўп, оз, кам, мўл каби сўзлар ҳам предметнинг ноаниқ миқдорини билдиради, лекин бу сўзлар рақам билан ифодаланмайди. Шунинг учун ҳам бу сўзлар сон сўз туркумига оид эмас.

Сон сўз туркуми ўзига хос қуйидаги лексик-грамматик хусусиятларга эга:

1. Соннинг лексик-семантик хусусияти унинг белги маъносини ифодалашидир, яъни предметнинг миқдор, санок ва жойлашиш тартибига кўра (баъзан ҳаракатнинг жойлашиш тартиби, миқдорий белгиси) белгисини англатади. Демак, сон миқдор тушунчасининг номи бўлади.

2. Сон маъно жиҳатдан предметнинг саноғини, донасини, тахминий миқдорини, умумий миқдори (жамлиги), тақсимланиш миқдори, жойлашиш тартиби; шунингдек иш-ҳаракатнинг бажарилиш тартиби, миқдори каби модал маъноларни ифодалайди. Шу маъно хусусиятларига кўра сон икки турга: санок сон ва тартиб сонларга бўлинади. Соннинг маъно турларини ҳосил қилувчи махсус модал шакл ясовчи аффикслар мавжуд: учта, бешовлон, икала, юзлаб, тўрттадан, уч-тўрт, ўнинчи каби. Бу аффикслар фақат сонларгагина қўшилади.

3. Сон морфологик жиҳатдан ўзгармайди, яъни эгалик, келишик, кўрлик аффиксларни олмайди, чунки сон асосан отга боғланиб келиб, аниқловчи вазифасини бажаради: *Уй эгаси Отабекнинг ёнига иккита ёстиқ олиб қўйди ва биттани ўз ёнбошига ҳам олди.* (А.Қодирий.)

Сон ҳеч қачон белги ифодаловчи сўзни ўзига тобе қилиб келмайди - аниқловчи олмайди.

Сон баъзан феълга боғланиб келиб, ҳаракатнинг миқдорий белгисини англатганда, ҳол вазифасини бажаради: *Отабек қутидор томонидан қувилганидан кейин, Марғилонга етти-саккиз марта келибди* (А.Қодирий.)

4. Сон боғланиб келган от қўлланмаганда, отга қўшилиб келган сўз ўзгартирувчи аффикслар, яъни эгалик, келишик ҳамда шакл ясовчи кўплик аффиксини олиши мумкин. Бундай морфологик жиҳатдан ўзгарган сон отлашган сон саналиб, гапда от бажарган эга, тўлдирувчи, қаратқич-аниқловчи, кесим каби синтактик вазифаларни бажаради: *Биров тош, биров гул, ўз жойида иккови ҳам яхши* (Шукрулло). *Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни.* (Амир Темур ўғитлари). *Ўннинг ярми беш.*

Отлашган сон фикрни стилистик жиҳатдан ихчам образли ифодалаши учун хизмат қилади. (Мақол, матал, афоризмларда кўп учрайди) Соннинг ҳамма турлари ҳам морфологик жиҳатдан ўзгармайди (чама сон –тача, -лаб, -лар каср сонга қўшилмайди).

5. Сонларнинг ҳисоб сўзлари (нумеративлар) билан бирга қўлланиши уни бошқа сўз туркумларидан ажралиб турувчи ўзига хос белгиларидан бири саналади. Ҳисоб сўзлари от сўз туркумига доир бўлиб, у сон билан боғланиб келган от ва феъл орасида ишлатилади: икки туп дарахт, беш килограмм олма, ўн километр юрди, тўрт саҳифа ўқиди каби.

Сонлар ҳисоб сўзлари билан ҳам, ҳисоб сўзларисиз ҳам қўлланади (Бу сўзлар ҳақида қуйида тўхталамиз).

6. Сон сўз ясаиш тизимига эга эмас. Бошқа сўз туркумларидан сон ясалмайди. Лекин сондан бошқа сўз туркумлари ясаиши мумкин: бирлик, бешлик (от), иккилан (феъл), битталаб (равиш) каби.

2 -§. Соннинг маъно турлари

Сон маъно жиҳатдан ва грамматик хусусиятларга кўра икки гуруҳга бўлинади: **санок сонлар** ва **тартиб сонлар**.

Санок сон предмет ёки иш-ҳаракатнинг сонини, миқдорини, белгисини билдиради: уч бола, иккита китоб, беш тонна пахта, олти килограмм сотиб олди каби.

Санок сонлар ҳисоб сўзларисиз ва ҳисоб сўзлари билан қўлланиш хусусиятига эга: иккита қалам, беш талаба, ўнтача ўқувчи - ҳисоб сўзларисиз; олти туп дарахт, уч литр сут, ўн ой ўтди, икки марта чақирди - ҳисоб сўзлари билан келган.

Ҳисоб сўзлари кўп ҳолларда предметнинг, баъзан иш-ҳаракатнинг ҳисобини кўрсатувчи ўлчов бирлиги бўлиб, у орқали предметнинг иш ҳаракатнинг миқдори белгиланади. Ҳисоб сўзлар санок сон билан саналадиган предмет, иш-ҳаракат англатувчи сўз орасида келиб, уларни оғирлигига, узунлигига, ҳажмига, вақтига ва шунга ўхшаш хусусиятларга кўра ўлчовини билдиради: икки бош узум, уч килограмм олма, бир култум сув, икки гектар ер каби.

Ўзбек тилида ҳисоб сўзлари от сўз туркумига оид бўлиб, улар қўлланилишига кўра қуйидаги маънодаги отларни ўз ичига олади:

1. Предметни яккалаб, доналаб ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлари: дона, нуша, бош, тун, нафар каби.

2. Бутуннинг бўлагини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлари: бурда, парча, варақ, оғиз, лукма, сиқим, тилим, чимдим, харч, қоп, арава, машина, чакмоқ каби.

3. Жуфт предметлар ҳисобини кўрсатувчи ҳисоб сўзлари: жуфт, пар, жўра каби.

4. Оғирликни ўлчаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлари: грамм, килограмм, центнер, тонна каби.

Ески ўзбек тилида мисқол, қадоқ, ботмон каби отлар оғирлик миқдорини ҳисоблаш учун ишлатилган: Наманган ва Андижон туманларида икки минг ботмонгача ер суғ орилар еди. (А.Қодирий)

5. Узунлик ўлчови учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлари: миллиметр, сантиметр, метр, километр, қадам, қарич, қулоч каби.

Бу ҳисоб сўзларининг газ, таноб, тош, чақирим каби синонимлари мавжуд бўлиб, ҳозир бу сўзлар архаиклашган ҳисоб сўзлари саналади.

6. Суюқлик ҳажмини ифодаловчи ҳисоб сўзлари: литр, коса, стакан, пиёла, қошиқ, хўплам, ҳовуч, челак каби.

7. Пул қийматини ифодаловчи ҳисоб сўзлари: *тийин, сўм, доллар* каби.

Танга, чақа, тилла сўзлари илгари пул қийматини ҳисоблаш учун ишлатилган бўлиб, ҳозирги кунда архаик сўзлар қаторидан ўрин олган: Солих маҳдум ... бир тангалик гўшт, саккиз пуллик пиёз олиб ҳовлига кирди (А.Қодирий).

8. Вақт ўлчови учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлари: аср, йил, ой, ҳафта, сутка, кун сўзлари ҳамда сутканинг бўлақларини ифодаловчи соат, дақиқа, минут, секунд каби сўзлар киради.

Аср, йил, ой, ҳафта, сутка, кун сўзлари турли келишиқ аффиксларини олиб келиши, шунингдек, кўмакчилар билан бирга ҳам қўлланиши мумкин: Ойбек 30-йиллардан бошлаб Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тўғ рисида материаллар йиға бошлаган еди (З.Саидносирова).

9. Ёш ҳисоби учун қўлланиладиган ҳисоб сўзлари: ёш, яшар, кунлик, ойлик каби.

10. Ҳаракат миқдорини кўрсатиш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлари: марта, карра, бор, ҳисса, қатла, дафъа, сидра каби.

Санок сон маъно хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади: 1) миқдор сон; 2) дона сон; 3) чама сон; 4) жамловчи сон; 5) таксим сон.

1. Миқдор сон бир турдаги предметларнинг умумий миқдорини, баъзан иш-ҳаракатнинг умумий миқдорий белгисини англатади: уч киши, икки қоп гуруч, беш йил ўқимоқ каби.

Сизга муносиб йигит, балки етти иқлимда ҳам йўқдир (П.Қодиров). Тежамкор киши пулини керагидан ортиқча сарфламайди, ўн сўмга олинадиган нарса учун ҳовлиқиб юз сўм сарф етмайди («Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони»).

Миқдор сонлар ҳисоб сўзларисиз ва ҳисоб сўзлари билан қўлланади.

Миқдор сонни ҳосил қилувчи шакл ясовчи аффикслар мавжуд эмас.

2. Дона сон бир хил предметларнинг яккалаб, доналаб саналадиган умумий миқдорини англатади.

Дона сон миқдор сон негизига –та аффиксини қўшиш билан ясалади: ўнта ўқувчи, бешта дафтар каби. Шунингдек, дона сон миқдор сондан сўнг доналикни ифодалайдиган дона, туп, нуша, нафар, туёк, бош каби ҳисоб сўзларини келтириш билан ҳосил қилинади: юз нуша китоб, икки бош қўй, беш дона қалам, уч туп дарахт каби.

Фаввосларнинг раҳми келиб, унга битта қимматбаҳо тош ҳадя қилдилар («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»). Вақти келса, ўнта қуруқ гапдан битта далил, ўнта қонун-қоидадан битта амалий машғулот аъло (А.Солиев). Гулшан кирганида уч нафар каниз санолия тикмоқда еди (АҚодирий). Жавонда Абу Али ибн Сино ҳазратларининг тиббиёт масалаларига оид йигирма жилдлик «Китоб уш шифо»си турарди. (О.Ёқубов).

3. Чама сон предметнинг, иш-ҳаракатнинг ноаниқ, тахминий миқдорини англатади.

СҲама сон қуйидагича ясалади:

1. Миқдор сон негизига –тача аффиксини қўшиш билан: бештача, ўнтача, юзтача каби. Икки томонга уч қаватдан олтмиштатча жой қилинган. (А.Қ.)

Ҳисоб сўзлари билан бирга қўлланадиган сонларда –ча аффикси ҳисоб сўзига қўшилиб келади: Икала тўрғай тахминан бир-бирларидан еллик метрча нарида учиб сайрашапти (С.Аҳмад).

2. Миқдор сон негизига –ларча аффиксини қўшиш билан (миқдор жиҳатдан йирик сонларга қўшилади): ўнларча, юзларча, мингларча каби: Менга бир бечора, нотавоннинг севинч кўз ёши мингларча қимматбаҳо тошлардан афзалдир («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

3. Миқдор сон негизига –лаб аффиксини қўшиш билан (бу аффикс ҳам миқдор жиҳатдан йирик сонларга қўшилади): ўнлаб, юзлаб, минглаб каби: Ўзбекистонда бутун жаҳондан йиғилган юзлаб миллатлар ва елатлар яшайди («Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ»).

4. Кетма-кет келган икки сонни жуфт ҳолда келтириш орқали: бир-икки, уч-тўрт каби: Ҳанифа холанинг сандиғида бўлажак келинга атаб йиғилган беш-ўн кийимлик атлас ва бошқа яхши матолар бор еди (Б.Қодиров).

Баъзан –та аффикси бу жуфт сонларнинг ҳар бир қисмига ёки иккинчи қисмига қўшилиб келади: битта-иккита, уч-тўртта каби: Дарахтлар орасидан сарғайиб бир-иккита юлдуз кўринди (Ў.Умарбеков).

5. Ҳисоб сўзлари билан қўлланган миқдор сонларга –лар кўплик аффикси ҳамда келишиқ аффиксини қўшиш билан ясалади. Бунда кўпинча вақт билдирувчи ҳисоб сўзи олдин келади: Саида уйга кеч соат ўн бирларда қайтди (А.Қаҳҳор). бунда иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги пайт, вақтга нисбатан тахмин маъноси ифодаланади.

Баъзан бу аффикслар ҳисоб сўзига ҳам қўшилади: Рўзимат қоронғида кўзига йигирма беш ёшларда кўринган еди. (А.Қаҳҳор)

5. Чама сонлар тахмин маъносини ифодаловчи *чамаси, чоғли, тахминан, қарийб, шунингдек яқин, ортиқ, камида* каби сўзларнинг иштироки билан ҳам ҳосил қилинади: *Мақтабда ўн чоғли бола йиғилган (О). Кўчаларнинг икки юзига саксон беш мингдан ортиқроқ кўчат ўтказилди (А.Қаҳҳор).*

4. Жамловчи сон бир турдаги предметларнинг миқдорини жамлаб, тўдалаб кўрсатади.

Жамловчи сон миқдор сонга қуйидаги аффиксларни қўшиш билан ҳосил қилинади:

1. Миқдор сонга –ов аффиксини (иккидан еттигача бўлган сонларга) қўшиш билан: икков, учов, тўртов, бешов, олтов, еттов каби. Баъзан ўн сонидан ҳам ясалади ўнови каби. Бу аффикс билан ясалган сон отлашган ҳолда келиб, доимо эгалик аффикслари билан бирга (И шахс birlik эгалик аффиксидан ташқари) қўлланади. Яъни улар кўпчилиги предметнинг миқдорига кўра белгисини кўрсатмайди, миқдор маъноси билан бирга предметлик маъносини англатади: Улар иккови бирининг оғзидан бири олиб, Қобилни паст уриб, Анварни мақтаб кетдилар (А.Қодирий). Мақсуд аканинг қайтганини ешитганимиз ҳамон Ойбек мен Миртемир учовимиз суюниб югурдик (З.Саидносирова).

2. Миқдор сонга –ала аффиксини қўшиш билан ясалади: икала, учала, тўртала, бешала каби. Олти ва етти сонларига ҳам қўшилади. (Икки ва олти сонларига қўшилганда негиз охиридаги и унлиси тушиб қолади). Тўшабой икала отни жиловидан ушлаб толнинг нарёғига олиб ўтиб кетди (С.Аҳмад).

3. Микдор сонга –овлон аффиксини қўшиш билан ясалади: икковлон, учовлон. Бу аффикс ҳам иккидан еттигача бўлган сонларга қўшилади: Олтовлон ола бўлса оғзидагин олдирад, тўртовлон тугал бўлса тепадагин ендирад (Мақол).

Отга боғланиб келган жамловчи сон сифатловчи аниқловчи вазифасида келади: Ҳақиқат учун, Ватан учун жонини аямаган икала паҳлавон сал ўтмай жангда мардона ҳалок бўлди. (Шукрулло)

Лекин жамловчи сон гапда кўпинча эга, тўлдирувчи, қаратқич-аниқловчи, кесим вазифасида келади: Икковлари кеч салқинда адир тагида битта-битта юриб кетишяпти (С.Аҳмад.). Учаласининг мақсади бир. Талабаларнинг бешовига ҳам мукофот топширилди.

5. Тақсим сон предметларнинг микдор жиҳатдан тенг тақсимланишини, гуруҳланиш микдорини англатади.

Тақсим сон қуйидагича ясалади:

1. Микдор сон негизига –тадан аффиксини қўшиш билан: Азим ҳар елкасига тўрттадан одам сифадиган йигит бўлибди (А.Қаҳҳор).

2. Доналик англатадиган сонни такрорлаш йўли билан: битта-битта, учта-учта каби. Баъзан сўнги қисмга –дан чиқиш келишиги аффикси қўшилиши ҳам мумкин: битта-биттадан, учта-учтадан каби.

3. Микдор сонларнинг такрорланиши билан ясалади: икки-икки, уч-уч каби.

3 -§. *Бир сонининг ўзига хос грамматик хусусиятлари*

Сонлар ичида **бир** сони ўзига хос грамматик хусусиятлари билан ажралиб туради. Бир сони юқорида қайд етилган сонларга хос лексик-грамматик хусусиятларга эга бўлиши билан бирга ўзига хос айрим хусусиятларга ҳам эга:

1. Илгари тилга олинмаган предмет номини ифодалайдиган от олдида келиб, гумон ноаниқлик маъносини ифодалайди: Максуд ака Ойбек икковимизга кула-кула бир воқеани айтиб берган еди. (З.Саидносирова.)

Микдор англатадиган сўзлари сўроқ олмошлари ёки нарса сўздан олдин бир сўзини киритиш билан гумон, ноаниқлик маъносидаги равишлар ясалади: бир неча, бир қанча, бир нима, бир нарса, бир зум, бир пайт каби.

Бир сўзига –ов, -он, -ор аффикси қўшилиши билан ҳам гумон маъносини билдирувчи гумон олмошлари ясалади: *бирав, бирон, бирор* каби.

2. Бир сони феъл, от, сифат, равиш олдида келиб, кучайтирув равиши (жуда, ғ оят) ва кучайтирув юкламаси (ҳатто) каби маънони кучайтиришга хизмат қилади: *Бир чиройли, бир ёқимли шамол турди* (Саид Аҳмад).

3. Бир сони сифатловчи-сифатланмиш орасида келганда ҳам маънони кучайтиради: *Гулнор учун улуг бир бахт шу учрашув бўлди* (А.Қ.) *Жувон асабий бир ҳаракат билан рўмолини олиб ўради* (А.Қ.).

4. Айирув чэгаралов юкламалари (-гина, фақат) вазифасини бажариб, айириш, чэгаралаш каби маъноларни ифодалайди: *Камтарлик ҳам бир хислат* («Тафаккур гулшани»). *Менинг ишончим бир сенсан*. Бунда бир сўзи –гина, фақат вазифасини бажарган.

5. Боғловчи вазифасида келиб, уюшиқ гап бўлақларини ёки қўшма гап қисмларини боғлашга хизмат қилади: *Бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг* (Мақол).

6. Бир сони ўзи боғланиб келган сўз билан «ҳеч ким», «ҳеч қандай» олмошлар маъносида келади: *Кунлик нормасини бажармаган бир киши қолмади*.

7. Кесим вазифасини бажариб келганда, бирдамлик, ўхшашлик, умумийлик маъносини ифодалайди: *Кемага тушганнинг жони бир* (Мақол). *Одамнинг тили билан дили бир бўлсин*.

Бир сонидан олмош, равиш, от ва феъл ясалади: бир неча, бир нарса, бир зум, бир пайт, бир вақт, бирлик каби.

4 -§. Сонларнинг отлашиши

Гапда отнинг сўроғига жавоб бўладиган ва от каби кўплик, эгалик, келишик шаклларида кела оладиган сон отлашган сон деб аталади: *Бешга, учни, иккимиз, иккинчилар*. Отлашган сонлар худди отлар каби эга, от–кесим, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи ва ҳол вазифаларини бажаради: *Беш – ўннинг ярми. Бешни учга қўшса, саккиз бўлади. Имтиҳонлар йибирманчида бўлади.*

5 -§. Сонларнинг тузилиш жиҳатдан турлари

Сонлар тузилиш жиҳатдан қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Содда сонлар** бир ўзакдан иборат бўлади: *бир, уч.*
2. **Қўшма сонлар** икки ёки ундан ортиқ соннинг бирга ёзилишидан тузилади: *ўн уч, бир юз ўн саккиз.*
3. **Жуфт сонлар** иккита турли ўзакнинг жуфтлашишидан тузилади: *беш-олти, етти-саккиз, ўн беш-ўн олти.*
4. **Такрорий сонлар** бир ўзакнинг такрорланишидан тузилади: *икки-икки, тўртта-тўртта, ўнта-ўнта.*
Жуфт ва такрорий сонлар чизиқча билан ёзилади.

Сон таҳлили намунаси	
1. Сўроғи.	5. Отлашган ёки
2. Бутун ёки касрлиги.	отлашмаганлиги.
3. Маъно тури.	6. Тузилиш тури.
4. Ҳисоб сўзи бор-йўқлиги.	7. Гапдаги синтактик вазифаси.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қандай сўзларга сон дейилади? 2. Соннинг номини билдирадиган сонлар қандай қўшимчаларни олиши мумкин? 3. Нарса-буюмларнинг сон-санојини билдирадиган сонларни сўзларга боғлаб 5 та мисол келтиринг. 4. Сонлар қандай рақамлар билан ифодаланади? 5. Нутқимизда тез-тез қўлланадиган 23 та содда сонни бирма-бир сананг. 6. Ескирган сонларга мисол келтиринг. 7. Бутун ва каср сонларнинг ўзаро фарқини тушунтиринг. 8. Каср соннинг турлари ҳақида гапиринг. 9. Аралаш сонлар ҳақида гапиринг. 10. Миқдор сонлар ҳақида гапиринг. 11. Ҳисоб сўзларининг маъно гуруҳлари ҳақида гапиринг. 12. “Бир” сўзининг қандай маънолари бор? 13. Дона ва тартиб сонлар ҳақида гапиринг. 14. СҲама сонлар қандай ҳосил қилинади? 15. Жамловчи сонлар қандай ҳосил қилинади? 16. Таксим сонлар қандай ҳосил қилинади? 17. От, сифат туркумидан ясалган сонларга 4 та мисол келтиринг. 18. Отлашган сонлар қандай қўшимчаларни олади? 19. Сонларнинг тузилиш жиҳатдан турлари ҳақида гапиринг. 20. “Бештача китоб” бирикмасидаги сонни ёддан тўлиқ таҳлил қилиб беринг. 21. Омонимлик хусусиятига эга бўлган сонлар ҳақида гапиринг. 22. Синонимлик хусусиятига эга бўлган сонлар ҳақида гапиринг

О Л М О С Х

1-§. Олмошнинг таърифи ва лексик-грамматик хусусиятлари

Гап ичида от, сифат, сон, равиш, баъзан сўз бирикмаси ва гап ўрнида қўллана оладиган, аниқ луғавий маънога эга бўлмаган сўз туркуми **олмош** деб аталади: 1) от ўрнида: *Карим жуда қувонди, чунки у ўз орзусига еришган еди.* 2) сифат ўрнида: *Кечаги китобингни бериб тур, мен шу китобдан мисоллар олмоқчиман.* 3) сон ўрнида: *Менда иккита қалам бор, сенда нечта бор?* 4) равиш ўрнида: *Мен бугун кетаман, сен қачон кетасан?* 5) сўз бирикмаси ўрнида: *ЙОмон сўз бош қозигидир, шундай сўзни гапирмаган маъқул.* 6) гап ўрнида: *Сен*

меҳнат қилишни ёқтирмайсан, бу эса инсондаги энг ёмон хислатдир. Олмошлар турланади, гапда кўпинча эга, тўлдирувчи, аниқловчи ва ундалма бўлиб келади: Хамма келди. Бизни табрикланг. Шу китобни беринг. Ҳой сен, бери кел!

Олмошлар гапда сўзларни ўринсиз такрорлашдан қутқаради, фикрни ихчам, қисқа қилиб ифодалашга ёрдам беради. Олмошлар қуйидаги грамматик хусусиятларига эга: 1) сўз ясалиш хусусияти йўқ (лекин олмошлар асосида от, феъл, равиш, сифат ясалиши мумкин: *ўзлик, сенсирама, ўзича, менбон*); 2) жуфтланиб, бошқа сўз туркуми вазифасида келади: *ўша-ўша, шу-шу* (равиш); 3) олмошлар отларга хос сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни олиши мумкин: *унга, шуниси*; 4) олмош ҳеч вақт ўзидан олдин аниқловчи олмайди. Олмошларни гапда бажарган вазифасига кўра қуйидаги турларга бўлса бўлади: **1) от тоифасидаги олмошлар.** Булар отларнинг сўроқларига жавоб бўлади, отларга ўхшаб сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қилади ва гапда от бажарган вазифаларни бажаради. **2) сифат тоифасидаги олмошлар.** Булар сифатларга ўхшаб сифатловчи-аниқловчи, кесим ва ҳол вази-фаларини бажаради, отлашиш хусусиятига эга. **3) сон тоифасидаги олмошлар.** Булар миқдорни ифодалаш учун қўлланади ва гапда сифатловчи-аниқловчи, кесим, баъзан ҳол вазифаларини бажаради.

2-§. Олмошларнинг маъно турлари

1. Кишилиқ (шахс) олмошлари учта шахсни билдирадиган қуйидаги олмошлардир: *мен, сен, у, биз, сиз, улар*. Кишилиқ олмошлари отлар каби турланади. **У** кишилиқ олмошига жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги қўшимчалари қўшилганда, бир **н** орттирилади: *унга, унда, ундан*. Қаратқич, тушум келишиги ва қарашлилик шакли қўшимчаси *-ники* қўшилганида эса, **-н** туширилади: *мен+нинг=менинг, сен+ни=сени, сен+ники=сеники*. Айрим вақтларда *биз, сиз, улар* олмошлари бирлик маъносида ҳам ишлатилади, бунда *биз* олмоши камтарлик, бажирилган ишда ўзининг ролини оширмаслик каби маъноларни ифодалайди. *Сиз, улар* эса ҳурмат маъносини билдиради, бунда *сиз* олмошига кўпликни ифодалаш учун *-лар* қўшимчаси қўшилади. Бу олмошларга эгалиқ қўшимчалари деярли қўшилмайди. Кишилиқ олмошлари гапда эга (*Мен келдим*), тўлдирувчи (*Сенга айтаман*), қаратқич аниқловчи (*Унинг укаси келибди*), от-кесим (*Менинг дўстим сенсан*) вазифаларини бажаради.

2. Ўзлик олмоши нарса-буюмни аниқлаб ёки таъкидлаб кўрсатиш учун ишлатиладиган **ўз** сўзидир. Бу олмош нарса-буюмнинг шахсга ҳослигини, тегишлилигини ёки шахснинг танҳолигини билдиради: *ўз уйи, ўз укаси*. Ўзлик олмоши эгалиқ қўшимчасини олиб, кишилиқ олмошларига синоним бўлади: *ўзим - мен, ўзинг - сен, ўзи - у*. Бу олмош кишилиқ олмошлари билан қўлланганда, уларга таъкид маъносини юклайди: *мен ўзим, сен ўзинг*.

Ўзлик олмоши турланганда келишиқ қўшимчаларидан олдин эгалиқ қўшимчалари бўлиши шарт: *ўзига, ўзингдан* ва б. Ўз олмоши белгисиз келишиқ кўринишида қўлланиши мумкин: *Ўз уйинг – ўзингнинг уйинг*.

3. Кўрсатиш олмошлари нарса-буюмни, кимсани кўрсатиш учун ишлатиладиган олмошлар: *у, бу, шу, ўша, ана, мана, ана у ёки анови, мана бу ёки манави, ушбу* (кўтаринки, тантанали маъно ифодалайди). Кўрсатиш олмошлари олдинги гап, гап ичидаги маълум бир сўз ёки сўз бирикмаси ўрнида қўлланади ва уларга ишора қилади ёхуд бирор-бир сўзни аниқлаб келади. Сўз маъносини аниқлаб келувчи бундай олмошлар аниқланаётган сўздан олдин келади: *ўша одам*.

Кишилиқ олмоши **у** билан кўрсатиш олмоши **у** ни гапдаги маъносига қараб фарқлаш мумкин. Бунда **у** кишилиқ олмоши *ким?* сўроғига (*У келди*), кўрсатиш олмоши **у** эса *қайси?* сўроғига жавоб бўлади (*У киши келди*). *У, бу, шу, ўша* олмошлари жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиқларида турланганда ёки уларга *-дай, -дек, -ақа, -ча* қўшимчалари қўшилганда, қўшимча олдидан бир **н** товуши орттирилади: *унга, бунга, шундай, ўшандай, унча, шунақа, ўшандек*.

У, бу олмошлари жуфтланиб ҳар хил нарса ва шахс, *унақа-бунақа* тарзида белгининг ортиқлиги, *унча-мунча* тарзида оз миқдор маъноларини ифодалайди. Кўрсатиш олмошлари гапда асосан аниқловчи (*Бу китоб укамники*) ва кесим (*Мен айтган одам шу*) вазифаларини

бажаради. Отлашса, эга (Шу менинг мақсадимдир), тўлдирувчи (Буни тушундим), қаратқич аниқловчи (Шунинг эгаси сенсан), ҳол (Бунда булбул китоб ўқийди) бўлиб ҳам кела олади.

4. Сўроқ олмошлари бирор нарса-буюм, белги ёки миқдор ҳақидаги сўроқни билдирган олмошлардир. Сўроқ олмошларининг нимага нисбатан сўроқ билдиришини қуйидаги жадвалдан билса бўлади:

№	Сўроқ тури	Олмошлар
1.	Шахсга сўроқ	<i>Ким?</i>
2.	Нарсага сўроқ	<i>Нима?</i>
3.	Белги-хусусиятга сўроқ	<i>Қандай? Қанақа? Қайси?</i>
4.	Миқдорга сўроқ	<i>Қанча? Неча? Нечта?</i>
5.	Тартибга сўроқ	<i>Нечанчи?</i>
6.	Сабаб-мақсадга сўроқ	<i>Нэга? Нимага ?</i>
7.	Ўрин-жойга сўроқ	<i>Қаерда? Қайда? Қаёққа?</i>
8.	Пайтга сўроқ	<i>Қачон?</i>
9.	Мавжудликка сўроқ	<i>Қани?</i>

Ким бирлик ва кўпликда қўлланади, эгалик ва келишик қўшимчаларини олади: *Ким сўзлади? Нималарни кўрдинг? Ниманг бор? Нима* олмоши белгисиз келишик шаклида келиши мумкин: *Нима(ни) олдинг?*

Қандай, қанақа, қайси олмошлари белгини аниқлаш учун ишлатилади: *қанақа одам, қайси китоб. Қаерда, қайда, қани, қаёққа, қачон, нэга* олмошлари ўрин, пайт, мавжудлик, сабаб, мақсад кабиларни аниқлаш учун ишлатилади: *Қачон келди? Қаерда юрибди? Уканг қани? Қаёққа кетди? Нэга келди?*

5. Белгилаш олмошлари предмет ва шахсларнинг йиғиндисини билдиради ёки уларни айириб кўрсатади, шунинг учун уларни иккига бўлиш мумкин:

1) **жамловчи** белгилаш олмошларига *ҳамма, барча, бари, жами, жамийки, бутун, ялти* сўзлари киради. 2) **айирувчи белгилаш** олмошларига *ҳар* сўзининг ўзи (*Ҳар қовунларки...*) ва *ҳар ким, ҳар нима, ҳар бир, ҳар қайси* каби сўзлар киради ва бу олмошлар тўпдан ажратилган шахс, нарса, белгиларни билдиради. *Ҳар* сўзи айрим ёзилади.

Ҳамма, барча, бари олмошлари кўпликни англатади. Белгилаш олмошлари эгалик, келишик, кўплик қўшимчалари билан қўлланади: *Ҳаммалари жим. Ҳар кимга айтаверма.*

6. Бўлишсизлик олмошлари инкор маъносини билдирган олмошлардир. Булар *ҳеч* сўзининг ўзи ва шу сўзнинг баъзи сўроқ олмошлари билан бирикишидан ҳосил қилинади, *ҳеч* сўзи айрим ёзилади. Бу олмошлар эгалик, келишик қўшимчалари билан қўлланади: *У ҳеч кимни кўрмади. Ҳеч кимим йўқ.*

Ҳеч сўзи яқка ҳолда қўлланганда, кўпинча феъллар олдида келиб, равиш вазифасини бажаради (лекин бутунлай равиш туркумига ўтмайди): *У ҳеч қийналмади.*

Бўлишсизлик олмошлари иштирок етган гапларнинг кесими инкор шаклида бўлади: *Ҳеч қачон унутмайди.*

Кимса сўзи ҳам бўлишсизлик олмошлари ўрнида қўлланиши мумкин: *Буни кимса (ҳеч ким) билмаслиги керак.*

7. Гумон олмошлари нарса, белги ёки воқеа ҳақидаги ноаниқ тасаввурни билдириб келадиган олмош туридир. Улар *алла-* ёрдамида ёки *-дир* қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *аллаким, алланима, алланарса (нарсадир эмас), аллақайси, аллақаер, аллақаёқ, алланечук, аллақанча, алланечанчи, кимдир, нимадир, қачондир, қандайдир, қаердадир, қаергадир, нэгадир.* Гумон олмошлари сўроқ олмошларига *бир, ҳам* сўзларини қўшиш орқали ясалиши ҳам мумкин: *Уни ким ҳам чақираётган еди-я. Акаси унга бир нима дегандай бўлди.* (Баъзан *бир нима* бирикмаси бўлишсиз олмош ўрнида келиши мумкин: *Буни кўриб бир нима демади.*) Бу олмошлар бирлик ва кўпликда (*аллакимлар*) келади, келишикларда турланади: (*кимнидир*), эгалик қўшимчасини олади (*аллакимим*). *Биров* сўзи ҳам *кимдир, аллаким* сўзларига синоним бўлгани учун гумон олмоши ҳисобланади. *Биров* сўзи, шунингдек, *ҳар ким, ҳеч ким, битта* деган сўзларга ҳам синоним бўлиши мумкин.

Д и к к а т ! Айрим дарсликларда **от-олмошлари** ҳам ажратилади Бунга *камина, фақир, банда* сўзлари киритилади.

3-§. Бошқа туркумга оид сўзларнинг олмошга кўчиши

Куйидаги туркумларга тегишли айрим сўзлар олмошга кўчади: 1) от: *одам, киши, инсон, нарса, ши*; 2) сифат: *баъзи, бошқа, айрим, тубандаги, қуйидаги*; 3) сон: *бир*. Умуман олганда, *бир, ҳар, ҳеч* сўзлари билан келадиган кўпгина сўзлар олмошга кўчиши мумкин: *ҳеч нарса, бир нарса, ҳар ерда*.

Ески ўзбек тилида *мен* олмоши ўрнида *камина* (ҳозир ҳам ишлатилади), *фақир, каминаи камтарин, қулингиз, бандаи оғизингиз* каби сўзлар қўлланган (25; 28).

4-§. Олмошларнинг тузилиш турлари

1. Содда олмошлар барча олмошлар гуруҳида мавжуд: *мен, шу, ўз, ким, ҳамма, ҳеч, биров*.

2. Қўшма олмошлар фақат кўрсатиш, белгилаш, бўлишсизлик олмошлари гуруҳида мавжуд: *ана шу, ҳар ким, ҳеч нима*.

3. Жуфт олмошлар фақат кишилик, кўрсатиш олмошлари гуруҳида бор: *сизу биз, у-бу*.

4. Такрорий олмошлар кўрсатиш, ўзлик, сўроқ, белгилаш олмошларига тегишлидир: *шу-шу, ўз-ўзини, ким-ким, барча-барчаси*.

Олмош таҳлили намунаси	
1. Сўроғи.	4. Тузилиш тури.
2. Қайси туркум ўрнида келганлиги.	5. Гапдаги синтактик вазифаси
3. Маъно гуруҳи.	

Такрорлаш учун саволлар

1. Олмош деб қандай сўзларга айтилади? 2. Олмошларнинг грамматик хусусиятларини санаб кўрсатинг. 3. Кишилик олмошлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида гапиринг. 4. Ўзлик олмоши ва унинг хусусиятлари ҳақида гапиринг. 5. Кўрсатиш олмошлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида гапиринг. 6. Сўроқ олмошлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида гапиринг. 7. Белгилаш олмошлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида гапиринг. 8. Бўлишсизлик олмошлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида гапиринг. 9. Гумон олмошлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида гапиринг. 10. Олмошлар билан боғлиқ товуш ўзгаришлари ҳақида гапиринг. 11. Қайси туркумга оид сўзлар олмошларга кўчади? 12. Олмошларнинг тузилиш турлари ҳақида гапиринг. 13. Турланадиган олмошлар ҳақида гапиринг. 14. Турланмайдиган олмошларга мисоллар келтиринг. 15. Омоним характердаги олмошлар ҳақида гапиринг. 16. Ўзаро синоним бўла оладиган олмошлар ҳақида гапиринг. 17. –лар қўшимчаси қўшилганда кучайтириш маъносини ифодаладиган олмошлар ҳақида гапиринг. 18. –лар қўшимчаси қўшилганда киноя маъносини ифодаладиган олмошлар ҳақида гапиринг. 19. –лар қўшимчаси қўшилганда ҳурмат маъносини ифодаладиган олмошлар ҳақида гапиринг. 20. Қайси олмошлар даража кўрсаткичларини олиши мумкин?

Олмош таҳлили намунаси	
1. Сўроғи..	4. Тузилиш тури.
2. Қайси туркум ўрнида келганлиги.	5. Гапдаги синтактик вазифаси
3. Маъно гуруҳи.	

ФЕЪЛ

1 -§. Феълнинг лексик-грамматик хусусиятлари

Шахс ва предметнинг иш-ҳаракати ва ҳолатини ифодаладиган мустақил сўзлар феъл дейилади. Масалан: Мен олимларга, илоҳиётчиларга, тарихшуносларга ҳурмат-еҳтиром кўрсатдим ва ёзозладим. (А.Темур). Меҳнат инсонда ижодий куч уйғ отади (Тафаккур журнали).

Грамматикада ҳаракат ва ҳолат тушунчаси жуда кенг. Яъни феъл ҳолат, белгининг юзага келиши, ўзгариши каби жараёнларни ҳам ҳаракат тарзида англатади: ўрик гуллади, япроқлар сарғайди, бола ухлаяпти каби.

Феълларнинг барчаси бир умумий сўроққа нима килмок? сўроғига жавоб беради.

Феъл ўзига хос бўлган морфологик белгиларга эга, яъни:

1) иш-ҳаракатнинг предметга (тўлдирувчига) муносабати феълдаги ўтимли ва ўтимсизлик маъносини ҳосил қилади: ўкимок, ёзмок - ўтимли феъл; ўтирмак, чиникмок - ўтимсиз феъл;

2) иш-ҳаракатнинг бажарилиши ҳақидаги тасдиқ ёки инкорни англашилишига кўра феъллар бўлишли ва бўлишсизлик маъносини билдиради: айт – бўлишли, айтма – бўлишсиз; билган – бўлишли, билгани йўқ – бўлишсиз феъл;

3) иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси, объект ва субъектлар орасидаги муносабат нисбат маъносини ҳосил қилади: кийди - аниқ нисбат, кийинди - ўзлик нисбат, кийилди - мажхуллик нисбат, кийдирди – орттирма нисбат;

4) иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабати майл маъносида акс этади: борди, бормокда, бормокчи - аниқлик майли; борай, боргин, борсин - буйруқ-истак майли; борса – шарт майли;

5) иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайт билан муносабати феълдаги замон маъносини ҳосил қилади: ўргандим - ўтган замон, ўрганаяпман - ҳозирги замон, ўрганмокчиман – келаси замон;

6) иш-ҳаракатнинг бирор грамматик шахс (бирлик ёки кўпликда) томонидан бажарилиши ёки бажарилмаслиги феълдаги шахс-сон маъносида акс этади. Феъл шахс-сон кўшимчалари билан тусланади: қизикдим, қизикдинг, қизикди; қизикдик, қизикдингиз, қизикдилар.

Демак, феъл ўтимли-ўтимсизлик, бўлишли-бўлишсизлик, нисбат, майл, замон, шахс-сон маъноларини ифодалаш каби ўзига хос морфологик белгиларга эга.

Шу билан бирга феълнинг сифатдош, равишдош, ҳаракат номи каби ўзига хос вазифадаги шакллари ҳам мавжуд (ишонган одам – сифатдош; ишониб, ишонгач – равишдош; ишониш, ишонмок керак - ҳаракат номи). Феълнинг бу вазифадаги шакллари гапда маълум бир гап бўлаги вазифасини бажаришга мослашган бўлади.

Феъл ўзига хос махсус сўз ясалиш тизимида ҳам эга: баҳола, улфай, тинчи, сувсира – аффиксация усул билан ясалган феъллар; хурсанд бўлмак, жавоб бермок, сотиб олмак - композиция усул билан ясалган ясама феъллар.

Феълларда модал шакл ясалиши ҳам мавжуд, у ўз ичида турли хил кўшимча маъноларни акс еттиради: кулимсира – кучсизлик, турткила – давомийлик, ёзиб бўлди – тугалланганлик каби.

Феъл ўзига хос синтактик вазифаларга ҳам эга, яъни:

1) соф феъл гапда, асосан, кесим вазифасини бажариб келади. Масалан: *Инсонни меҳнат, одобни яхши фазилат безайди (Ҳикматлар хазинаси);*

2) феълнинг вазифадош шакллари сифатдош, сифатловчи-аниқловчи, равишдош, ҳол, ҳаракат номи, эга, қаратувчи-аниқловчи, тўлдирувчи каби гап бўлаклари вазифасини ҳам бажариб келади. Масалан: *Ўзинга ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўр (Ҳадис намуналари). Дунёда энг ёмони фақат ўзини билиб ўзгани унутиб яшашидир (И.Каримов). Илм-фанга интилиши инсоннинг энг олий маънавий ҳаркатиридандир (Педагогика тарихи).*

2 -§. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар

Ўтимли ва ўтимсиз феъллар феъл англатган ҳаракатнинг предметга муносабати орқали белгиланади.

Феълдаги англашилган ҳаракатнинг тушум келишиги формасидаги от билан (ёки отлашган сўз билан) ифодланган предметга ўтганлигини билдирадиган феъллар ўтимли феъл дейилади.

Масалан: *Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини эганмиз (И.Каримов).*

Бу гап ичганмиз, эганмиз феълларидан англашилган ҳаракат бевосита тушум келишиги шаклидаги сувини, нон-тузини сўзлари билан ифодаланган предметга ўтади. Демак, ўтимли феъллар тушум келишиги шаклидаги от билан боғланади.

Баъзан феъл англашган ҳаракат ёки ҳолат предметнинг бир қисмига ўтиши ёки ҳаракат ўтган предмет шу ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлиши мумкин. Бундай ҳолда ўтимли феъллар жўналиш ва чиқиш келишиги шаклида қўлланган отлар билан ҳам бирикади.

Қиёсланг: нонни олинг – нондан олинг, отни мининг – отга мининг.

Бирон предметга бевосита ўтмайдиган ҳаракатни англадиган феъллар ўтимсиз феъл дейилади. Масалан: *Кўнгил қувончи унинг кучсизлигидан далолат беради (Тафаккур гулшани). Покиза ақл инсонни айб ва камчиликлардан қутқаради (У.Маҳкамов).*

Бу гаплардаги далолат беради, қутқаради феълларидан англашилган ҳаракат бевосита тушум келишигида келган отни бошқармаган, бошқа предметга ўтмаган, балки ҳаракат бажарувчининг ўзида қолган.

Феълдаги ўтимли ва ўтимсизлик маъноси икки хил усул билан ифодаланади:

1. Лексик-семантик усул.

2. Морфологик усул.

1. Феъллар ўз лексик маъносига кўра бирор аффикс олмаган, ҳеч қандай шакл ўзгаришсиз (ўзак-негиз ҳолида) ҳолида ўтимли ёки ўтимсиз бўлади. Масалан: ол, оч, кўр, ёз, ич, қўй, сўра, бер кабилар ўтимли; бор, кел, ўтир, ухла, ёт, юр кабилар ўтимсиз феъллардир.

Бундай усул билан, яъни феълнинг лексик маъносига кўра ўтимли-ўтимсизлик маъносининг ифодаланишига лексик-семантик усул дейилади.

2. Феъл ўзак-негизига қўшиладиган феъл нисбатини ясайдиган қўшимчалар (ўзлик, мажхуллик, орттирма нисбат қўшимчалари) ўтимли ва ўтимсиз феълларни белгилаб беради. Ўтимли-ўтимсизликнинг феъл нисбатини ясайдиган аффикслар билан ифодаланиши морфологик усул саналади. Феъл ўзак-негизига нисбат қўшимчалари қўшилганда, феълнинг ўтимли-ўтимсизлиги қуйидагича юз беради:

1) ўзлик ва мажхуллик нисбат қўшимчалари ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради: сўради - ўтимли феъл, сўралди - ўтимсиз феъл; кўрди - ўтимли феъл, кўринди - ўтимсиз феъл. Сўради ўтимли феълга қўшилган –ди мажхуллик нисбат қўшимчаси, кўрди ўтимли феълга қўшилган –ин ўзлик нисбат қўшимчаси сўради, кўрди феълларини ўтимсиз феълларга айлантирди;

2) орттирма нисбат қўшимчалари, аксинча, ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантиради: кулди - ўтимсиз феъл, кулдирди - ўтимли феъл; юрди - ўтимсиз феъл, юргизди - ўтимли феъл; ухлади - ўтимсиз феъл, ухлатди - ўтимли феъл. Ушбу кулди феълга қўшилган –дир қўшимчаси, юрди феълга қўшилган –гиз қўшимчаси, ухлади феълга қўшилган –т орттирма нисбат қўшимчалари ўтимсиз феълларни ўтимли феълга айлантирди.

3) орттирма нисбат қўшимчалари орқали ўтимли феълдан яна ўтимли феъл ҳосил қилинади: еслади - ўтимли феъл, еслатди - ўтимли феъл; ичди - ўтимли феъл, ичирди - ўтимли феъллари таркибидаги –т, -ир орттирма нисбат қўшимчалари ўтимли феълни яна ўтимли феълга айлантирди.

Қўшма феълларда ўтимли ва ўтимсизлик маъноси етакчи қисмга қараб белгиланади. Масалан: айтиб берди, кўра бошлади, ёзиб чиқди қўшма феълларда айтиб, кўра, ёзиб етакчи қисмнинг ўтимли эканлиги шу феълларнинг ўтимли эканлигини кўрсатади. Аксинча, қўшма феълларнинг етакчи қисми ўтимсиз феълдан бўлса, бутун қўшма феъл ўтимсиз бўлади: ўса бошлади, қувониб кетди, кулиб қўйди каби.

3 -§. Бўлишли ва бўлишсиз феъллар

Иш-ҳаракатнинг бажарилиши ҳақидаги тасдиқ ёки инкор тушунчаси феълдаги бўлишли ва бўлишсизлик маъносини англатади.

Иш-ҳаракатнинг бажарилиши ҳақидаги тасдиқни англатувчи феъллар бўлишли феъл дейилади. Феълдаги бўлишлилик маъносини ифодаловчи махсус грамматик кўрсаткич йўқ; ўқи, еслат, қолган, борса, айтиб берган, ўқиб чиқди, ҳурмат қил каби. Масалан: Она сўзининг ўзи ҳар юракка жарангли садо беради (Ҳикматлар гулдастаси). Ўз бурчини бажаришдан мамнун одамлигина еркин яшайди (Тафаккур гулшани).

Иш-ҳаракатнинг бажарилиши ҳақидаги инкорни англатувчи феъллар бўлишсиз феъл дейилади. Бўлишли феъл бўлишсиз феълни ҳосил қилиш учун асос бўлади. Феълнинг бўлишсиз шакли қуйидагича ясалади:

1. феъл негизига –ма (бу аффикс урғу олмайди), -май, -мас, -масдан, -маслик аффиксларини қўшиш билан феълдаги бўлишсизлик маъноси ҳосил қилинади: кўрсатма, келмагач, бажармади, ёқмас, авайламасдан, ўсмаслик каби.

Кўринадики –ма элементи –май, -мас, -масдан, маслик аффиксларининг таркибида учрайди. Бу аффикслар соф феълга ва феъл шаклларига (сифатдош, равишдош, ҳаракат номи) қўшилиб инкор маъносини ифодалашда асосий морфологик кўрсаткич саналади. Масалан: *Ғуломжон дарпардаси ёнидан қалин қорни гирчиллатиб ўтган дупурни ҳам ешитмади.* (М.Исмоилий). *Тоғ арқон билан ешилмайди* (М.Қошғарий). *Меҳнат қилмаган роҳат кўрмас* (Ўзбек халқ мақоли). *Уйдагиларга айтмасдан дўсти билан Қудратникига кетибди. Касал табиб касални даволай олмас* (Абу Али ибн Сино). *Бу воқеани кўрмаслик учун болалар кўзларини чирт юмдилар.*

-ма, -май аффикслари қўшма феълларга қуйидагича қўшилади:

а) асосий қисмга етакчи феълга қўшилади: ешитмай қолди, ухламай чиқди, кўрмай қолди каби;

б) кўмакчи феълга қўшилади: сотиб олмади, жавоб бермади, ўқиб чиқмади каби;

в) қўшма феълнинг ҳар икала қисмига қўшилади: айтмай қўймайди, бормай қолмайди. Бундай ҳолда бўлишсиз шакл орқали бўлишлилик маъноси англашилади, яъни айтади, боради каби.

Масалан: *Бувижонимнинг айтишича, астойдил яхши ният қилган одам муроди мақсадига етмасдан қолмас экан* (Х.Тўхтабоев).

Еслатма: равишдошнинг –гани (-кани, -кани) аффикслари билан ясалган шаклига бўлишсизлик ифодаловчи аффикслар қўшилмайди.

2. Феълнинг айрим сифатдош, равишдош, ҳаракат номи шаклларида сўнг эмас, йўқ сўзларини киритиш билан бўлишсиз феъл ҳосил қилинади: ҳайратланган эмас, борадиган эмас, егиб эмас, тинчигани йўқ, ишониш эмас каби. Масалан: *Лекин уларнинг нима ўқиганини кўрган ҳам, қандай ўқиганини ешитган ҳам эмас* (П.Турсун).

3. На инкор юкламасини уюшиқ бўлак сифатида қўлланган бўлиши феълдан олдин келтириш билан бўлишсиз феъл ҳосил қилинади: на ўқийди, на ёзади. Масалан: *Кекса чолнинг кэсатиқ гапидан у донг қотиб қолди: на ўтирди, на кетди* (А.Қодирий).

4. Баъзан оҳанг ёки оҳанг ва феълга юкламани (-ми, -а, -я) қўшиш ҳамда феълни такрорлаш орқали бўлишсизлик маъноси ифодаланади: олади-я олади (олмайди); айтасан-а, айтасан (айтмайсан) каби.

Масалан: *Боласи тушмагур-ей, чумчуқнинг уясини бузиб роҳат топармиди?* (Ғайратий). *«Катта бўлсам, акамга ўхшаб, албатта командир бўламан», - деди Собир. Бўласан-а, бўласан. Командир бўлишга юрак керак...* (Ҳ.Назир).

4-§. Феъл нисбатлари

Феъл ифодалаган ҳаракат билан унинг бажарувчиси (субъекти) ва предмети (объекти) ёки бир неча бажарувчи (субъектлар) орасидаги муносабатнинг ифодаланиши феъл нисбати дейилади. Ҳаракат билан унинг бажарувчиси орасидаги муносабат турлича бўлади. Маълум бир шаклда ҳаракат эга билан ифодаланган шах сёки предмет томонидан бажарилади. Масалан: *Бобур ота юртидан батамом ажралганини энди астойдил ҳис қилди* (П.Қодиров).

Бошқа бир шаклда ҳаракатнинг субъекти (эга) ҳам, объекти ҳам бир шахснинг (предметнинг) ўзи бўлади. Масалан: *Ферузага ҳовлига тушиб, шабнамда қийғ ос очилган атиргуллар устига егилди.* (Ҳ.Фулом).

Яна бир кўринишда ҳаракатнинг бажарувчиси субъект эмас, объект саналади ёки ҳаракатнинг ҳақиқий бажарувчиси номаълум бўлади. Масалан: *Ташқарида сўрига гилам тўшалди, кўрпача солинди. Дастурхон ёйилди, чой дамланди* (Тоғай Мурод).

Шунингдек, ҳаракат бир неча субъект томонидан биргаликда бажарилиши мумкин. Масалан: *Ичкаридан бирин-кетин болалар чиқиб келишди* (Тоғай Мурод).

Яна бир нисбат шаклида эса ҳаракат грамматик субъект (эга)нинг бошқа бир субъект ва объект таъсири билан бажарилади. Масалан: *Мўминнинг овозидан қатъият, буйруқ Лайлини бўшаптирди* (С.З.).

Шунга кўра феълларда беш хил нисбат кўриниши мавжуд: 1. Аниқ нисбат. 2. Ўзлик нисбат. 3. Мажхуллик нисбати. 4. Биргалик нисбати. 5. Ортгирма нисбат.

Феъл нисбати махсус шакл ясовчи қўшимчалар ёрдами билан ясалади. Бу қўшимчалар феълнинг лексик маъносини ўзгартирмайди, балки унга қўшимча маъно қўшади. Яъни бу қўшимчалар ҳаракатнинг бажарувчиси (субъекти) ва предмети (объекти) ни кўрсатиб, гап қурилишининг қандай бўлишини билдириб туради. Масалан: *ёзди* – субъект (эга)нинг ўзи бажарадиган ҳаракат, *ёзилди* – предмет (объект) томонидан бажарилиб, субъекти номаълум ҳаракат, *ёзишди* – бир неча субъектлар бажарадиган ҳаракат, *ёздирди* – субъектнинг объектга таъсири билан бажариладиган ҳаракат.

1. Аниқ нисбат

Бу шаклдаги феълда ҳаракатнинг бажарувчиси грамматик жиҳатдан эга вазифасини бажарган шахс ёки предмет бўлади. Тўлдирувчи эса ҳаракатнинг объекти бўлади. Гапнинг бундай қурилиши тилшуносликда актив конструкция (фаол қурилма) деб юритилади. Масалан: *Навоий ширингина ясоғлиқ уйда танҳо ишлар еди* (О.). Ушбу гапда ишлар еди ҳаракатнинг бажарувчиси (субъекти) Навоий бўлиб, у эга орқали ифодаланган. Ҳаракатнинг объекти эса уйда воситали тўлдирувчи орқали ифодаланган.

Бундай шаклида махсус нисбат кўрсаткичи йўқ. Бу нисбат маъноси феъл негизи орқали ифодаланади, шунинг учун ҳам у бошқа нисбат шакллари хосил қилиши учун асос бўла олади (киёсланг: ўқиди, ўқилди, ўқишди, ўқитди каби).

2. Ўзлик нисбат

Бу нисбатдаги феълда ҳаракатнинг субъекти билан объекти бир шахснинг ўзи бўлади. Масалан: *Мен ҳар тонг Тошкентнинг гўзиллиги, файзи билан завқланаман* (У.Маҳкамов) гапида завқланаман феъли таркибида келган –лан қўшимчаси ҳаракатнинг субъекти билан объекти мен шахси еканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзлик нисбати қуйидаги аффикслар билан ясалади:

а) феъл негизига унлидан сўнг –н, ундошдан сўнг –ин қўшиш билан: мақта-н, ўра-н, юв-ин, кий-ин каби;

б) феъл негизига унлидан сўнг –л, ундошдан сўнг –ил қўшиш билан: сурка-л, шош-ил каби;

в) –лан (-ла+-н дан тузилган қўшма аффикс) аффиксини қўшиш билан: завқ-лан, тинч-лан, шод-лан каби;

г) –иш қўшимчасини қўшиш билан: кер-иш каби.

Барча феъл негизларидан (ўтимли, баъзи бир ўтимсиз) ўзлик нисбати ясалмайди: сўра, бор, югур каби. Баъзи феъл негизларининг, аксинча, аниқ нисбати йўқ: қувон, сескан каби.

3. Мажхул нисбат

Бу шаклдаги феълда ҳаракат бажарувчиси субъект (эга) эмас, объект (тўлдирувчи) саналади ёки ҳаракатнинг ҳақиқий бажарувчиси номаълум бўлади.

Масалан: *От-аравалар бирин-кетин саройга олиб кирилди (X.F.)* гапида олиб кирилди ҳаракатининг бажарувчи субъекти номаълум, от-аравалар сўзи эга вазифасида келса-да, объект вазифасини бажарган.

Кесими мажхуллик нисбатидаги феъл билан ифодаланган гап қурилиши тилшуносликда пассив конструкция деб юритилади.

Мажхуллик нисбати қуйидаги қўшимчалар билан ясалади:

а) феъл негизига унлидан сўнг –л, ундошдан сўнг –ил аффиксини қўшиш билан: *ясал(-ди), ата-л(-ди), ют-ил(-ди), сот-ил(-ди)* каби;

б) феъл негизига унлидан сўнг –н, ундошдан сўнг –ин аффиксини қўшиш билан: *бастала-н(-ди), ол-ин(-ди)* каби.

Мажхуллик нисбатдаги феълни ҳосил қилишда –л (-ил) аффикси кўпроқ қўлланилади. Баъзан айни бир феъл негизидан –л (-ил), –н (-ин) аффикслари билан ҳам ўзлик, ҳам мажхуллик нисбати ясаши мумкин. Бундай бир хил шаклда келган бир хил феъл негизининг ўзлик ёки мажхуллик нисбатда еканлиги матндан аниқланилади. Масалан: Зулфия дарсга тайёрланди. Операцияга медицина ускуналари тайёрланди.

4. Биргалик нисбат

Бу нисбатдаги феълда иш-ҳаракат бир неча субъект томонидан биргаликда бажарилади. Масалан: Аёллар чақалоққа кўз тегмаслиги учун қилинадиган ирим-сиримларини битиришгач, болани бешикка белашди (Ў.Ҳошимов) гапида битиришгач, белашди феъллари англатган ҳаракатнинг бир неча субъект, яъни аёллар томонидан биргаликда бажарилганини англатади.

Биргалик нисбатдаги феъл қуйидагича ясалади:

а) феъл негизига унлидан сўнг –ш, ундошдан сўнг –иш аффиксини қўшиш билан: *сана-ш(ди), югур-иш(ди)* каби;

б) сўз ўзагига –лаш (-ла+ш қўшма аффикси) аффиксини қўшиш билан: *ёрдам-лаш(ди), баҳс-лаш(ди)* каби.

5. Орттирма нисбат

Бу нисбат шаклида ҳаракат грамматик субъект (эга)нинг бошқа бир субъект ёки объектга таъсири, таъйиқи билан бажарилади.

Масалан: *Биз Ҳамид Олимжон билан бундай ойдин, мусаффо кечаларни кўп ўтказганмиз (F .F.)* гапида иккита субъект мавжуд бўлиб, асосий субъект воситали тўлдирувчи (Ҳамид Олимжон билан), иккинчи даражали субъект эса эга (Биз) вазифасида қўлланган бўлиб, ўтказганмиз ҳаракати субъектнинг субъектга таъсири натижасида бажарилган.

Шунингдек, ортторма нисбатдаги феълда фақат бир субъект мавжуд бўлади. Бундай ҳолда ҳаракат объектга (тўлдирувчига) ўтади. Масалан: *У китоб келтирди* каби.

Орттирма нисбат феъл негизига қуйидаги аффиксларни қўшиш билан ясалади:

а) феъл негизига –т аффиксини қўшиш билан: *қисқарт, бойит* каби;

б) феъл негизига –тир (-дир) аффиксларини қўшиш билан: *келтир, чақиртир, кулдир, буздир* каби;

в) ш, ч, т, ундошлари билан тугаган феъл негизларига –ир аффиксини қўшиш билан: *шошир, ичир, ботир* каби;

г) охири ундош билан тугаган бир бўғинли феъл негизларига –ар аффиксини қўшиш билан: *чиқар, қайтар* каби;

д) охири ундош билан тугаган феъл негизларига –ғиз, –гиз, –қаз, –ғаз, –каз, –қиз, –киз аффиксларини қўшиш билан: *турғиз, егиз, ўтказ, кутказ, ютқиз, етқиз* каби;

е) охири м, қ ундошлари билан тугаган феъл негизларига –из аффиксини қўшиш билан: *томиз, оқиз, боқиз* каби;

ё) феъл негизига –сат (-са+т қўшма аффикси) аффиксини қўшиш билан: *кўрсат* (фақат кўр феъл негизига қўшилади) каби.

5 -§. Фейлнинг вазифадош шакллари

Фейлнинг гапда маълум бир гап бўлаги вазифасини бажаришга мос бўлган шакли унинг функционал¹⁵ формаси дейилади. Фейлнинг функционал формалари гапда кесим, ҳол, аниқловчи, эга ва тўлдирувчи вазифаларида келади.

Ўзбек тилида феълнинг функционал формаларига 1) соф феъл, 2) равишдош, 3) сифатдош, 4) ҳаракат номи киради.

1. Соф феъл

Фейлнинг тусланган формада қўлланиб, кесим вазифасини бажаришга мос феъл шаклига соф феъл дейилади. Соф феъл ҳар уч замон шаклида қўлланган аниқлик, буйруқ-истак, шарт майли формасидаги феълларни ўз ичига олади. Масалан: Тўғ ри сўз одам бутун ҳаёти давомида меҳр, садоқат нурларини тарқатади (У.Маҳкамов). Кимки оз билса, озга ўргатади. (Тафаккур гулшани). Ақлни беақлдан ўрган (Мақол).

2. Равишдош

Ҳаракатнинг белгисини (ҳаракат тарзидаги белги) англатадиган, гапда кўпинча ҳол ёки эргаш гапнинг кесими вазифасини бажаришга мос бўлган феъл шакли равишдош шакли дейилади. Масалан: Илму хунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганишлар (Педагогика тарихи). Чойга фотиҳа ўқилгач, ҳамма ўрнидан турди (С.Аҳмад). Бу мисолларнинг биринчисида бориб равишдоши ҳол вазифасини, иккинчи мисолдаги ўқилгач равишдоши эргаш гапнинг кесими вазифасини бажарган.

Равишдош қўидаги аффикслар билан ясалади:

1) феъл ўзак-негизига унлидан сўнг **-б**, ундошдан сўнг **-иб** аффиксини қўшиш билан: **ўқиб, бориб;**

2) феъл ўзак-негизига унлидан сўнг **-й**, ундошдан сўнг **-а** аффиксини қўшиш билан: **ўқий-ўқий, бора-бора.**

Бу аффикслар билан ясалган равишдошлар нутқда, асосан, такрорий ҳолда қўлланади; **-б (-иб), -а, -й** аффикслари билан ясалган равишдош қўшма феъл (соф феъл) таркибида етакчи қисм вазифасида ҳам келади: ёза бошлади, ўқиб чиқди каби.

3) **-гани (-кани, -қани)** аффикслари билан: **ўқигани, айтгани каби;**

4) **-гач (-кач, -қач)** аффикслари билан: **ўқигач, боргач каби;**

5) **-гунча (-кунча, -қунча)** аффикслари билан: **ўқигунча, боргунча каби.**

Феъл ўзак-негизи к ёки г ундоши билан тугаса, **-кани, -кач, -кунча** тарзида, қ ёки ғ ундоши билан тугаса, **-қани, -қач, -қунча** тарзида қўшилади: **эккани, эккач, эккани, эккунча; чикқани, чикқач, чикқунча** каби.

Фейлнинг равишдош шакли феъл сингари ҳаракат тушунчасини англатиб, феълга хос қўидаги морфологик белгиларга эга, яъни:

а) ўтимли-ўтимсизлик маъносини ифодалайди: **эслаб - ўтимли, кулиб - ўтимсиз равишдош;**

б) бўлишли-бўлишсизлик маъносига эга: **кўриб – бўлишли, кўрмай, кўрмасдан – бўлишсиз равишдош; келгунча – бўлишли, келмагунча – бўлишсиз равишдош; ўтгач – бўлишли, ўтмагач – бўлишсиз равишдош.**

-гани (-кани, -қани) аффикси билан ясалган равишдошнинг бўлишсизлик шакли йўқ (**-ма** бўлишсизлик қўшимчасини олмайди).

в) нисбат маъносини англатади: **ясаб - аниқ нисбат, ясаниб - ўзлик нисбат, ясаиб - мажхуллик нисбати, ясашиб – биргалик нисбат, ясатиб – ортгирма нисбат;**

г) равишдошлар тусловчи қўшимчаларни олиш-олмаслик хусусиятига кўра икки гуруҳга бўлинади: тусланадиган равишдошлар ва тусланмайдиган равишдошлар.

Тусланадиган равишдошларга феъл негизига **-б (-иб), -а, -й** аффиксларни қўшиш билан шаклланган равишдошлар киради.

¹⁵ Funktsiya – lat. function – «faoliyat», «vazifa».

Бу гуруҳдаги равишдошлар тусланган ҳолда соф феълга айланади. Масалан: Кечанинг тили қорасида юлдузлар ёрқин ёнади (О). Оёқ остимизда мунчоқ-мунчоқ оқ, сариқ гуллар сочилиб ётибди (Б.Жаҳонгиров).

Тусланадиган равишдошлар тусловчи олмаган ҳолда ҳам қўллана олади. Масалан: *Воҳид ҳўл сочларини тарай-тарай боққа шўнғиди (О.ЙОқубов). Машина силкиниб олдинга интилди (С.Аҳмад).*

Равишдошларнинг –гач (-қач, -қач), -гани (-кани, -қани), гунча (-кунча, -кунча) аффикслари ёрдамида ҳосил қилинган шакллари тусланмайдиган равишдошлар саналади: етгач, екқач, чиққач; етгани, еккани, чиққани; етгунча, еккунча, чиққунча каби. Масалан: *Султонали тонг отгунча икки гўдакнинг қўйини пуч ёнг оққа тўлдириб чиққан (А.Қодирий). Узун, қоронғи йўлакка чиққач, Унсин тўхтади (О). Сиз билан маслаҳатлашгани келдим (Б.Раҳмонов).*

д) замон маъносини ифодалайди. Равишдошнинг замон маъносини ифодалаши нисбий замон саналади. СХунки равишдошнинг замони шу гапдаги тусланган феълнинг замонига нисбатан белгиланади.

Равишдошлар замон маъносига кўра учга бўлинади: ўтган замон равишдоши, ҳозирги замон равишдоши, келаси замон равишдоши.

Ўтган замон равишдошлари феъл ўзак-негизига –б (-иб), -гач (-қач, -қач) аффиксларини қўшиш билан ҳосил қилинади: қолиб, ўқиб, қолгач, ўқигач каби.

-б (-иб) аффикси билан ясалган равишдош тусланган феъл ифодалаган асосий ҳаракатдан илгари бўлган ҳаракатни ёки асосий ҳаракатдан олдин бошлангандек кўринса ҳам аммо у билан бир вақтда юз берган ҳаракатни англатади. Масалан: Зулфия жавоб сўраб келди гапида жавоб сўраб равишдоши асосий ҳаракатдан (келди ҳаракатидан) олдин рўй берган ҳаракатни билдирса, у кулиб гапирмоқда гапида эса кулиб равишдоши асосий ҳаракат (гапирмоқда ҳаракати) билан бир вақтда юз берадиган ҳаракатни англатади.

-б (-иб) аффикси билан ясалган равишдош тусланганда, ўтган замон ҳикоя феълени ҳосил қилади.

Феъл негизига –гач (-қач, -қач) аффиксини қўшиш билан ясалган равишдош тусланмайдиган равишдош бўлиб, у тусланган феъл ифодалаган ҳаракатдан илгари унинг бажарилиши (ёки бажарилмаслик) сабаби ёки пайтини кўрсатадиган ҳаракатни англатади. Масалан: *Уч-тўрт кун меҳмондорчиликда юришгач, мактабдан қайтдилар (П.Турсун). Зорланишдан, ични ейишдан бошқа ҳеч нима қўлидан келмагач, нима қилсин (М. Исмоилий).*

Ҳозирги замон равишдоши феъл ўзак-негизига –а, -й аффиксларини қўшиш билан ҳосил қилинади: бора-бора, ишлай-ишлай каби.

Бу аффикслар билан ясалган равишдош тусланган феъл ифодалаган асосий ҳаракат билан бир вақтда рўй берадиган ҳаракатни англатиб, унинг бажарилиш ҳолати, пайтини кўрсатади. Масалан: *Тома-тома қўл бўлур, ҳеч томмаса чўл бўлур (Мақол). Тоғ оралиғидаги қалин қор ерий-ерий одам бемалол кира оладиган г ор бўлиб қолибди (С.Анорбоев).*

Бу аффикслар билан ясалган равишдошлар нутқда одатда, такрорий сўз шаклида қўлланади. Якка ҳолда ишлатилганда, равишдош англатган ҳаракатдан тусланган феъл англатган ҳаракатга тезлик билан ўтилганлик маъноси ҳосил бўлади. Масалан: *Султонмурод кела ўқишга киришди.*

Ҳозирги замон равишдоши тусланиб, ҳозирги-келаси замон феълени ҳосил қилади. Масалан: *Сада тағидаги ҳовузнинг сувида япроқлар сузади (С.З.).*

Келаси замон равишдошлари феъл негизига –гани (-кани, -қани), -гунча (-кунча, -кунча) аффиксларини қўшиш билан ясалади: ўқигани, тинчигунча каби.

Бу аффикслар билан ясалган равишдошлар тусланмайди. Феъл негизига –гани (-кани, -қани) қўшиш билан ясалган равишдош тусланган феъл ифодалаган ҳаракатдан сўнг бажарилиши мақсад қилиб олинган ҳаракатни англатади. Масалан: *Мен бугун юрагимни очиб гапиргани келдим (У.).*

Феъл негизига –гунча (-кунча, -кунча) аффиксини қўшиш билан ясалган равишдош тусланган феъл ифодалаган ҳаракатнинг давом қилиш вақтининг ўлчови сифатидаги ҳаракатни ифодалайди. Масалан: *Йўлчи сўзлагунча, Тантйбойвачча қоронғида йўқолди (О.).*

Шу билан бирга равишдош ўзига хос синтактик белгиларга ҳам эга, яъни:

а) гап таркибида бошқа сўзларни бошқариб кела олади;

б) тусланадиган равишдошлар тусловчи олмаган ҳолда ҳол ва –б (-иб) аффикси билан ясалган ергаш гапнинг кесими вазифасини бажаради: *Гулнорнинг еғнида калтагина қора (лапис) камзул ювила-ювила юқалашиган (О.). Ибн Ироқ унинг гапидан завқланиб кулди (М.Осим). Курси устига дастурхон ёзилиб, мева-чева тўла патнис қўйилди (О.).*

Шунингдек, тусланадиган равишдошлар ўзларига тобе бўлган сўзлар билан составли ҳол сифатида, равишдош ўрам тарзида ажратилган ҳол вазифасини ҳам бажаради: *Бозор дарвозаси ёнига келишганида бир тўда одамни кўриб тўхтаб қолишди (Ў.Ҳошимов). Апрель оқишларидан бирида Фарида икковлари шаҳар айланиб юриб стадионга кириб қолишди (Ў.Ҳошимов). Кенг, баланд, серҳашам чодирда олтин шамдонларни қўйиб, Навоий яқин бекари билан суҳбатлашиб ўтирарди (О.).*

в) тусланмайдиган равишдошлар гапда ҳол, ажратилган иккинчи даражали бўлак ва ергаш гапнинг кесими вазифасини бажариб келади: Орадан уч ой ўтиб хаш-паш дегунча иссиқ кунлар етиб келди (С.А.). У олтинсойликларни канал ва булоқ қазигани бошлаб кетди (Ш.Р.). Шартнинг нозик ва қалтислиги кўз олдига келгач, юраги орқасига тортиб кетди (Ҳ.Н.). Асалхон карвон ўтиб кетгунча, йўл ёқасида қўл силтаб турди (Ҳ.Ғ.).

-гани (-кани, -қани) аффикси билан ясалган равишдош гапда фақат ҳол вазифасини бажаради.

3. Сифатдош

Предметнинг ҳаракат ва ҳолат белгисини билдирадиган, гапда сифатловчи вазифасини бажаришга мос бўлган феъл шакли сифатдош дейилади: *Сўзлаётган кишининг ўзига эмас, сўзига эътибор қил («Тафаккур гулшани»).* Кўчанинг икки четидаги турли моллар билан савдо қилувчи дўконлар жойлашган (М.Қориев) гапларидаги сўзлаётган, савдо қилувчи сифатдошлари *киши, дўконлар* отларига боғланиб, унинг ҳаракат белгисини билдириб, сифатловчи (аниқловчининг бир тури) вазифасини бажарган.

Сифатдош куйидаги аффикслар билан ясалади:

1) феъл ўзак-негизига –ган (**-кан, -қан**) аффиксларни кўшиш билан: юклаган, кечиккан, қизиққан (феъл негизи к ёки г билан тугаса, -кан; қ ёки ғ билан тугаса, -қан тарзида).

Бу аффикс сифатдош яшашда энг маҳсулдор, унумли аффикс саналади.

Эски ўзбек адабий тилида –ган аффиксининг эквиваленти –миш, -дик аффикслари билан ҳам ясалган (бу аффикслар ҳозир ҳам учрайди).

2) феълнинг –а, -й аффикси билан тугаган равишдош негизига –**диган, -ётган** аффиксларини кўшиш билан: келаётган, ўқиётган, борадиган, ишлайдиган каби;

3) **феъл ўзак-негизига –р (-ар)** кўшилиши билан (унлидан сўнг –р, ундошдан сўнг –ар): санар, кўқар каби;

4) феъл ўзак-негизига –**вчи (-увчи)** кўшилиши билан (унлидан сўнг –вчи, ундошдан сўнг –увчи): бошловчи, кутувчи каби;

Ески адабий тилда сифатдошнинг бу тури –гучи, –ғучи шаклида ҳам ишлатилган айтгучи, келгучи. Бу шакл ҳозир ҳам поэзияда учрайди: *Кулимсираб турғучи толеинг порлоқ (Ғ.Ғ.).*

Бу аффикс билан ясалган сифатдошнинг от сўз туркумига кўчиш ҳолати ҳам учрайди: ўқувчи, тўқувчи, ёзувчи каби.

5) феъл негизига –**ажак** кўшилиши билан: келажак, бўлажак каби;

6) феъл негизига –**гуси, -ғуси** кўшилиши билан: келгуси, бўлғуси каби.

Сифатдош лексик-семантик жиҳатдан ҳаракат тушунчасини англатади. Шунга кўра сифатдош феъл саналади ва феълга хос бўлган грамматик хусусиятларга эгадир, яъни:

1) **ўтимли-ўтимсизлик маъносини** ифодалайди: ўқиган, ёздирган - ўтимли; колган, қизиқтирган - ўтимсиз сифатдош;

2) **бўлишли-бўлишсизлик** маъносини ифодалайди: ўқиган – бўлишли, ўқимаган – бўлишсиз; айтар – бўлишли, айтмас – бўлишсиз сифатдош;

3) **нисбат маъносини англатади:** ювган - аниқ нисбат, ювинган - ўзлик нисбат, ювилган - мажхуллик нисбат, ювишган – биргалик нисбат, ювдирган – орттирма нисбат;

4) сифатдошлар тусланганда аниқлик майлининг бирор замонига хос бўлган феълни ҳосил қилади (соф феълга айланади) ва кесим вазифасини бажаради: *Бу ҳофиз бутун оламга танилган (О.).*

Сифатдошнинг деярли барча шакллари **тусланиш хусусиятига** (-ётган шаклидан ташқари) **эга**. –р (-ар) билан ясалган сифатдош шакли эса ҳозирги тилда кўпроқ тусланган шаклда ишлатилади: ўқирман, ўқирсан, ўқир; ўқирмиз, ўқирсиз, ўқир(лар) каби;

5) сифатдош замон маъносини ифодалайди. Атрибутив (сифатловчи) ҳолатида келган сифатдошнинг замон маъноси нисбий саналади, чунки сифатдошнинг замони нутқ моментига нисбатан эмас, балки феъл-кесимнинг замонига нисбатан белгиланади: *Кўнглини кичик тутган, камтарлик йўлидан юрган киши улугликка етади (ЙУсуф Хос Хожиб)* гапида тусланган феъл етади ҳозирги-келаси замонни ифодаласа, кўнглини кичик тутган, камтарлик йўлидан юрган сифатдошлари ўтган замонни ифодалайди.

Сифатдошлар замон маъносига кўра уч гуруҳга бўлинади: ўтган замон сифатдоши, ҳозирги замон сифатдоши, келаси замон сифатдоши. Сифатдошларни ҳосил қилувчи махсус грамматик кўрсаткичлар сифатдошнинг нисбий замон кўрсаткичи ҳам саналади.

Ўтган замон сифатдоши предметнинг нутқ сўзланиб турган вақтдан илгари бўлган ҳаракат белгисини англатади. –ган (-кан, -қан) грамматик кўрсаткичлари билан ясалган сифатдош ўтган замон сифатдошини ҳосил қилади: *Мураббийси бўлмаган одамни ҳаёт ўзи тарбиялаб қўяди («Оталар сўзи»).*

Ҳозирги замон сифатдоши предметнинг нутқ сўзлашиб турган вақтида давом этаётган ҳаракат белгисини англатади.

Ҳозирги замон сифатдоши –ётган, -вчи (-увчи) аффиксларини қўшиш билан ҳосил бўлади: *Адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор (И.А.Каримов). Елмурод бу ерга келувчи меҳмонларнинг ҳаммасини таниб олди (П.Турсун).*

Келаси замон сифатдоши предметнинг нутқ сўзланиб турган вақтдан кейин бажариладиган ҳаракат тарзидаги белгисини англатади. Келаси замон сифатдоши –р (-ар), -диган, -ажак аффикслари билан ясалади: *Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт (Мақол). Деҳқон келаси кузда оладиган ҳосилининг гамини шу куздан кўради (М.Исмоилов).*

Сифатдош феъл шаклининг «сифатдош» деб аталиши, унинг сифат сингари предметнинг белгисини билдиришига кўради. Сифатлар предметнинг ранги, ҳажми, мазаси, хусусияти кабиларни билдирса, сифатдош предметнинг ҳаракат ва ҳолат белгисини англатади.

Демак, сифатдош сифатга хос бўлган грамматик хусусиятларга ҳам эгадир, яъни:

1) сифатдош морфологик жиҳатдан ўзгармайди (эгалик, келишик, кўплик аффиксларини олмайди);

2) сифатдош отга боғланиб келиб, предметнинг ҳаракат белгисини билдиради ва гапда сифатловчи вазифасини бажаради: Кўклам куёшидан кўқарган қирлар, кўм-кўк (Ҳ.Олимжон). Хадичабегим юрт учун қайғурадиган бир малика еканини кўрсатишни севарди (Ойбек).

3) сифатдош отлашиш хусусиятига эга, бундай ҳолда сифатдош боғланиб келган от қўлланмайди ва сифатдош от каби сўз ўзгартирувчи (эгалик, келишик, кўплик аффиксларини) аффиксларни олади, от сингари синтактик вазифаларни (эга, тўлдирувчи, қаратувчи) бажаради: Йўлни билган қоқилмайди (Мақол). Қишлоқ хўжалигида бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзи хўжайин бўлиши шарт (И.Каримов). Кўп юргандан сўрама, кўп кўргандан сўра (Мақол). Душманга нафрати бўлмаганнинг Ватанга муҳаббати бўлмас (Мақол).

4. Ҳаракат номи

Иш-ҳаракатнинг атамаси бўлиб, гапда отга хос вазифаларни бажаришга мос бўлган феъл шакли ҳаракат номи дейилади: Илм-фанга интилиш инсоннинг енг олий маънавий ҳаракатларидандир. СҲавандоз бу гапларни Ертоевга айтишини ҳам, айтмасликни ҳам билмай турганди (О.ЙОқубов). Мустақиллигимиз туфайли халқ ва Ватан тарихи, бой илмий ва адабий меросга холисона ёндашишнинг гувоҳи ва шоҳиди бўлмоқдамиз (Раҳим Воҳидов) гапларидаги интилиш, айтишни, айтмасликни, ёндашишнинг феъл шакллари ҳаракатнинг атамаси (номи) бўлиб, гапда отга хос эга, тўлдирувчи, қаратувчи вазифаларини бажарган.

Ҳаракат номи қуйидаги шакл ясовчи аффикслар билан ясалади:

1) феъл негизига –ш (-иш) қўшиш билан (унлидан сўнг –ш, ундошдан сўнг –иш): ўқиш, ёзиш, ишлаш, чиқиш каби;

Ҳаракат номининг –ш (-иш) аффикси билан ясалган шакли отга яқин туради, шунинг учун ҳам бу шаклда ҳаракат номи отга кўчишга мойил бўлади.

2) феъл негизига –в (-ув) қўшиш билан (унлидан сўнг –в, ундошдан сўнг –ув): ишлов, бағишлов, борув, келув каби;

Бу аффикс билан ясалган ҳаракат номи ҳозирги ўзбек тилида кам ишлатилади;

3) феъл негизига -моқ қўшиш билан: ўсмоқ, улғаймоқ, ўрганмоқ каби.

Ҳаракат номининг -моқ аффикси билан ясалган шакли феълга жуда яқин туради, чунки ҳар қандай феълнинг бош шакли ё буйруқ-истак майли шаклида есла, шош каби; ёки есламоқ, шошмоқ каби ҳаракат номи шаклида олинади.

Ҳаракат номи лексик-семантик жиҳатдан ҳаракат тушунчасини англатади. Шу жиҳатдан ҳаракат номи феълга хос грамматик хусусиятларга эга:

1) ўтимли-ўтимсизлик маъносини ифодалайди: ўрганиш, кўрмоқ - ўтимли ҳаракат номи; югуриш, ишонмоқ - ўтимсиз ҳаракат номи;

2) нисбат маъносига эга: ютмоқ - аниқ нисбат, ясанмоқ - ўзлик нисбат, баҳоланмоқ - мажҳуллик нисбати, қизиқтирмоқ - орттирма нисбат;

3) ҳаракат номининг бўлишсиз шакли фақат –маслик аффикси билан ясалади: айтиш – бўлишли ҳаракат номи, айтмаслик – бўлишсиз ҳаракат номи.

4) ҳаракат номи замон маъносига эга эмас. Лекин маълум бир қулай шароитда унда ҳозирги-келаси замон маъноси акс этади: Оилада фарзанд тарбиясига ҳар томонлама еътибор бермоқ лозим (О.Каримова).

5) бошқа феъл шакллари сингари ҳаракат номи бошқариш хусусиятига эга.

Шунингдек, иш-ҳаракатнинг номини билдириш жиҳатдан ҳаракат номи отга хос бўлган грамматик хусусиятларга ҳам эга, яъни:

1) ҳаракат номи сон, эгалик ва келишик аффиксларини олади;

2) ҳаракат номи от сингари эга, қаратқич аниқловчи, тўлдирувчи кўмакчили шаклда ҳол ва кесим вазифаларини бажаради: *Зумраднинг тикиши – гўзал, ипакни турлаши ҳам моҳирона (О.). Билим ва тушунишига интил куну тун (ЙУсуф Хос Хожиб). Раис Жўрабоев билан жиддий тортишувдан сўнг жуда қаттиқ асабийлашди (Ш.Р.). Ўзини олим, фозилман деб мақтаниш, шу билан гурурланиш жаҳолатнинг бир қўринишидир («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).*

6-§. Феълларнинг тусланиши(шахс-сон категорияси)

Иш-ҳаракат маълум бир грамматик шахс томонидан бажарилади (ёки бажарилмайди). Грамматик шахс сўзловчи (1 шахс), тингловчи (2 шахс), ўзга (3 шахс секи предмет) бўлиши мумкин.

Грамматик шахс грамматик сон (бирлик ёки кўплик) билан биргаликда ифодаланади. Феъллардаги бундай грамматик шахс ва сон маъноси маълум бир грамматик кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Масалан: ўқидим, ўқисам, ўқисанг, ўқияпман, ўқибман, ўқий феъллари таркибидаги –м, -ман, -й қўшимчалари иш-ҳаракатнинг И шахс сўзловчи, яъни якка шахс томонидан бажарилганини кўрсаца; ўқидик, ўқисак, ўқияпмиз, ўқибмиз, ўқийлик феъллари таркибидаги –к, -миз, -йлик аффикслари иш-ҳаракатнинг И шахс, лекин кўп сўзловчилар (шахслар) томонидан бажарилганини ифодалайди.

Демак, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси уч шахс ва 2 сон тушунчаларини акс еттирувчи аффиксларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам бундай аффикслар шахс-сон аффикслар деб юритилади. Феълларнинг шахс-сон аффикслари билан ўзгариши эса тусланиш дейилади. Шахс-сон аффикслари тилшуносликда тусловчи аффикслар деб ҳам юритилади.

Ўзбек тилида тусловчи аффикслар феъл шаклларига турлича кўринишда кўшилади. Шу жиҳатдан тусловчи аффикслар уч гуруҳга бўлинади.

1. Биринчи гуруҳ тусловчилар

Бу гуруҳга мансуб тусловчилар аниқлик ва шарт-истак майлидаги –ди, -са қўшимчаларини олган соф феъл негизидан сўнг ва эди тўлиқсиз феълига қўшилади: келди-м, келди-нг, келди; келса-к, келса-нг, келса(лар) каби.

Феълларнинг биринчи гуруҳ тусловчилар билан тусланиши қуйидагича:

Шахс	Сон	
	Бирлик	Кўплик
И	<i>ёздим, ёзсам, ёзган едим</i>	<i>здик, ёзсак, ёзган едик</i>
ИИ	<i>ёздинг, ёзсанг, ёзган единг</i>	<i>ёздингиз, ёзсангиз, ёзган едингиз</i>
ИИИ	<i>ёзди, ёзса, ёзган еди</i>	<i>ёзди(-лар), ёзса(-лар), ёзган еди(-лар)</i>

2. Иккинчи гуруҳ тусловчилар

Бу аффикслар –б(-иб), -а(-й) қўшимчаси билан шаклланган равишдошлардан, сифатдошлардан (-ётган қўшимчасидан ташқари), шунингдек, -яп, -моқда, -ётиб, -моқчи билан шаклланган феъл негизидан сўнг қўшилади. Мазкур гуруҳдаги тусловчилар ИИИ

шахсдагина икки хил кўринишда бўлади, яъни биринчи хил кўринишда –*б(-иб), -а(-й)* кўшимчаси билан шаклланган равишдошлар ҳамда –*яп, -ётиб* билан шаклланган феъллар ИИИ шахс бирликда –*ди (-ти), кўпликда –ди(лар), -ти(лар)* шахс-сон аффикслари билан шаклланади.

Иккинчи хил кўринишда эса феълнинг сифатдош шакллари (*-ган, -р(-ар), -диган, -вчи(-увчи)* билан ҳосил қилинган шакллари (*-моқда, -моқчи, -ётир* билан шаклланган феъл негизлари, шунингдек, феъллар екан, емиш тўлиқсиз феъллари билан бирга қўлланса, ИИИ шахсда шахс кўрсаткичи шаклланмайди (нол кўрсаткичли шаклда келади).

Феълларнинг иккинчи гуруҳ (А.Б кўриниши) тусловчилар билан тусланиши қуйидагича:

«А» кўриниши

Шахс	Сон	
	Бирлик	Кўплик
И	<i>ёзиб-ман, ёзаётиб-ман, ёза-ман ёзяп-ман</i>	<i>ёзиб-миз, ёзаётиб-миз, ёза-миз, ёзяп –миз</i>
ИИ	<i>ёзиб-сан, ёзаётиб-сан, ёза-сан, ёзяп -сан</i>	<i>ёзиб-сиз, ёзаётиб-сиз, ёза-сиз, ёзяп –сиз</i>
ИИИ	<i>ёзиб-ди, ёзаётиб-ди, ёза-ди, ёзяп -ти</i>	<i>ёзибдилар, заётибдилар, ёзадилар, ёзяптилар</i>

«Б» кўриниши

Шахс	Сон	
	Бирлик	Кўплик
И	<i>ёзган-ман, ёзар-ман, ёзадиган-ман, ёзмоқда-ман, ёзмоқчи-ман</i>	<i>ёзган-миз, ёзар-миз, ёзадиган-миз, ёзмоқда-миз, ёзмоқчи-миз</i>
ИИ	<i>ёзган-сан, ёзар-сан, ёзадиган-сан, ёзмоқда-сан, ёзмоқчи-сан</i>	<i>ёзган-сиз, ёзар-сиз, ёзадиган-сиз, ёзмоқда-сиз, ёзмоқчи-сиз</i>
ИИИ	<i>ёзган, ёзар, ёзадиган, ёзмоқда, ёзмоқчи</i>	<i>ёзган-лар, ёзар-лар, ёзадиган-лар, ёзмоқда-лар, ёзмоқчи-лар</i>

3. Учинчи гуруҳ тусловчилар

Булар буйруқ майлидаги соф феъл негизидан сўнг қўшилади.

Феълларнинг учинчи гуруҳ тусловчи билан тусланиши қуйидагича:

Шахс	Сон	
	Бирлик	Кўплик
И	<i>ёзай, ёзайин, ўқий, ўқийин</i>	<i>ёзайлик, ўқийлик</i>
ИИ	<i>ёз, ёзгин, ўқи, ўқигин</i>	<i>ёзингиз, ўқингиз,</i>
ИИИ	<i>ёзсин, ўқисин</i>	<i>ёзсинлар, ўқисинлар,</i>

7-§. Феъл замонлари

Иш-ҳаракатнинг воқе бўлиши (ёки бўлмаслиги) мантиқан замон билан боғлиқ бўлади. Феъллардаги замон нутқ сўзланиб турган пайтга нисбатан қиёсланган ҳолда аниқланади, яъни иш-ҳаракат нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин, нутқ сўзланиб турган пайтда, нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиши ёки бажарилмаслиги мумкин. Шунга кўра, феъл уч замон кўринишига эга: 1. Ўтган замон. 2. Ҳозирги замон. 3. Келаси замон. Феълларда замон маъноси феъл таркибида қўлланган грамматик кўрсаткичлар орқали белгиланади. Масалан: 1. *Нодира езгу ишлар бунёд этди ва ўтар дунёда яхши ном қолдирди.* (Р.Шогуломов). 2. *Кўнглини кичик тутган, камтарлик йўлидан юрган киши улугликка етади* (ЙУсуф Хос Хожиб). 3. *Илм кўпга етказар, ҳунар эса кўкка* (Мақол). Келтирилган

мисолларнинг биринчисида бунёд етди, ном қолдирди феъллари таркибидаги –ди ўтган замонни, иккинчисида етади феъли таркибидаги –а кўрсаткичи ҳозирги замонни, учинчисида етказар феълидаги –ар кўрсаткичи эса келаси замон маъносини ифодалаган.

Ҳар бир замон ўз навбатида яна бир неча турга бўлинади. СХунки ҳар бир замон вақтнинг катта қисмини кўрсатиш билан бирга ўзининг ички хусусий модал маъноларига (қўшимча маъноларга) ҳам эга. Масалан: *ўқимоқчиман, ўқийдиганман* феъллари нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажариладиган ҳаракатни ифодалаб, вақтнинг катта қисмини кўрсатиш билан бирга, бажарилиши мақсад қилиб олинган ҳаракатни англатиши каби ўзига хос модал маънога ҳам эга.

1. Ўтган замон

Бу замондаги феъллар иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин бажарилган ёки бажарилмаганини ифодалайди.

Ўтган замон феъли хусусий модал маъноларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1) яқин ўтган замон феъли; 2) узоқ ўтган замон феъли; 3) ўтган замон ҳикоя феъли; 4) ўтган замон давом феъли; 5) ўтган замон мақсад феъли.

Яқин ўтган замон феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан бир оз олдин, аммо сўзловчининг кўз олдида (ёки унинг фаол иштироки билан) бажарилган ёки бажарилмаганини ифодалайди. Масалан: Гўзал водийдаги Гуллар боғи кўклам либоси билан безанди (Ш.Р.).

Яқин ўтган замон феъли соф феъл негизига –ди қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан (И гуруҳ тусловчи) шаклланади:

Шахс	Сон					
	Бирлик			Кўплик		
	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон қўшимч аси	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон қўшимч аси
И шахс	ўқидим	-ди	-м	ўқидик	-ди	-к
ИИ шахс	ўқидинг	-ди	-нг	ўқидингиз	-ди	-нгиз
ИИИ шахс	ўқиди	-ди	-	ўқидилар	-ди	(-лар)

Узоқ ўтган замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан анча олдин бажарилган ёки бажарилмаган, аммо бу ҳақда нутқ сўзланиб турган пайтда хабар қилинган иш-ҳаракатни ифодалайди. Масалан: Шойи, атлас, чит, лас қўйлак; нимча, дурра, пешонабоғ, хуллас бор борица йўқ ҳолича ясалган (Н. Сафаров).

Узоқ ўтган замон феъли негизига –ган сифатдош қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан (ИИ гуруҳ «Б» кўринишдаги тусловчилар билан) шаклланади:

Шахс	Сон					
	Бирлик			Кўплик		
	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон қўшимч аси	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон қўшимч аси
И шахс	ўқиганман	-ган	-ман	ўқиганмиз	-ган	-миз
ИИ шахс	ўқигансан	-ган	-сан	ўқигансиз	-ган	-сиз
ИИИ шахс	ўқиган	-ган	-	ўқиганлар	-ган	(-лар)

Узоқ ўтган замон феъли нутқда аниқ еслаш (ёки еслатиш), кутилмаганда еслаш, ешитилганлиги каби қўшимча модал маъноларга ҳам эга бўлади. Узоқ ўтган замоннинг бўлиб ўтган иш-ҳаракатни аниқ еслаш маъноси –ган сифатдошига еди (қиска шаклида) тўлиқсиз

феълини бириктириб туслаш орқали: ўқиган едим, ўқиган единг, ўқиган еди; ўқиган едик, ўқиган едингиз, ўқиган едилар каби; кутилмаганда еслаш маъноси –ган сифатдошига екан (қисқа шакли –кан) тўлиқсиз феълини бириктириб туслаш билан: ўқиган еканман, ўқиган екансан, ўқиган екан; ўқиган еканмиз, ўқиган екансиз, ўқиган еканлар каби; бўлиб ўтган иш-ҳаракатнинг сўзловчининг бошқа шахсдан ешитганлиги –ган сифатдошига емиш (қисқа шакли –миш) тўлиқсиз феълини бириктириб туслаш орқали: ўқиган емишман, ўқиган емишсан, ўқиган емиш; ўқиган емишмиз, ўқиган емишсиз, ўқиган емишлар каби шаклланади. Масалан: Насибанинг юзидаги бўғ риқиш йўқолиб, унинг ўрнида нафислик пайдо бўлган еди (Х.Нўъмон). Мирза Баҳром ундай маъно чиқишини сира кўзда тутмаган екан, ўсал бўлди (А.Қаҳҳор).

Ўтган замон ҳикоя феъли кутилмаганда, қисқа вақт ичида нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари бажарилган (ёки бажарилмаган) иш-ҳаракатни ҳикоя қилиш, тасвирлаш йўли билан ифодалайди. Масалан: Ҳалол ризқ истаб, меҳнат қилиб, чарчаб ухлаган киши шу кечани маърифат қилинган ҳолда ўтказибди (Ҳадисдан).

Ўтган замон ҳикоя феъли феъл негизига –б (-иб) ўтган замон равишдош кўшимчасини кўшиш ва туслаш билан (ИИ гуруҳ «А» кўринишдаги тусловчилар билан) шаклланади:

Шахс	Сон					
	Бирлик			Кўплик		
	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон кўшимч аси	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон кўшимчаси
И шахс	ўқибман	-б	-ман	ўқибмиз	-б	-миз
ИИ шахс	ўқибсан	-б	-сан	ўқибсиз	-б	-сиз
ИИИ шахс	ўқибди	-б	-ди	ўқибдилар	-б	-ди(-лар)

Ўтган замон ҳикоя феълининг еслай (еслатиш) маъно кўриниши ҳам бор. Бу шакл ўтган замон –б (-иб) равишдошига еди тўлиқсиз феълини бириктириб туслаш орқали ҳосил бўлади: ўқиб едим, ўқиб единг, ўқиб еди; ўқиб едик, ўқиб едингиз, ўқиб едилар каби. Масалан: Уруш тугаса, бизникига меҳмонган борасиз, ўшанда аямнинг қанақалигини кўрасиз деб еди (С.Зуннуова).

Ўтган замон давом феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари маълум бир муддат давомли бўлган ёки такрорланиб турган иш-ҳаракатни еслаш маъно оттенкаси билан ифодалайди. Масалан: 1. Бу ерда Бобурнинг доим ўз кучи билан бирга олиб юрадиган китоблари сакланар еди (П.Қодиров). 2. Дарёлардан куйлаб ўтардим, Ертақларга кулоқ тутардим, Ҳаммасини тинглардим, аммо Ўхшашини топмасдим асло (Ҳ.О.). Бу мисолларнинг биринчисида сакланар еди феъли ўтмишда маълум бир муддат давомли бўлгач иш-ҳаракатни ифодаласа, иккинчисида куйлаб ўтардим, кулоқ тутардим, тинглардим вақти-вақти билан такрорланиб иш-ҳаракатни англатади. Ўтган замон давом феъли –р(-ар), -ётган сифатдош феъл негизига ҳамда -моқда кўшимчасини олган соф феъл негизига еди тўлиқсиз феълини бириктириб туслаш (И гуруҳ тусловчилари билан) орқали ҳосил қилинади:

Шахс	Сон					
	Бирлик			Кўплик		
	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон кўш.	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон кўш.
И шахс	ўқир едим, ўқиётган едим, ўқимоқда едим	-р+еди, -ётган+еди, -моқда+еди	-м	ўқир едик, ўқиётган едик, ўқимоқда едик	-р+еди, -ётган+еди, -моқда+еди	-к

ИИ шахс	ўқир единг, ўқиётган единг, ўқимоқда единг	-р+еди, - ётган+еди, - моқда+еди	-нг	ўқир едингиз, ўқиётган едингиз, ўқимоқда едингиз	-р+еди, -ётган+еди, - моқда+еди	-нгиз
ИИИ шахс	ўқир еди, ўқиётган еди, ўқимоқда еди	-р+еди, -ётган+еди, - моқда+еди	-	ўқир едилар, ўқиётган едилар, ўқимоқда едилар	-р+еди, - ётган+еди, - моқда+еди	(-лар)

Ўтган замон мақсад феъли нутқ сўзланган пайтдан илгари бажарилиши мақсад қилинган, аммо воқе бўлмаган иш-ҳаракатни ифодалайди. Масалан: У бугун Малика билан холи гаплашиб, кўнглидаги ҳамма сир-асрорини тўкиб солмоқчи еди (Е.Усмонов). Ертасига қишлоққа чиқадиган еди.

Ўтган замон мақсад феъли -моқчи, -диган қўшимчаларини олган феъл негизига еди тўлиқсиз феълени бириктириб (И гуруҳ тусловчилар билан) туслаш билан шаклланади:

Шахс	Сон					
	Бирлик			Кўплик		
	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон қўшимчаси	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон қўшимчаси
И шахс	ўқимоқчи едим, ўқийдиган едим,	-моқчи+еди, - диган+еди	-м	ўқимоқчи едик, ўқийдиган едик,	-моқчи+еди, - диган+еди	-к
ИИ шахс	ўқимоқчи единг, ўқийдиган единг,	-моқчи+еди, - диган+еди	-нг	ўқимоқчи едингиз, ўқийдиган едингиз,	-моқчи+еди, - диган+еди	-нгиз
ИИИ шахс	ўқимоқчи еди, ўқийдиган еди,	-моқчи+еди, - диган+еди	-	ўқимоқчи едилар, ўқийдиган едилар,	-моқчи+еди, - диган+еди	(-лар)

2. Ҳозирги замон

Бу замондаги феъллар иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда бажарилган ёки бажарилмаганини ифодалайди.

Ҳозирги замон феъли қўшимча модал маъноларига кўра 2 турга бўлинади: 1) ҳозирги-келаси замон феъли, 2) ҳозирги замон давом феъли.

Ҳозирги-келаси замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтда ва ундан кейин рўй берадиган ҳаракатни ёки доимий ҳаракатни ифодалайди. Масалан: Бобур бу чигал тугунларни ўзи ечилмаслигини сезади (П.Қодиров). ЙОшлиқда заҳмат чекиб, илм ўргансанг, касб-ҳунар эгалласанг, қариганда роҳат топасан (Кошифий).

Ҳозирги-келаси замон феъли соф феъл негизига –а, -й равишдош қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ҳосил қилинади:

	Сон					
	Бирлик			Кўплик		
	Мисол	Замон	Шахс-сон	Мисол	Замон	Шахс-сон

Шахс		кўрсат- кичи	қўшим- часи		кўрсат- кичи	қўшим- часи
И шахс	ўқийман, бораман	-й, -а	-ман	ўқиймиз, борамиз	-й, -а	-к
ИИ шахс	ўқийсан, борасан	-й, -а	-сан	ўқийсиз, борасиз	-й, -а	-нгиз
ИИИ шахс	ўқийди, боради	-й, -а	-ди	ўқийдилар, борадилар	-й, -а	-ди(-лар)

Ҳозирги замон давом феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда аниқ давом этаётганини билдиради: Мустақилликка еришганимиздан сўнг халқимизнинг ўз юрти, дили, тарихини билишга қизиқиш ортиб бормоқда (И.Каримов).

Шахс	Сон					
	Бирлик			Кўплик		
	Мисол	Замон кўрсат- кичи	Шахс-сон қўшим- часи	Мисол	Замон кўрсат- кичи	Шахс-сон қўшим- часи
И шахс	ўқияпман, ўқимоқдаман, ўқиётиман	-яп, -моқда, -ётиб	-ман	ўқияпмиз, ўқимоқдамиз, ўқиётимиз	-яп, -моқда, -ётиб	-миз
ИИ шахс	ўқияпсан, ўқимоқдасан, ўқиётимсан	-яп, -моқда, -ётиб	-сан	ўқияпсиз, ўқимоқдасиз, ўқиётимсиз	-яп, -моқда, -ётиб	-сиз
ИИИ шахс	ўқияпти, ўқимоқда, ўқиётимди	-яп, -моқда, -ётиб	-ти - -ди	ўқияптилар, ўқимоқдалар, ўқиётимдилар	-яп, -моқда, -ётиб	-ти(-лар) - -ди(-лар)

Шунингдек, мураккаб феъл таркибида қўлланган ёт, юр, тур, ўтир кўмакчи феълларни туслаш билан ҳам ҳозирги замон давом феъли ҳосил қилинади: ўқиб ётибман, ўқиб юрибман, ўқиб турибман, ўқиб ўтирибман каби.

3. Келаси замон

Бу замондаги феъллар иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиш ёки бажарилмаслигини ифодалайди.

Келаси замон феъли қўшимча модал маъноларига кўра икки турга бўлинади:

1) келаси замон гумон феъли; 2) келаси замон мақсад феъли.

Келаси замон гумон феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиш-бажарилмаслиги мўлжалланишини, тахмин қилинишини ифодалайди. Масалан: Бугун ҳаво очик бўлар (А.Қ.)

Келаси замон гумон феъли баъзан ҳозирги-келаси замон маъносида келиб, аниқлик, қатъийлик маъноларини ҳам ифодалайди: Кадрласанг, кадринг ошар, кадрсиздан ҳамма қочар (Мақол).

Келаси замон гумон феъли соф феъл негизига –р(-ар) сифатдош қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан шаклланади:

Шахс	Сон					
	Бирлик			Кўплик		
	Мисол	Замон кўрсат- кичи	Шахс-сон қўшим- часи	Мисол	Замон кўрсат- кичи	Шахс-сон қўшим- часи
И шахс	ўқирман, борарман	-р, -ар	-ман	ўқирмиз, борармиз	-р, -ар	-миз
ИИ шахс	ўқирсан,	-р,	-сан	ўқирсиз,	-р,	-сиз

	борарсан	-ар		борарсиз	-ар	
ИИИ шахс	ўқир, борар	-р, -ар	-	ўқирлар, борарлар	-р, -ар	(-лар)

Келаси замон мақсад феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиши мақсад қилиб олинган иш-ҳаракатни ифодалайди. Масалан: Мен куздан бошлаб ўқишни давом еттирмоқчиман, сўнгра кишлоқ хўжалик институтига қирмоқчиман (Ш.Р.). Оҳо қора кўз деганда, у девордан ошадиган (О.).

Келаси замон мақсад феъли соф феъл негизига -моқчи ҳамда феълнинг равишдош (-а, -й билан шаклланган) шаклига –диган қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади:

Шахс	Сон					
	Бирлик			Кўплик		
	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон қўшимчаси	Мисол	Замон кўрсаткичи	Шахс-сон қўшимчаси
И шахс	ўқимоқчиман, ўқийдиганман	-моқчи, -диган	-ман	ўқимоқчимиз, ўқийдиганмиз	-моқчи, -диган	-миз
ИИ шахс	ўқимоқчисан, ўқийдигансан	-моқчи, -диган	-сан	ўқимоқчисиз, ўқийдигансиз	-моқчи, -диган	-сиз
ИИИ шахс	ўқимоқчи, ўқийдиган	-моқчи, -диган	-	ўқимоқчилар, ўқийдиганлар	-моқчи, -диган	(-лар)

8-§. Феъл майллари

Иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабатини кўрсатувчи грамматик категорияга феъл майли дейилади. Майл категорияси грамматик замон (ўтган, ҳозирги, келаси) ва грамматик шахс (бажарувчи) билан узвий боғланган бўлиб, ҳаммаси биргаликда феълнинг тусланиш тизимига киради. Феъл майлларида воқелик билан боғлиқ равишда иш-ҳаракатнинг бажарилиш хусусиятлари турлича бўлади. Масалан: 1) Ҳаво совуқ, осмонда захардек аччиқ қор учқунлари еринчоқ кезади (Ў.Ҳошимов). 2) ЙОшлиқда захмат чекиб, илм ўргансанг, касб-ҳунар эгалласанг, қариганда роҳат топасан. (Кошифий). 3) Сўзлаётган кишининг ўзига эмас, сўзига еътибор қил (Монтесье. Тафаккур гулшани). Бу мисолларнинг биринчисида кезади феъли иш-ҳаракатнинг аниқ бажарилишини, иккинчисида ўргансанг, эгалласанг феъллари иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун шарт қилиб олинган ҳаракат маъносини, учинчи мисолда эса еътибор қил феъли иш-ҳаракатнинг бажарилиши ҳақидаги буйруқ, маслаҳат маъносини англатган. Демак, феъл англатган иш-ҳаракат воқеликка муносабатига кўра аниқлик, шарт (истак), буйруқ (истак) каби қўшимча модал маъноларни ифодалайди. Шунга кўра феъллар, асосан, 3 феъл майли кўринишига эга: 1) аниқлик майли, 2) шарт майли, 3) буйруқ-истак майли.

Аниқлик майл

Бу майлдаги феъл иш-ҳаракатнинг уч замондан бирида аниқ (реал) бажарилган ёки бажарилмаганини ифодалайди. Яъни аниқлик майлидаги феъл ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон феълларининг барча маъно кўринишларини ўз ичига қамраб олади: ўқидим, ўқимадим - яқин ўтган замон феъли; ўқияпман - ҳозирги замон давом феъли; ўқимоқчиман, ўқимоқчи эмасман – келаси замон мақсад феъли каби. Масалан: Мен унга мустақил одам еканлигимни кўрсатиб қўймоқчиман (П.Қ.) гапида кўрсатиб қўймоқчиман феъли иш-

ҳаракатнинг келаси замонда (келаси замон мақсад феъли) И шахс томонидан (-ман шахс-сон аффикси) аниқ бажарилишини англатади.

Аниқлик майлидаги феъллар И-ИИ гуруҳ тусловчи аффикслар билан тусланади.

2. Буйруқ-истак майли

Бу майлдаги феъл келаси замонга оид бўлиб иш-ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ҳақида буюриш, сўраш, иташ, илтимос, маслаҳат, ундаш-чақириш каби маъноларни англатади ва ИИИ гуруҳ тусловчи аффикслар билан ўзгаради: ўкий (ўқийин), ўқигин (ўқи), ўқисин; ўқийлик, ўқингиз, ўқисинлар каби.

Буйруқ-истак майлининг И шахси истик илтимос, ундаш-чақириш маъноларини (И шахсда буюриш, илтимос маънолари ифодаланмайди); ИИ-ИИИ шахси буйруқ, илтимос, маслаҳат ўрни билан дўқ каби маъноларни ифодалайди ва маъноларнинг ҳар бири ўзига хос оҳанг билан ажралиб туради. Масалан: 1. *Ўз шахсий фойдангни излама, халқнинг фойдасини изла, халққа машаққат юкки тушириб, уни қийнама, ўзинг юк кўтарувчи бўл (ИУсуф Хос Хожиб).* 2. *Нақадар буюк замонда яшаётганлигимизни унутмайлик (И.Каримов)* биринчи мисолидаги *излама, изла, қийнама, бўл* феъллари ИИ шахс (нол кўрсаткичли шаклда)да келиб маслаҳат, илтимос каби маъноларни, иккинчи мисолдаги *унутмайлик* феъли И шахс кўпликда келиб, шу ҳаракатни бажаришга ундаш, шу билан бирга истик, хоҳиш каби маънолар билдирилади.

3. Шарт (истак) майли

Бу майлдаги феъл биринчидан, маълум иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун ундан олдин бажарилиши шарт бўлган иш-ҳаракатни ифодалайди. Бунда шарт майлидаги феъл ергаш гапнинг кесими вазифасида келади. Масалан: Болаларинг сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, ота-онанга ҳам шундай муносабатда бўл (Тафаккур гулшани). Иккинчидан, бу шаклдаги феълнинг ўзи орзу-истак, хоҳиш, маслаҳат, илтимос каби маъноларни ифодалайди ва содда гапнинг ёки қўшма гапларда бош гапнинг кесими вазифасида қўлланади: *Қани энди инқилоб бўлса-ю, меҳнаткаш халқ хонни аз дариб мамлакатни ўзи идора қилса, ҳамма еркин нафас олса (Н.Шарипов). Қани энди бу қирларга кўкларда чиқсанг. Онажон, шу суратни менга берсангиз (А.Қ.)*

Кўринадики, шарт майлидаги феъл келаси замон тушунчасини англатиб, шарт-истак маъноси феълнинг буйруқ-истак майлидан бош шаклга –са кўшимчасини қўшиш ва туслаш орқали шаклланади: ўқисам, ўқисанг, ўқиса; ўқисак, ўқисангиз, ўқисалар каби.

Шарт майли формасидаги феъл еди, екан тўлиқсиз феъллар билан; керак, бўлмоқ, еҳтимол каби модал маъноли сўзлар билан бирга қўлланиши мумкин: ўқиса еди, ўқиса екан; ўқиса керак, ўқиса бўлади каби. Бундай шаклда келган феъллар тилак, орзу, гумон, ноаниқлик каби маъноларни билдиради: *Наҳотки Муқаддас шу ётоқхонада турса? (О.ЙО.). бу ерда шўр иморатнинг офати бўлса керак (А.Қ.). Хўш, энди сизларга нима совға берсам екан (О.).*

Шунингдек, шарт майлидаги феъл қўшма гапнинг бир неча турларида ергаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади: *Ерталаб деразадан қарасам, ҳамма ёқ оптоқ... (О.). Тўтиқиз... дугонасини ўйласа, холаси ўз кўксидан паноҳ топгандек бағ рига кириб олган жиянини ўйлар еди (М. Исмоилий).*

9 -§. Феълларнинг ясалиши

Ўзбек тилида феъллар сўз ясалиш хусусиятига эга. Феъллар икки хил усул билан ясалади: морфологик (аффиксация) усули ва синтактик (композиция) усули.

1. Морфологик усулга кўра, махсус феъл ясовчи аффикслар ёрдамида бошқа сўз туркумларидан (от, сифат, сон, олмош, равиш, ундов, тақлидий сўзлардан) феъл ясалади.

Ҳозирги ўзбек тилида феъл ясашда қуйидаги сўз ясовчи аффикслар қўлланади:

-ла аффикси: куйла, баҳола; тозала, оқла; сизла; тезла, секинла; уфла, додла; шитирла, шивирла каби. Бу аффикс унумдор феъл ясовчи аффикс саналиб, барча сўз туркумларидан феъл ясайди.

-а аффикси: туна, ўйна; кийна, Яша; гулдура, шилдира каби. Бу аффикс ёрдамида от, сифат, тақлид сўзлардан феъл ясалади.

-р (-ар) аффикси: эскир, қисқар, кўкар каби. Бу аффикс ёрдамида сифат асосидаги феъл ясалади.

-й (-ай) аффикси: улғай, кучай, қорай; кўкай, озай каби. Бу аффикс сифат ва равиш асосидан феъл ясалади.

-сира аффикси: сувсира, ёцира; сизсира, сенсира каби. Бу аффикс билан от, сифат, олмошдан феъл ясалади.

-лан аффикси: отлан, шодлан, завқлан, иккилан каби. Бу аффикс тузилишига кўра қўшма (-ла+н) бўлиб, от, сифат, сондан феъл ясайди ҳамда феъл нисбат (ўзлик)ни шакллантиради.

-лаш аффикси: гаплаш, баҳслаш, бирлаш, саломлаш, хайрлаш каби. Бу аффикс ҳам тузилишига кўра қўшма (-ла+ш) бўлиб, у от, сон, ундов сўздан феъл ясайди ҳамда феъл нисбати (биргалик нисбат)ни шакллантиради.

-и аффикси: чанги, бойи, тинчи каби. Бу аффикс билан от ва сифатдан феъл ясалади.

-ик (-ик) аффикси: йўлик, дўриқ, бирик, кечик каби. Бу аффикс ёрдамида от, сифат, сон, равишдан феъл ясалади.

-қир, -ира, -илла аффикслари: ҳайқир, ярқира, ялтира, милтира; тақилла, гурилла, вишилла каби. Бу аффикслар ёрдамида ундов ва тақлид сўзлардан феъл ясалади.

-ир (-ур) аффикси: гапир, тупур. Бу аффикс ҳам унум сўз ясовчи аффикс бўлиб, у от ва ундов сўздан феъл ясайди.

-ка, -са аффикслари: ҳам унум сўз ясовчи аффикслар бўлиб, бу аффикслар ёрдамида отдан феъл ясалади: иска, сувса каби.

2. Синтактик усулга кўра икки (баъзан ундан ортиқ) сўз асоси бирикиши билан янги сўз қўшма феъл ясалади. Масалан: *Борлигимизни, бойлигимизни, қадриятларимизни дунёга аён қилмоқдамиз (И.Каримов). Сусткашлик осон ишни мушкуллаштиради, қийин ишни эса, чорасиз бир аҳволга олиб келади (Тафаккур гулшани)*. Бу мисоллардаги *аён қилмоқдамиз, олиб келади* феъллари синтактик усул билан ясалган қўшма феъллардир.

Қўшма феълларнинг қисмлари қайси сўз туркумидан тузилишига кўра икки турга бўлинади: **1) от+феъл қолипидан қўшма феъллар**. Бундай феълларда биринчи қисм феълдан бошқа сўз туркумлари (от, сифат, ундов, тақлид)дан тузилиб, иккинчи қисми феъл бўлади: жавоб бермоқ, қўл қўймоқ, назар ташламоқ, хурсанд бўлмоқ, хафа қилмоқ, оҳ урмоқ, ялт етмоқ каби. **2) феъл+феъл қолипидан қўшма феълларнинг** ҳар икала қисми феъллардан тузилади: олиб чиқмоқ, сотиб олмоқ, ютиб олмоқ, ола келмоқ каби. Бундай қўшма феълларнинг биринчи қисми –б (-иб), -а (-й) қўшимчаси билан ясалган равишдош шаклида келади, туловчи қўшимчалар иккинчи қисмга қўшилади.

Феъл+феъл қолипидаги қўшма феъллар кам миқдорни ташкил этади.

Қўшма феълларнинг ҳар бир қисми ўз лексик маъносини сақлаган ҳолда, биргаликда битта мураккаб ҳаракат тушунчасини англатади. Шу жиҳатдан қўшма феъллар кўмакчи феълли сўз қўшилмаларидан (аналитик шакллардан) фарқланади, чунки бундай феълларда лексик маъно унинг биринчи қисми билан ифодаланиб (етакчи қисм), иккинчи қисми эса (кўмакчи феъл) унга (етакчи қисм маъносига) қўшимча модал маъно қўшади: *айтиб кўр, олиб тур, кўриб чиқ* каби қўшилмаларда *айтиб, олиб, кўриб* қисми етакчи, *кўр, тур, чиқ* қисмлари эса кўмакчи феълдир.

10 -§. Феълнинг модал маъно ифодаловчи шакллари (формалар)

Ўзбек тилида феъл ўзига хос турли модал маъноларга (қўшимча маъноларга) эга. Феъллардаги модал маънолар синтетик шакл, аналитик шакл, жуфт ва такрорий шакллар воситасида ифодаланади.

Феълдаги модал маъно синтетик шакл воситасида ифодаланганда, феъл негизига иш-ҳаракатнинг давомлилиги, такрорийлиги, кучсизлиги каби қўшимча маъноларни қўшадиган шакл ясовчи қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил қилинади. Феълларда модал маъно ясовчи аффикслар қуйидагилар:

1) **-ла** аффикси феъл негизига қўшилиб, такрор, давомийлик маъносини билдиради: *савала, шиқала, тирнала, чўқила* каби;

2) **-гила (-кила, -қила, -зила)**: *югургила, турткила, тортқила, езгила* каби. Бу аффикслар ҳам феъл негизига қўшилиб, ҳаракатнинг давомийлиги, такрор маъносини билдиради;

3) **-(и)мсира, -(и)нқира**: *ийгламсира, кулимсира, оқаринқира* каби. Бу аффикслар феъл негизига қўшилиб, ҳаракатнинг кучсизланишини билдиради;

4) **-(и)ш** аффикси ҳам ҳаракатнинг кучсизлигини билдиради: *оқаришди, тўлишди* каби;

5) **-қилла**: *чопқилла*. Бу аффикс феъл негизига қўшилиб, ҳаракатнинг зудлик билан бажарилиш маъносини билдиради.

Феълдаги модал маъно аналитик шакл воситаси билан ҳам ифодаланади. Бундай шакл кўмакчи феъллар ва тўлиқсиз феъллар ёрдамида ҳосил қилинади: *ёзиб кўр, айтиб чик, кўра қол, сўзлай бошла, борар еди, келган емиш, олган екан* каби.

Кўмакчи феъллар билан шаклланган қўшилмалар икки сўз шаклидан ташкил топиб, биринчи қисм лексик маъно ифодалайди. Шу туфайли етакчи феъл деб юритилади; иккинчи қисм эса унга бирикиб грамматик маъно ифодалайди ва кўмакчи феъл саналади. Кўмакчи феъллар етакчи феълнинг маъносига қўшимча модал маънолар қўшади.

Кўмакчи феъл тарзида кел, кет, бор, юбор, чик, ўт, тур, қол, бўл, ол, бил, қўй, бер, ташла, кўр, бошла кабилар келади. Бу феъллар бир томондан, ҳаракат маъносини ифодалаб, мустақил ҳолда лексик бирлик саналади, яъни келди, борган, кўрмоқчи, билиб каби; иккинчи томондан бошқа феъл шаклига қўшилиб, ўз лексик маъносини вақтинча йўқотиб, ўзи алоқадор бўлган феълнинг лексик маъносига қўшимча маъно қўшади ва кўмакчи феълга айланади. Масалан: *ёза бошлади* феъли таркибидаги *бошлади* феъли мустақил ҳолда бошланиш ҳаракатини ифодалайди, лекин бу қўшилмада ўз лексик маъносини йўқотиб *ёзиш* феълнинг лексик маъносига қўшимча маъно, яъни ҳаракатнинг энди бошланиш маъносини қўшган.

Шу билан бирга кўмакчи феъл етакчи маъносига давомийлик, тугалланганлик, такрорийлик (*ёза тур, ёзиб тур, айтиб бўл* каби); ҳаракатнинг бажарилиш имконияти (*ёзиб кўр, айтиб боқ* каби); ҳаракатнинг бошқа шахсдан сўзловчига йўналиши (*айтиб кет, олиб бор, айтиб чик, ола кел, ёзиб ол, ёзиб бер*), ҳаракатнинг бажарилиш усули (*ёзиб ташла, айтиб юбор*) каби модал маъноларни қўшади.

Феълларда модал маъно жуфт ва такрорий шакллар воситасида ҳам ифодаланади. Етакчи феъл билан кўмакчи феъл бир хил шаклда келиб, жуфт феълни ҳосил қилади. Бунда лексик маъно салмоғи биринчи қисмда бўлади: *а йтди-қўйди, ўтди-кетди, олди-қолди* каби.

Кўмакчи феъллар феълнинг **-б (-иб), -а (-й)** билан ясалган равишдош шакллари билан бирга қўлланади: *ўқиб бер, ўқий бошла* каби.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган феъл шаклларида кўмакчи феъл бирдан ортик бўлиши ҳам мумкин: *ёзиб қўя қол, ёзиб бериб қўя қол* каби.

Кўмакчи феълли феъл шаклларида шахс-сон қўшимчалари кўмакчи феълларга қўшилади: *ёзиб чикдим, ёзиб чикдинг, ёзиб чикдик, ёзиб чикдингиз* каби.

11 -§. Тўлиқсиз феъллар

Мустақил ҳолда иш-ҳаракат маъносини ифодаламай, турли феъл шаклларида сўнг (кенг маънода от билан) қўлланиб, фақат грамматик модал маъно ифодалайдиган феъллар тўлиқсиз феъллар дейилади. Тўлиқсиз феълларга *еди (-ди), екан (-кан), емиш (-миш)* каби феъл шакллари киради. ЙОзар *еди – ёзарди, ёзар екан – ёзаркан, ёзар емиш – ёзармиш* каби.

Бу феъллар аслида бир е (архаик ер) феъл негизининг турли шакллари бўлиб, улар ҳозир айрим-айрим сўз сифатида тушунилади.

Тўлиқсиз феъл сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи билан бирикиб, феъл замонларининг аналитик усул билан ясалган шакллари ҳосил қилади. Тўлиқсиз феъллар еди, екан, емиш турлича модал маънолар ифодалайди:

1) еди тўлиқсиз феъли қатнашган феъл шаклида таъкидлаш, еслатиш, ҳикоя, давомийлик, такрор каби маъноларни билдиради: Бўшаган ерларнинг бағ рини плугларнинг ўткир тиглари тилка-тилка қилмоқда еди (Х.Н.). Шу куни энди кўчага чиқиб еди... (М.Исмоилий). Улар бир партада ўтиришар, бирга дарс тайёрлашар, мактабни битиргандан кейин қаерга ўқишга бориш ҳақида маслаҳатлашар, хаёл суришар еди (С.Зуннунова).

2) екан тўлиқсиз феъл қатнашган шаклларда ўтмишда юз берган воқеа-ҳодисанинг сўзловчига кейинчалик маълум бўлганлиги ва унинг давоми еканлиги англашилади: Айтишингиздан, орадан ҳеч гап ўтмаган екан (А.Қаҳҳор).

3) емиш тўлиқсиз феъли эса ноаниқлик, гумон, ешитилганлик маъноларини билдиради: Ўзгармаган, аммо нэгадир икковининг ҳам бўйи жуда узун бўлиб кетган емиш (С.Аҳмад).

Тўлиқсиз феъллар бошқа сўз туркумлари билан ҳам бирикиб келади. Бу ҳолда от кесим таркибида келиб, боғлама вазифасини бажариб, тусловчи аффиксларни олади: Уй кичкина, лекин ёруғ ва тоза еди (О.)

Феълларда модал маъно феълнинг жуфт ва такрорик шакли билан ҳам ифодаланади. Бундай шакл орқали ҳаракатнинг давомлилиги, такрорланиб туриши, тугалланганлик, ҳаракатнинг воқе бўлишига турлича муносабат (бефарқлик) каби модал маънолар англашилади: айта-айта, бориб-бориб, айца-айтар, учади-кетади, келса-келибди, ишласа-ишласин каби.

Феъл таҳлили намунаси	
1. Сўроғи.	8. Тўлиқ ёки тўлиқсизлиги.
2. Бўлишли ёки бўлишсизлиги.	9. Етакчи, кўмакчи феъллар аниқланади.
3. Ўтимли ёки ўтимсизлиги.	10. Вазифадош (хосланган) шакллари.
4. Нисбати.	11. Тузилиш тури.
5. Шахс-сони	12. Туб ёки ясамалиги.
6. Замон тури.	13. Гапдаги синтактик вазифаси
7. Майл тури.	

Назорат саволлари:

1. Феълнинг сўроқлари ва грамматик хусусиятлари ҳақида гапиринг.
2. Бўлишли феъллар ва уларнинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
3. Бўлишсиз феъллар ва уларнинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
4. Ўтимли феъллар ва уларнинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
5. Ўтимсиз феъллар ва уларнинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
6. Аниқлик нисбати ва унинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
7. Ўзлик нисбати ва унинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
8. Мажхул нисбат ва унинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
9. Биргалик нисбати ва унинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
10. Орттирма нисбат ва унинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
11. Махсус қўшимчасиз орттирма нисбат ифодалаган феълга мисол келтиринг.
12. Бирдан ортик орттирма нисбат қўшимчаси қўшилган феълларга мисоллар келтиринг.
13. Қайси нисбатдаги феъллардан орттирма нисбат ҳосил қилиб бўлмайди?
14. Орттирма нисбатдаги феъллардан қайси нисбатдаги феълларни ҳосил қилиш мумкин?
15. Бирдан ортик нисбат қўшимчаси қўшилган феълларга 4 та мисол айтинг.
16. Тусланиш нима?

17. –м, -нг, -к, -нгиз қўшимчалари қандай шаклдаги феълларга қўшилади?
- 18.–ман, -сан, -миз, -сиз каби қўшим -чалар қандай шаклдаги феълларга қўшилади?
19. –гин, -ай, -инг(из) каби қўшимчалар қандай шаклдаги феълларга қўшилади?
20. Ўтган замон феълларининг турлари ҳақида гапиринг.

РАВИШ

1-§. Равишнинг лексик-грамматик хусусиятлари

Ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, белгининг белгисини (сифат ва равишнинг), баъзан предметнинг (от) белгисини билдирадиган мустақил сўз туркуми равиш дейилади. Масалан: *Қутлуғ жон тез орада ўзбекча бийрон-бийрон гаплаша бошлади (О.). Кўкдайд бепоён менинг Ватаним (Қ.Ҳикмат).*

Сифат сўз туркуми каби равиш ҳам белги билдиради. Лекин сифат, асосан, предметнинг белгисини, равиш эса, асосан, иш-ҳаракатнинг белгисини, белгининг белгисини билдиради.

Равиш иш-ҳаракатнинг бажарилиш тарзи (*астойдил уринди*), пайти (*ҳозир келди*), ўрни (*юқорига интилди*), миқдори (*кам гапирди*), даражаси (нихоятда ачинди), сабаби (ноилож кўнди) ва мақсади (жўрттага индамади)ни англатади.

Айрим равишлар баъзан отга боғланиб, предметнинг ноаниқ миқдорини (кўп китоб), сифат ва равишнинг ўзига боғланиб, белгини кучини; даражасини, ўхшашлигини (обдон пишиқ, анча илгари, тошдай қаттиқ) ифодалайди. Шу маъно хусусиятларига кўра равиш қандай? қай тарзда? қачон? қаерга? қаерда? қаердан? қанча? қай даражада? нэга? нима мақсадда? каби сўроқларига жавоб бўлади.

Равиш ўзига хос грамматик хусусиятларга эга:

1) равиш бошқа сўз билан боғланиб келганда морфологик жиҳатдан ўзгармайди (сўз ўзгартирувчи аффиксларни олмайди). Лекин маълум келишик ёки эгалик келишик шаклида (қотиб қолган ҳолда) равишга кўчган сўзлар мавжуд: кунда, йилига, кундузи, чиндан, ростдан, яқинда, бирдан, бирга каби.

2) равиш белги билдирувчи сўз бўлгани учун сифат каби белгини (ҳаракатнинг белгисини) даражалаб, чоғиштириб кўрсатиш хусусиятига эга. Бироқ равишларда даража англатиш сифатлардаги каби тараққий қилган эмас. Равиш ҳам уч даража кўринишига эга: оддий даража, қиёсий даража, орттирма даража. Даража маъноси сифат даражаларидаги воситаларнинг ўзи билан ифодаланади. Белгини даражалаб ифодалаш, асосан, ҳолат равишлари (айрим пайт ва миқдор)га хос.

Оддий даража. Оддий даражада равиш иш-ҳаракат белгининг нормал ҳолатда (чоғиштирилмаган ҳолатда) еканлигини билдиради ва ўзига хос морфологик кўрсаткичга эмас: Усмонжон гунохкорона жилмайди (С.З.).

Қиёсий даража. Қиёсий даражадаги равиш ҳаракат белгисининг бошқа белги билан чоғиштириш орқали белгининг камлиги, кучсизлиги, кўплиги, яъни кучайтириш маъносини кўрсатади ва равишларга -роқ аффиксини кўшиш билан ҳосил қилинади: астароқ, озроқ, барвақтроқ, кейинроқ каби: Зайнаб илгарироқ, Кумуш кейинроқ ичкарига киришди (А.Қодирий). Баъзан қиёсий даражадаги равишдан олдин сал, яна, тобора каби равишлар келади. Бундай ҳолда кучайтирув ва кучсизлантирув экспрессив йўл билан янада орттирилган бўлади: Сал бурунроқ ўтказилса, анча бўй берган бўлади (Ш.Рашидов).

Орттирма даража эса равишдан олдин жуда, ниҳоятда, енг, ҳаммадан каби сўзларни келтириш билан ҳосил қилинади ва ҳаракат белгисининг нормал ҳолатдан ўта ортиқлигини, кучайтирилганлигини ифодалайди: Бу юртда енг аввал сенда тонг отар, Енг кейин тарк етар сени куёшинг (Е.Воҳидов). Имон билан амал бир-бирига жуда яқиндир. Улар бир-бирисиз дуруст эмас (Ҳадисдан).

3) равишнинг феълга боғланиб, гапда кўпинча ҳол вазифасида келиши, унинг асосий грамматик хусусиятларидан бири саналади: Огаҳий яратган шеърӣ мисралар ўзининг сержиллолиги билан кишиларни ҳамон ўзига ром қилиб келмоқда (Кайковус).

4) равиш сифат ва равишга, баъзан отга боғланиб келиб, белгини белгисини билдиради, гапда сифатловчи-аниқловчи вазифаси бажаради: Тоғ дай оғир билак бердим... (Ҳ.О.).

Баъзи равишлар отга ҳам боғланиб, унинг белгисини кўрсатади ва сифатловчи аниқловчи вазифасини бажаради. Феълга боғланиб, ҳаракатнинг белгисини билдирган сифатлар равиш сўз туркумига ўтиб кетмагани каби, отга боғланган равишлар ҳам сифат туркумига ўтмайди: У анча жўякларни оралади, анча қовунларни ушлаб, қай бирини узишни билмади (О.). Етти қизнинг онаси ҳалигача келинчак (Топишмоқ).

5) равиш отлашиш хусусиятига эга, яъни равиш боғланиб келган от гапда қўлланмаслиги мумкин. Бундай ҳолда равиш отга хос эгалик, келишик, кўплик аффиксларини қабул қилади ва гапда от каби эга, қаратувчи-аниқловчи, тўлдирувчи вазифаларида келади: Кўпни кўрган кўҳна дунёда Бахт ахтариб кўплар ўтдилар (Ҳ.О.). Илм кўпга етказар, хунар эса кўкка (Мақол). Ҳар бир ишимиздан ертанинг шабадаси келиб турибди, ўғлим (О.).

Равишларда отлашиш ҳодисаси, асосан, ҳолат, миқдор белгисини (баъзан пайт белгиси) билдирувчи равишларга хос.

6) равиш гапда ҳукм тушунчасини англатиб бош бўлак от кесим вазифасида ҳам келади: Одам ҳар қанча олим бўлса ҳам, унинг ўзи сезмаган камчиликлари кўп («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

7) равиш сўз ясалиш хусусиятига эга. Равиш ясовчи махсус сўз ясовчи аффикслар мавжуд: дўстона, янгича, тасодифан, бутунлай каби. Бундай усул билан равиш ясалиши морфологик усул саналади. Равиш синтактик усул билан ҳам ясалади: бир оз, ҳар гал, бир йўла, дам-бадам каби.

8) равишларда модал маъно ясалиши ҳам мавжуд. Бундай шаклда келган равишлар ҳаракат белгисининг кучсизлиги, таъкид, ноаниқлик каби маънолар англатади. Бу модал маъно синтетик шакл орқали ҳосил қилинади, яъни равишга -роқ, -гина (-кина, -қина) аффиксларини қўшиш орқали: кўпроқ, ендигина, секингина, кечагина каби ҳамда равишларни айнан такрорлаш йўли билан ҳосил қилинади: аста-аста, тез-тез, сал-пал каби.

Мен кўпроқ уни кўриш ниятида юрар эдим, лекин ўйлаганим бўлмади (П.Қодиров). Ҳасанали секингина дарича остига ётиб хужра ичига қулоқ солди (А.Қодирӣ). СҲиқсак ҳам Султон амаки билан чиқардик. Секин-секин унга ўргана бошлагандик (Ҳ.Назир).

2 -§. Равишларнинг маъно турлари

Равишлар маъно жиҳатдан олти гуруҳга бўлинади: 1) ҳолат равиши, 2) пайт равиши, 3) ўрин равиши, 4) миқдор-даража равиши, 5) сабаб равиши, 6) мақсад равиши.

Ҳолат равиши. Ҳолат равиши иш-ҳаракатнинг қай тарзда, қай ҳолатда бажарилишини билдириб, қандай? қай тарзда? қандай қилиб? каби сўроқларга жавоб бўлади: аста, секин, тез, пиёда, аёв, кўкқисдан, тасодифан, хомлай, очинтўкин, бутунлигича, жим, даров, дарҳол, зўрға, бирдан, бирга, мажбуран, яққол, ҳарбийларча, ўзбекча, юзма-юз, очик-ойдин каби.

Ҳолат равишлари, асосан, равиш ҳоли отга боғланиб келганда сифатловчи-аниқловчи ва кесим вазифаларида келади: Бобур ота юртидан ажралганини энди астойдил ҳис қилди (П.Қ.). Салқин шабадаси келиб олқишлар бизнинг ғ олибона байроғимизни (А.М.). Аудитория жимжит, ҳамма унга қарар (П.Қ.).

Пайт равиши. Пайт равиши иш-ҳаракатнинг пайтини билдириб, қачон? қачонгача? қачондан бери? каби сўроқларга жавоб беради. Пайт равишларига: ҳозир, боя, ҳали, энди, олдин, бурун, аввал, қадим, бултур, тунов кун, яқинда, ҳамиша, ҳануз, ҳамон, бугун, индин, кейин, сўнг, йилига, дастлаб, ҳар куни, ерта-индин, ерта-кеч, қишин-ёзин кабилар киради.

Пайт равишлари асосан, пайт ҳоли, баъзан кесим вазифасида келади. Масалан: Сен бир биродарингнинг айбларини зикр қилмоқчи бўлсанг, аввал ўз айбларингни есла! (Имом Исмоил ал Бухорий). Бугун сенинг туғилган кунинг, Бугун уйинг тўлади гулга (Ҳ.О.).

Ўрин равиши. Ўрин равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини ва ҳаракат йўналган томонни англатади. Ўрин равиши қаерга? қаерда? қаердан? каби сўроқларга жавоб бериб, уларга нари, бери, олдинга, пастда, тубанда, юқоридан, қуйидан, у ёққа, бу ёққа, яқинда, орқадан, тўғ рига, чапда, ўнгда кабилар киради.

Ўрин равишлари гапда, асосан, ўрин ҳоли баъзан эса кесим вазифасини бажаради: Бирор киши гапирган пайтида у ёқ - бу ёққа қараб қўйса, демак бу гап омонатдир (Ҳадисдан). ЙОши улуғ Назарали ота шу ерда (Ғ .Ғулом).

Миқдор-даража равиши. Миқдор-даража равиши иш-ҳаракатнинг миқдорий белгиси, бажарилиш даражасини, шунингдек, предметнинг ноаниқ миқдори, белгининг даражаси ва миқдорини англатади.

Миқдор-даража равишлари маъно хусусиятига кўра икки гуруҳга бўлинади: миқдор равиши ва даража равиши.

Миқдор равиши миқдор тушунчасини англатиб, ҳаракат-ҳолатнинг бажарилишида унинг миқдорий белгисини кўрсатади. Шу билан бирга миқдор равиши отга ҳам боғланиб кела оладиган равиш туридир, шу жиҳатдан бу равишлар предметнинг ноаниқ миқдорини ҳам ифодалайди. Миқдор равиши қанча? сўроғига жавоб бериб, уларга кўп, мўл, кам, бир оз, сал, пича, хиёл кабилар киради.

Даража равиши даража тушунчасини англатиб, ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиш даражасини кўрсатади. Баъзан даража равишлари сифат ва равишнинг ўзига боғланиб келиб, белги маъносини кучайтириб келади. Бу

равишлар қай даражада? сўроғига жавоб бериб, уларга тез, ғ оят, ниҳоятда, обдон, яна, ўта, тағин, асло, сира кабилар киради.

Даража равишлари белги маъносини кучайтиришига кўра (жуда, ғ оят) сифат ва равишларнинг орттирма даражасини ҳосил қиладиган элемент сифатида ҳам қатнашади.

Микдор-даража равишлари, асосан, микдор-даража ҳоли, баъзан кесим вазифасини бажаради: Мўл-кўл нур тўкар, кўкдан кадрдон қуёшимиз (Е.Воҳидов). Бироқ кўзгу шунақанги хира Едики, ўзимнинг юзимни зўрға кўрардим (Ў.Ҳ.).

Микдор-даража равиши предметнинг белгисини билдириб, сифатловчи-аниқловчи вазифасида ҳам келади: Кўп гап қулоққа ёқмас (Мақол).

Сабаб равиши. Сабаб равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини англатади. Сабаб равиши нэга? нима учун? нима сабабдан? каби сўроқларга жавоб бўлади ва уларга ноилож, ноиложликдан, чорасиз, чорасизликдан каби равишлар киради.

Сабаб равиши, асосан, сабаб ҳоли вазифасини бажаради: Қундузойнинг қисташи билан ноилож биринчи қаторга бориб ўтирди (Ойдин).

Мақсад равиши. Мақсад равиши иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги мақсадни англатиб, нэга? нима мақсадда? каби сўроқларга жавоб беради. Бу равишларга атай(ин), атайлаб, жўрттага, қасдан кабилар киради. Мақсад равиши гапда, асосан, мақсад ҳоли вазифасини бажаради: ЙУксак бинолар томон, Бордик бизлар атайин (Пўлат Мўмин).

3 -§. Равишларнинг ясалиши

Ўзбек тилида равишлар, асосан, 2 хил усул, **аффиксация ва композиция** усули билан ясалади.

Аффиксация усули билан равиш яшашда сўз негизига махсус равиш ясовчи аффиксларни қўшиш билан равиш ясалади. Равишнинг бу усул билан ясалишида кўпинча от, баъзан сифат, сон, олмош, феълнинг сифатдош ва ҳаракат номи шакллари, шунингдек равишнинг ўзи асос бўлади.

Равиш ясовчи аффикслар қўйидагилар:

-ан: тахминан, расман, тасодифан, мажбуран каби. Бу аффикс от, сифат асосидан равиш ясайди.

-ча: ўзбекча, янгича, бошқача, ўзича, истаганча, ҳозирча каби. Бу аффикс от, сифат, олмош, сифатдош, равиш асосидан равиш ясайди.

-инча: кўпинча, аксинча каби. Бу аффикс равиш, сифат асосига қўшилиб равиш ясайди.

-ларча: ўртоқларча, қариндошларча, айбдорларча, ваҳшийларча каби. Бу аффикс от, сифат асосига қўшилиб равиш ясайди.

-лигича: тириклигича, хомлигича, озлигича, хўллигича каби. Бу аффикс сифат, равиш асосига қўшилиб равиш ясайди.

-лай: тириклай, бутунлай каби. Бу аффикс сифат ва олмош асосидан равиш ясайди.

-она: дўстона, фидокорона, ғ олибона, қадимона каби. Бу аффикс от, сифат, равиш асосидан равиш ясайди.

-лаб: ҳафталаб, яхшилаб, битталаб, кўплаб каби. Бу аффикс от, сифат, сон, равиш асосига қўшилиб равиш ясайди.

-часига: деҳқончасига, эскичасига каби. Бу аффикс от, сифат асосига қўшилади.

-сига: тиккасига, япписига каби. Бу аффикс сифат, олмош асосига қўшилиб равиш ясайди.

-н (-ин): ертан, кечин, яширин каби. Бу аффикс равиш, феъл асосига қўшилиб равиш ясайди.

-сиз, бе-: тинимсиз, тўхтовсиз, бетўхтов каби. Бу аффикслар омоним аффикс сифатида сифатдан ташқари от, ҳаракат номи асосидан равиш ясайди.

-дай (-дек): тошдек, гулдай каби. Бу аффикслар от асосига қўшилиб равиш ясайди.

Композиция усулига кўра икки сўз асосини маълум бир қолипда бирикиши, тизилиши орқали ҳаракатнинг битта белгисини ифодалайдиган равиш ясалади. Бу усул билан **қўшма ва жуфт равишлар** ясалади.

Қўшма равиш қуйидагича ясалади:

1) **ҳар** олмоши билан ўрин ёки пайт маъносини билдирувчи сўзларни бириктириш билан: ҳар вақт, ҳар лаҳза, ҳар он, ҳар гал, ҳар ёк, ҳар замон каби;

2) кўрсатиш олмошларига **ён, ер, ёк** сўзларини қўшиш билан: шу ер, шу ёкқа, шу ёнда, бу ерда, бу ёкқа, ўша ёкда, ўша ёкқа, у ердан каби;

3) **бир** сонига **ўрин, пайт, миқдор** маъносини билдирувчи сўзларни ёки мустақил ишлатилмайдиган сўзларни қўшиш билан: **бир зум, бир лаҳза, бир замон, бир йўла, бирмунча, бирваракай, бир ёкқа, биратўла, бир оз каби;**

4) турли сўз туркумига оид икки сўз шаклининг (ўз лексик маъносини сақлаган, баъзан мустақил ишлатилмайдиган сўз билан) бирикиши билан: **тез орада, ҳали замон, шу заҳоти, тунов кун, куни кеча, қадим замон, озмунча** каби.

Жуфт равиш икки сўзнинг тенг боғланиши билан ясалади.

Жуфт равиш қуйидагича ясалади:

1) маъноси бир-бирига яқин (синоним) сўзларнинг тенг боғланиши билан: аста-секин, очиқ-ойдин, есон-омон каби;

2) қарама-қарши маъноли (антоним) сўзларнинг тенг боғланиши билан: бугун-ерта, ёзин-қишин, нари-бери каби;

3) –ма (-ба) элементлари, шунингдек, чиқиш ва жўналиш (баъзан бош) келишиги шаклини олган сўзларни такрорлаш билан: юзма-юз, ёнма-ён, дам-бадам, кундан-кунга, наридан-бери, камдан-кам каби;

4) турли феъл шакллариининг такрорланиши ҳамда уларни бўлишли ва бўлишсиз шаклда такрорлаш билан: қайта-қайта, сезилар-сезилмас, қўярда-қўймай, билинар-билинмас каби.

4 -§. Равишларнинг тузилиши жиҳатдан турлари

Равиш тузилишига кўра: 1) содда, 2) қўшма, 3) жуфт, 4) такрорий равишларга бўлади.

Содда равишлар бир ўзак морфемадан тузилади: яққол, кўп, ҳозир, виждонан, камтарона каби.

Қўшма равишлар икки сўз асосининг бирикиши орқали тузилади: ҳар гал, бир вақт, тез фурсатда, шу ёкқа каби.

Жуфт равишлар икки сўз асосининг тенг боғланишидан тузилади: ҳали-бери, ерта-кеч, есон-омон каби.

Такрорий равишлар эса бир сўз асосини айнан такрорлаш билан ёки иккинчи такрорланган равишда товуш ўзгариши юз берган ҳолда тузилади: энди-энди, аста-аста, оз-моз, сал-пал, зўрға-зўрға каби.

Такрорий равишлар сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмай, балки ортиқлиги, камлиги, ноаниқлик, таъкид каби қўшимча маъноларни ифодалаб келади.

Равиш таҳлили намунаси	
1. Сўроғи.	5. Тузилиш тури.
2. Маъно тури.	6. Туб ёки ясамалиги.
3. Даражаси.	7. Гапдаги синтактик вазифаси.
4. Отлашган ёки отлашмаганлиги.	

Такрорлаш үчүн саволлар

1. Равишнинг таърифи ва сўроқлари ҳақида гапиринг.
2. Равишлар қандай сўзларга бојланиб келади? Мисоллар келтиринг.
3. Равишларнинг даража кўрсатиш хусусиятлари ҳақида гапиринг.
4. Ҳолат равишлари ҳақида гапиринг.
5. Пайт равишлари ҳақида гапиринг.
6. Ўрин равишлари ҳақида гапиринг.
7. Сабаб равишлари ҳақида гапиринг.
8. Мақсад равишлари ҳақида гапиринг.
9. Даража-миқдор равишлари ҳақида гапиринг.
10. Даража-миқдор равишлари қандай турларга бўлинади?
11. Равишлар қўшимчалар ёрдамида қандай сўз туркумларидан ясалади?
12. Қўшма равишлар қандай ясалади?
13. Қўшма равишлар қайтарзда ёзилади?
14. Жуфт равишлар қандай ясалади?
15. Такрорий равишлар қандай ясалади?
16. Ўрин-пайт ва чиқиш келишиги шаклида равишга айланган сўзлар ҳақида гапиринг.
17. Қандай сўзлар равишга кўчади?
18. Равишларнинг отлашиши ҳақида гапиринг.
19. Содда туб ва содда ясама равишларга 3 тадан мисол келтиринг.
20. Ҳам ҳолат, ҳам даража-миқдор равишлари гуруҳига кирувчи сўз ҳақида гапиринг.
21. Сифатга бојланиб, белгининг белгисини билдирган равишга мисол келтиринг.
22. Бошқа туркум сўзлари равишга айланганда қандай қўшимчаларни олган бўлади?

ЁРДАМЧИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Ёрдамчи сўз туркумлари мустақил сўз туркумларидан фарқланади. Улар луғавий маънога эга эмас, морфологик жиҳатдан ўзгармайди, гапда синтактик вазифа бажармайди, ясашиш хусусиятига эга эмас.

Мустақил луғавий маънога эга бўлмай, гап бўлаклари ва гапларни ўзаро боғлаш, хилма-хил муносабатларни кўрсатиш ёки уларга қандайдир қўшимча маъно қўшишга хизмат қиладиган сўз туркумлари ёрдамчи сўз туркумлари дейилади. Ёрдамчи сўз туркумларига боғловчи, кўмакчи ва юклама киради.

1-§. Кўмакчи ҳақида маълумот

От, ва отлашган сўзлардан кейин келиб, уларни бошқа сўзларга тобеланиш йўли билан боғлайдиган ёрдамчи сўзлар **кўмакчи** дейилади: *Ўз қўли билан тўзрилади.* Кўмакчи қайси сўздан кейин келса, ўша сўз билан биргаликда бир сўроққа жавоб бўлиб, бир хил гап бўлаги вазифасини бажаради.

Кўмакчилар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Соф кўмакчилар луғавий маъноларини бутунлай йўқотиб, вазифа жиҳатидан келишик қўшимчаларига яқин турадиган сўзлардир: *билан, учун, каби, сари, сингари, сайин, узра, қадар, янглиг.* Бундай кўмакчилар урғу олмайди, урғу кўмакчидан олдинги сўзнинг охириги бўғинига тушади (22; 61).

2. Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар (вазифадош кўмакчилар (22; 63) гапда ўрни билан мустақил сўз, ўрни билан кўмакчи бўлиб келади. Булар қуйидаги туркумлардан кўмакчиларга кўчади:

1) **от** туркумидан: *томон, ташқари, бўйи, чамаси, ҳолда, йўсинда;*

2) сифатдан: сабабли, туфайли, қарши, чоғли, доир, мувофиқ, ўзга, бошқа; 3) феълдан: қараб, қараганда, кўра, тортиб, деган, дейдиган, оша, бўйлаб, яраша, қарамасдан, қарамай, қарата;

4) равишдан: аввал, сўнг, кейин, бурун, илгари, бери, бери, буён, асосан, биноан.

3. Кўмакчи-боғловчилар боғловчи вазифасини ҳам бажарадиган кўмакчилар: билан, деб, дея. Масалан: дафтар билан қалам; Умрим ширин ўчин деб(дея), у кўп меҳнат қилди.

4. Кўмакчи отлар ўз луғавий маъноларини сақлаган ҳолда кўмакчи ўрнида келиб, ҳаракат билан предмет ўртасидаги турли муносабатларни ифодалайдиган сўзлардир. Бу сўзлар ўрин-пайт, чиқиш келишиги ва эғалик қўшимчаларини қабул қилади: олд, ўрта, ён, орқа, кет, ич, уст, тепа, ост, таг, ора, бош, ўрин, қош, ёқа, томон. Бу сўзлар белгисиз қаратқич келишигидаги сўздан кейин келгандагина кўмакчи от ҳисобланади: иш устида, сиқиги остида. Акс ҳолда, улар ўрин отлари ҳисобланади: столнинг устида (столнинг қайерида?), уйнинг олдида. Кўмакчи отларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: 1) вертикал йўналишни билдирувчи: ост, уст, таг.

2) горизонтал йўналишни билдирувчи: олд, орқа, ён, ич, томон;

3) аралаш йўналишни билдирувчи: ўрта, ора, бош.

1. Кўмакчиларнинг қўлланиши ва маънолари

1) бош келишикдаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчилар:

Билан (қисқа шакллари: **-ла, ила**) кўмакчиси бирғалик, восита, тез босғланиш, пайт, иш-ҳаракат объекти, ҳолат, мақсад маъноларини билдиради: Укаси билан келди. Қалам билан ёзди. Ешик очилиши билан киришди. Туни билан ухламади. Бахтиёрлик билан жилмайди.

Учун (қисқа шакли: **-чун**) кўмакчиси мақсад, сабаб, аташ, еваз маъноларини ифодалайди: Болалар учун қурилди. Ўқимагани учун билмади. Сен учун олдим. Ёрдამингиз учун раҳмат.

Д и қ қ а т ! **-ла, -чун** шакллари ўзи боғланиб келган сўздан чизикча билан ажратиб ёзилади: қўлларим-ла, Ватан-чун.

Учун, билан, каби, сингари кўмакчилари қаратқич келишигидаги сўзлар билан ҳам қўлланиши мумкин: шунинг учун, бунунг каби, шунинг сингари.

2. Кўмакчилар ва келишиклар

Кўмакчилар вазифаси жиҳатидан келишикларга ўхшайди. Айрим ҳолларда кўмакчи келишик қўшимчаси ўрнида ёки келишик қўшимчаси кўмакчи ўрнида алмашиб келиши мумкин. Кўмакчилар тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари ўрнида алмашиб келиши мумкин: Радио **орқали** ешитдик - Радио**дан** ешитдик. Укам **учун** олдим - Укам**га** олдим. Қалам **билан** ёзди – Қалам**да** ёзди. Боргани **ҳақида** гапириб берди - Боргани**ни** гапириб берди. Бироқ ҳамма вақт ҳам кўмакчи ўрнида келишик қўшимчаси ишлатилавермайди: Дўсти**га** ёрдамлашди гапида жўналиш келишиги қўшимчаси ўрнида кўмакчини қўллаб бўлмайди.

2-§. Боғловчи

Гап бўлақларини ёки қўшма гапнинг қисмларини боғлайдиган ёрдамчи сўзлар **боғловчи** дейилади. Боғловчилар гап бўлақлари ва айрим содда гапларни ўзаро қандай муносабатда еканликларини кўрсатади. Фарзанд олган тарбиясига қараб ота-онасига роҳат ёки жазо келтиради. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур») Кумуш ичкарига кириб кўздан ғ ойиб бўлди, лекин Отабек яна бир неча дақиқа ерга михлангандек қотиб турди. (А.Қод.)

Боғловчилар қўлланишига кўра икки турли бўлади: 1. Якка боғловчилар. 2. Такрорий боғловчилар.

Якка боғловчилар уюшган бўлақлар ва айрим гаплар орасида якка ҳолда қўлланади. Булар ва, ҳамда, лекин, бироқ, -ки (-ким), чунки, агар, гар, балки, гўё, башарти, гарчи, гўёки, ҳолбуки, ваҳоланки.

Хазон қилмас Зайнабни замон Ва отаида ўртанмас Омон (Ҳ.О.) Бу гулларни Азизхон, гўё она ўз фарзандини ардоқлаган каби ардоқларди. (С. Жамол). Аҳли мажлис

Отабекни кўкларга кўтариб мақтар еди, лекин Ҳомид бу мақташларга иштирок етмас ва нимадандир гижингандек кўринар еди. (А.Қод.)

Такрорий боғловчилар бир гапда икки ёки ундан ортиқ ўринда гап бўлаклари, шунингдек қўшма гапларда айрим содда гаплар билан бирга айнан такрорланади. Булар дам..., дам, гоҳ..., гоҳ, хоҳ..., хоҳ, ё..., ё, ёки..., ёки, ҳам..., ҳам, баъзан..., баъзан, бир...,бир. Масалан, *У гоҳ даишдаги отларнинг кишинашига, гоҳ яқин чодирдаги гўзал каниларнинг майин кулгуларига қулоқ солиб ётаркан, олам безубор бўлиб туюлар еди. (О.ЙО.) ЁО бир маслаҳатни айтиб бўлади, ё рўзг ор ишни. (СХўлпон). Дам бобомга, дам унинг ўртоғига тикиламан. (О.) Дадаси... еркатой ўглининг бу арзини ештиб, бир ҳайратга тушди, бир қувонди. (О.ЙО.)*

Такрорий боғловчилардан ё,ёки якка ҳолда ҳам қўлланиши мумкин, ҳам, баъзан, бир сўзлари эса якка ҳолда қўлланса боғловчи бўла олмайди. Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшамокда бўлган ёки дунёдан кўз юмган юзларга шоирларни хотирга олди. (О.) Бу ерда қовун текин. Узиб берайми ё ўзингиз узасизми? (С.Аҳмад).

Боғловчилар гапдаги вазифасига кўра икки хил бўлади:

1) тенг боғловчилар; 2) эргаштирувчи боғловчилар.

1. Тенг боғловчилар

Тенг боғловчилар грамматик жиҳатдан тенг ҳуқуқли гап бўлақларини ва гапларни ўзаро боғлашга хизмат қилади. Масалан, *Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир. (Стефан ТСвейг). Агар сўзлар ва Зайнаб қалби Тол барғидай дир-дир қалтирар. (Ҳ.О.)*

Тенг боғловчилар бириктирув, зидлов ва айирув боғловчиларига бўлинади.

1) бириктирув боғловчилар гуруҳига **ва, ҳамда, билан, ҳам** каби сўзлар киради. Бу боғловчилар гапнинг уюшиқ бўлақларини, қўшма гап таркибидаги содда гапларни бири-бирига боғлайди. Бириктирув боғловчиси **ва** енг кўп қўлланадиган боғловчидир. Бу боғловчи:

1) гапнинг уюшиқ бўлақларини боғлайди: Ақли одам олимлар, фозиллар ва тадбирли хунармандларнинг суҳбатларида бўлади, улардан баҳра олади («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»);

2) қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлашга хизмат қилади ва турли маъно муносабатларини ифодалайди. Масалан: Ҳамид Раҳмат билан бирга Отабекни Зиё аканикига таклиф қилгани келгани еди ва биз уларни ош-сув қилиб жўнатган едик. (А.Қод.)

Ҳам, ҳамда боғловчилари ҳам гапнинг уюшиқ бўлақларини ва қўшма гап қисмларини боғлаш учун қўлланади. Султонмурод ҳам дўст Зайниддин чексиз қувондилар. (О.) Кун совиди ҳамда ерлар музлади.

Ҳам сўзи боғловчи бўлиб эмас, балки гап маъносини ёки айрим гап бўлақларини таъкидлаш, кучайтириш учун кўп ишлатилади. Қуёш ҳам олтин тўрларини тўкиб, мағ рур кўтарилади (О.)

Бириктирувчи боғловчилари билан кўмакчиси, -да, -у(-ю) юкламалари ҳам қўлланади.

Бобом аста кўзларини юмади-да, аллақандай узоқ бир хаёлга кетади. (О.) Онаю бола – гулу лола. (Мақол). Шудгорда Жаннатхола билан Зебихон қолди. (С.А.)

1) зидлов боғловчилари гуруҳига *бироқ, аммо, лекин, балки, ҳолбуки* каби сўзлар киради. Бу боғловчилар мазмунан бир-бирига қарама-қарши қўйилган бўлақларни ёки гапларни боғлаш учун хизмат қилади.

Бироқ, аммо, лекин боғловчилари гап бўлақларини боғлаб келганда зидлик маъносини, шу билан бирга, гап мазмунини тўлдириш, изоҳлаш, қиёслаш учун ҳам хизмат қилади. Қўшма гап қисмлари таркибидаги содда гапларни боғлашда эса кейинги қисм аввалги қисмда айтилган фикрга қарама-қарши, зид фактлар ифодаланади. Шунинг учун бу фактлар, воқеа-ҳодисалардан фақат биттасининг бўлаётганини, иккинчиси инкор етилганини маъноси англашилади. Масалан, *Маҳаллада болалар кўп, лекин бир-бирига ўхшамайди. (О.) Ҳар нарсанинг янгиси, аммо дўстнинг ексиси яхши. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).* *Ўхшаиш меваларни саралайди, хидлайди, бироқ егиси келмайди. (О.)*

Зидлов боғловчилари гап бошида келиб, аввал айтилган фикрга зид бўлган янги фикрли гапни олдинги гапга боғлайди:

Мазмунан бир-бирига қарама-қарши гап бўлаклари ва гапларни боғлашда –*да*, –*у* (–*ю*) юкламалари ҳам қўлланади. *Собир кичкина-ю, пишиққина (О.)*

2) айирув боғловчилар гуруҳига *ё, ёки, ё..., ё, ёхуд, дам..., дам, гоҳ..., гоҳ, хоҳ..., хоҳ, баъзан..., баъзан, бир-бир* каби сўзлар киради.

Бу боғловчилар нарса, воқеа-ҳодисаларни бошқаришдан ажратиш ёки уларнинг галма-гал бўлишини кўрсатиш учун хизмат қилади.

Булардан *ё, ёки, ё..., ё, хоҳ..., хоҳ* боғловчилари уюшган бўлақларнинг бирини иккинчисидан, бирор воқеа, ҳодиса ёки иш-ҳаракатни бошқасидан айириб кўрсатиш учун ишлатилади: *Пошиахон Умринисабибининг қизини ё кўрмади, ё кўрса ҳам назарга илмади. (СХўлпон). «ЙО подшоҳ бирон ерга чиқади ёки елчи келиши кутилади», - деди Зайниддин. (О.) Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, биринчи кунӣёқ тўққиз тонна пахта терибман. (С. А.)*

Баъзан..., баъзан, дам..., дам, гоҳ..., гоҳ боғловчилари эса галма-галликни, навбат билан алмашиниб, такрорланиб туришни ифодалайди. *Дам текисликлар бўйлаб баландга, дам пастга тушиб борамиз. (О.) Нимқоронги шифтга тикилиб ётганча хаёл сураман: гоҳ катта шаҳарларга бориб қоламан, гоҳ дарёларда сузаман. (Ў.Ҳошимов) Ҳасанали ешитмадимми ёхуд ешица ҳам ешитмаганга солдимми, ҳар нечук жавоб бермади (А. Қод.)*

2. Эргаштирувчи боғловчилар

Эргаштирувчи боғловчилар қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига тобеланиш йўли билан боғлайди.

Эргаштирувчи боғловчилар грамматик алоқаларни ифодалаш ва маъноларига қараб: 1) аниқлов боғловчиси; 2) сабаб боғловчилари; 3) чоғиштирув боғловчилари; 4) мақсад боғловчиси; 5) шарт ва тўлиқсизлик боғловчиларига бўлинади.

1) аниқлов боғловчларига яъни, –ки (–ким) сўзлари мансуб бўлиб, улар ергаш гапларни бош гапга боғлаш учун қўлланади. Билиб қўйки, сени Ватан кутади. *Мирзо Улугбек жойига ўтирмаган ҳам едики, саройбон кириб, иккинчи номани тутди. (О.Й.)*

2) сабаб боғловчиларига *чунки, шунинг учун, нэгаки, зероки, наинки* каби сўзлар киради. Бу боғловчилар ергаш гапни бош гапга боғлаб, сабаб, пайт маъноларини ифодалайди. *Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан қутилиб бўлмайди. (Амир Темур ўғитлари) Кўчадаги сув ариқнинг тегидан саёз оқар, шунинг учун ундан фойдаланиши қулай эмас еди. (А.Қод.) У икки, балки уч йилдан буён ўз тўйини кутар еди. (О.)*

3) чоғиштирув боғловчилари: *гўё, гўёки.* Бу боғловчилар бош гапда ифодаланган фикрни ергаш гапдаги фикр билан қиёслаб кўрсатади. *Сен менга бахш этдинг кўркам бир ёшлик, гўё қалбимда улгайди қуёшдай виқор. (Ж.Жабборов). Ниҳоят чоллар жим бўлишади, гўё ёшлиқларини соғингандай бошларини қўйи солишади (О.)*

4) мақсад боғловчиси *токи* қўшма гап таркибидаги мақсад маъносини ифодалаган ергаш гапни бош гап билан боғлайди. *Ёмонларнинг жазосини бериш керак, токи улар яхшиларнинг бошига ёмон кунларни солмасинлар. (Ҳ.Ғ.)*

5) шарт ва тўлиқсизлик боғловчилари: *агар (гар), модомики, башарти, гарчи, гарчанд, мабодо.*

Бу боғловчилар шарт ва тўлиқсиз ергаш гапларнинг бош гапга бўлган муносабатдаги шартни, шу билан бирга тўлиқсизлик маъноларини англатади: *Агар кишининг ҳаёти бирор мақсад, бирор э оя учун кураш билан ўца, бундай ҳаётга ҳеч афсус қилмаслик керак. (М.Ибр.) Бу оқшом, гарчи теварак тинч бўлса ҳам, кечагидан кўра қўрқинчлироқ, езувчанроқ туюлар еди. (О.)*

Боғловчи вазифасини бажарувчи сўзлар

Бошқа сўз туркумига оид баъзи сўзлар ҳам боғловчи ўрнида қўлланади: *билан, деб, деган, борди-ю, у(-ю), -да.*

Масалан: *Умрим ширин ўцин деб, тилни тийдим ҳамиша. Айвонда Ҳурматбиби билан онам чой ичиб, гаплашиб ўтиришибди (О.)*

2-§. Юклама

Айрим сўз ёки гапга кўшимча маъно бериш учун қўлланадиган ёрдамчи сўзлар юкломалар деб аталади. Масалан: *Ҳақиқий касбу камол фақат илм билан ҳосил бўлади. (М.Хасаний). Қуёш ҳам атайин нурларини тўкиб, мағ рур кўтарилди. (О.)*

Юкломалар тузилишига кўра икки хил: а) кўшимча ҳолатдаги юкломалар: -ми, -чи, -а, -я, -оқ (-ёқ), -да, -у (-ю), -гина (-кина, -қина), -ку; б) сўз ҳолатидаги юкломалар: ахир, фақат, худди, наҳотки, ҳам, нақ, холос. Тўйдан фақат Анор хабардор (Ҳ.О.) Ешик «ғирч етиб очилди-да, рухсат сўраб укаси Дарвишали кирди. (О.) Бир вақи Ғиёсиддин Кичкина, худди шу ерда, дарича остида ўтириб, уни еркалатмасмиди.

1. Юкломаларнинг турлари

Ҳозирги ўзбек адабий тилида гапга ёки айрим сўзларга берадиган кўшимча маъноларига кўра юкломаларни қуйидагича турларга бўлиш мумкин.

1. Сўроқ ва таажжуб юкломалари: -ми, -чи, -а, -я.

-ми юкломаси сўроқ, таажжуб, хайрат каби маънолари билдиради. Масалан: - Келиннинг сулувлиги Марғилонда маълум эканми? (А.Қодирий) Мен далада ишлашиш керакмишми? (О.)

-чи юкломаси сўроқ, кучайтирув, ҳаракатга ундаш, буйрук, илтимос, таъкид маъноларини билдиради. Масалан, - Сизга-чи, Анвар (А.Қодирий) - Ўғлинг қайсин-чи, бўлмаса... (А.Қод.) - Лоақал бир оғиз ўғлингизга айтиб ўтишга ваъда беринг-чи, -деди (А.Қод.) - Ўртоқжон, бир нарса дэсанг-чи. (СХўлпон).

-а (-я) юкломалари сўроқ, таажжуб, хайратланиш маъноларини билдиради. Масалан, Бу гап орамизда қолсин-а! (Т.Малик) Гулнорни севишимни биларди-я (О.) - Қизим, бугун меҳмонларингни Султонхонларникига олиб чиқасан-а? – деб қолмасинми! (А.Қод.)

2. Кучайтирув ва таъкид юкломалари: -ку, -у, -ю, -да, -оқ (-ёқ), -ки (-ким), ҳам, ҳатто, ҳаттоки, ахир, наҳот (наҳотки).

-ку, -у, -ю, -да, -оқ (-ёқ), -ки (-ким) юкломалари маънони кучайтириш, тўлиқсизлик, тезлик ва давомийлик маъноларини ифодалаш учун қўлланади. Масалан, Шундан кейин мен узоқ сафарга кетдим-у, Мастуранинг тақдирдан беҳабар бўлдим (А.Қ.) - Ўз қизингиз-ку, тенгини топиб беринг-да! (СХўлпон) Мирзо Улуғ бек мактубни ўқиб тугатмасданоқ ўрнидан туриб кетди. (О.ЙО.) Кўплар ёмғирдан қочиб улгирмасдаёқ, офтоб чарақлаб кетди. (С.А.)

Ҳам, ахир, ҳатто, ҳаттоки, наҳот (наҳотки) сўз юкломалари фикрни таъкидлаш, аввалги воқеани еслатиш каби маъноларни ифодалайди. Масалан, Турсунбой ҳамма нарсадан кечганда ҳам биргина шу Зебидан кечмас еди. (С.А.) Ойим ўрта бўйли, оппоқ, нозик табиат ҳам ипакдай мулоим, истараси иссиқ хотин еди. (Зарифа Саидносирова) Ахир бу қалъани олгунча озмунча талофат берилдими? (П.Қ.) Сизни отаси ўрнида кўрсак-у, наҳотки сиздан бесўроқ иш туцак (А.Қ.) Узоқ чўзилган бу суҳбатда Мирёқубнинг қулоғи бир марта ғалати дингқайди, ҳатто унинг қоп-қора чиройли кўзларида аллақандай сеҳрли оловлар ёнди. (СХ.)

Бир қиссаким, бунинг сўнгида

Севишганлар топишгусидир. (Ҳ.О.)

3. Айирув ва чэгаралов юкломалари: фақат, фақатгина, -гина (-кина, -қина).

Бу юкломалар турли сўз туркумлари билан келиб, уларни чэгаралаб кўрсатиш ва маъно жихатдан ажратиш учун қўлланади. Масалан, Ўзи ҳақида ўйламай, фақат халққа илм беришга бел боғлаган олим киши худди шамга ўхшайди, шам ўзини ёндиради, халққа зиё бағишлайди. (М.Хасаний) ЙОқимли дўстгина суҳбати олис йўлни яқин қилади. (М.Хасаний) Дунёда кўриб ўтатурган барча орзуимиз, ҳавасимиз фақат сенгагина қараб қолган (А.Қод.)

Фақат юкломаси ўрнида ёлғиз сўзи қўлланиши ҳам мумкин. Мирёқубнинг топиши ёлғиз мингбоши орқали бўлса, унга «епақа» номини қўйиш тўғ ри бўлармиди. (СХўлпон)

4. Аниқлов юкломаси: худди, нақ.

Бу юкломалар ўзи мансуб бўлган сўзнинг маъносини аниқлаб кўрсатиш учун қўлланади. Илм ўрганиб, илмига амал қилмаган киши нақ ер ҳайдаб, уни екмаган кишига ўхшайди. (М.Хасаний) Ҳаёси йўқ пўсти шилиб олинган ёғ оч ва худди ёғи тугаган чироққа ўхшайди. (М.Хасаний)

5. Гумон юкламаси: -дир барча сўз туркумларига қўшилиб кела олади ва ўзи алоқадор бўлган сўзга гумон, ноаниқлик маъносини қўшади: - Сизга нимадир ваъда бергандир-да? (Исфандиёр)

6. Инкор юкламаси *на... на* уюшиқ бўлақлар ва қўшма гап таркибидаги айрим гаплар олдидан келиб, уларнинг мазмунини инкор этади, бўлишсизга айлантиради. Инкор шакли гап бўлақлари ва гаплар олдида келганда, бўлишсизлик кучайтирилади, таъкидланади. Бу буйруққа на она еътироз қилди ва на қиз (СХўлпон). На қор, на ёмғирдан дарак бор. (О.)

2. Юкламаларнинг ёзилиши

1) *-ми, -оқ(-ёқ), -гина (-кина, -қина), -дир* юкламалари ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади: *Шу бугуноқ ота-онасигагина эмас, бутун маҳаллага йетиб бормайдими?*

2) *-чи, -ку, -у(-ю), -да, -а(-я)* юкламаларидан олдин чизикча қўйилади: *Сен-чи? Келди-ку!*

Д и қ қ а т! Жуфт сўзлар таркибида боғловчи вазифасида келган *-у(-ю)* юкламаси кирилча ёзувда сўзга қўшилиб ёзилади: Гапу сўз кўпайди. Янги алифбода эса чизикча билан ажратиб ёзилади: *Гап-у сўз кўпайди.*

3) *фақат, ҳам, ҳатто, ахир* каби сўз юкламалар айрим ёзилади: *Тогларда ҳатто ёз ойларида ҳам ёмғир ёғади.*

Кўмакчи таҳлили	Боғловчи таҳлили	Юклама таҳлили
1. Тури аниқланади. 2. Қайси келишиқдаги сўзга боғланган? 3. Грамматик маъноси. 4. Қайси сўзни қайси сўзга боғляпти?	1. Қўлланиш тури. 2. Маъно ҳамда вазифасига кўра тури. 3. Нимани боғлаган?	1. Тузилишига кўра тури. 2. Маъносига кўра тури

Такрорлаш учун саволлар:

- Кўмакчи таърифини айтинг ва мисоллар келтиринг.
- Кўмакчи қандай гап бўлаги бўлиб келади?
- Соф кўмакчилар ҳақида гапиринг.
- Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар ҳақида гапиринг.
- Кўмакчи отлар ҳақида гапиринг.
- Бош келишиқдаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчилар ва уларнинг маънолари ҳақида гапиринг.
- Қаратқич келишиқдаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчилар ва уларнинг маънолари ҳақида гапиринг.
- Жўналиш келишиқдаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчилар ва уларнинг маънолари ҳақида гапиринг.
- СХиқиш келишиқдаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчилар ва уларнинг маънолари ҳақида гапиринг
- Кўмакчи ва келишиқларнинг синонимлик хусусиятлари ҳақида гапиринг.
- Боғловчининг таърифини айтинг.
- Боғловчилар қўлланишига кўра қандай турларга бўлинади?
- Тенг боғловчилар таърифини айтинг.
- Бириктирувчи боғловчиларнинг таърифини айтинг.
- Зидлов боғловчилар таърифини айтинг.
- Айирув боғловчилар таърифини айтинг.
- Ергаштирувчи боғловчиларнинг таърифини айтинг.
- Аниқлов боғловчилари ҳақида сўзланг.
- Сабаб боғловчилари ҳақида гапиринг.
- Шарт ва ўхшатиш боғловчилари ҳақида гапиринг.

АЛОҲИДА ОЛИНГАН СЎЗЛАР ГУРУҲИ

1-§. Модал сўзлар

Сўзловчининг ўз фикрига бўлган муносабатини билдирадиган сўзлар **модал сўзлар** дейилади: *Эҳтимол, бугун этиб келар.*

Модал сўзлар маъно жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:

1. Фикрнинг аниқлигини ифодалайдиган модал сўзлар:

1) фикрнинг ростлиги тасдиқланади: *дарҳақиқат, ҳақиқатан, ҳақиқатда, филҳақиқат (арх.);* 2) фикрнинг қатъийлиги таъкидланади: *шубҳасиз, шаксиз, сўзсиз* 3) ишонч: *албатта* 4) англантилаётган воқеликнинг юзага келиши табиий эканлигини билдиради: *табиий, ўз-ўзидан,* 5) фикрнинг чинлиги еслатилади: *тўғ ри, хойнахой, муҳаққақ (архаик), аслида, дарвоқе, ростдан.*

2. Фикрнинг ноаниқлигини ифодалайдиган модал сўзлар:

1) фикрнинг тахминийлигини билдиради: *шекилли, чамаси, чоғи;* 2) фикрнинг гумонли эканлигини билдиради: *еҳтимол, балки;* 3) фикрнинг тусмолли эканини билдиради: *афтидан;* 4) фикрнинг чинлигига гумон ҳам, ишонч ҳам билдирадиган: *ҳар ҳолда, ҳар қалай.*

3. Фикрнинг тартиби: *аввало, авваламбор, биринчидан, иккинчидан.*

4. Фикрнинг далилланиши: *масалан, жумладан.*

5. Хулоса: *хуллас, демак, ниҳоят, хуллас калом.*

6. Ачиниш: *афсус, аттанг, есиз.*

7. Зарурият: *керак, зарур, лозим.*

8. Қувонч: *хайрият.*

9. Мавжудлик ва мавжуд эмаслик: *бор, йўқ.*

Булардан ташқари: *бинобарин, зеро, ҳолбуки, ваҳоланки* каби модал сўзлар ҳам мавжуд.

Модал сўзларнинг кўпчилиги мустақил сўзлардан ўсиб чиққандир.

1) от туркумидан: *афтидан, ҳақиқатан, мазмуни, еҳтимол, дарҳақиқат;* 2) сифатдан: *яхши(ки), тўғ ри, сўзсиз, шубҳасиз, табиий;* 3) равишдан: *албатта;* 4) феълдан: *хойна-хой* (тожикча *хоҳи-нахоҳи* сўзидан); 4) боғловчидан: *балки;* 5) сўз бирикмасидан: *ҳар қалай, ҳар ҳолда;* 6) гапнинг модал сўзга айланиши: *ҳолбуки (Ҳол буки);* 7) сўз тушириш натижасида ҳосил бўлган: *ўз-ўзидан (аниқ сўзи тушиб қолади).*

Модал сўзлар **соф** ва **вазифадош** модал сўзларга бўлинади. *Ҳақиқатан, дарҳақиқат, афсуски, аттанг, албатта, шекилли, аввало, хуллас, масалан, умуман, тахминан* сўзлари соф модал сўзлар ҳисобланса, модал маънода ҳам қўлланадиган *афтидан, чамаси, балки, еҳтимол, шубҳасиз* каби сўзлар вазифадош модал сўзлар ҳисобланади.

Модал сўзлар гап таркибидаги сўзлардан вергул билан ажратилади ва кўпинча **кириш сўз** вазифасини бажариб келади.

2-§. Ундов сўзлар ҳақида маълумот

Ҳис-ҳаяжон, туйғуни, ҳайдаш-чакиришни билдирадиган сўзлар туркуми **ундов** дейилади: *еҳ, уҳ, о, е, уф, вой, ура, баракалла, офарин, салом, хайр, хўш, раҳмат, балли, бай-бай, вой-бўй, а, ах, оҳҳо, оббо, ей, еҳҳе, и, ие, ўҳ, ўҳҳў, ҳм, ҳим, бе, туф, ҳаҳ, ҳо, ҳай-ҳай, еҳ, ў, ҳа, ийи.* Бу сўзлар мустақил сўзларга ҳам ёрдамчи сўзларга ҳам кирмайдиган айрим сўз туркумидир.

Ундовлар якка ҳолда, жуфт ҳолда ёки такрорланиб қўлланиши мумкин: *оҳ, вой, оҳ-воҳ, дод-вой, бай-бай, ҳай-ҳай.*

Жуфт ва такрорланган ундовлар чизиқча билан ёзилади.

Ундовлар маъно жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Ҳис-ҳаяжон** ундовлари қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) шафқат, меҳрибонлик: *ие, о, вой, вой-ей, еҳ;* 2) севинч, хурсандчилик, завқланиш: *ҳо, ўҳ-ҳў, еҳе;* 3) қойил қолиш, роҳатланиш: *ҳай-ҳай* (такрорланса), *оҳ-оҳ;* 4) мамнуният, фахрланиш, мағ рурланиш, хайрихоҳлик: *е-ҳа, еҳ, ҳа-я, ў;* 5) ундаш, огоҳлантириш, тасдиқ: *ҳа.*

Ундовлар ёзувда гап бўлақларидан вергул билан ажратилади. Агар ундов кучли бўлса, ҳис-ҳаяжон билан айтилса, ундов белгиси қўйилади: *Еҳ! Ҳаво нақадар соф ва мусаффо!*

Ундовларнинг асосий қисми ясама эмас, лекин мустақил сўзлардан ундовларга кўчган сўзлар ҳам мавжуд: 1) олмошдан : қани; 2) феъллардан: кел, ҳорманг, йўқол, бор-ей, яшанг, кечирасиз: Кел, бир баҳслашайлик!

Ҳис-ҳаяжон ундовлари, одатда, гап бўлаги вазифасини бажармайди. Улар ё кириш сўз, ёки сўз-гап бўлиб келиши мумкин: **Ие, мен кимни кўряпман? - Дод!** - ичкаридан додлаган овоз ешитилди.

2. Бўйруқ-хитоб ундовлари икки хил бўлади: 1) одамларга қаратилган ундовлар: а) кишиларнинг диққатини тортиш учун қўлланадиган: ҳой, ҳай (бир марта айтилса), ҳей, алло, ей; б) таъкид, буюриш учун қўлланадиган: ма, цс, жим, марш; 2) ҳайвонларга ёки бошқа жониворларга қаратилган ундовлар: а) ҳайвон ва жониворларни чақириш учун қўлланадиган: кишит, баҳ-баҳ, мош-мош, ту-ту-ту, куч-куч, гаҳ, чух, беҳ-беҳ, қурей-қурей; б) ҳайвон ва паррандаларни бирор ҳаракатдан тўхтатиш учун қўлланадиган: ишии, ҳўк, так; в) ҳайвон ва паррандаларни бирор ишни бажаришга ундаш учун ишлатиладиган: пишит, дпр, хих, ҳов-ҳов, чўк, тек, ҳайт, чу.

3. Кўрсатиш, таъкид ундовлари қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) кўрсатиш: ҳу, ҳув, ҳовв; 2) жавоб, тасдиқ, таъкид, мулоҳаза: ҳа-ҳа-ҳа, ҳўш, лаббай, ҳа.

Булардан ташқари, қуйидаги ундовларни урф-одат ундовлари (айрим дарсликларда **нуткий одат** ундовлари деб аталади: (25; 100.) тарзида ажратиш мумкин: раҳмат, марҳамат, салом, хайр, баракалла, офарин, балли, яшанг, ҳорманг, қуллуқ ва б.

Ундовлар одатда **деб** сўзи билан қўлланиб, ҳол (У “**вой**” **деб** ёнбошига йиқилди), **деган** сўзи билан қўлланиб, гапда кўпинча сифатловчи-аниқловчи (Кўчада “**дод**” **деган** овоз ешитилди) бўлиб келади. Ундовлар отлашиши мумкин, бунда улар эга (Уларнинг **дод-войи** осмони фалакка чиқди.), кесим (Енди унинг ҳолига **вой**) тўлдирувчи (Унинг **оҳ-воҳига** ким қулоқ солади?), қаратқич-аниқловчи (**Дод-войининг** фойдаси йўқ.) вазифаларини бажаради.

3-§. Таклид сўзлар

Товушга ва ҳолатга тақлидни билдирган сўзлар **тақлид сўзлар** дейилади. Бундай сўзлар маъно жиҳатидан икки турга бўлинади:

1. Товушга тақлид билдирадиган сўзлар: гумбур-гумбур, дуп-дуп, дук-дук, шиқ-шиқ, қий-чув, тақ-туқ, гарч-гурч, инга-инга, пих-пих, қулт-қулт, бидир-бидир, вов, ув, ирр, мўў, маа, баа, мее, инг-инг, анг-анг, миёв, вақ-вақ, виш-виш, қу-қу, қа-қа, га-га, қаз -қаз , пит-пилдиқ, парр, виз-виз.

2. Ҳолатга тақлид билдирган сўзлар: ялт-юлт, апил-тапил, гуж-гуж, ярқ-юрқ, жимир-жимир, милт-милт, лип-лип, пилдир-пилдир, ҳанг-манг, жилпанг-жилпанг, аланг-жаланг, мўлт-мўлт, лоп, ликанг-ликанг, қилпанг-қилпанг, саланг-саланг, гивир-гивир, дик-дик, лик-лик, ҳилп-ҳилп, дув-дув, пир-пир, ланг, данг, ҳил-ҳил каби.

Тақлид сўзлар якка ҳолда, жуфт ҳолда ва такрорланган ҳолда қўлланади. Жуфт ва такрорланган тақлид сўзлар орасига чизиқча қўйилади.

Тақлид сўзлар мустақил сўзлар каби гап бўлаги бўла олади: **Шамол гир-гир** (ҳол) есмоқда.

Товушга тақлид сўзлар баъзан отлашиб, кўплик, эгалик ва келишиқ қўшимчаларини қабул қилади ва **эга, қаратқич аниқловчи** ҳамда **тўлдирувчи** вазифаларини бажаради: **Одамларнинг г овур-г овури** босилди. **ЙУрагининг дук-дукини** ешитди. **Чугур-чугурнинг** тўхташи амри маҳол.

Модал сўзлар таҳлили	Ундов, тақлид сўзлар таҳлили
1. Маъно тури.	1. Маъно тури.
2. Қайси туркумдан келиб чиққан?	2. Тузилиш тури.
3. Гапда бажарган вазифаси	3. Отлашган-отлашмаганлиги.
	4. Гапда бажарган вазифаси.

Такрорлаш учун саволлар:

1-§. Синтаксис ҳақида умумий маълумот

Синтаксис (грекча – *сінтахис* – «тузиш» сўзидан олинган) грамматиканинг бир бўлими бўлиб, сўзларнинг бирикиш йўллари, сўз бирикмаси, гап, уларнинг турлари, хусусиятларини текширади.

Синтаксис, бир томондан, сўз ва сўз шаклларнинг, шунингдек, гапларнинг алоқа қилиш бирикиш йўллари текширса, иккинчи томондан, маълум боғланиш асосида юзага келадиган синтаксис бирликларни ўрганади.

Сўз бирикмаси, гап, гап бўлаклари асосий синтактик бирликлар, синтактик грамматик категориялар ҳисобланади.

2-§. Синтактик алоқа турлари

Сўзларнинг, шунингдек, гапларнинг орасидаги боғланиш, алоқа икки хил бўлади:

1) тенг боғланиш, ёки тенг алоқа; 2) тобе боғланиш, ёки тобе алоқа.

Тенг боғланиш синтактик жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлган, бири иккинчисига бўйсунмаган сўзларнинг ёки гапларнинг алоқасидир. Бунда тенг алоқадаги сўзлар ёки гаплар ўзаро тенг боғловчилар, тенг боғловчи вазифасидаги юкламалар, санаш оҳанги (оҳанг) ёрдамида муносабатга киришади.

Масалан: 1. *Беминнат қилинган езгулик энг мақбул ва гўзал езгуликдир. (Оз-оз ўрганиб доно бўлур).* 2. *Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айбдир. (Оз-оз ўрганиб доно бўлур).*

Биринчи мисолда *енг мақбул, гўзал* сифатлари ўзаро тенг боғланиб, гапда уюшиқ сифатловчилар вазифасини бажарган. Иккинчи мисолда эса *Билмаслик айб эмас* ва *Билишни истамаслик айбдир* гаплари бир-бири билан тенг алоқага киришган.

Тобе боғланишда бири ҳоким, иккинчиси тобе бўлган қисмлар (сўзлар, эргаш гапли кўшма гап қисмлари) ўзаро алоқага киришади. Уларнинг бири иккинчисини аниқлаш, изоҳлаш, тўлдириш учун хизмат қилади. Аниқлайдиган, изоҳлайдиган, тўлдирадиган қисми тобе, изоҳланадиган қисм ҳоким деб юритилади: 1. *Китобни ўқимоқ, қизиқарли воқеа.* 2. *Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, қадр-қиммати ҳам бўлади (Оз-оз ўрганиб доно бўлур).* Биринчи мисолда сўз бирикмаси таркибидаги сўзлардан бири ҳоким қисм (*ўқимоқ, воқеа*), иккинчиси (*китобни, қизиқарли*) тобе қисм бўлиб келган. Иккинчи мисолда ергашган кўшма гапнинг қисмларидан бири «*қадр-қиммати ҳам баланд бўлади*» ҳоким қисм, бош гап сифатида, иккинчиси «*кимнинг ҳиммати баланд бўлса*» тобе қисм, ергаш гап сифатида қатнашган. Шундай қилиб, боғланишнинг икки хил турини сўзлар орасида ҳам, гаплар орасида кузатиш мумкин. (Гаплар орасидаги боғланиш ҳақида «Кўшма гап» бўлимида баҳс юритилади).

Сўзлар орасидаги тобе боғланиш икки хил бўлади:

1) предикатив тобе боғланиш; 2) нопредикатив тобе боғланиш.

Эга ва кесимнинг боғланиши **предикатив** тобе боғланиш ҳисобланади ва бундай боғланишдан гап ҳосил бўлади. Тобе (эргаш) боғланишнинг қолган кўринишлари (аниқловчи+аниқланмиш, тўлдирувчи+тўлдирилмиш, ҳол+ҳолланмиш) **нопредикатив** тобе боғланиш бўлиб, бундай боғланишдан сўз бирикмаси юзага келади. Сўзларнинг нопредикатив тобе боғланиши уч хил бўлади: 1) бошқарув; 2) битишув; 3) мослашув.

3-§. Бошқарув

Тобе сўзнинг ҳоким сўз талаб этган шаклда келиши **бошқарув** дейилади. Бунда бошқарилувчи сўз бош ва қаратқич келишигидан ташқари бошқа келишик шаклини ёки кўмакчини олиб келади. Қайси келишик ёки кўмакчи билан шаклланиш бошқарувчи сўзнинг маъноси, семантикаси билан белгиланади. Масалан: *китобни ўқимоқ, қарияларга гамхўрлик қилмоқ, университетда ўқимоқ, ишдан қайтмоқ, ўқувчилар билан суҳбатлашмоқ* ва бошқалар.

Бошқарув икки хил бўлади: **келишикли** бошқарув ва **кўмакчили** бошқарув.

Келишикли бошқарувда бошқарилувчи сўз маълум келишик шаклида қўлланади: *катталарни ҳурмат қилмоқ, тоққа чиқмоқ* каби.

Кўмакчили бошқарувда бошқарилувчи сўз кўмакчи орқали шаклланади: *укаси билан келмоқ, телефон орқали гаплашмоқ* каби.

Бошқарув усули билан боғланиш тўлдирувчи-тўлдирилмиш, хол-ҳолланмиш муносабатларини юзага келтиради.

4-§. Битишув

Ҳоким ва тобе сўзларнинг ўзаро сўз тартиби ҳамда оҳанг ёрдамида бирикишига **битишув** дейилади. Битишув йўли билан боғланиш сифатловчи-сифатланмиш (*янги либос*), изоҳловчи-изоҳланмиш (*шоир Еркин Воҳидов*), қисман хол-ҳолланмиш (*тўсатдан учраб қолмоқ*) муносабатидаги бирикмаларга хос бўлиб, унинг қисмлари ифода материалига кўра турлича бўлади:

- 1) сифат + от: *зийрак бола, ям-яшил дала*;
- 2) от + от: *темир дарвоза, олтин куз*;
- 3) сон + от: *беш киши, ўн туп кўчат*;
- 4) олмош + от: *барча халқлар, шу йўл*;
- 5) сифатдош + от: *синалган одам, айтилган сўз*;
- 6) равиш + от: *мўл ҳосил, кўп хусусиятлар*;
- 7) тақлид сўз + от: *гир-гир шабада, тарс-турс овозлар*;
- 8) равиш + феъл: *тез юрмоқ, ерта келмоқ*;
- 9) равишдош + феъл: *ўйлаб гапирмоқ, қувониб айтмоқ*;
- 10) тақлид сўз + феъл: *дув-дув тўкилмоқ, чир-чир айланмоқ*.

5-§. Мослашув (мувофиқлашув)

Ўзбек тилида қаратқич ва қаралмишнинг алоқаси боғланишнинг алоҳида турини ташкил қилади. Бунда сўзлардан бирини ҳоким, бирини тобе деб қараш қийин, чунки қаралмишнинг талаби билан қаратувчи бўлак қаратқич келишиги шаклини олади, ўз навбатида, қаратувчининг талабига кўра қаралмиш эгалик аффиксини қабул қилади. Масалан: *болаларнинг қувончи, менинг китобим, сенинг дафтаринг, уларнинг вазифаси* каби. Бунда муносабатдорлик (ўзаро ҳокимлик, тобелик) кузатилади.

Аслида мослашув дейилганда, тобе сўз шаклининг ҳоким сўз шаклига мос келиши назарда тутилади. Бу ҳолат рус тилига хос, нэгаки мослашув йўли билан тузилган қурилмаларда, жумладан, аниқловчили бирикмаларда тобе сўз ҳоким сўз билан грамматик шаклда мослашиб, ҳоким сўз билдирган хусусий грамматик маъноларга эга бўлади. Масалан, *интересная книга* бирикмасида *книга* ҳоким сўз бўлиб, бош келишик, бирлик, женский род (жинс) каби хусусий грамматик маънолар англатган; тобе сўз (*интересная*) ҳоким сўзнинг айнан шу шаклига мослашиб, худди шундай грамматик маъноларни ифода қилади.

Ўзбек тилида қаратқич ва қаралмишнинг муносабати юқорида қайд етилган бирикма қисмларининг муносабатидан фарқ қилади. Шунинг учун бундай боғланишни мослашув деб эмас, **мувофиқлашув** деб изоҳлаш лозим бўлади.

Демак, ўзбек тилида қаратқич ва қаралмишнинг бирикиши мувофиқлашув асосида воқе бўлади.

6-§. Сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатга киришуви

Гапда сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатга киришуви қуйидаги воситалар орқали бўлади:

1. Аффикслар. Ўзбек тилида сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатга киришувида турловчи ва тусловчи аффиксларнинг хизмати катта. Масалан: чор-атроф япроқларнинг мунгли шивир-шивирига тўлади (Ў.Х.). Бу гапдаги сўзлар ўзаро келишик аффикслари (-нинг, -га), эгалик аффикси (-и) ва шахс-сон аффикси (-ди) орқали синтактик алоқага киришган.

2. Ёрдамчи сўзлар. Кўмакчилар, боғловчилар гапда сўзларнинг ўзаро муносабатга киришувига хизмат қилади. Масалан: *Халқнинг улугъ ворлиги унинг сони билан ўлчанмайди, ягона ўлчов унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир. («Тафаккур гулшани»).*

Бу гапда от (*сони*) феълига (*ўлчанмайди*) билан кўмакчиси орқали боғланган; *камолоти, баркамоллиги* сўзлари тенг алоқага киришиб, уюшган от кесим вазифасини бажаргани ҳолда *ва* боғловчиси ёрдамида синтактик муносабатга киришган.

Баъзи ҳолларда юкламалар ҳам боғловчи вазифасида келиб, сўзлар орасидаги синтактик муносабатни кўрсатиб келади: *Бугундан бошлаб ётоқ жойларда... йигитлардан битта навбатчи қолдирилди-ю, бошқа ҳамма пахтага чиқди. (П.Қ.)*

Боғлама эга ва от кесим муносабатини ифодалашга хизмат қиладиган ёрдамчидир: *Ҳаётда гўзаллик, қувват ва саодатнинг манбаи соддаликдир. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»)*

3. Сўз тартиби. Гап таркибидаги сўзларда махсус грамматик кўрсаткичлар бўлганда, уларнинг ўрнини алмаштириш синтактик ҳолатни ўзгартирмайди. Қиёслайлик: *дарахтларнинг тагида... нозиккина майсалар кўриниб қолади. (Ў.У.). – Нозиккина майсалар дарахтларнинг тагида кўриниб қолади.*

Сўзларда махсус грамматик кўрсаткичлар бўлмаганда, уларнинг ўрнини алмаштириш синтактик ҳолатга таъсир қилади. Қиёсланг: *ям-яшил дала* (аниқловчили бирикма) – *Дала ям-яшил* (эга, кесимдан иборат йиғиқ гап).

4. Пауза (тўхтам). Пауза ҳам синтактик восита сифатида аҳамиятга эга. Паузанинг ўзгариши синтактик ҳолатнинг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Масалан: *Қулоқ солиб ўтирган боладан сўради.* Бунда *боладан* сўздан сўнг пауза қилинса, *қулоқ солиб ўтирган* сифатдоши *боладан* сўзига нисбатан сифатловчи вазифасини бажаради. Агар *қулоқ солиб ўтирган* сифатдошидан кейин пауза бўлса, сифатдош отлашгани ҳолда эга вазифасини бажаради.

7-§. Сўз бирикмаси

Одатда, нутқда, гапда сўзлар маълум қонун-қоидалар асосида ўзаро маъно ва грамматик жиҳатдан боғланган бўлади. Масалан, *қизиқарли китоб, тоққа чиқмоқ, тез ўқимоқ.* Бундай жуфтлик бир бутунлик ҳосил қилиб, яхлит, лекин ўз ичида қисмларга бўлинадиган бир бутун тушунчани билдиради. Икки ёки ундан ортиқ мустақил сўз ва сўз шаклларнинг нопредикатив тобе алоқаси асосида бирикишидан ҳосил бўлган боғлама *сўз бирикмаси* дейилади.

Сўз бирикмаси мустақил сўзларнинг боғланишидан ҳосил бўлади, ёрдамчи сўзлар (кўмакчилар) ўз олдидаги мустақил сўз билан бирикманинг бир қисми, аъзоси саналади. Масалан, *дўстлик ҳақида суҳбатлашмоқ, қарсақлар билан олқишламоқ* каби.

Сўз бирикмаси таркибидаги сўзлардан бири ҳоким, иккинчи тобе бўлади. Сўз бирикмаси бошқарув, битишув, мувофиқлашув усуллари билан ҳосил бўлади.

Сўз бирикмаси фразеологик иборалардан фарқ қилади. Фразеологик иборалар сўз каби тил бирлиги бўлиб, сўз каби тайёр ҳолда қўлланиб, бир бутун ҳолда луғавий маъно ифодалайди ва гапда битта гап бўлаги вазифасини бажаради. Сўз бирикмаси эса нутқ бирлиги бўлиб, нутқ сўзланиб турган пайтда тузилади ва таркибидаги қисмлар, аъзолар бошқа-бошқа гап бўлаги вазифасини бажаради.

Сўз бирикмасини гапдан фарқлаш лозим. Сўз бирикмаси тушунча ифодалаб, номинатив (номлаш, аташ) вазифасини бажаради, шунинг учун интонацион тугалликка эга бўлмайди. Гап эса фикр билдириб, коммуникатив (алоқа қилиш) ва когнитив (фикр алмашиш) вазифаларини бажаради. Сўз бирикмаси камида икки мустақил сўздан тузилса, гап баъзан бир сўздан ҳам ташкил топиши мумкин.

Сўз бирикмаси ўзаро тенг боғланган сўзлардан ҳам фарқ қилади. Масалан: *Мақсад ва маром инсоннинг энг буюк қувватидир. (Оз-оз ўрганиб доно бўлур)*. Бунда мақсад ва маром сўзлари ўзаро тенг боғланиб, гапда уюшиқ бўлак ҳосил қилиб, сўз бирикмаси саналмайди.

8-§. Сўз бирикмаларининг таснифи

Сўз бирикмалари қуйидаги хусусиятлари асосида тасниф қилинади:

1. Сўз бирикмалари қисмларининг грамматик табиатига кўра.
2. Сўз бирикмаларининг тузилишига кўра.

Сўз бирикмалари қисмларининг грамматик табиатига кўра тасниф қилинганда, ҳоким аъзонинг қайси сўз туркумидан еканлиги, тобе аъзонинг синтактик вазифаси асосга олинади.

Сўз бирикмалари ҳоким қисмнинг қайси сўз туркумидан еканлигига кўра қуйидаги турларга ажратилади: 1) отли бирикма; 2) феълли бирикма; 3) сифатли бирикма; 4) равишли бирикма; 5) модал сўзли бирикма.

1. Отли бирикма. Бундай бирикманинг ҳоким сўзи вазифасида от, отлашган сўзлар келади ва у қуйидаги кўринишларга эга бўлади:

Ҳоким қисм вазифасида от келади: *гайратли одам, самимий инсон, езгу ниятли киши.*

Ҳоким қисм сифатида олмош келади: *боланинг ўзи, Кариманинг ўзи.*

Ҳоким сўз сифатида отлашган сифат келади: *кишилардан энг марди, қизларнинг сараси.*

Ҳоким қисм вазифасида отлашган сон келади: *талабаларнинг бештаси, ўқувчилардан бири.*

Ҳоким қисм вазифасида отлашган олмош келади: *тилакларнинг барчаси, кутиб олувчиларнинг ҳаммаси.*

Ҳоким сўз вазифасида отлашган сифатдош келади: *онамларнинг айтганлари, болаларнинг ўқиётгани.*

Ҳоким қисм вазифасида отлашган равиш келади: *кўп сўзнинг ози, ишларнинг кўпи.*

Ҳоким сўз сифатида отлашган ундов сўз келади: *уларнинг дод-войи, болаларнинг ураси.*

Ҳоким сўз вазифасида отлашган тақлид сўз келади: *отларнинг дупур-дупури, тўпларнинг гумбур-гумбури.*

Кўринадики, отли сўз бирикмаси қисмлари битишув, мувофиқлашув ва бошқарув йўли билан грамматик алоқага киришади. Отли бирикма сўз шакли билан сўзнинг (лексеманинг) ёки икки сўз шаклларининг боғланишидан ҳосил бўлади.

2. Феълли бирикма. Бундай бирикманинг ҳоким қисми феъл билан ифодаланади: *тез ишламоқ, олдинда юрмоқ, диққат билан тингламоқ, кулиб гапирмоқ.*

Феълли бирикманинг қисмлари ўзаро битишув ва бошқарув йўли билан боғланади. Феълли сўз бирикмаси сўз шакл билан сўзнинг (лексеманинг) ўзаро боғланишидан юзага келади.

3. Сифатли бирикма. Мазкур бирикмада ҳоким сўз отлашмаган сифат билан ифодаланади, бирикманинг қисмлари бошқарув йўли билан синтактик муносабатга киришади: *акасидан кучли, сингисидан зийракроқ.*

4. Равишли бирикма. Бундай бирикманинг ҳоким сўзи отлашмаган равиш билан ифодаланади. Равишли сўз бирикмаларида тобе ва ҳоким қисмлар ўзаро бошқарув йўли билан боғланади: *ракетадан тез, тошбақадан секин.*

5. Модал сўзли бирикма. Бунда модал сўз бирикманинг ҳоким сўзи сифатида келади. Бирикма бошқарув йўли билан тузилади: *бизга керак, ўқувчиларда бор.*

Сифатли, равишли, модал сўзли бирикмалар ҳам феълли бирикма сингари сўзшакл билан сўз (лексема)нинг ўзаро боғлаши натижасида ҳосил қилинади.

Сўз бирикмалари, тобе қисмнинг синтактик вазифасига кўра, қуйидаги турларга бўлинади: 1) аниқловчили бирикма; 2) тўлдирувчили бирикма; 3) ҳолли бирикма.

1. Аниқловчили бирикма. Бундай бирикмаларнинг тобе қисми аниқловчининг барча турлари вазифасини бажаради. Шунга кўра уларни: 1) сифатловчили бирикма; 2) қаратувчили бирикма; 3) изоҳловчили бирикмаларга ажратиш мумкин. Масалан: *ёзма иш, илмий мақола, бешта китоб, аллақандай овозлар* – сифатловчили бирикма; *иқтисодиётнинг*

тараққиёти, мактаб ҳовлиси - қаратувчили бирикма; ўқитувчи Салимова, профессор Қодиров - изоҳловчили бирикма.

Аниқловчили бирикма битишув ва бошқарув йўли билан тузилади.

2. Тўлдирувчили бирикма. Тобе қисми тўлдирувчи вазифасини бажарадиган сўз бирикмаси тўлдирувчили бирикма деб юритилади. Бунда қисмлар ўзаро бошқарув йўли билан бирикади. Масалан: *ёшларга насихат қилмоқ, одамларни қадрламоқ, талабалар учун дарслик, илм-фан ҳақида сўзламоқ.*

3. Ҳолли бирикма. Бу хил сўз бирикмаларининг тобе қисми ҳол вазифасини бажаради. Ҳолли бирикманинг тобе ва ҳоким қисмлари ўзаро битишув ёки бошқарув йўли билан боғланади: *янгича фикрламоқ, бирга ишламоқ, мактабдан қайтмоқ, ерта бошламоқ.*

Сўз бирикмалари тузилишига кўра 2 хил бўлади: 1) оддий сўз бирикмалари; 2) мураккаб сўз бирикмалари.

Оддий сўз бирикмаси. Сўзшакл билан сўз (лексема)нинг ёки икки сўзшаклнинг боғланмаси оддий сўз бирикмаси ҳисобланади: *кенг дала, текисроқ йўл, тинчликка даъват қилмоқ, давлатларнинг ҳамдўстлиги, мактаб ҳовлиси.*

Бирор қисми фразеологик ибора ёки мураккаб тушунчани билдирадиган турғун бирикма билан ифодаланадиган сўз бирикмаси ҳам оддий сўз бирикмасига мансуб бўлади. Масалан: *юлдузни бенарвон урадиган одам, Фанлар академияси институтлари* каби.

Мураккаб сўз бирикмаси. Бунда бирикманинг қисмларидан бири ёки ҳар иккиси сўз бирикмаси билан ифода етилади. Масалан, *меҳнат қилишни севадиган одам, одамларга хайрихоҳ бўлган киши* каби сўз бирикмаларининг тобе қисми («меҳнат қилишни севадиган», «одамларга хайрихоҳ бўлган») сўз бирикмаси шаклида қўлланиб, ҳоким сўзга битишув йўли билан боғланган.

Мураккаб сўз бирикмасининг бирор қисми, кўпинча тобе қисми предикатив бирлик, предикатив боғланма билан ҳам ифодаланиши мумкин: *«қилиқлари ёқимли бола», «отаналаримиз берган насихатлар»* каби бирикмаларнинг тобе аъзоси («қилиқлари ёқимли», «ота-оналаримиз берган») гапга тенг қурилма, яъни предикатив бирлик, предикатив боғланма билан ифодаланган.

Сўз бирикмаси таҳлили	
1. Гапдаги сўз бирикмалари аниқланади. 2. Бош ва ергаш сўзлар аниқланади. 3. Бош ва ергаш сўзларнинг боғланиш усули (мослашув, бошқарув, битишув). 4. Ҳоким ва тобе сўзларни боғловчи восита (келишик қўшимчаси, кўмакчи ёки оҳанг) аниқланади.	5. Сўз бирикмасининг бош сўз туркуми бўйича тури аниқланади. 6. Сўз бирикмасидаги ергаш сўзнинг вазифаси бўйича тури аниқланади. 7. Сўз бирикмасининг тузилиш тури аниқланади

ГАП

1-§. Гап ва унинг белгилари

Синтаксисда ўрганиладиган асосий синтактик бирлик **гап** ҳисобланади. Гап – кишилар нутқининг энг кичик бирлиги бўлиб, у грамматик жиҳатдан ташкил қилинган, мазмун ва оҳанг жиҳатдан нисбий тугалликка эга бўлган сўзлар боғламаси ёки якка сўздир. Алоқа бирлиги бўлмиш гап фикрни ифодалаш ва шакллантириш бирлиги ҳамдир. Шунга кўра гап **коммуникатив** (алоқа қилиш) ва **когнитив** (фикр ифодалаш) вазифаларни бажарадиган нутқ бирлиги саналади. Гапнинг мазкур хусусиятлари уни сўздан ва сўз бирикмасидан фарқлайди.

Гапнинг куйидаги асосий белгилари мавжуд:

1. Гапнинг кўпгина турлари мантиқий ҳукм билан чамбарчас боғлиқ. Ҳукмда эса бирор нарса ҳақида нимадир тасдиқланади ёки инкор этилади ва айнан ана шунда предикативлик ўз ифодасини топади. Демак, гапнинг муҳим белгиларидан бири **предикативликдир**. Предикативлик гап мазмунининг объектив борлиққа бўлган муносабатини ифодалайди. Предикативлик ифодаловчи грамматик воситалар мавжуд бўлиб, улар майл, закон, шахс-сон категорияларидир.

Предикативлик, одатда, сўзларнинг предикатив алоқага киришуви билан, яъни эга-кесим алоқаси билан ифодаланади. Масалан: *Болалар келди. Болалар хурсанд.*

Айрим ҳолларда предикативлик бир бош бўлак билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *Тинчлик учун курашайлик.*

2. Гапда баён қилинаётган фикрга сўзловчининг муносабати ҳам ифодаланади. Бундай муносабат **модаллик** деб юритилади. Англашиладики, гапнинг асосий белгиларидан бири модаллик ҳисобланади. Модаллик (тасдиқ, инкор, гумон, шубҳа кабилар) майл категорияси, модал сўзлар, юкламалар каби воситалар орқали ифоланади.

3. Гап **оҳанг** (**оҳанг**) жиҳатдан тугалликка эга бўлади. Оҳанг ҳам предикативлик, модаллик белгилари сингари гапни сўз бирикмасидан чегаралашга хизмат қилади. Оҳанг, биринчидан, сўзлар боғланмаси ёки якка сўз гапни шакллантирганини кўрсаца, иккинчидан, гапнинг тугалланганлигини ифодалаб, уни бошқа гапдан ажратиб туради. Оҳангнинг хабар, сўроқ, буйруқ ва бошқа турлари фарқланади.

4. Гап мазмун жиҳатдан ҳам нисбий тугал бўлади. Унинг тугал фикрни ифодалаш маълум шароит билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, предикативлик (гап мазмунининг борликка муносабати), модаллик (сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабати), оҳанг жиҳатдан шаклланганлик ва мазмунан нисбий тугаллик гапнинг асосий хусусиятлари, белгилари саналади.

2-§. Гапнинг турлари

Ўзбек тилида гаплар турли нуқтаи назардан тасниф қилинади:

1. Ифода мақсадига кўра.

11. Эмоционаликка кўра.

111. Тузилишига кўра.

Ифода мақсадига кўра ва бу мақсад билан боғлиқ бўлган оҳангга кўра гаплар **дарак**, **сўроқ**, **буйруқ** гапларга ажратилади.

Эмоционаликка кўра гаплар икки турга бўлинади: ҳис-ҳаяжонли гаплар ёки ундов гаплар ва ҳис-ҳаяжонсиз гаплар. Дарак, сўроқ, буйруқ гаплар дарак, сўроқ, буйруқ оҳанги билан айтилса, эмоционал бўлмаган гаплар деб юритилади. ЙУқорида санаб ўтилган гаплар кучли ҳис-ҳаяжонга эга бўлиши билан ҳис-ҳаяжон гапга айланади.

Тузилишига кўра гаплар **содда** ва **қўшма** бўлади. Гапларнинг бундай бўлиниши уларнинг таркибидаги предикативлик бирликларнинг сонига, миқдорига асосланади.

3-§. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари

Гаплар ифода мақсадига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

1) дарак гап; 2) сўроқ гап; 3) буйруқ гап.

1. Дарак гап

Борликдаги ходисалар ҳақида тасдиқ ёки инкор йўли билан хабар қилувчи гап **дарак гап** дейилади. Дарак гап нутқда гапнинг бошқа турларига қараганда кўп қўлланади.

Дарак гап мазмунан ва тузилиши жиҳатдан ранг-баранг бўлади. Дарак гап дарак оҳанги билан айтилади. Бунда гапнинг биринчи қисмида оҳанг кўтарилади, иккинчи қисмида эса пасаяди. Масалан: *Ёз кечасининг ёқимли салқини. Кўкда, дарахтлар устида гуж-гуж юлдузлар ёнади. Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган, гўё кечанинг ўзи қуйлайди. (О.).*

Дарак гапнинг кесими кўпинча аниқлик (хабар) майлидаги феъл билан ёки феълдан бошқа сўз туркумлари билан ифодаланади.

Дарак гап охирига нуқта қўйилади.

2. Сўроқ гап

Сўзловчига номаълум бўлган воқеа-ходиса, ҳаракат-ҳолат ҳақида маълумот олиш кўзда тутилган гап **сўроқ гап** дейилади.

Сўроқ гаплар кўпроқ диалогик нутқда қўлланади. Бундай гаплар алоҳида оҳанг билан айтилади.

Сўроқ гапларни қуйидаги воситалар шакллантиради:

1. Сўроқ юкламалари (-ми, -чи, -а, -я). Масалан: *Чиндан кўрққанингми бу, Робия? (П.Қ.). Аммо Назиранинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрсам-чи? (Ў.Усмонов).*

2. Сўроқ олмошлари (ким, нима, қандай, қайси, қачон, қайерда, нэга ва бошқалар). Масалан: *Акмалхон, нэга бизга қатнамай қўйдингиз? (Ф.Мусажонов). Нэга ўртоқларингизга қарамайсизлар? Бу қанақа тартибсизлик? (Ў.Усмонов).*

3. Сўроқ оҳанги. Бунда савол мазмуни билан боғлиқ бўлган сўзда оҳанг (оҳанг) кўтарилади. Масалан: *Сойлиққа борасиз? – деб сўради. (Ў.Усмонов). Жуда камнамолар, Акмалхон? (Ф.Мусажонов).*

Сўроқ гаплар сўроқнинг хусусиятига кўра уч турга бўлинади: **соф сўроқ гаплар, риторик сўроқ гаплар, сўроқ буйруқ гаплар.**

Соф сўроқ гаплар тингловчидан сўроққа жавобни талаб қилади. Масалан: *Кечаги мақола нима бўлди, Раҳим ака? (Ф.Мусажонов). Қишлоқ хўжалик бўлими шуми? (Ф.Мусажонов)*

Риторик сўроқ гапларда сўроқ ичида унинг жавоби ҳам англашилиб туради. Масалан: *Дунёда сизга ишонган, сизни жонидан азиз кўрадиган кишининг юзига оёқ босишдан оғир жиноят борми? (А.Муҳиддин).*

Сўроқ-буйруқ гаплар сўроқ орқали буйруқ жилвасини ўз ичига олади. Масалан: *Ака, нэга индамайсиз? (П.Қодиров). Ука, Муртазобекнинг ўзи қаердалигини айтиб беролмайсизми? (Ў.Усмонов).*

3. Буйруқ гап

Сўзловчининг бирор нарсага буюриш-хоҳишини билдирадиган гап **буйруқ гап** дейилади. Буйруқ гапда қуйидагилар ифодаланади:

1. Буйруқ, дўқ-пўписа. Масалан: *Тақсир, ... битта сурат чизиб беринг. (П.Қодиров). Болалар тезроқ олиб чиқилсин!.. (П.Қодиров). Профессор Жамолов сенга ҳам ота, ҳам устозлик қилади, ўғлим... Гапидан чиқма. (Ж.Абдуллахонов).* – Сен дарсингга ўтир, қизим, - буйруқ қилди у Йўлдузга, - сен Қундуз, Темиржонга даррандаю паррандаларингни кўрсат. (Ж.Абдуллахонов).

2. Илтимос, ялиниш, истак. Масалан: *Ошиқманг, бўлади. Фақат илтимос қиламанки, бўтам, буни ҳозирча зинҳор-базинҳор сир тутинг. Зеро, нифоқ солгувчилар пайдо бўлиб, бирор ишқалликни ўйлаб топмасинлар. Институтимиз раҳнамолари бу мақсадга унча рўйихушлик бермаётганларини унутманг. (Ж.Абдуллахонов).*

3. Маслаҳат. Масалан: *Фанда кашф қилишдан буюк нарса йўқ, тойлогим,- деб қолди профессор, - сиз ҳам фаолиятингизни кашф қилишдан бошланг. (Ж.Абдуллахонов). Келинг, институтда олган назарий билимингизни амалиёт билан боғлаш имконига эга бўлинг аввал. (Ж.Абдуллахонов).*

Буйруқ гапнинг кўпгина маънолари оҳанг орқали англашилади.

Буйруқ гапни шакллантиришда қуйидаги воситалар хизмат қилади: 1) буйруқ оҳанги; 2) кўпинча буйруқ майлидаги феъл билан ифодаланган кесими; 3) гапга буйруқ жилвасини кўшадиган махсус сўзлар (*келинг, кел, яхшиси, иложи бўлса* ва бошқалар).

Буйруқ гап кесимнинг ифодаланиш усулига кўра фарқланади:

1. Буйруқ гапнинг кесими кўп ҳолларда буйруқ-истак майлидаги феъл билан ифодаланади. Масалан: *Оч одамнинг устидан кулманг.*

*Етишмаса ишга қурбати,
Хунуккина қизларни сийланг,
Гўзал бўлар улар сийрати.
Бировларнинг ҳаққин эганни
Дастурхонга йўлата кўрманг.
Ростни кўриб ёлғ он деганнинг
Косасини тўлата кўрманг. (А.Орипов).*

2. Буйруқ гапнинг кесими сифатида шарт майлидаги феъл келади. Масалан: *Иложи бўлса, узоқ кутдириб қўймасангиз... (Ж.Абдуллахонов). Ундай бўлса, марҳамат қилиб уни ишларимиз билан ҳам ошно қилсангиз (Ж.Абдуллахонов).*

3. Баъзан буйруқ гапнинг кесими аниқлик (ижро, хабар) майли шаклидаги феъл билан ифодаланиши мумкин. Масалан: *Профессор ҳалигиндай такрор қўл силтади: - Раддияни унинг ўзига ёздирасиз, бўтам. (Ж.Абдуллахонов).*

4. Буйруқ гапнинг кесими вазифасида феълдан бошқа сўзлар ҳам келиши мумкин. Масалан: *Узтоз Али! Олдинга! (П.Қ.). Бобур унинг сўнги йилларда ўрганган чавандозлик машқларидан кўрсатмоқчи эканини сезди. - Қани, қани,- деди мароқ билан. (П.Қ.). Ҳазратим, лозим бўлса, энди муסיқадан, бир имтиҳон қилиб кўринг. -Қани, қани! (П.Қ.). Орқадан кимдир: «Е, бас, бас!» деб қичқирди. (П.Қ.).*

4-§. Гапнинг ҳис-ҳаяжон ифодалаш-ифодаламаслигига кўра турлари

Гаплар эмоционалликка кўра икки хил бўлади:

1) ҳис-ҳаяжонсиз гаплар, 2) ҳис-ҳаяжон ёки ундов гаплар.

Хабар-дарак, сўроқ, буюриш оҳангсига эга бўлган гаплар эмоционал бўлмаган гаплардир. Юқорида кўриб ўтилган гапларнинг барчаси, яъни дарак гап, сўроқ гап ва буйруқ гаплар эмоционал бўлмаган гапларни ташкил қилади.

Ҳис-ҳайзжон гаплар, ёки ундов гаплар кучли ҳис-ҳаяжон билан ифода қилинган гаплардир. Бундай гаплар махсус ҳис-ҳаяжон оҳанги, оҳанги билан талаффуз етилади.

Дарак, сўроқ, буйруқ гаплар ҳис-ҳаяжон билан айтилса, ундов гапга айланади. Шунга кўра ундов гапларнинг дарак-ундовгап, сўроқ-ундов гап, буйруқ-ундов гап турлари юзага келади.

Дарак-ундов гап: *Ишонганимдан сеникига олиб келдим-да, ўртоқ! (Ў.Ҳ.)*

Сўроқ-ундов гап: *Бу гаплардан сўнг менга кўнгуллари ни очармидилар?! (П.Қ.).*

Буйруқ-ундов гап: *Йўқолган пичоқнинг сопи олтин бўлавермасин!- деди Давлатбеков. (П.Қ.).*

Ундов гап қуйидаги грамматик воситалар ёрдамида шаклланади:

1) турли ҳис-туйғуларни: шодлик, қувонч, таажжуб, афсусланиш, ҳайратланиш, ғазаб ва шу кабиларни билдирувчи оҳанг ёрдамида. Масалан: *Одамлар билан... яшаи, ишлаи, дўстлашии, ёрдамлашии ва ёрдам олиш нақадар яхши! (СҲ.Айтматов). Ая, аяжон, шу ҳам гапми! (А.Қ.). Аям билан холлам йўлга нима пиширсак экан деб маслаҳат қилиб ўтиришибди! (А.Қ.). Йиллар, йиллар ўтди! (А.Қ.). Кеча гиздан теккан еди, энди пахтадан тегибди-да! (А.Қ.);*

2) ундов сўзлар ёрдамида. Масалан: *Е, у гаплар ўтди-кетди-да! (П.Қ.). Оббо, ношудлар-ей!- деди Ортиқ кўзига ачиниб. (П.Қ.). Ҳа, баракалла!- деди кекса ишчи. (А.Қ.). Ўҳ-ўҳ-ўҳ! СҲучварак-ку... Ҳай-ҳай, оғизда ериб кетади-я!.. (А.Қ.);*

3) юкламалар ёрдамида. Масалан: *Наҳот, Мавлонингиз жиянининг тўйига келмаса! (А.Қ.). ... бирпас тинч қўймайди-я!- деб болаларини койиди. (П.Қ.). Бояқишлар селда қолди-ёв!- деб Суюнбой ака қоятошининг камаридан чиқди. (П.Қ.).*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Синтаксисда нималар ўрганилади?
2. Сўз қўшилмаси нима?
3. Тенг бојланиш ҳақида гапиринг.
4. Тобе бојланиш ҳақида гапиринг.
5. Сўз бирикмасининг таърифини айтинг.
6. Бош ва ергаш сўзлар ҳақида гапиринг.
7. Отли сўз бирикмаси ҳақида гапиринг.
8. Феълли сўз бирикмаси ҳақида сўзланг.
9. Содда сўз бирикмаси ҳақида гапиринг.
10. Мураккаб сўз бирикмалари ҳақида гапиринг.
11. Сўз бирикмасининг сўздан фарқи нимада?
12. Сўз бирикмасининг синтагмадан фарқи
16. Битишув усули ҳақида гапиринг.
17. Қайси усул билан бирикишда бош ва ергаш сўзнинг ўрни қатъий бўлади?
18. Шаклан бошқарув, мазмунан битишув усули билан бириккан сўз бирикмаларига мисоллар келтиринг.
19. Гап ва унинг асосий белгилари.
20. Дарак гаплар ҳақида сўзланг.
21. Сўроқ гап ва унинг турлари ҳақида сўзланг.
22. Сўроқ гаплар қандай воситалар ёрдамида шаклланади?
23. Буйруқ гап ва унинг турлари ҳақида сўзланг.

ҳақида гапиринг.

13. Сўз бирикмасининг гапдан фарқи ҳақида гапиринг.

14. Бошқарув усули ҳақида гапиринг.

15. Мослашув усули ҳақида гапиринг.

24. Ҳис ҳаяжон гаплар ҳақида сўзланг.

25. Ҳис-ҳаяжон гапларда тиниш белгиларининг қўлланиши ҳақида гапиринг.

ГАПЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КўРА ТУРЛАРИ

Гаплар тузилиш жиҳатдан икки гуруҳга бўлинади:

1. Содда гап бир предикатив бирликдан иборат бўлиб, унинг таркиби айрим гапларга бўлинмайди. Масалан: *Ғир-ғир шабада турли-туман гиёҳларнинг ҳидларини олиб келади. (О.). Оқил ва донолар билан суҳбатдош бўлинг. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).*

2. Қўшма гап мазмун ва грамматик жиҳатдан бириккан икки ва ундан ортик предикатив бирликлардан тузилиб, унинг таркиби икки ва ундан ортик гапларга бўлинади. Масалан: *Ҳали дарахтлар барг чиқармагану, пушти гулдастага ўхшаб гуллаган бир туп бодом қўшни ҳовлининг девори оша яшнаб турибди. (П.Қ.). Ҳақиқий дўстлик сувдек зилол, қалбаки дўстлик – туз қўшилган асал. (Мақол).*

1-§. Содда гап турлари

Содда гаплар грамматик асосининг таркибига кўра иккига бўлинади: икки бош бўлакли гаплар ва бир бош бўлакли гаплар. Грамматик асоси икки бош бўлақдан эга ва кесимдан иборат бўлган гаплар икки бош бўлакли гаплар дейилади. Масалан: Мехнатдан дўст ортар. (Мақол).

Грамматик асоси бир бош бўлақдан иборат бўлган гаплар бир бош бўлакли гап деб юритилади. Масалан: *Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга. (Мақол).*

Содда гаплар иккинчи даражали бўлақларнинг қатнашиши-қатнашмаслигига кўра икки хид бўлади: йиғиқ гаплар ва ёйиқ гаплар.

Бош бўлақлардангина ёки бир бош бўлақдан ташкил топган гап йиғиқ гап, иккинчи даражали бўлақлар ҳам иштирок етган гап ёйиқ гап дейилади. Масалан: *Ёмғир тинди. Булутлар ҳамон қайсарлик билан қуёш юзини тўсиб турарди. (С.Кароматов).* Биринчи гап йиғиқ гап бўлиб, фақат бош бўлақлардан тузилган. Иккинчи гапда бош бўлақлар (*булутлар – эга, тўсиб турарди – кесим*)дан ташқари, иккинчи даражали бўлақлар ҳам (*ҳамон, қайсарлик билан – ҳоллар, қуёш – аниқловчи, юзини – тўлдирувчи*) қатнашган. Шунинг учун бу гап ёйиқ гапдир.

Бир бош бўлакли гаплар ҳам, икки бош бўлакли гаплар ҳам зарур бўлақларнинг тўла ифодаланиши ёки туширилишига кўра икки турга ажратилади: тўлиқ гап ва тўлиқсиз гап. Тўлиқ гапларда зарур бўлақларнинг барчаси қатнашади, тўлиқсиз гапларда зарур бўлақларнинг бири ёки бир қисми туширилади.

Масалан: - *Илғари қаерда ишлаган едилар? (Тўлиқ гап).* – *Даставвал Сурхондарёда, кейин қарши чўлида. (О.Й.) (Тўлиқсиз гап).*

Содда гаплар бўлақларга ажралиш-ажралмаслигига кўра икки хил бўлади: бўлақларга ажраладиган гаплар ва бўлақларга ажралмайдиган гаплар. Сўзлар боғланмасидан ёки якка сўздан тузилиб, гап бўлақларини аниқлаш (ажратиш) мумкин бўлган гаплар бўлақларга ажраладиган гаплар деб юритилади. Масалан: *Машина дарвоза олдида тўхтади. (О.Й.). Бир сўздан ташкил топиб, таркиби бўлақларга ажратилмайдиган гаплар бўлақларга ажралмайдиган гаплар ёки сўз-гаплар дейилади. Масалан: - Ассалому алайкум, дада. (П.Қ.).*


2-§. Икки бош бўлакли гапнинг тузилиши

Икки бош бўлакли гап икки грамматик таркиби: эга таркиби ва кесим таркиби мавжуд бўлган гапдир.



- Эга ёки эга ва унга тааллуқли сўзлар эга таркибини ташкил еца, кесим ёки кесим ва унга тааллуқли сўзлар кесим таркибини ташкил қилади.

Масалан: *Кеча тунда есган кучли шамол катта арчанинг танасини иккига айириб юборди.* Буни чизмада куйидагича тасвирлаш мумкин:

Эга таркиби:



Кесим таркиби:



3-§. Бир бош

Содда гап тузилиши асосининг таркибига кўра иккига бўлинади: икки бош бўлакли гаплар ва бир бош бўлакли гаплар.

Бир бош бўлакли гапнинг тузилиши асосининг таркибига кўра иккига бўлинади: икки бош бўлакли гапларнинг ҳар иккиси - эгаси ва кесимидан иборат бўлади. Масалан: *Тошдаги расмлар бундан кўп минг йил аввал ўтган бобокалонларимизнинг ижоди экан.* (П.Қодиров). *Шамол гуж-гуж арчаларнинг ҳидини олиб келади.* (П.Қодиров).

Бир бош бўлакли гапларнинг тузилиш асоси эса ё кесим таркибидан, ё эга таркибидан ташкил топади. Кесим ёки кесим таркибидан ташкил топган гапларда эга, эга ёки таркибидан ташкил топган гапларда кесим қатнашмайди ва бундай бўлакка еҳтиёж ҳам бўлмайди. Бундай гапларжа предикативлик бир бўлак билан ифодаланади. Масалан: *Ойкўлликларни яхши гаплар билан йўлдан қайтаришда.* (П. Қодиров). *Бугунги ишни ертага қўйма.* (Мақол). *ЙОш бўлса, кўп нарсани бошидан кечирган.* (П.Қодиров). *Оқшом чоғи... Ватан бўйлаб қадам - қадамлаб Куёш ўтди денгизлар, тоғлар ортига.* (Шайхзода). *Ақлни беақлдан ўрган.* (Мақол).

Бир бош бўлакли гаплар, бош бўлакнинг қайси биридан ташкил топишига кўра, икки гуруҳга бўлинади: Эгасиз гаплар, кесимсиз гаплар.

Эгасиз бир бош бўлакли гаплар фақат кесим таркибидан топиш мумкин ёки мумкин эмаслигига кўра эгаси топиладиган ва эгаси топилмайдиган гапларга бўлинади.

Кесимсиз бир бош бўлакли гаплар номинатив (атов) гаплардир.

1. Эгаси топиладиган гап

Эгаси топиладиган гапларда Эгаси кесим орқали бериладиган сўроқ билан топиш мумкин. Бундай гаплар шахси аниқ, шахси ноаниқ, шахси умумлашган гапларга бўлинади.

Шахси аниқ гап. Кесими, асосан, феъл билан, баъзан феълдан бошқа сўз билан ифодаланиб, ҳаракатни бажарувчи шахсни аниқ кўрсатиб турадиган бир бош бўлакли гап шахси аниқ гап дейилади.

Шахси аниқ гапларда эга Лесик жиҳатдан шаклланмайди ва унга ҳеч қандай еҳтиёж ҳам бўлмайди; кесим вазифасида келган сўз таркибидаги тусловчи аффикслар шахсни аниқ кўрсатиб туради.

Шахси аниқ гапнинг кесими қуйидагича ифодаланади:

1. Аниқлик (ижро) майлидаги феъл ва бошқа сўз туркумлари билан. Масалан: *Ерталабки пойездан қолмаслик учун шошилиб чиқиб кетаётган еди.* (Ў.Ҳошимов).

Шахси аниқ гап кесимининг аниқлик майлидаги феъл билан ифодаланиши қуйидагича:

а) ўтган замон феъл шакллари билан: *Улар билан ҳам муроса қилолмаган едингиз-ку ...* (П.Қодиров). *Абдукаримова ҳақида билмоқчи едим.* (Ф.Мусаёнов).

б) ҳозирги замон феъл шакллари билан: *Енди уларнинг хатосини тузатиши учун қанча машаққат чекамиз. (П.Қодиров). Гапимни тушунтиролмай қоламанми деб қўрқаяман. (Ж.Абдуллахонов).*

в) келаси замон феъл шакллари билан: *Ҳеч ким билан ҳеч қанақа рақобат қилмоқчимасман. (Ж.Абдуллоҳонов). Савиясини текширмоқчимисан? (Ф.Мусажонов).*

2. Буйруқ - истак майидаги феъл билан: - *Хатларни менга беринг! – деб қолди Толиб ака. (Ф.Мусажонов). Газета ишидан мисол келтииб гапирай. (Ф.Мусажонов).*

3. Шарт майидаги феъл билан:

Хулосангизга астойдил ишонсангиз, нимдан қўрқасиз? Тушунтирсангиз, тушунишади. (Ж.Абдуллахонов).

Шахси аниқ гапнинг кесими баъзан феълдан бошқа сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *Келишган, ўқимишлисиз, бунинг устига ёшсиз. (Ф.Мусажонов). Мулла Усмон, ... ҳаммасидан хабардорсиз. (П.Қодиров).*

Шахси аниқ гаплар бадий адабиётда, айниқса, диалогик нутқда кўп қўлланади.

Шахси ноаниқ гап. Кесими, одатда, феъл билан ифодаланиб, ҳаракатни бажарувчи шахси аниқ кўрсатиб турмайдиган бир бош бўлакли гап шахси ноаниқ гап дейилади.

Шахси ноаниқ гапнинг кесими учинчи шахсга қаратилган бўлса ҳам, бажарувчиси ноаниқ бўлади.

Шахси ноаниқ гапнинг кесими қуйидагича ифодаланади.

1. Аниқлик (ижро) майидаги феъл билан:

а) ўтган замон феъл шакллари билан: *Ахтарган топар, деб бежиз айтмаганлар. (Ж.Абдуллахонов). Худди шу куннинг ертасига кимдир уни қидириб юрганини айтдилар. (Ж.Абдуллахонов). Барибир тўй-ҳашамларда, гап-гаштакларда уни гоҳ Александр Сергеевич Пушкин. гоҳ Алишер Навоий ... деб чақирдишарди. (С.Аҳмад).*

б) ҳозирги замон феъли билан: *Ёнгоқни сув омбори дейишади. (Ж.Абдуллахонов). Меҳр кўзда деб бекор айтмайдилар. (Ф.Мусажонов).*

в) келаси замон феъли билан: *Уларни яраштиришига уринишмоқчилар. (П.Қодиров).*

2. Буйруқ-истак майидаги феъл билан: ... *майли, меҳнатимдан қирқсинлар. (А.Қаҳҳор).*

3. Шарт майидаги феъл билан: *Бир ойдан бери учовидан бирортасини кўрсатармикин деб кўзим тўрт бўлиб қарайман. Ҳечки кўрсатишимаса! Ўчиринглар-е, овози қулогимни тешиб юборди. (П.Қодиров).*

Шахси умумлашган гап. Кесими феъл билан ифодаланиб, умумга қаратилган бир бош бўлакли гап шахси умумлашган гап дейилади.

Бундай гапларда ҳаётий хулосалар, ҳаётий тажрибалар, умумий қоидалар, умумлашган мулоҳазалар ифода қилинади.

Шахси умумлашган гапнинг кесими кўпинча буйруқ-истак майлининг иккинчи шахс шакли билан ифодаланади.

Мақоллар кўпинча шахси умумлашган гап шаклида бўлади: *Билмаган ишига уринма, уриниб тузоққа илинма. (Мақол). Тулкининг тавбасидан қўрқ, мугамбирнинг - йигисидан. (Мақол). Каттани катта бил, кичикни –кичик! (Мақол). Тилингни ботир қилма, ўзингни ботир қил (Мақол).*

Шахси умумлашган гапнинг кесими баъзан буйруқ-истак майлининг биринчи шахс кўплик шакли орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *Хушмуомалали бўлайлик, бу гўзал сифат бахт-саодатнинг туганмас хазинаси еканини унутмайлик. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).* Қариликнинг юзимиздан кўра ақлимизда ажинлар ҳосил қилишдан еҳтиёт бўлайлик. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

Шахси умумлашган гапнинг бош бўлаги от кесим шаклида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан: *Каттага хизматда бўл, кичикка иззатда бўл. (Мақол). Салобатли бўлма, саботли бўл. (Мақол).*

2. Эгаси топилмайдиган гап

Кесими орқали ҳаракатни бажарувчи шахс (эга)ни топиш мумкин бўлмаган бир бош бўлакли гап **эгаси топилмайдиган** ёки **шахссиз гап** дейилади.

Бундай гапларда эгани киритиб ҳам бўлмайди, гапнинг кесими орқали аниқлаб ҳам бўлмайди.

Эгаси топилмайдиган гапнинг кесими кўпинча таркибли бўлиб, қуйидагича ифодаланиди:

1. *–(и)б* аффиксли равишдош ҳамда «бўлади»// «бўлмайди» сўзи билан: *Ел оғзига елак тутиб бўлмайди. (Мақол). Момақалди роқнинг гумбурига чидаб бўлмайди. (Ж.Абдуллахонов). – Нима энди, ҳақ гапни ҳам гаптириб бўлмайдимиз? - ... сўради у. (Ф.Мусаёнов).*

2. Шарт майлидаги феъл ҳамда «бўлади»// «бўлмайди» сўзи билан: *- Шу тор йўлдан Афғонистонга ўца бўлади. (К.Яшин).*

3. Ҳаракат номи ва «зарур», «мумкин», «шарт», «лозим», «даркор», «керак» сўзларидан бири билан: *Фазилат фарзанд кабидир. Уни авайлаб сақлаш ва янада баркамол етиши лозим. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»). Қўлда бўлган пул ва молни керакли жойларга сарф эта билиши, яхши идора қила олиши учун исрофдан сақланиши керак. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).*

4. «Яхши», «ёмон» сифатлари ҳамда «бўлади»// «бўлмайди» сўзи билан: *Шу шийпон битмай қолиб кеца, ел олдиди яхши бўлмайди. (П.Қодиров).*

5. Мажхул нисбати шаклидаги феъл билан: *Унга настдан икки юз еллик учта тош зинани босиб чиқилади. (К.Яшин).*

6. «Тўғ ри» сўзи ва «келмоқ» феълнинг тусланган шакли билан: *Машина кабинасидан чиқишига тўғ ри келди. (СҲ.Айтматов).*

3. Номинатив (атов) гап

Бош келишикдаги от ёки отлашган сўз билан ифодаланиб, предмет ёки воқеа-ҳодисаларнинг ҳозирги замонда ёки замондан ташқарида мавжудлигини тасдиқловчи бир бош бўлакли гап **номинатив, ёки атов** гап дейилади.

Номинатив гапларда фикрнинг нисбий тугаллиги, предикативлик оҳанг орқали ифодаланади. Оҳанг мазкур гапларда алоҳида аҳамият касб этади. Оҳанг туфайли оддий сўз гапга айланади. Номинатив гап, одатда, якка ҳолда қўлланмайди, ундан сўнг кўпинча бошқа бир гап келади.

Номинатив гапларда нутқ сўзланиб турган пайтда мавжуд бўлган предмет ёки воқеа-ҳодисалар номланади, кайд етилади. Бундай гаплар қуйидаги семантик хусусиятга эга:

1. Аниқ предметларнинг мавжудлигини тасдиқлайди: *Бир четдаги стол устида катта- кичик лимонларнинг суратлари. Бошқа столда микроскоп. Майда шишачаларда лимон сувлари, япроқ толқонлари, лимон поялари. (Ж.Абдуллахонов).*

2. Мавҳум предметларнинг мавжудлигини тасдиқлайди: *Авазларнинг ҳовлисида бошқа ўйлар, бошқа ташишлар. (П.Қодиров).*

3. Турли табиат ҳодисаларининг мавжудлигини тасдиқлайди: *Япроқлар... япроқлар! Қуёш шуъласида жилва уриб, чўғ дек товланиб турган олтинранг ва шафақранг япроқлар! Ҳазин ва заъфарон япроқлар! О, кўп латофат бор сизларда! (Ф.Мусаёнов). Ариқ бўйида гулсапсар, намозшомгул, райҳон, уч-тўрт туп атиргул, ярим бўйрача жойда елтиллаб ўсган ўсма. (Ойбек).*

4. Ўрин-жойнинг мавжудлигини тасдиқлайди: *Чўл! ... СҲўлнинг ҳам ўз гашти бор, завқи бор! (Ш. Холмирзаев). Таниш кўча. Йўл ёқасида ўша новча дарахтлар! (Ш. Холмирзаев).*

5. Аниқ пайтини тасдиқлайди: *Майнинг охирлари. Водийларда барвақт хазон бўлган лолақизгалдоқлар Туркистон тизма тоғининг етакларида энди очилган. (П.Қодиров). Хазонрезлик пайти. Хирот боғларига сув берадиган Ҳирийруд дарёси ва Инжил анҳорининг қирғ оқларига заъфарон япроқлар тўкилган. (П.Қодиров).*

6. Ҳаёт воқеаларини тасдиқлайди: *Ёқимли оҳанг, завқли қўшиқлар. Анорхон йўлидан тўхтаб тинглайди. (Ж.Абдуллахонов).*

7. Кўрсатишни ифода қилади: *Мана, ёш-ёш чинорлар! Барглари тўкилмабди. Шохларини қор босган. Ана, арчалар.* (Ш. Холмирзаев). *Ана, акаси билан янгаси турадиган иморат. Бу иморат Зебога яқин, азиз кўриниб кетди.* (Ш. Холмирзаев).

Номинатив гап йиғиқ ва ёйиқ бўлиши мумкин. Йиғиқ номинатив гап бош бўлакнинг ўзидан иборат бўлса, ёйиқ номинатив гап бош бўлақдан ташқари иккинчи даражали бўлақлардан ташкил топади. Масалан: *Кечқурун. Қуёш уфқни қип-қизил қондек ловиллатиб ботиб бормоқда.* (Ойбек). *Илиқ тун. Қумларнинг иштирлаши сув юзидан энгилгина сузган қайиқ сасийдай майин садони еслатади.* (Ж.Абдуллахонов).

4. Инфинитив гаплар

Бундай гаплар грамматик асоси ҳаракат номи билан ифодаланадиган, яқка сўз ёки сўз бирикмасидан иборат бўлган гаплардир: *Севиш!* *Бу қандай бахт!* *Бировни қутуш!* *Бундан азоб нарса бўлмаса керак!*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Содда гапларнинг таърифини айтинг.
2. Қўшма гапларнинг таърифини айтинг.
3. Содда гапларнинг грамматик асосга кўра турлари ҳақида гапиринг.
4. Икки бош бўлақли гапларнинг турлари ҳақида гапиринг.
5. Шахси маълум гап ҳақида гапиринг.
6. Шахси номаълум гап ҳақида гапиринг.
7. Шахси умумлашган гап ҳақида сўзланг.
8. Шахси топилмас гап ҳақида гапиринг.
9. Атов гаплар ҳақида гапиринг.
10. Сўз гаплар ҳақида гапиринг.
11. Тўлиқсиз гаплар таърифини айтинг.
12. Тўлиқсиз гапларнинг турлари ҳақида гапиринг.
13. Тўлиқсиз гапларда қандай бўлақлар туширилиши мумкин?

ГАП БЎЛАКЛАРИ

1-§. Гап бўлақлари ҳақида умумий маълумот

Гапда бирор сўроққа жавоб бўлган ва ўзаро тобе боғланган сўз ёки сўз бирикмаси **гап бўлаги** деб аталади. Гап бўлақларини белгилашда асосий хусусият улар орасидаги синтактик алоқадир. Сўзларга сўроқ бериш, уларнинг қайси туркумга мансублиги, гап ичида жойлашиш тартиби, қандай кўшимчалар олиши том маънода гап бўлақларининг турларини белгилашда асос бўла олмайди. Гап бўлақларининг тури одатда бир-бирига нисбатан аниқланади: эга кесимга нисбатан, аниқловчи аниқланмишга нисбатан, ҳол ҳолланмишга нисбатан, тўлдирувчи тўлдирилмишга нисбатан аниқланади. Нисбат берилувчи бўлақ бўлмас экан, у ёки бу гап бўлаги ҳақида гапириш мумкин эмас.

Гап бўлақларининг гап таркибидаги мавқеи бир хил эмас. Баъзи гап бўлақлари гап қурилишида марказий ўринни эгаллайди, бундай бўлақларсиз фикр англашилмайди. Айрим бўлақлар эса гап қурилишида асосий рол ўйнамайди, уларнинг иштирокисиз ҳам бош бўлақлар орқали фикр англашилаверади. Шунга кўра гап бўлақлари икки турга ажратилади:

- 1) бош бўлақлар;
- 2) иккинчи даражали бўлақлар.

Бош бўлақлар гапнинг грамматик асосини ташкил қилади. Фикр, асосан, гапнинг грамматик асоси орқали ифодаланади.

Иккинчи даражали бўлақлар гапнинг грамматик асосини ташкил қилмасдан, уни ҳажм жиҳатдан кенгайтиради ёки сўз бирикмасини шакллантириш учун хизмат қилади.

Иккинчи даражали бўлақлар бош бўлақлар билан ёки ўзаро тобе алоқада бўлиб, уларни изоҳлаш, аниқлаш, тўлдириш учун хизмат қилади.

Бош бўлақлар эга ва кесимдан иборат. Иккинчи даражали бўлақлар аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳолдир.

2-§. Гапнинг бош бўлақлари

1. Эга ва унинг ифодаланиши

Кесим орқали изоҳланадиган фикр предметни англатадиган, гапнинг бошқа бўлақларига тобе бўлмаган бош бўлақка эга дейилади.

Эга кенг маънода предмет тушунчасини билдириб, кесимдан англашилган предикатив белгининг кимга ёки нимага қарашлилигини кўрсатади.

Эга бош келишиқдаги бирликлар билан ифодаланиб, *ким? нима? қайер?* сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

Эга, одатда, якка сўз: от, олмош, ҳаракат номи, отлашган сўз (сифат, сон, олмош, сифатдош, равишдош, равиш, таклид сўз, ундов сўз, модал сўз) билан ифодаланади.

Эганинг от билан ифодаланиши. Бош келишиқдаги атоқли ёки турдош от кўпинча эга вазифасини бажаради: *Сирдарё ҳаммасини йиғиб олиб, роса кучга тўлади-да.* (П.Қ.).

Чор-атроф япроқларнинг мунгли шивир-шивирга тўлди. (Ў.Х.).

Эганинг олмош билан ифодаланиши. Эга бош келишиқ шаклидаги от ўрнида қўлланувчи олмошлар билан ифодаланади: *Улар қулимсираб аскияга қулоқ солишди* (П.Қ.) *Кимдир унга дарров бир коса овқат келтириб берди.* (Ў.Усмонов). *Ўзингиз жуда ақлли, узоқни кўрадиган одамсиз.* (С.Солийев).

Эганинг ҳаракат номи билан ифодаланиши. Эга ҳаракат номи билан ифодалана олади: *... ариқдан яан сувнинг шилдираши ешитила бошлади...* (П.Қ.). *Бошлиқ бўлиш осон, бошламоқ қийин.* (Мақол).

Эганинг отлашган сифат билан ифодаланиши. Сифатлар отлашиб, гапда эга бўлиб келиши мумкин: *Ботир топса, барча ер, бахил топса, босиб ер.* (Мақол). *Яхши яхшининг қадрига етар.* (Мақол).

Эганинг отлашган сон билан ифодаланиши. Сонлар ҳам отлашиб, эга вазифасида келади: *Иккови ҳам бир-бирига жуда ўхшаш...* (П.Қ.). *Тарбия ахлоқ ва оқилликка таянмоғи лозим. Биринчиси яхши фазилатни ўстирса, иккинчиси баъзиларнинг иллатидан ҳимоя қилади.* («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

Эганинг отлашган олмош билан ифодаланиши. Эга вазифасида сифат, сон ўрнида қўлланувчи отлашган олмош билан ҳам ифодаланади:

Бу, еҳтимол, она сути билан кирган гайришуурий бир туйғудир. (П.Қ.). *Одамлар учун худди манна шуниси керак еди.* (СҲ.Айтматов).

Эганинг отлашган сифатдош билан ифодаланиши. Бош келишиқдаги отлашган сифатдош эга вазифасини бажаради: *Ишлаган хор бўлмас* (Мақол). *Қимирлаган қир ошар* (Мақол). *Бирлашган дарё бўлар, тарқалган ирмоқ бўлар* (Мақол).

Эганинг отлашган равиш билан ифодаланиши. Равиш отлашганда, гапда эга бўлиб келиши мумкин: *Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши* (Мақол). *Ўқишининг ерта-кечи бўлмас* (Мақол).

Эганинг отлашган таклид сўз билан ифодаланиши. Таклид сўзлар отлашиб эга вазифасини бажаради: *Отнинг дукура-дукури релсларнинг туташган жойига урилайтган гилдирак товуши билан уйғунлашиб кетарди.* (СҲ.Айтматов). *Бу шовқинларни карнайнинг ват-вати босиб кетади.* (С.А.)

Эганинг отлашган ундов сўз билан ифодаланиши. Эга вазифасида отлашган ундов сўз келиши мумкин: *Йер қуррасида қадим-қадим замонлардан янграган мусиқий «қур-ей!» бундай кейин ҳам тинмайди.* (С.Нуров).

Эганинг отлашган модал сўз билан ифодаланиши. Отлашган модал сўз эса вазифасини бажариши мумкин: Бор сўйлайди, йўқ ўйлайди. (Мақол).

Эга баъзан фразеологик ибора билан ҳам ифодаланиши мумкин: *Бировнинг кўнглини кўтариш қийин, кўнглини чўктириш эса осон.*

Бундан ташқари, эга сўз бирикмаси ёки гапга тенг предикатив бирлик билан ифодаланади.

Эганинг сўз бирикмаси билан ифодаланиши. Эга вазифасида сўз бирикмаси кела олади: *Ҳақиқат ва тўғрилиқни севадиган одам доим виждони фармонига итоат қилади.* («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

Эганинг гапга тенг предикатив бирлик билан ифодаланиши. «Эга-кесим» муносабати акс етган предикатив бирлик эга вазифасида кела олади: *Билаги зўр бирни йиқитади, билими зўр – мингни* (Мақол).

2. Кесим ва унинг ифодаланиши

Эга англатган предметнинг предикатив белгисини ифодалайдиган, эга ҳақидаги ҳукмни билдирадиган бош бўлак кесим дейилади.

Кесим ўзида предикативликни акс еттирадиган, гапни грамматик жиҳатдан шакллантирадиган бош бўлак ҳисобланади.

Кесим ифода материалига кўра (қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра) икки турга ажратилади: 1) феъл кесим; 2) от кесим.

Феъл кесим. Турли феъл шакллари билан ифодаланадиган кесим феъл кесим деб юритилади: *Йўл четида заргалдоқлар сайрайди.* (П.Қ.). *Ўрик қийғ ос гуллуғанда, бирдан ҳаво совиб, лайлакқор ёғиб берди.* (П.Қ.).

Феъл кесим баъзан фразеологик ибора билан ҳам ифодаланади: *Тог этагида қишлоқнинг мирзатераклари елас-елас кўзга ташланади.* (П.Қ.).

От кесим. Феълдан бошқа сўз туркумлари (от, сифат, сон, олмош, равиш, ундов ва б.) билан, шунингдек, феълнинг ҳаракат номи шакли билан ифодаланадиган кесим от кесим дейилади.

Кесимнинг от билан ифодаланиши. От кесим вазифасида кўпинча бош келишиқдаги от, баъзан эса ўрин-пайт, чиқиш, жўналиш келишиқлардаги от ёки кўмакчи билан қўлланган от келиши мумкин: *Ёшнинг ҳурмати - қарз, қарининг ҳурмати – фарз.* (Мақол).

Сўз кўрки - мақол. (Мақол). *Ўша кунни Норбой ота далада еди.* (Пиримқул Қодиров). *Сафавийлар ҳам ўзимизнинг туркий улусдан.* (Пиримқул Қодиров)

От билан ифодаланган кесим нафақат бош келишиқ шаклида, баъзан жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиқлар шаклида бўлиши мумкин, ҳатто кўмакчи орқали шаклланган бўлиши мумкин. Масалан: *Илму ҳунар ерга эмас, елга.* (Мақол). *Ҳақиқат кучда эмас, куч ҳақиқатда.* (В.Катайев). *Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун.* (Мақол).

Кесимнинг сифат билан ифодаланиши: *Ўрмон ичи серсоя, салқин.* (П.Қодиров)
Унинг бўйи баланд еди. (П.Қодиров)

Кесимнинг сон билан ифодаланиши:
Беш карра беш-йигирма беш. Қайиқ каттагина, ешкаги тўртта еди. (П.Қодиров) *Сўзимиз, ваъдамиз, аҳдимиз битта, дўстликда яратган бахтимиз битта.* (Мақол).

Кесимнинг от билан ифодаланиши : *Енди навбат сизники.* (П.Қодиров)
Сен унинг кими бўласан? (СҲ.Айтматов) *Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун.* (Мақол)

Кесимнинг ҳаракат номи билан ифодаланиши: *Бир кўрган билиши, икки кўрган таниши.* (Мақол)

Кесимнинг равиш билан ифодаланиши: *Подшони куёв қилишга ҳавасмандлар кўп еди.* (П.Қодиров)

Кесимнинг модал сўз билан ифодаланиши: *Ой тунда керак, ақл кунда керак.* (Мақол)
Тенгдошлари ичида ундан тез чопадигани, чиллак отишда ундан устаси йўқ. (П.Қодиров)

Кесимнинг ундов сўз билан ифодаланиши:

Елларни қутқазган мардларга балли!

Мардларни еткизган юртларга балли!

(М.Шайхзода)

Кесим тузилишига кўра икки хил бўлади: Содда кесим ва таркибли кесим.

1) содда кесим якка бир асосли феъллар билан ифодаланган кесимлар ҳамда боғламасиз келган от кесимлардир. Содда кесим ифода материалига кўра икки хил: содда феъл кесим, содда от кесим.

а) содда феъл кесим тусланган феъл, равишдош, сифатдош билан ифодаланган кесимдир. Масалан: *От йиқилаётганда, Хумоюн оёқларини узангидан чиқариб эгардан қумга сакради.* (П.Қодиров) *Қалин қорлар ериб, ўтлар кўкариб қолди.* (СҲ.Айтматов)

б) содда от кесим феълдан бошқа сўз туркумлари: от, сифат, сон, олмош, равиш, ундов сўз, модал сўз, шунингдек, феълнинг ҳаракат номи билан ифодаланган кесимдир. Масалан: *Ёлгончи киши ҳар ким қошида беобрўдир.* («Оз-оз ўрганиб доно бўлур») *Кенг-кенг кўчалари бор-у, лекин маркази тиқилинч.* (П.Қодиров) *Сойда тош кўп, териб чиқараверасан.* (П.Қодиров)

2) таркибли кесим Икки ва ундан ортиқ сўз шаклларининг қўшиливидан ҳосил бўлган кесимдир. У доим йетакчи ва ёрдамчи қисмлардан ташкил топиб, йетакчи қисм асосий маънони, ёрдамчи қисм қўшимча маънони ифодалайди. Ифодаланишига кўра таркибли кесим ҳам икки хил: таркибли феъл кесим, таркибли от кесим бўлади.

а) таркибли феъл кесим феълнинг аналитик шакли билан ифодаланади. Бунда ўзининг лексик маъносини сақлаган феъл етакчи феъл, қолганлари эса кўмакчи феъл ёки тўлиқсиз бўлиб, етакчи феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган турли қўшимча маъноларни ифодалайди. Йетакчи феъл асосан равишдош шаклида бўлади. Масалан: *Бу юмишқ, мулоҳазали одамга ётоқдошларнинг меҳри ошиб қолган еди.* (А.Мухтор). *Ўрмон ичидан қушларнинг сайраши... ешитилиб туради.* (П.Қодиров).

б) таркибли от кесим феълдан бошқа сўз туркумларининг боғлама билан бирикишидан юзага келади. Бунда таркибли от кесимнинг от қисмини от, сифат, сон, олмош, равиш етакчи қисмини ташкил қилади, ёрдамчи қисмини эса боғлама вазифасидаги «бўлмоқ», «саналмоқ», «ҳисобланмоқ», «туюлмоқ» каби феъллар, шунингдек, «еди», «екан», «емиш» тўлиқсиз феъли ташкил этади.

Таркибли от кесимда асосий маъно етакчи қисм, от қисмида бўлади. Ёрдамчи қисм, боғлама эса қўшимча маънони, грамматик маънони: майл, замон, шахс-сон маъноларини ифодалайди.

Ўзбек тилида боғламани қўлланишига кўра икки турга ажратиш мумкин:

1. Сўз боғламалари: бўлмоқ, ҳисобланмоқ, саналмоқ, кўринмоқ, туюлмоқ, еди, екан кабилар.

2. Аффикс боғлама: -дир.

Аффикс боғлама содда от кесим таркибида қўлланиб, доимий синтактик замонни ифодалайди. Масалан:

Агар ёлғиз эсанг ҳамдам китобдир.

Билим субҳидаги нур ҳам китобдир. (Абдураҳмон Жомий)

Кўпинча мазкур боғланма қўлланмаслиги мумкин, нол шаклида ишлатилиши мумкин: *Ақлнинг ўлчови – идрок Ө.* (Мақол). *Доно дурдан аъло Ө.* (Мақол).

Сўз боғлама таркибли от кесимни шакллантиради ва турли майл, замон, шахс-сон маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан: *Ёмонга бош бўлгунча, яхишига йўлдош бўл.* (Мақол). *Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин.* (Мақол). *Ширбоз кўзининг тандир кабоби жуда яхиши бўлади-да.* (П.Қодиров). *Авазнинг акаси Ортиқ шу еди* (П.Қодиров).

Таркибли от кесим ҳаракат номи + керак, лозим, мумкин, шарт, даркор каби сўзлар шаклида ҳам келиши мумкин. Масалан: *Енди жиян паноҳ истаб борса, қаноти тагига олиши мумкин.* (П.Қодиров). *Бу ватанни ташлаб кетмоқчи бўлганларга қатъий зарба берилмоғи лозим.* (П.Қодиров).

3-§. Эга билан кесимнинг орасида тиренинг ишлатилиши

Йозувда баъзан кесим билан эга орасида тире ишлатилади. Бу қуйидаги ҳолатларда содир бўлади:

1. Кесим от, олмош, сон билан ифодаланиб, -дир аффикс боғламаси қўлланмаганда: *Меҳнат - ҳурматнинг тожи. (Мақол). Ташқаридаги гап – кир ўрадаги мағзава (Шухрат). Тўрт карра тўрт - ўн олти.*

2. Гапнинг эгаси ёки кесими, ё бўлмаса ҳам эгаси, ҳам кесими ҳаракат номи билан ифодаланиб, -дир боғламаси бўлмаганда: *Бекор юриши – иллатнинг онаси, гурбатнинг макони. («Тафаккур гулиани»). Ўқиш - улғайиш. (Мақол). Тилни билиш – дилни билиш (Мақол).*

3. Эга кўрсатиш олмоши билан ифодаланиб, кесим таркибида аффикс боғлама ишлатилмаганда: *Булар – кўм-кўк дов-дарахтлар. (К.Яшин).*

ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ

1-§. Аниқловчи

Предмет маъносини билдирувчи сўзни изоҳлайдиган ва унинг белгисини англатадиган иккинчи даражали бўлакка аниқловчи дейилади.

Аниқловчи предметнинг хусусиятини, қарашлилигини ва шу кабиларни ифодалайди. Аниқловчи лексик-семантик ва грамматик жиҳатдан уч хил бўлади: сифатловчи, қаратувчи, изоҳловчи.

1. Сифатловчи аниқловчи

Аниқловчининг бу тури от билан ифодаланган бўлакка одатда битишув йўли билан боғланиб, отдан англашилган предметнинг белги хусусиятини, сифатини, миқдорини, ўринга муносабатини билдирадиган аниқловчининг бир туридир. *У қандай?, қанақа?, қайси?, қанча?, неча?, нечанчи?, қачонги?, қаердаги?* сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

Сифатловчи боғланиб келган сўз **сифатланмиш** деб аталади.

Сифатловчи турли сўз туркумлари билан ифодаланади:

1) сифат билан: *Кўёшнинг иссиқ, тансиқ нурлари одамларга хуш ёқадиган бўлиб қолди. (Ў.Ҳошимов). Ранг-баранг гуллар, ҳар хил екинлар, боғлар, сувлар қўёшда яшнаб товланади (Ойбек). Яхши сўз, яхши муомала, ишқ-муҳаббат – инсонни инсонга, қалбни қалбга боғлайдиган сеҳрли ип. (Ш.Убайдуллаев).*

2) сон билан: *Иккита зогора нон билан тўртта туршакни дастурхонга қўйиб тамадди қилган бўлдим. (Ў.Ҳошимов). Биринчи қор ҳам шу тепалик бошига ёғади, биринчи майсалар ҳам Хирмонтепа бағ рида кўкаради. (Ў.Ҳошимов). Уч-тўртта йирик-йирик қора қушлар ниманидир мўлжалга олиб шошилмай айланишади. (П.Қодиров).*

3) олмош билан: *Аллақайси денгиз қушларининг одати қизиқ экан. (Ў.Усмонов) Ҳар бир қийинчиликдан сўнг бир роҳат бор. (Мақол).*

4) от билан: *Асфалт кўчанинг у ер бу ерида сув халқоб бўлиб ётарди. (Ў.Ҳошимов). Кумуш сўзингни чақага майда қилма. (Мақол).*

-даги аффиксини олган отлар ҳам сифатловчи вазифасини бажаради. Масалан: *Уйдаги ҳар битта буюм Маъсудани есимга солади. (П.Қ.). Тошкентлик ёш олим... атрофдаги чўпонларни тўплаб, зиёфат қилиб бермоқда... еди. (П.Қ.).*

5) сифатдош билан: *Унда дам оладиган ва ё тунаб қоладиган манзил йўқ. (К.Яшин). Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт. (Мақол).*

6) равиш билан: *Кўп бефойда нарсаларни ўрганганиндан кўра сенга доимо хизмат қиладиган беш-ўнта яхши ўғитни билганинг маъқулроқ. (Сенека).*

7) тақлид сўз билан: *Ғир-ғир майин баҳор шамоли. (Ойбек). Бир гала ўрдак канал бўйига тушиди. Буларнинг гақ-гуқ овози анча вақтгача босилмади. (С.Аҳмад).*

Сифатловчи баъзан сўз бирикмаси билан ҳам ифодаланади. Масалан: *Қарама-қарши турган икки ешикнинг бирини шахт билан очди... (П.Қодиров). Дунёда хушфееъл, олижаноб, ҳаммиша езгу ният билан иш қиладиган одамлар жуда кўп (О.Ҳусанов).*

Сифатловчи вазифасини гапга тенг предикатив бирликлар ҳам бажариши мумкин: *Ҳиммати зўр кишининг қиммати зўрдир. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»). Ярми назокатдан ва*

ярми садоқатдан иборат бўлган шижоат ва матонат гўзал фазилатнинг асосидир. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

2. Қаратқич аниқловчи

Бу аниқловчи от ёки отлашган сўз билан ифодаланган бўлакка мувофиқлашув йўли билан боғланиб, ўзи ифодалаётган шахс ё предметга бошқа бир шах сёки предметнинг қарашли, тегишли эканини билдирувчи аниқловчининг бир туридир. У кимнинг? ниманинг? қаернинг? сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

Қаратувчи боғланиб келган сўз **қаралмиш** деб юритилади.

Қаратувчи қуйидагича ифодаланади:

1) от ёки от ўрнида қўлланадиган олмош билан: *Тип-тиниқ фазонинг бир бурчида турналар карвони кўринди. Зум ўтмай уларнинг ўйчан садолари ҳавони тўлдирди...* (Ў.Ҳошимов).

2) ҳаракат номи билан: *У билан учрашишининг минг хил йўлини излади.* (С.Аҳмад). *Овора бўлмоқнинг нима зарурати бор?* (А.Қодирий).

3) отлашган сифат билан: *Номардга иши тушмаган марднинг қадрини билмас.* (Мақол). *Текиннинг миннати кўп, меҳнатнинг зийнати кўп.* (Мақол). *Қўрқоқнинг кўзи катта, ахмоқнинг сўзи катта.* (Мақол).

4) отлашган сон билан: Ўннинг ярми – беш.

5) отлашган олмош билан (сифат, сон ўрнида қўлланадиган отлашган олмош билан): *Бунинг сабаби кўп.* (П.Қодиров).

6) отлашган сифатдош билан: *Ўқиганнинг тили кўп узун бўлади.* (Мақол).

7) отлашган равиш билан: *Ертанинг бугуни бор, бугуннинг ертаси бор.* (Мақол).

Қаратувчи баъзи ҳолларда сўз бирикмаси билан ифодаланиши мумкин. Масалан: ... *ким бўлса ҳам беклардан бирининг шундай тинчсизлик чиқаришига «мумкин ва бўладирган иш» деб қарар еди.* (А.Қодирий). *Чўққида яшашнинг таърифи улуг , чўққидан олам кенг, чўққида - ёруғ !!!* (Шухрат).

Қаратувчи гапга тенг предикатив бирлик билан ҳам ифодаланади. Масалан: *Уйда роҳати йўқнинг кўчада фароғати йўқ.* (Мақол). *Дили қинғирнинг тили қинғир.* (Мақол). *Қизи борнинг нози бор.* (Мақол).

Қаратувчи икки хил шаклда бўлиши мумкин: белгили ва белгисиз. Аниқловчи қаратқич келишиги аффиксини олган бўлса, белгили бўлади. Масалан: *Ҳар нарсанинг далили бор: ақлнинг далили – фикр, фикрнинг далили сукутдир.* («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

Аниқловчи қаратқич келишиги аффиксини олмаган бўлса, белгисиз саналади. Масалан: *Хулласи, икала қалъа аҳли бир-бири билан аҳил, бир онанинг боласидек яшар экан.* (С.Аҳмад). *Машина Ҳазрат Ботир бурулишига келганда, Толибжон кабина томини тапиллатиб урди.* (С.Аҳмад).

3. Изоҳловчи

Бу бўлак аниқловчининг бир тури сифатида ўзи алоқадор бўлган сўзга битишув йўли билан боғланиб, уни бошқача ном бериш йўли билан аниқлаб, изоҳлаб келади.

Изоҳловчи боғланиб келган сўз **изоҳланмиш** деб қаралади.

Изоҳловчи, асосан, от билан ифодаланиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

1) унвонни: *Орқадаги «Чайка»дан генерал Луқмонов тушди.* (С.Аҳмад). *Рўпара келган бир аёлдан: «Профессор Жабборов қайерда ўтиради?»- деб сўради.* (Ў.Усмонов).

2) амални: *Қишлоқ хўжалик бўлимининг мудури Зокир Қўшимоқов қотмадан келган, жиккаккина йигит бўлиб, ҳаракатчан йигит еди.* (Ў.Усмонов). *Кўринишидан кўрс одамга ўхшаб кетадиган бўлим мудури Ўсар Қурбонович кириб келди.* (Й.Яквалхўжаев).

3) касбни, мутахассисликни: *Рафиқов идорада туролмайди, чунки идорада ҳисобчи Умар Алидан бошқа ҳеч ким йўқ.* (А.Қодирий). *Адабиёт ўқитувчиси Ямин афанди бир даста иншолар ёзилган дафтарлар устига битта китоб қўйиб, кириб келармиш* (Й.Яквалхўжаев). *У рассом Ўрол Тансиқбоев асарларининг нушасини журналлардан қирқиб олиб сақларди.* (С.Аҳмад).

4) қариндошлиқни: *Номимни дадам эмас, бобом Аҳмадбек ҳожиди қўйган эканлар. (Й.Яқвалхўжайев). Ҳожар холам ҳам қозон нонни ёпадилар-ку. (П.Қодиров). Салтанатнинг укаси Мирвосил армиядан таътилга келгани, шунда қариндош-уруғларининг бари ийзилганини хабарлашди. (Ў.Усмонов).*

5) лақабни: *Маҳамат чатоқ кейинги фикрларини бир сафга жамлаётгандай тагин бир оз жим қолди. (Ў.Усмонов). Ислом Новча кетмонини қўлига олиб, ҳаммадан ярим газ юқори турган қадди билан ғ ўзининг устига келади. (А.Қодиров). Далавой кал даданни танирди, ўшандан сўрадим. (С.Аҳмад).*

6) тахаллусни: *Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек - таниқли ўзбек ёзувчиси.*

7) жинсни: *Наҳот қиз бола ўз отасини шунчалик менсимаса? (О.Йоқубов). Мактаб ёнидаги икки хонали уйчада ўқитувчи қиз СХўллоной истиқомат қилади. (П.Қодиров).*

8) яқинлиқни: *Яна дўстим Мамажон Али жонимга оро кирди. (Й.Яқвалхўжайев). Малоҳатхон дугонаси Ҳамида билан Ақромни хазил-мутойибалар билан кузатиб қўйишар еди. (О.Йоқубов).*

Изоҳловчи баъзан сўз бирикмаси билан ҳам ифода етилади. Масалан: *Айниқса, ёш олим Азиз Қосимовнинг хизматлари салмоқли бўлди. (Ў.Усмонов). Хонага кичкина сандиқча қўтариб, асаб доктори Шамсиқамар кириб келди. (Й.Яқвалхўжайев). Бу маъруза институтнинг бош архитектори Зафар Бобоевнинг бир лойиҳаси тўғ рисида еди. (О.Й.)*

Изоҳловчи изоҳланмишдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам келиши мумкин: *Сўнг бошқарма бошлиғи Фиёсиддиновни еслади. (П.Қодиров). У дадаси билан мендан ташқари, Оқсоқолга, Холлош холасига, Потма-Зухра келинойиларига салом айтибди. (Ў.Ҳошимов).*

2-§. Тўлдирувчи

Кўпинча феъл билан ифодаланган, баъзан феълдан бошқа айрим сўзлар билан ифодаланган бўлакка бошқарув йўли билан боғланиб, унинг маъносини тўлдириб келадиган иккинчи даражали бўлак тўлдирувчи дейилади.

Тўлдирувчи бошқарувчи сўзнинг талабига кўра келиши аффикслари (қаратқич келишигидан ташқари) ёки кўмакчилар орқали шаклланади. Масалан: *Ақл ва идрок куёшга ўхшайди, улар доғларни бекитади. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).* Тўғ рилик билан хиёнат, ёлғ ончилик билан диёнат чиқиша олмайди. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

Тўлдирувчи ўзи боғланиб келган сўз билан (феъл, сифат, равиш, от, модал сўз билан) «тўлдирувчи-тўлдирилмиш» синтактик муносабатни юзага келтиради.

Тўлдирувчи ифода материалига кўра эгага ҳамда қаратувчига ўхшайди, фақат грамматик шакл жиҳатдан улардан фарқ қилади.

Тўлдирувчи қуйидагича ифодаланади:

1. От билан: *Нодон киши ўзининг насл-насабига, олим киши эса ўзининг илм ва адабига таянади. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).* Ой тўлмаган бўлмаса ҳам, жуда ёруғ , шабадада силкинаётган терак барглари битта-битта санаб чиқиш мумкин. (П.Қодиров).

2. Олмош билан: *Шаҳарликлар... ўзларини тоғ да яшаётгандай ҳис қилишадими? (Ш.Холмирзаев). Ўғил ҳам отага шунчалик ўргандики, у билан бирга ётадиган бўлди. (Ш.Холмирзаев).*

3. Ҳаракат номи билан: *Халқнинг ҳурмат қилишини тиласангиз, аввал ўзингиз ҳаммани ҳурмат қилинг. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).* Олим киши... макташлар ва олқишларга учиб, ўзини юқори тутмайди, камтар бўлади («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»). Ерали мактовларни ешитиб ериб кетган экан... (С.Аҳмад).

4. Отлашган сифат билан: *ЙОмондан қоч, яхшига қулоч оч. (Мақол). Азиз ўғлим, ёмонлар билан суҳбатдош бўлма, улардан арслондан қочгандай қоч, ҳаммага раҳм ва шафқат кўзи билан қара. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).* Ботирдан яхши иш қолар, донодан – яхши сўз. (Мақол).

5. Отлашган сон билан: *СХиқмаса... биттасини менга бер, бир-икки ой боқай... (П.Қодиров). Икковга биров ботолмас, отлиққа яёв етолмас. (Мақол).*

6. Отлашган олмош билан: Манманлик ярамас одат еканини анланг, ҳамиша буни ёдингизда тутинг. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»). Катами, кичикми - ҳар қайсисини ҳурматлаб, ёши ва мартабасига кўра муомала қилинг. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

7. Отлашган сифатдош билан: Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер. (Мақол).

8. Отлашган равиш билан: Кўкка боқма, кўпга боқ. (Мақол). Кўпни билган оз сўзлар, оз бўлса ҳам соз сўзлар. (Мақол).

9. Отлашган тақлид сўз билан: Тўғ ри, студентлар аллақачон пахтадан қайтиб, ёмғирдан ивиган парклар яна ошиқ-маъшукларнинг шивир-шивирига тўлди. (Ў.Ҳошимов).

Тўлдирувчи сўз бирикмаси билан ифодаланади. Масалан: Ўзингдан кичикларни камситманг. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»). Улар бош силкиб, шундоқ мухтарам одам билан танишганларидан миннатдор эканликларини изҳор қилишди (Ў.Ҳошимов).

Тўлдирувчи гапга тенг предикатив бирлик билан ҳам ифодаланиши мумкин: Ёши улуғ ни улуғласа, бахт топар. (Мақол).

1. Воситасиз тўлдирувчи

Тўлдирувчи ўз вазифаси ва шаклига кўра икки турга ажратилади: воситасиз тўлдирувчи ва воситали тўлдирувчи.

Воситасиз тўлдирувчи ҳаракатни ўзига қабул қилган, ҳаракат ўзига бевосита ўтган предметни билдиради. Шу боис у одатда ўтимли феъл билан ифодаланган бўлакка боғланади.

Воситасиз тўлдирувчи кўпинча тушум келишигидаги бирликлар билан ифодаланиб, кимни? нимани? қаерни? каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади: Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра. (Мақол). Ақлни беақлдан ўрган. (Мақол). У ҳамма кишлоқларни ўзи айланиб чиқди. (П.Қодиров).

Воситасиз тўлдирувчи баъзан чиқиш келишигидаги сўз билан ҳам ифодаланади: Темиржон куймоқдан кўп емади. (Ж.Абдуллахонов).

Воситасиз тўлдирувчи тушум келишиги шаклидаги сўз билан ифоданганда, ҳаракат бутунлай предметга ўтади, чиқиш келишигидаги сўз билан ифодаланганда эса, ҳаракат қисман предметга ўтганлиги англашилади.

Воситасиз тўлдирувчи икки хил шаклда: белгили ва белгисиз шаклда ишлатилади. Белгили воситасиз тўлдирувчи таркибида тушум келишиги –ни аффикси сақланади: Бор борини ейди, уяқиз орини ейди. (Мақол). Одамни пўстин эмас, иш қиздиради. (Мақол). Белгисиз воситасиз тўлдирувчида –ни кўшимчаси қатнашмайди, лекин уни тиклаш мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бундай воситасиз тўлдирувчи белгисиз тушум келишиги шаклидаги сўз билан ифодаланади: Нон емоқчи бўлсанг, ўтин ташишдан еринма (Мақол). Текин бойлик ахтаргунча, ўзингга боп хунар топ (Мақол).

2. Воситали тўлдирувчи

Воситали тўлдирувчи бош, қаратқич, тушум келишикларидан бошқа келишикдаги бирликлар билан ҳамда кўмакчили ишлатилган бирликлар билан ифодаланади. Воситали тўлдирувчиларнинг маънолари ва сўроқлари турличадир. Мазкур тўлдирувчиларни жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари аффикслари ҳамда «билан», «учун», «тўғ рисида», «ҳақида» каби кўмакчилар шакллантириб, улар кимга? нимага? кимда? нимада? кимдан? нимадан? ким билан? нима билан? ким учун? ким тўғ рисида? нима хусусида? каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Масалан: инсон билимга интилади ва қачонки унда билимга ташналик сўнса, у инсонийликдан маҳрум бўлади. («Тафаккур гулшани»). Дўстинг билан сирдош бўл (Мақол). Минерал туз, бош мия учун зарур бўлган ефир мойи аксар ёнғ оқнинг мағзидан олинади. (Ж.Абдуллахонов). Ғ ойиб енди «студентликнинг олтин даври» ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя бошлади. (Ж.Абдуллахонов). Манна енди унинг яхши хислатлари тўғ рисида гап кетяпти. (Ж.Абдуллахонов).

Воситали тўлдирувчи кўпинча феъл билан ифодаланган бўлакларга, баъзан эса сифат, равиш, от, модал сўз билан ифодаланган бўлакларга ҳам боғланиб келади. Масалан: Бу – профессор Жамоловнинг сахийлиги, ёшларга меҳр-муҳаббатининг меваси, албатта. (Ж.Абдуллахонов). Темиржон гамма нурларини ҳаёт учун фақат офат манбаи деб биларди.

(Ж.Абдуллахонов). Темиржон унинг бу уйда хизмат қилишидан беҳабар еди. (Ж.Абдуллахонов). Унинг ташқи кўриниши сокин туюлса-да, ички дунёси олам-олам орзуларга бой... (Ж.Абдуллахонов).

3-§. Ҳол

Одатда феъл билан ифодаланган бўлакка битишув ёки бошқарув йўли билан боғланиб, ундан англашилган иш-ҳаракатнинг белгисини билдирадиган иккинчи даражали бўлакка ҳол дейилади. Ҳол иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, унинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ўрин, пайт, сабаб, мақсад, миқдор-даража кабиларни билдиради. Ҳол равиш, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари шаклларидаги от ёки кўмакчили ишлатилган сўзлар, сифат, сон, феъл шакллари, тақлид сўз ҳамда сўз бирикмаси орқали ифодаланади.

Равиш, асосан, ҳол вазифасини бажарувчи мустақил сўз туркумидир. Масалан: Фақат идора яқинидаги МТС томонидан якка тракторнинг ўқтин-ўқтин гуриллагани ешитилди. (Ў.Ҳошимов). Аста эса бошлаган шамол туманни пастликларга олиб кетди. (Ж.Абдуллахонов).

Гапда ҳол бўлиб келиш феълнинг равишдош шаклининг ҳам асосий вазифаларидандир. Масалан: Томчиларнинг деразага чирсиллаб урилиши аниқ ешитила бошлади. (Ў.Ҳошимов). Ерали бу гапларни чойхонада одам гавжум пайтида мактана-мактана айтиб берди. (С.Аҳмад).

От жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигида келиб ёки кўмакчи билан бирга ишлатилиб ҳол вазифасини бажариши мумкин: Тошкентга бугун мамлакатдан катта геолог олимлар келишган. (С.Кароматов). Машина шиддат билан қалтис тоғ йўлидан учиб кетди. (Ў.Ҳошимов).

Ҳаракат номи гапда ҳол бўлиб келганда, у ҳам от каби шаклланади: Меҳмонларни кутиш учун бокқа дастурхон тайёрлатиб қўйишган еди. (С.Аҳмад).

Тақлид сўз ҳам гапда ҳол вазифасида кела олади: Тошлар ҳавони ғиз-ғиз ёриб ўтади. (Ойбек). Кўчадан дупур-дупур ўйноқлаб бир гала отлар ўтади. (Ж.Абдуллахонов).

Баъзан ҳол сўз бирикмаси билан ифодаланади: Тонг отар пайти булбуллар пайдар-пай сайрайди. (С.Аҳмад). Ақлни ўстирмақ учун ҳадеб ўқийвермасдан кўпроқ фикрлаш керак. («Тафаккур гулшани»).

Ҳол ўзи боғланиб келган сўз билан «ҳол-ҳолланмиш» синтактик муносабатини юзага келтиради.

Ҳоллар маъноларига кўра бир неча турга бўлинади.

Равиш ҳоли иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилганлигини билдириб, қандай? қандай қилиб? қай тарзда? қай ҳолда? деган сўроқларнинг бирига жавоб бўлади.

У қуйидагича ифодаланади:

1. Ҳолат равиши билан: Қиз унга пианино чалиб берар, унда музикага меҳр уйғ отиш иштиёки бордай кўринади. (Ж.Абдуллахонов). Саҳнада ҳозир бирон янгилик юз бериши керакдай, ҳамма нафасини ичига ютиб, жимгина тикилиб қолди. Бирдан қарсак чала бошладилар. (Ж.Абдуллахонов).

2. Равишдош билан: Тўрғайлар бир нуқта устида қанот қоқиб ғужурлашади. (П.Қодиров). Темиржон уларнинг куйиб-пишиб бир-бирларига гап уқтиришларини кўриб, ўқитувчиларнинг муваффақиятидан қанчалик фахрланишларини ҳис қила бошлади. (Ж.Абдуллахонов). Қиқирлаб кулганича қочиб бораётган қизнинг ортидан жилмайиб қараб турди. (Ж.Абдуллахонов). Она яна ўйлай-ўйлай ўйига етолмай қолди. (Ж.Абдуллахонов).

3. Сифатдош+ «ҳолда» кўмакчи сўзи билан: Бу пайт Йўлдузнинг дугоналари ўзаро баҳслашган ҳолда яқинлаша бошладилар. (Ж.Абдуллахонов).

4. Бош келишиқдаги от ёки кўмакчили ишлатилган от билан: У қатор ўсган чинорлар қавагидан биттадан еттита хум олиб уларга берибди. (С.Аҳмад). Турмушнинг яхши ўтиб, фаровонлик билан яшашни истасанг, исрофгарчиликка йўл қўйма. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

5. Сифат билан: Қийшиқ ўтирсанг ҳам, тўғ ри гапир. (Мақол). Албатта, мендан кўра пахта ишининг усталари яхшироқ билишади. (Ж.Абдуллахонов).

6. Тақлид сўз билан: Уфққа ёнбошлаган қуёшнинг сўнгги нурларидан ялтираган мирзатераклар учудаги нурлар лип-лип ўчди. (Ж.Абдуллахонов). Баъзилар нэгадир хириг-хириг кулишар, пичир-пичир сўз қотишарди. (Ж.Абдуллахонов).

7. Фразеологик ибора билан: У тарвузи қўлтиғидан тушиб кўчага чикди. (Ф.Мусаҷонов).

Пайт ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини, унинг чэгарасини билдириб, қачон? қачонгача? қачондан бери? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

Пайт ҳоли пайт равиши, равишдош, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги сўзлар билан, кўмакчили ишлатилган сўзлар билан, сўз бирикмаси билан ифодаланади. Масалан: Томоша қилиб турганлар доим уни кулги қилишарди. (П.Қодиров). Ерталаб болалар учун олган сувларидан озгина қолган еди. (П.Қодиров). Ҳеч қачон ўз айбингни бировга юклашни ўрганма!.. (Ж.Абдуллахонов). ЙОшлигингда одат қилсанг, қаригунча кўникасан, қариганинга одат қилсанг, кўниккунча кўмиласан. (Мақол). Ўттизида ер атанган, қирқида Шер атанар. (Мақол). Куни билан жиянларини еркалатиб, сой бўйларида айланди. (Ж.Абдуллахонов). Биз дам олиш куни шаҳардан ташқарига, Бўзсув бўйига чикдик. (О.ЙОқубов).

Пайт ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради: Шундай диққат бўлган кунларнинг бирида Толибжон кечаси хонтахтага бағ рини бериб... хат ёзди. (С.Аҳмад). Темиржоннинг онги ҳеч қачон бунчалик янгиликлар билан боймаган еди. (Ж.Абдуллахонов).

Пайт ҳоли ҳаракатнинг бажарилишидаги чэгарани билдиради: Янги йилгача ёгингарчилик кам бўлди... (Ж.Абдуллахонов). Ерталабдан то қоронғи тушгунга қадар барча қатори дала қошидан нари кетмасди. (Ж.Абдуллахонов). Темиржон алламаҳалгача уйқуси қочиб, Усмонали отанинг Ҳилол ака ҳақидаги гапларини еслаб ётди. (Ж.Абдуллахонов). Мен йигирма беш йилдан бери пахта екаман. (Ж.Абдуллахонов).

Ўрин ҳоли иш-ҳаракатнинг бўлиш, бошланиш, йўналиш ўрнини билдириб, қаерда? қаердан? қаерга? қаергача? каби сўроқларнинг бирига жавоб бўлади.

Ўрин ҳоли ўрин равиши, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги отлар ҳамда кўмакчили ишлатилган отлар, сўз бирикмаси билан ифодаланади. Масалан: Унда юқоридан шитоб билан куйилиб келаётган тиниқ сув тошларга урилиб, қирғ оққа сапчиб оқарди. (С.Аҳмад). Афсус, оёқлар остида тузоқлар кўп. (Т.Малик). Осмони фалакка бургут канотини таранг ёзиб учади. (С.Аҳмад).

Ўрин ҳоли маъносига кўра уч хил:

1. Иш-ҳаракатнинг бўлиш ўрнини билдириб, қаерда? сўроғига жавоб бўлади. У ўрин равиши, ўрин-пайт келишигидаги сўзлар ҳамда кўмакчили ишлатилган сўзлар билан ифодаланади: Бостирмада ғилдираклари олинган... «Волга» машинаси турибди. (П.Қодиров). ЙУқорида ... бола шатирлашни ешитган заҳоти бу томонга қараб чопган еди. (П.Қодиров). Улар юқоридан шилдираб тушаётган сув бўйида арча билан айқашиб ўсган зирк тагида ўтириб овқатланишади. (П.Қодиров).

2. Иш-ҳаракатнинг йўналиш ўрнини ёки ҳаракатнинг бўлишидаги енг сўнгги чэгарани билдириб, қаерга? қаергача? сўроғидан бирига жавоб бўлади: У Толибжонга рўпара келишдан кўркиб, сўқмоқдан ўнгга бурилди... (С.Аҳмад). Ишқомлар туннел сингари бир текис олис-олисларга чўзилган. (Ж.Абдуллахонов). Кўрғ ошиндек қора булутлар Ойқор тоғлари томон ўтиб кетди. (С.Аҳмад). – Келиб туриг, холла,- ешиккача кузатиб кўймоқчи бўлди Қундуз. (Ж.Абдуллахонов).

3. Иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрнини ифодалаб, қаердан? сўроғига жавоб бўлади: Министрликдан телефон қилишарди. (Ж.Абдуллахонов). Аммо қаёқдандир хошия тортиб келаётган қора булут унинг юзини шолдай бир нафас ўраб турди... (Ж.Абдуллахонов). Темиржон ҳалигина кутубхонадан олиб келиб, диванга бетартиб сочиб кўйган китобларига қаради. (Ж.Абдуллахонов).

Сабаб ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини англашиб, нимага? нима учун? нима сабабдан? каби сўроқларнинг бирига жавоб бўлади.

Сабаб ҳолини кўпинча «учун», «сабали», «туфайли», «боис» каби кўмакчилари ёки чиқиш келишиги –дан аффикси шакллантиради.

Сабаб ҳоли равиш, от, олмош, сифатдош, сўз бирикмаси билан ифодаланади. Масалан: У тортинчоқлиги, паришонҳоллиги туфайли айримларга ғалатироқ кўринаётганини ҳам сеза бошлади. (Ж.Абдуллахонов). Самолёт ёмғирдан қорайиб ётган бетон йўлқадан шиддат билан югургилаб борди. (Ў.Ҳошимов). Муваффақиятликлардан ранжишлар йўллариға ғ ов бўлмас. (Ж.Абдуллахонов). Нэгадир бирдан зилдек бўлиб кетган кўлини аранг кўтариб, кўнғироқ тугмасини борди. (Ф.Мусажонов). Ҳозиргина савдоси яхши бўлганидан Азизбекнинг кўнгли вайрон бўлди. (С.Аҳмад).

Мақсад ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги мақсадни англантиб, нима учун? нимага? нима мақсадда? деган сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

Мақсад ҳолини кўпинча «учун», «мақсадида», «ниятида» ёрдамчи сўзлари, шунингдек жўналиш келишиги –га аффикси шакллантиради.

Мақсад ҳоли равиш, равишдош, от, фразеологик ибора, ҳаракат номи, сўз бирикмаси билан ифодаланиши мумкин. Масалан: Қадамимни атайлаб дадил-дадил босаман. (П.Қодиров). Улар балиқларни томоша қилгани пастга тушишди. (С.Аҳмад). ... Вотти кеннойи андак кўнглини ёзиб кетиш учун келган кўринади. (Ж.Абдуллахонов).

Микдор-даража ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилишини микдор жиҳатдан белгилаб, қанча? неча марта? қанчалаб? каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

Микдор-даража ҳоли кўпинча микдор-даража равишлари билан ифодаланади: Гапни оз сўзла, ишни кўп кўзла. (Мақол). Додамат аканинг қотма ва абжир гавдасига мос қорамағиз башараси Аҳмадга борган сари кўпроқ ёқарди. (Ф.Мусажонов). Булар душман позициясига мумкин қадар яқинроқ бориб, бирон қулай жойда соатлаб... пойлаб етишади. (А.Қаҳҳор). Елкасига чарм халта осган йигит таржимон билан хийла тортишиб қолди. (Ж.Абдуллахонов).

Микдор-даража ҳоли сон билан ифодаланади. Бунда сон якка ўзи ёки «марта», «карра» сўзлари билан келиб микдор-даража ҳоли вазифасини бажаради: Етти ўлчаб, бир кес. (Мақол). Ана шунақа, азизлар, фан яна бир карра ғалаба қозонди. (Ж.Абдуллахонов). Ортиқ ҳам айиқ овини бир марта кўрган. (П.Қодиров).

Сўз бирикмаси ҳам микдор-даража ҳоли вазифасини бажариши мумкин. Масалан: Меҳмонлар яна бир неча мuddат теплицани айланишди. (Ж.Абдуллахонов).

4-§. Гап бўлақларининг жойлашиш тартиби

Ўзбек тилида гап бўлақларининг тартиби, асосан, еркин. Уларнинг ўрнини алмаштириш одатда грамматик ҳолатни ўзгартирмайди. Масалан: Оппоқ булутлар қишлоқ устидан шошилмай, тоққа қараб ўтиб кетади. (С.Аҳмад). - Қишлоқ устидан оппоқ булутлар шошилмай ўтиб кетади тоққа қараб. - Ўтиб кетади шошилмай тоққа қараб оппоқ булутлар қишлоқ устидан. – Шошилмай ўтиб кетади қишлоқ устидан тоққа қараб оппоқ булутлар. Мазкур гапларда гап бўлақларининг ўринларини алмаштириш грамматик ҳолатни ўзгартирмаган, аммо гап мазмунига маълум даражада таъсир етган, нэгаки ҳар гал бошқа-бошқа гап бўлақларига одатдагидан кўпроқ аҳамият берилган. Лекин, шунга қарамай, гап бўлақлари маълум бир норматив тартибда жойлашиш хусусиятига эга.

Ўзбек тилида эга, одатда, гап бошида, кесим гапнинг охирида келади. Иккинчи даражали бўлақлар эса эга ва кесим орасида жойлашади. Бундай тартиб, асосан, дарак гапларда бўлиб, у тўғ ри ёки норматив тартиб дейилади.

Ҳар бир гап бўлагига нисбатан тартиб қуйидагича бўлади:

И. Эга, одатда, гап бошида келади: Кишилар миришкор раисни қарсақлар билан олқишладилар. (ЙО.Шукуров).

Ёйиқ гапларда эга баъзан кесим олдида ҳам келиши мумкин: Унинг йигирматага яқин қўй-ечкиси борлигини кўп одам билар еди. (П.Қодиров).

Баъзан эга гапнинг охирида ҳам келади: Ғ ўза умрига завол-ку у. (Ж.Абдуллахонов).

ИИ. Кесим одатда гапнинг охирида келади: Боғ да етти-саккиз туп мевали дарахт, икки чинор, икки туп мирзатерак ўсган еди. (Ж.Абдуллахонов).

Шеърийта, ишорларда кесим гапнинг бошида ҳам келади:

Интилар борлиқни инсон

Баркамол етмоқ учун.

Не ажаб, инсонни борлик

Баркамол етган эмас.

(Е.Воҳидов.)

ИИИ. Воситасиз тўлдирувчи одатда феъл кесим олдида келади. Масалан: Машина шамоли брезентнинг учини ҳилпиратиб, чакмоннинг етакларини тортқилайди. (П.Қодиров).

Баъзан воситасиз тўлдирувчи гапнинг бошида келади: ЙОмонлик ўтини фақат яхшилик ўчиради. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

Воситали тўлдирувчи ҳам кўпинча кесимдан олдин келади: Ҳайрли ва сабабли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди. (Ҳадис намуналари).

ИВ. Ҳол ҳам асосан кесимдан келади:

1. Пайт ҳоли, одатда, гап бошида, баъзан эгадан кейин, айрим ҳолларда кесимдан олдин келади. Масалан: Бугун ваҳший тоғлар орасида у билан юзма-юз келди. (С.Аҳмад). Толибжон дунёда нималар бўлаётганидан беҳабар. Газета йўқ, телевизор ҳали ҳам ишламайди. (С.Аҳмад). Ерали аллақачон жуфтакни ростлаб қолган еди. (С.Аҳмад).

2. Ўрин ҳоли, одатда, кесимдан олдин келади, баъзан эса гап бошида келади: ... машина тоғ этагидаги еллик-олтмиш ҳовлилик Ойқўл қишлоғига кириб борди. (П.Қодиров). Текисликка ёққан ёмғир тоғ тепасига қор бўлиб тушган экан. (П.Қодиров). Текисликнинг узоқ четидан чиқиб келган юк машинаси шу тоққа қараб жадаллаб боряпти. (П.Қодиров).

3. Равиш ҳоли, одатда, кесим олдида, баъзан гап бошида келади: ... барглари орасига тўпланиб қолган оппоқ ёмғир суви офтобда ялтираб, тирқираб тўкилди. (П.Қодиров). – Келинг, – деб совуққина кўришди. (П.Қодиров). Кўққисдан қорасовуқ бошланиб, чўпонларни ташвишга солиб қўйди. (М.Қориев).

4. Миқдор-даража ҳоли ҳам кесим олдида келади: Кўп юрган кўп кўрар, кўп ўқиган кўп уқар. (Мақол).

5. Сабаб ва мақсад ҳоллари кесимдан олдин, гапнинг бошида ёки ўртасида келади: Ақлнинг энг катта ғалабалари, еҳтимол, еҳтирослар туфайли рўёбга чиққандир. («Тафаккур гулшани»). Атай излаб келдим, оқ қоя, сен нақадар мағ рур ва кибор. (Миртемир). Енди уларнинг хатосини тузатиш учун ҳаммамиз қанча машаққат чекамиз. (П.Қодиров).

В. Аниқловчи аниқланмишдан олдин келади. Агар бу тартиб ўзгарса, уларнинг грамматик ҳолати ҳам ўзгаради.

1. Қаратувчи қаралмишдан олдин келади: Ҳар бир кишининг сўзи ўз фазилатлари далили ва ақлининг таржимонидир. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

2. Сифатловчи сифатланмишдан олдин келади: Ҳавода ... ёнғ оқ ҳазонларининг ўткир ҳиди гуркиради. (Ў.Ҳошимов). Муваффақиятли тарбиянинг сири - ўқувчига ҳурматда бўлиш. («Тафаккур гулшани»).

Гапда сифатловчи бирдан ортиқ қўлланса, уларнинг тартиби қуйидагича бўлади:

1) сифатдош билан ифодаланган сифатловчи + сифатланмиш: У атрофида мавж уриб турган яшил дарахтларга ... завқ билан тикиларди. (П.Қодиров).

2) сифатдош билан ифодаланган сифатловчи + олмош билан ифодаланган сифатловчи + сифат билан ифодаланган сифатловчи + сифатланмиш: Осмоннинг ярмигача чиқиб борган бу баҳайбат деворнинг у ер - бу ерида чўпонлар ёққан гулханлар милт-милт қилади. (П.Қодиров).

3) –даги аффиксли сўз билан ифодаланган сифатловчи + сифат билан ифодаланган сифатловчи + сифатланмиш: Ҳулқар челақдаги тиниқ сувдан ... олиб келиб берди. (П.Қодиров). ... кўзи акасининг чап қўлидаги қўшалок бармоққа тушди. (П.Қодиров).

4) миқдор тушунчасини билдирувчи сўз (сон, олмош, равиш) билан ифоданган сифатловчи + сифат билан ифоданган сифатловчи + сифатланмиш: ... сувдан бир чини коса олиб келиб берди. (П.Қодиров).

5) сифатдош билан ифодаланган сифатловчи + сон билан ифодаланган сифатловчи + сифатланмиш: ЙОмғирдан кейинги лойқада муҳрланиб қолган иккита изнинг нимасидир гўдак товонини еслатар еди. (П.Қодиров).

Изоҳловчи изоҳланмишдан олдин ёки кейин келади: Ўшанда Охунбобоев билан қувалик темирчи Шакархон Мўминова деган жувоннинг суврати газетада чиққанди. (С.Аҳмад). Норбой ота уста Қамбарга гап уқтириб кетди. (П.Қодиров).

Агар гап бўлақларининг норматив, тўғри тартиби ўзгарса, инверсия ҳодисаси рўй беради. Инверсия ҳодисаси кўпроқ жонли тилда ва шеърда кузатилади. Инверсияда одатда гап бўлақларининг грамматик ҳолати ўзгармайди. Масалан: Ғ ўза умрига завол-ку у. (Ж.Абдуллахонов). Зотилжам касалию юрак сиқилиши нималигини билмайди ўша хонадон аҳли. (Ж.Абдуллахонов). (Эга, эга таркиби гап охирида кесимдан сўнг келган). СҲиндан ҳам ҳайвонот боғи дэса бўларкан бу ерни. (Ж.Абдуллахонов). (Воситасиз тўлдирувчи инверсияга учраб кесимдан кейин қўлланган.) *Темиржон учун барча нотаниш, барча бегона ҳам. (Ж.Абдуллахонов). Қайси бир газетада ота-боланинг кўчат екиб тургандаги сурати ҳам еълон қилинган еди бир йили. (Ж.Абдуллахонов). (Пайт ҳоли гап охирида кесимдан кейин келган.).*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қандай сўзлар гап бўлаги бўла олади?
2. Гап бўлақларининг тури қандай аниқланади?
3. Гап бўлақлари гапда тутган мавқега кўра қандай турларга бўлинади?
4. Гап бўлақларининг тузилишига кўра турлари ҳақида гапиринг.
5. Эганинг таърифи ва сўроқлари.
6. Эга қандай сўзлар билан ифодаланади?
7. Эга қандай келишидаги сўзлар билан ифодаланиши мумкин?
8. Кесимнинг таърифи ва сўроқлари.
9. Ифодалаган ҳукм турлари бўйича кесим қандай гуруҳларга бўлинади?
10. Кесимнинг қандай сўз туркумлари билан ифодаланиши бўйича турлари.
11. Тўлдирувчининг таърифини айтинг.
12. Воситасиз тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
13. Воситали тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
14. Воситали тўлдирувчи ва вазият ҳоли ўхшаши бўлган ҳолатлар ҳақида гапиринг.
15. Аниқловчининг таърифини айтинг.
16. Аниқловчи гапда қайси бўлақларга тобе бўлиб келади?
17. Сифатловчи аниқловчи ва унинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
18. Йўйиқ сифатловчи аниқловчи ҳақида гапиринг.
19. Қаратқич аниқловчи ва унинг ифодаланиши ҳақида гапиринг.
20. Изоҳловчи ҳақида гапиринг.

ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ

1-§. Уюшиқ бўлақлар ҳақида умумий маълумот

Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифасини бажарадиган, ўзаро тенг алоқага киришган, бир умумий бўлаққа боғланадиган гап бўлақлари гапнинг уюшиқ бўлақлари дейилади. Масалан: Одамнинг энг ширин, лаззатли ва ҳалол таоми ўз меҳнати, қўл кучи билан топган ризқидир. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»). Мазкур гапда энг ширин, лаззатли ва ҳалол ҳамда ўз меҳнати, қўл кучи билан гуруҳ сўзшакллари уюшиб келган. Бунда биринчи гуруҳдаги сўзшакллар бир хил сўроққа - қандай? деган сўроғига жавоб бўлиб, сифатловчи вазифасини бажаргани ҳолда, таоми умумий бўлагига – эгага боғланган; иккинчи гуруҳдаги сўзшакллар ҳам бир хил сўроққа - қандай? сўроғига жавоб бўлиб ҳол вазифасида келиб, топган умумий бўлагига – сифатловчига боғланган. Ҳар бир гуруҳдаги сўзшакллар ўзаро тенг алоқага киришган.

Бундай тенг алоқадаги сўзшакллар сони иккидан ва ундан ортиқ бўлиб, кейинги пайтларда улар тилшуносликда «уюшиқ қатор», «тенгланишли қатор» деб юритилмоқда. Тенгланишли қаторда иккидан тортиб ўн, ҳатто ундан кўп сўзшакл қатнашиши мумкин: Саройтошнинг икки томонида қад кўтарган дара сохиллари, ундаги арчазорлар, сой бўйида ўсгучи юлғунзору бизнинг уйимиз яқинидаги ески чашма, чашма атрофида кўкариб ётадиган нилуфарлар, яна қишлоқнинг тор, егри-бугри кўчалари, муюлишда дўмпайган гўнг тўдалари, атрофдан ешитилиб турадиган какликлар сайроғи, оқшом тушганида уйлар айвонида ёнувчи чироқлар, чироқлар теварагида қур тутиб суҳбатга берилган одамлар – буларнинг ҳамма-ҳаммаси биз учун азиз, қадрдон еди. (Ш.Холмирзаев).

Уюшиқ қатор қуйидаги уюшиқ бўлақ ўрнини эгаллайди:

1. Уюшиқ эга: Қор-ёмғир ёғаётган пайтларда ҳам аёллар ва болалар сувга келишади. (П.Қодиров).

2. Уюшиқ кесим:

а) уюшиқ феъл кесим: ... уфққача чўзилган лолазор ранг-баранг товланмоқда, ёнмоқда. (Ж.Абдуллахонов);

б) уюшиқ от кесим: қалби пок бўлган кишининг ишлари ҳам пок бўлади, тоза бўлади. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

3. Уюшиқ аниқловчи:

а) уюшиқ сифатловчи: Табиатнинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган, бировдан рухсат ҳам сўраб ўтирмайдиган ўз қонунлари бор. (Ў.Ҳошимов).

Баъзан икки ва ундан ортиқ сифатловчилар сифатланмишни турли томондан аниқлайди ва шунинг учун ҳам уюшмаган саналади. Масалан: Тоғ тепасида тўпланаётган қора булутлар тушга бориб қуюқлашиб кетди. (П.Қодиров). Бунда сифатланмиш (булутлар) ўрнига нисбатан ҳаракатдаги белги (тоғ тепасида тўпланаётган) ва ранг-тус (қора) жиҳатдан аниқланган.

Уюшган сифатловчилар эса сифатланмишни бир томондан аниқлайди. Масалан: Улар ичида сарик, бинафша ранг гуллар... аста силкиниб, ўзларини кўз-кўз қилмоқчи бўлардилар. (Ж.Абдуллахонов). Бу гапда сифатланмиш (гуллар) фақат ранг-тус (сарик, бинафша ранг) жиҳатдан тавсифланган. Сифатловчиларнинг уюшганлигини белгилашда санаш оҳангси муҳим рол ўйнайди;

б) уюшиқ қаратувчи: Ҳаётда гўзаллик, қувват ва саодатнинг манбаи соддаликдир. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

в) уюшиқ изоҳловчи: ...бўлажак катта санъаткор, архитектура профессори Акрамжон Ҳолиқов, деб биласизлар!»- деб таништирди. (О.Йоқубов).

4. Уюшиқ тўлдирувчи:

а) уюшиқ воситасиз тўлдирувчи: ... асрлар давомида каср, қошона, мачит, мадраса ва уйлар қуришда чинордан кенг фойдаланиб келинган. (А.Аминов);

б) уюшиқ воситали тўлдирувчи: Енгил қор парчаларининг осмондан учиб тушишида ҳам, дарахтларга кўнишида ҳам нафис бир хотиржамлик бор! (П.Қодиров).

5. Уюшиқ ҳол: Қадимги Мовароуннаҳрда чинорзор боғлар барпо этиш анъаналари ҳурмат иштиёқ билан давом еттирилган. (А.Аминов). Мирзо Улуғ бек Самарқанд, Каттақўрғон, Балх ва Шаҳрисабзда ана шундай боғлар барпо этишга фармоиш берган. (А.Аминов).

Уюшиқ бўлақлар грамматик жиҳатдан икки хил шаклланади: мустақил ҳолда ва умумлашган ҳолда.

Уюшувчилар мустақил ҳолда шаклланганда, грамматик кўрсаткичлар (от ва отлшган сўзлар билан фойдаланган бўлақларда – келишиқ, эгалиқ, кўплиқ аффикслари, -даги ўрин белгиси аффикси ҳамда кўмакчилар; от ва феъл кесимларида – тўлиқсиз феъл ва кўмакчи феъллар ҳамда – дир аффикс боғламаси ва сўз боғламалари) уюшиқли қаторнинг ҳар бир аъзосида қатнашади. Масалан: Қаҳратон совуққа ва қурғ оқчиликка чидамли бўлгани учун чинор манзарали дарахт сифатида қадрланади. (А.Аминов). Китоблар орқали асрлар билан, минг йиллар билан, қадим файласуфлар билан... суҳбатлашиш мумкин. (Ойбек). Ойкўлга баланд Сунбул чўққидан одамнинг белидай қишин – ёзин тушиб турар экан-у, ҳеч қаеридан чиқиб кетмас экан. (П.Қодиров).

Уюшувчилар умумлашган ҳолда шаклланганда, турли грамматик кўрсаткичлар уюшиқ қаторнинг охириги аъзосида қўлланиб, барчаси учун тааллуқли бўлади. Бунда турли умумлаштирувчи грамматик кўрсаткичлар қавсдан ташқарига чиқарилади. Ва бу ҳолда шаклланган уюшувчиларнинг битта бўлақ деб қараш лозим бўлади. Масалан: Шарқ чинорлари (Кавказ, Қрим ва Ўрта Осиё)да... ўстирилади. (А.Аминов). Маҳкам (каравотлар ва тубочкалар) билан қуршалган столга қаради. (П.Қодиров). ... бу хона бошқа хоналаридан (ниҳоятда ёруғлиги, озода, ҳаддан ташқари саришталиги) билан фарқ қиларди. (Ж.Абдуллахонов).

Темиржон... Абдулла Каримович Салимовни (танимас, аммо ешитган) еди. (Ж.Абдуллахонов). Қишлоқ болалари (пишиқ, тадбирли) бўлади. (С.Аҳмад). Биринчи гапда битта уюшиқ ўрин холини –да ўрин пайт келишиги аффикси, иккинчи, учинчи гапда битта

уюшиқ воситали тўлдирувчини билан кўмакчиси, тўртинчи гапда битта уюшиқ феъл кесимни еди тўлиқсиз феъли ва бешинчи гапда битта уюшиқ от кесимни бўлади боғламаси умумлашган ҳолда шакллантириб келган.

2-§. Уюшиқ қатор аъзоларининг ўзаро алоқага киришуви

Уюшиқ қатор аъзолари тенглашиш йўли билан синтактик алоқага киришади. Бу алоқа тенг боғловчилар ва тенг боғловчи вазифасидаги юкламалар ҳамда боғловчисиз, фақат оҳанг, санаш оҳангси орқали амалга оширилади. Санаш оҳангси уюшувчиларнинг боғловчилар ёрдамида алоқага киришганда ҳам мавжуд бўлади.

Уюшувчилар қуйидаги боғловчилар ёрдамида алоқага киришади:

1. Бириктирувчилар (ва, ҳамда, ҳам): унинг теграсида осмон бениҳоят тиниқ ва кўк кўринади. (П.Қодиров). У ётоқхонага боришга қарор берди ҳамда нарига корпусга қараб кетди. (П.Қодиров). Кун бўйи кулоқлари остидан жуда ғалати, ҳам хиёл ҳазин, ҳам кишини аллақандай еркаловчи... ажиб бир мусиқа кетмади. (О.ЙОқубов).

На ... на инкор юкламаси бириктирув боғловчилар вазифасида келиб, инкор маъносини англатиш учун хизмат қилади: На ҳовлидан на уйдан садо чиқди (И.Раҳим).

Ва боғловчиси вазифасида -у (-ю), -да, на ... на юкламалари ҳам қўлланиши мумкин. Кейин чакмоннинг икки енгини хуржунга ўхшатиб елкасига ташлади-да, орқага қайтди. (П.Қодиров). Йигит қора кушларни кўрди-ю, бирдан сергакланди. (П.Қодиров).

Ва бириктирув боғловчиси вазифасини билан кўмакчиси ҳам бажариши мумкин: Дераза билан доска орасида қўлини орқасига қилиб юриб, лекция ўқиётган сурранг костюмли барваста киши тўхтади. (П.Қодиров).

Билан ёрдамчиси, ва боғловчиси сингари, жуфт – жуфт қўлланган уюшувчиларда ҳар бир жуфт ўртасида келади: Тўғ рилик билан хиёнат, ёлғ ончилик билан диёнат чиқиша олмайди. («Оз – оз ўрганиб доно бўлур»).

2. Зидловчилар (лекин, аммо, бироқ): Толибжон болаларнинг беғубор, аммо алмойи – алжойи гапларидан завқланиб жимгина борарди. (С. Аҳмад). Уста Қамбар ўғлини урмади, сўкмади, лекин бир – икки ой у билан гаплашмади. (П.Қодиров).

Зидлов боғловчилар вазифасида –у, (–ю) юкламаси ҳам қўлланиши мумкин. Масалан: Ўттиз йилдан бери шу қишлоқда уй қурибман-у, ... шу булоқ ... Ойкўлни Ойкўл қилиб турган шу сув олдимизда оққани учун кадрсиз бўлиб ётганини сезмабман. (П.Қодиров). У Муллажон қозининг боғини кўрган эмас, аммо тарифини ешитган. (А.Қаҳҳор).

3. Айирувчилар (ё, ёки, ёхуд, ёинки, дам ... дам, гоҳ ... гоҳ, бир ... бир, баъзан ... баъзан): Бир хил ирмоқлар ... катта–катта тошларни айланиб ўтиб, баъзан қояларнинг остидан йўл топиб, гоҳ тўлиб, гоҳ милдиратиб оҳисталик билан кўлга тушади. (Е.Воҳидов). У дам саҳнада ўтирганларга, дам пастдагиларга қараб шеърни шарилатиб ўқиб кетди. (Ў.Хошимов).

3-§. Уюшиқ бўлакли гапларда умумлаштирувчи бирликлар

Уюшиқ бўлакли гапларда баъзан умумлаштирувчи бирликлар ҳам қатнашади. Улар уюшувчиларни жамлаб кўрсатадиган сўз ва сўз бирликлари бўлиб, уюшиқ бўлақдан олдин ё кейин келади. Уюшиқ бўлақдан олдин келган умумлаштирувчилар одатда изоҳ талаб қилади. Уюшиқ бўлақдан кейин келган умумлаштирувчилар эса якунлаш, хулосалаш хусусиятига эга бўлади. Масалан: Ҳамма нарса: уйлар, деворлар, дарахтлар қоронғуликка жимгина чўқди. (Ойбек). Кўча – кўй ҳам, дала ҳам, қишлоқ ҳам - ҳаммаси мандан Маъсудани сўроқлаётгандай бўлади. (П.Қодиров).

Уюшиқ бўлакли гапларда хилма–хил тиниш белгилари қўлланилади.

Уюшувчилар ўзаро боғловчисиз (фақат санаш оҳангси билан); зидлов боғловчилари, такрорланувчи боғловчилар; боғловчи вазифасидаги юкламалар ёрдамида алоқага киришганда, улар орасига вергул қўйилади. Масалан: *Қашиқардарё, Сурхондарё, Наманган, Самарқанд вилоятларида бўлсангиз, 500-600 йиллик чинорларни кўрасиз.* (А.Аминов). *У докторларга гоҳ зуғум қилиб, гоҳ яхши гапириб* стационардан чиқди. (С.Аҳмад).

Уюшувчилар ўзаро *ва, ҳамда, билан* бириктирув боғловчилари орқали, шунингдек, якка айирув боғловчилари ёрдамида алоқага киришганда, улар орасига вергул қўйилмайди:

Анҳорда суе сокин ва улуг вор оқарди. (Ф.Мусажонов). Салим ота билан йигитлар меҳмонни ... кузатиб таиқарига чиқшиди. (С.Кароматов).

Уюшиқ бўлакли гапларда умумлаштирувчи бирликлар уюшувчилардан олдин келса, шу бирликдан сўнг икки нуқта қўйилади: Ҳамма ерда: уйларда, кўчаларда ивирсиб ётган хазон юзи ерталаб қировдан ... оппоқ бўлиб қолади. (Ойбек).

Умумлаштирувчи бирликлар уюшувчилардан сўнг келганда, ундан олдин тире қўйилади: Кишилар, хотинлар, болалар – кутиб олувчилар вагон бўйлаб чопдилар. (Р.Файзий).

ГАПНИНГ АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРИ

1-§. Ажратилган бўлақлар ҳақида умумий маълумот

Содда гап таркибида айрим ҳолларда ажратилган бўлақлар ҳам қатнашиши мумкин. Ажратилган бўлақлар одатда ўзлари алоқадор бўлган сўзларнинг маъносини изоҳлаб, бўрттириб, аниқлаштириб келади ва бошқа бўлақлардан махсус тўхтам (пауза) билан ажратилиб, мантиқий урғу олади. Масалан: Сойда, кўш ёнғ оқнинг тагида, оппоқ қорга кўмилиб узоқ турди. (О.ЙОқубов). Иш қанчалик қийин бўлмасин, биз, айниқса ёшлар, иштиёқ билан, ғайрат ва шижоат билан ишлардик. (СҲ.Айтматов).

Биринчи гапда «кўш ёнғ оқнинг тагида» ўрин ҳоли ўзидан олдин келган «сойда» сўзининг маъносини, иккинчи гапда «ёшлар» ўзидан олдин келган «биз» сўзининг маъносини изоҳлаб, асосий гап бўлақларидан тўхтам (пауза) билан ажратилган. Ажратилган бўлақларнинг ҳам иккиси ҳам оддий гап бўлаги шаклида қўлланган.

Ажратилган бўлақлар оборот шаклида ҳам бўлиши мумкин. Масалан: Воҳид Миробидов-ку, унинг аччиқ кинояларини кулгига олиб, кулоғининг ёнидан ўтказиб юборди. (О.ЙОқубов).

Келтирилган гапда «унинг аччиқ кинояларини кулгига олиб» равишдош обороти кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай ҳолатда бажарилганини таъкидлаб, алоҳида оҳанг ёрдамида ажратилган.

Демак, ажратилган бўлақлар икки хил шаклда: 1) оддий гап бўлаги шаклида ва 2) оборот шаклида бўлиши мумкин.

Ажратилган бўлақлар қайси гап бўлагига оид еканлигига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ажратилган тўлдирувчилар.
2. Ажратилган аниқловчилар.
3. Ажратилган изоҳловчилар.
4. Ажратилган ҳоллар.

2-§. Ажратилган тўлдирувчилар

Ажратилган тўлдирувчилар шаклланишига кўра икки хил бўлади:

1. Кўмакчили қурилма обороти шаклидаги ажратилган тўлдирувчилар.
2. Оддий гап бўлаги обороти шаклидаги ажратилган тўлдирувчилар.

Кўмакчили қурилма обороти шаклидаги ажратилган тўлдирувчилар кесимдан узоқда келиб, қараганда, устига, сингари, билан бирга ва шу каби кўмакчилар ёрдамида шаклланади:

Оддий гап бўлаги шаклидаги тўлдирувчилар, ўзидан олдин келган тўлдирувчининг маъносини изоҳлайди, унга аниқлик киритади. Бунда воситасиз тўлдирувчи ҳам, воситали тўлдирувчи ҳам ажратилиши мумкин. Масалан: Сизга, ўрта бўйли қизга, атлас кўйлак жуда ярашибди. (ЙО.Шукуров). Бу норозилик, ҳеч шубҳасиз, унинг дадасига, Онакўзига қарши қаратилган еди. (О.ЙОқубов). Бундай қараса, бири – дадасининг ўз қўли билан ёзилган хат, иккинчиси дадаси хизмат қилаётган қисм командири – полковник томонидан ёзилган хат екан. (Ҳ.Назир). Ана шу санокли кишилар орасида операциянинг ҳарбий жиҳатини – етказиб беришни таъминлаган капитан ҳам бор еди. (А.СҲаковский).

Ажратилган бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Ажратилган бўлақларда тиниш белгилари қуйидагича ишлатилади:

1. Ажратилган бўлақлар, одатда, вергул билан ажратилади. Масалан: Биз, тиббиёт ходимлари, халққа жон-дилдан хизмат қиламиз. (С.Солиев).

2. Ажратилган бўлақларнинг таркиби кенг бўлса ёки унинг ичида вергули бўлса, бундай ажратилган бўлақлар тире билан ажратилади. Масалан: Котиба киз – Улфатой ўрта бўйли, оқ юзли, ёноқлари лоладай, қоп-қора қош-кўзли аёл – чойнакда чой кўтариб кирди... (С.Солиев).

3-§. Ажратилган аниқловчилар

Ажратилган аниқловчилар икки хил: ажратилган сифатловчи, ажратилган қаратувчи.

Ажратилган сифатловчи предметнинг белгисини бўрттириб кўрсатиш учун ажратилади. Масалан, «Мухтор, ялангбош, мажнунтоллар тагида айланиб, хаёл суриб юрарди». (С.Солиев) гапида «ялангбош» сифатловчиси шахснинг («Мухтор») белгисини бўрттириб бериш учун сифатланмишдан кейин келтирилган.

Ажратилган қаратувчи. Бунда қаратувчи ўзидан олдин келган бошқа бир қаратувчини изоҳлаш, аниқлаштириш йўли билан ажратилади. Масалан: Тўғ ри, унинг ёзганлари, аниқроғи, машинисткага айтиб туриб, қоғ озга туширганларининг аксари мазмунан саёз бўлар, олдингиларини такрорларди. (Т.Пўлат). Бу гапда «аниқроғи, машинисткага айтиб туриб, қоғ озга туширганларининг» аниқловчиси, ўзидан олдин келган қаратувчининг («ёзганлари» сўзининг) маъносини изоҳлаб, бўрттириб келган.

4-§. Ажратилган изоҳловчилар

Изоҳловчилар кўпинча ажратилган бўлади. Бунда улар изоҳланмишдан кейин келиб, махсус оҳанг билан талаффуз қилинади. Масалан: Сиз, Суннатилло, ўзингиз жуда ақлли, ўзи узокни кўрадиган одамсиз. (С.Солиев). Кўримсизгина жангчи – Али тажанг ... келиб ўзбекча чўккайди. (Ойбек). Минбарни институтни олдинроқ битирганлар - юқори курс студентлари эгаллади. (Ж.Абдуллахонов).

5-§. Ажратилган ҳоллар

Ажратилган ҳоллар шакллари жиҳатдан икки хил бўлади:

И. Оборот шаклидаги ажратилган ҳоллар.

ИИ. Оддий гап бўлаги шаклидаги ажратилган ҳоллар.

Оборот шаклидаги ажратилган ҳоллар ўз навбатида учга бўлинади:

1. Равишдош обороти шаклидаги ажратилган ҳоллар.

2. Ўхшатиш обороти шаклидаги ажратилган ҳоллар.

3. Кўмакчили қурилма обороти шаклидаги ажратилган ҳоллар.

Равишдош обороти шаклидаги ажратилган ҳоллар. Равишдош ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келади ва бундай қурилма равишдош обороти деб юритилади. Равишдош обороти, одатда, ажратилган бўлади. Масалан: Одамлар, қондан тўкилган ёнғ оқдай гурр етиб, ҳамма вагонлардан бараварига перронга ёпирилишди. (Т.Пўлат).

Равишдош обороти шаклидаги ажратилган ҳоллар иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, пайтини, шартини, сабабини ва шу каби маъноларни ифода этади. Масалан: Бола, олмани еб бўлгач, ҳола чўпни қўлига олди. (А.Мухтор).

Ўхшатиш обороти шаклидаги ажратилган ҳоллар. –дай, –дек қўшимчасини олиб келган сўзлар ҳам кенгайиб ажратилиши мумкин. Масалан: Бу завода, ҳамма заводлардагидек, ошхонада илғ орлар столи алоҳида. (А.Қаҳҳор).

Кўмакчили қурилма обороти шаклидаги ажратилган ҳоллар. Кўмакчили қурилма шаклидаги ҳоллар кесимдан узокда келиб, ўзларига оид сўзлар билан кенгайиб, гапнинг бошқа бўлақларидан ажратилиши мумкин. Бунда қурилма қарши, сингари, каби, туфайли, яраша, ҳолда каби кўмакчилар билан шаклланади. Масалан: Нозик, оппоқ биллагини дарахтга чўзган ҳолда, қорайиб пишган шотутдан оғзига ташлар екан, тебранди. (Ҳ.Ғуллом).

Кўмакчили қурилма обороти шаклидаги ажратилган ҳоллар турли ҳолатни, ўхшатишни ифодалайди.

Оддий гап бўлаги шаклидаги ажратилган ҳоллар ўзидан олдин келган ҳолнинг маъносини изоҳлайди. Унинг сўроғи, вазифаси изоҳланаётган ҳолнинг сўроғи ва вазифасига тенг бўлади. Бунда кўпинча пайт ва ўрин ҳоллари ажратилади.

Ажратилган ўрин ҳоли: *Қишлоқдан бир қир нарида - беҳисоб қизгалдоқлар далани қизартириб, хиёл чайқалиб турган жойда - ҳулкар ўт ўрарди. (П.Қодиров). Ойкўл қишлоғининг ўртасида, булоқ бўйида, уста Қамбар билан Норбой ота шунақа устундан учасини тиклашган. (П.Қодиров).*

Ажратилган пайт ҳоли: *Ертага, йигит, сени кузатганим заҳоти, орқамга қайтаман. (П.Марков).*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Уюшиқ бўлакли гаплар ҳақида гапиринг.
2. Уюшиқ бўлақлар таърифини айтинг.
3. Қандай бўлақлар уюшиб келади?
4. Уюшиқ бўлақлар қандай кўринишларда бўлиши мумкин?
5. Уюшиқ бўлақларда эғалик, келишик, кўплик кўйимчалари қандай қўлланади?
6. Уюшиқ бўлақлар ўзаро қандай воситалар ёрдамида боғланиши мумкин?
7. Умумлаштирувчи бўлақ ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳақида гапиринг.
8. Уюшиқ ва уюшмаган сифатловчи аниқловчилар ҳақида гапиринг.
9. Ажратилган изоҳ бўлақларнинг таърифини айтинг.
10. Гап бўлақларининг ажратилишига нима сабаб бўлади?
11. Ажратилган изоҳ тўлдирувчи ҳақида гапиринг.
12. Ажратилган изоҳ сифатловчи аниқловчи ҳақида гапиринг.
13. Ажратилган изоҳ қаратқич аниқловчи ҳақида гапиринг.
14. Ажратилган изоҳ ҳол ҳақида гапиринг.
15. Рағшидош ўрам ва сифатдош ўрам кўринишида ажратилган ҳоллар ҳақида гапиринг.
16. Кесимнинг ажратилишига мисоллар келтиринг.
17. Ажратилган изоҳ бўлақларда тиниш белгиларининг қўлланиши ҳақида гапиринг.
18. Уюшиқ бўлақларнинг ажратилган бўлақлардан фарқини айтинг.

ГАП БЎЛАКЛАРИ САНАЛМАЙДИГАН БИРЛИКЛАР

Гап таркибида баъзан шундай сўзлар ва сўз бирикмалари ҳатто гаплар қўлланадики, улар гапнинг бирор бўлаги билан грамматик жиҳатдан алоқага киришмайди. Шу туфайли бундай сўз ёки сўз бирикмалари гап бўлақлари ҳисобланмайди. Ундалма, кириш сўз, кириш бирикма ва киритма гап ана шундай хусусиятга эга.

1-§. Ундалма

Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс (ёки предмет)ни англатадиган сўз ёки сўз бирикмаси ундалма дейилади. Ундалма баён қилинаётган фикрга тингловчининг диққатини тортиш учун хизмат қилади.

Ундалма ўзи иштирок етган гап билан грамматик жиҳатдан боғланмайди. У бош келишик шаклидаги от ёки отлашган сўз билан ифодаланади. Бу жиҳатдан ундалма эгага ўхшайди, бироқ у гапнинг кесими билан грамматик жиҳатдан боғланмаслигига кўра ўзига хос ундош оҳангси, пауза (тўхташ) билан айтилишига кўра эгадан фарқ қилади. Масалан: Азиз ўғлим, ёмонлар билан суҳбатдош бўлма, улардан асрлондан қочгандай қоч, ҳаммага раҳм ва шафқат кўзи билан қара ... («Оз-оз ўрганиб, доно бўлур»). ЙУрак, сенсан менинг созим, тилимни найча жўр етдинг. (У.Носир).

Ундалма баъзан ей, -у (-ю) кабилар билан бирга қўлланади: Лукмон ҳаким ўғлига насиҳат қилиб айтди: - Ей ўғил, одамлар сўзга устомонликлари билан мактансалар, сен сукутинг билан мактан. («Оз-оз ўрганиб, доно бўлур»).

Ундалма вазифасида атоқли отлар шахс отлари, қариндошлик, касб, ҳунар кабиларни англатувчи сўзлар келади. Масалан: - Онажон, Хонзода бегим ҳам сизнинг суюкли

фарзандингиз-ку (П.Қодиров). Кечаги мақола нима бўлди, Раҳим ака?! (Ф.Мусатжонов). Сиз мендан кўра қўйларингизни кўпроқ ўйланг, чўпон ака! (П.Қодиров).

Ундалма от, отлашган сифат отлашган ундов сўз, сўз бирикмаси ва шу кабилар билан ифодаланиши мумкин: Ей устод, мен буюк ишларга қадам қўйдим. («Оз-оз ўрганиб, доно бўлур»). Ўйнашма, пучук, тек тур, ҳамма ёғинг сув бўлди... (О.ЙОкубов). -Ҳой, бирон гап топиб келдингми? (С.Аҳмад). Яхшилик ... яхшиликнинг ҳам баҳоси бор, ўртоқ Заргаров (А.Мухтор).

Ундалма гап бошида, ўртасида, охирида келади ва ёзувда гапнинг бошқа бўлакларидан, одатда, вергул билан ажратилади: - Олим бола, райҳонларни бир силкитиб чиқмайсизми ... (Ж.Абдуллахонов). Ей раис, бу китобни аввал бир ўқиб кўринг. (С.Аҳмад). Нима қиласиз, дада, боланинг юрагини езиб. (С.Аҳмад). Менинг етти пуштим боғ бон ўтган, ўғлим. (Ж.Абдуллахонов).

Ундалма кучли ҳис - ҳаяжон билан айтилса, ундан сўнг, ундов белгиси қўйилади: - Холбек! Қанисан? – деди Ешмурот ака. – Келсанг-чи, кутиб қолдик-ку. (П.Қодиров).

2-§. Кириш сўз ва кириш бирикма

Сўзловчининг ўзи баён етаётган фикрга бўлган турли муносабатини билдирувчи сўз ёки сўз бирикмаси кириш сўз ёки кириш бирикма деб юритилади.

Кириш сўз, кириш бирикма мазмунан бутун бир гапга ёки унинг бирор бўлагига тегишли бўлади.

Кириш сўз ва кириш бирикма:

И. Сўзловчининг баён қилинаётган фикрга бўлган турли муносабатини ифодалайди:

1. Ишонч ёки тасдиқни (албатта, тўғ ри, ҳақиқатан, дарҳақиқат, шубҳасиз, сўзсиз кабилар): Албатта, мендан кўра пахта ишининг усталари яхшироқ билишади. (Ж.Абдуллахонов). Тўғ ри, тил суяксиз-у, лекин суякни синдиради. (Шухрат).

2. Гумонни (ехтимол, балки, афтиданг, чамаси кабилар): Ехтимол, ўз хатоларини тузатмоқчи бўлиб юргандир? (П.Қодиров). Афтидан, профессорнинг сўзлари унчалик қувонишга арзийдиган эмас шекилли. (Ж.Абдуллахонов).

3. Афсусланиш, таажжубни (афсуски, аттанг, ессиз, бахтга қарши кабилар): Афсуски, боя ҳамма раисларни меҳнатга чақирмаган екансиз, Отақўзи ака, - деди Холмуродов. (О.ЙОкубов).

4. Еслатишни (дарвоқе, айтгандек, айтмоқчи кабилар): Айтгандек, сиздан бир нима сўрамоқчи едим... (А.Мухтор). Дарвоқе, Анварга кўп меҳнатим сингган ... (А.Қодирий).

ИИ. Баён қилинган фикрнинг кимга қарашли еканлигини ифодалайди (менимча, сизнингча, уларнинг айтишича, айтишларича кабилар): менимча, тўғ рисини ўз вақтида айтиб, хатонинг олдини олган яхшидир. (Ж.Абдуллахонов). Кексаларнинг айтишича, ўша сув тоғ нинг тирқишидан оқиб келиб, манна шу булоқдан чиқармиш. (П.Қодиров). Ешитишимча, Анорхон билан мусобақаланишга келишибсизларми? (Ж.Абдуллахонов). Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, чинор дарахтини қадим - қадим даврларда юрт кезувчи сайёҳлар, савдогарлар ... Еррон ва унга қўшни мамлакатлардан Ўзбекистонга олиб келишган. (А.Аминов).

ИИИ. Баён қилинган фикрнинг таркибини ифодалайди (аввало, ниҳоят, биринчидан, иккинчидан кабилар): Ниҳоят, худди ёши улуг одамлардек виқор билан қадам босиб Асадилло пайдо бўлди. (Ф.Мусаёнов). Биринчидан, бугун ҳаммиша опанинг юбилей кечалари, иккинчидан, ертага область ёш ёзувчиларининг конференцияси очилади. (О.ЙОкубов).

ИВ. Айтилаётган фикрнинг олдинги фикр билан алоқасини ифодалайди (демак, хуллас, ишқилиб, шундай қилиб, бинобарин, кўринадики кабилар): Хуллас, барча билан аҳиллашиб кетганлиги кўриниб турарди. (Ж.Абдуллахонов). Ишқилиб, шу оқшомчи сўхбат бекор кетмади. (Ж.Абдуллахонов).

Кириш сўз кўпинча модал сўз билан, кириш бирикма эса сўз бирикмаси билан ифодаланади. Масалан: СҲамаси, ўн минутча юрилса, салқин ва сўлим сайрибоғ бор еди.

(Ф.Мусаџонов). Кексаларнинг айтишича, бундай пайтларда тепаликнинг устида ернинг нафасини ешитармишсиз? (Ў.Ҳошимов).

Кириш сўз ва кириш бирикма гапнинг бошида келиб, ёзувда ундан кейин, гап охирида келиб, ундан олдин вергул қўйилади: Албатта, унинг юзида касалдан асар ҳам йўқ ... (Ф.Мусаџонов). Аччиқ гапирганингиз маъкул, албатта. (П.Қодиров).

3-§. Кириш гап

Сўзловчининг асосий фикр ичида йўл – йўлакай айтилган фикрини англатувчи гап киритма гап дейилади. Кириш гап ўзи киритилган гапнинг бирор бўлагига мазмунан алоқадор бўлиб, махсус пауза билан ажратилади. Масалан: Нима учундир Аҳмад юрагида айрилиқ жафоси, ачиниш сезмади (бу ҳис кейин унинг юрагини ўртайди). (Ф.Мусаџонов).

Кириш гап кўпинча қавс ичида берилади: Ҳай, айтмоқчи, Ойим келган еканлар (у «Ойим» деб Ҳумайрабонуни кўзда тутарди). (Ж.Абдуллахонов). Баъзан эса у асосий гапдан тире орқали ажратилади: Шундай қилиб, Асал ва Самад ўғлининг исми шундай екан – бизнинг йўл участкамизда қолишди. (СҲ.Айтматов).

Такрорлаш учун саволлар:

- | | |
|--|--|
| 1. Қандай бирликлар гап бўлаклари билан боғланмайди? | 7. Кириш сўз ва кириш бирикмалар ҳамда уларнинг маъно турлари ҳақида гапиринг. |
| 2. Ундалманинг таърифини айтинг. | 8. Кириш гап ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг. |
| 3. Ундалма қайси шахсларга қаратилган бўлади? | 9. Кириш гап турлари ҳақида гапиринг. |
| 4. Йўқиқ ундалма ҳақида гапиринг. | 10. Ундалма, кириш сўз, кириш бирикма ва кириш гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳақида гапиринг |
| 5. Йўйиқ ундалма ҳақида гапиринг. | |
| 6. Ундалмалар қандай сўзлар билан ифодаланади? | |

ҚЎШМА ГАП

1-§. Қўшма гап турлари ҳақида маълумот

Қўшма гаплар, қисмларининг ўзаро бирикиш усули ва семантик муносабатига кўра, уч хил бўлади: 1) боғланган қўшма гап; 2) ергашган қўшма гап; 3) боғловчисиз қўшма гап.

Қиёсланг: *Истеъдод ҳамини ҳар хил бўлади, истеъдодсизлар эса ҳамма жойда бир хилдир.* (Е.Воҳидов) *Шуни айтмоқчимизки, одам ҳамма вақт билимга ташна бўлиши шарт.* (Ф.Жюлио Кюри).

Келтирилган мисолларнинг биринчиси боғланган қўшма гап бўлиб, унинг қисмлари эса ёрдамчиси воситасида ўзаро тенг боғланган; иккинчиси ергашган қўшма гап бўлиб, унинг қисмлари –ки аниқлов боғловчиси орқали иккинчи қисми биринчи қисмга тобелик йўли билан боғлаган; учинчи гап боғловчисиз қўшма гап бўлиб, унинг қисмлари ўзаро ҳеч қандай боғловчи воситасиз - фақат оҳанг (оҳанг) орқали бириккан.

2-§. Боғланган қўшма гап

Қисмларининг ўзаро тенг алоқага киришувидан тузиладиган гап боғланган қўшма гап дейилади. Боғланган қўшма гап қисмлари ўзаро бириктирув боғловчилари (ва, ҳамда, ҳам), зидлов боғловчилари (аммо, лекин, бироқ, балки), айирув боғловчилари (ё, ёки, ёхуд, дам... дам, гоҳ... гоҳ, баъзан... баъзан, ҳали... ҳали, бир... бир), тенг боғловчи вазифасидаги –да, -у (-ю), на... на юктамалари, шунингдек, бўлса, эса ёрдамчилари воситасида боғланади.

Шунга кўра боғланган қўшма гапларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Бириктирув боғловчилари ёрдамида тузилган боғланган қўшма гап.
2. Зидлов боғловчилари ёрдамида тузилган боғланган қўшма гап.
3. Айирув боғловчилари ёрдамида тузилган боғланган қўшма гап.
4. Тенг боғловчи вазифасидаги юктамалар ёрдамида тузилган боғланган қўшма гап.

5. Бўлса, эса ёрдамчи сўзлари воситасида тузилган боғланган қўшма гап.

Бириктирув боғловчилари (ва, ҳамда; баъзан шу вазифадаги ҳам юкламаси) ёрдамида тузилган боғланган қўшма гап таркибидаги қисмлардан бир пайтда ёки кетма-кет рўй берадиган воқеа-ҳодисалар англашилиб туради. Масалан: ҳақиқат ва тўғрилиқни севадиган одам доим виждони фармонига итоат қилади ва унинг виждонига ҳеч Ким ҳоким бўла олмайди. (Оз-оз ўрганиб доно бўлур.) Кенг боғ даги ҳар бир ниҳол қониб-қониб сув ичди ва унинг япроқлари нурга интилиб ўса бошлади. (Ў.Ҳошимов.)

Зидлов боғловчилари (лекин, аммо, бироқ, балки) ёрдамида тузилган боғланган қўшма гап қисмлари мазмунан бир-бирига зид бўлади. Масалан: *Ҳар қандай нарсада исрофгарчилик бор, аммо яхшиликда исроф бўлмайди.* («Ажойиб насиҳатлар») *Бурни, қоши, яна аллақадери отасига ўхшарди, лекин Акбаров ҳам бир вақтлар ўғлидай ажинсиз, қуюқ қора сочли бўлганини тасаввур этиши қийин еди.* (П.Қодиров.)

Айирув боғловчилари (ё, ёки, ёхуд, гоҳ..., гоҳ, дам..., дам, баъзан..., баъзан...) ёрдамида тузилган боғланган қўшма гапда бирини танлаш лозим бўлган ёки галма-гал рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ифодаланадиган қисмлар бирикади.

а) ё (ё..., ё), ё..., ё бўлмаса; ёки (ёки..., ёки); ё..., ёки; хоҳ..., хоҳ боғловчилари бирини танлаш лозим бўлган воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи қисмларни бирлаштиради. Масалан: *ЙО кўк унга ўз сирларини очишни тиламас, ё унинг ақл кўзгуси хиралашиб қолган.* (О.ЙОқубов.)

б) гоҳ..., гоҳ; дам..., дам; баъзан..., баъзан боғловчилари галма-гал рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи қисмларни боғлайди. Масалан, *Баъзан ой зарин кокилларини ер юзига ёйиб юборади, баъзан булут ой юзини қоплаб олади.* (Ойбек.)

Тенг боғловчилар вазифасидаги юкламалар ёрдамида тузилган боғланган қўшма гаплар қисмларидан бир пайтда ёки кетма-кет рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ёхуд мазмунан зид бўлган воқеа-ҳодисалар англашилиб туради.

Бунда –у, (-ю), -да, на..., на юкламалари бириктирув боғловчиларининг вазифасини, -у (-ю) юкламаси зидлов боғловчилари вазифасини бажаради. Масалан: *Ойқўл илгари алоҳида хўжалик еди-ю, каттагина идораси бор еди.* (П.Қодиров.) *Икки томондаги китобларга тўлиб турадиган қуббали жавонларда на бир китоб бор, на бир қўлёзма бор.* (О.ЙОқубов.)

Бўлса, эса сўзлари воситасида тузилган боғланган қўшма гап қисмларидан бир вақтда ёки кетма-кет рўй берадиган воқеа-ҳодисалар қиёсланиши англашилади. Масалан: *Олий ҳимматли киши, мард одам бир лаҳзада дўст орттиради, пасткаш эса неча йиллик ошнализини бир лаҳзада барбод қилади.* («Оз-оз ўрганиб доно бўлур».)

3-§. Боғланган қўшма гапда тиниш белгиларининг ишлатилиши

1. Боғланган қўшма гап қисмлари ўзаро бириктирув боғловчилари ёрдамида бирикса, шунингдек яқка қўлланувчи ё, ёки, ёхуд айирув боғловчилари ёрдамида бирикса улар орасига вергул қўйилмайди. Масалан: *Шамол тагин шу томонга бурилди ва ингичка, қўнғироқдай овоз жаранглаб ешитилди.* (Ў.Ҳошимов.)

2. Боғланган қўшма гап қисмлари зидлов боғловчилари ёрдамида бирикса, бундай боғловчидан олдин вергул қўйилади. Масалан: *Қоронғида булоқ сувининг ўзи кўринмас еди, аммо шилдираши аниқ ешитилар еди.* (П.Қодиров.)

3. Боғланган қўшма гап таркибидаги қисмлар бўлса, эса сўзлари воситасида бирикса ҳам, улар орасига вергул қўйилади. Масалан: *Ҳаракатчан кишилар одатда омадли бўладилар; аксинча қиладиган ишларини ҳадеб ўйлайверадиган ва сусткашлик қиладиганларга эса омад камдан-кам насиб етади.* (Геродот.)

4. Боғланган қўшма гап таркибидаги қисмлар такрорланувчи айирув боғловчилари ёки инкор юкламаси ёрдамида бирикса, такрорланиб келган ёрдамчидан олдин вергул қўйилади. Масалан: *Гоҳ супа четига екилган райҳон ҳиди димоғига уриларди, гоҳ том орқасидаги йўнғичқазорда ҳашаротларнинг бир қиёмда чириллаши еътиборини тортарди...* (П.Қодиров.)

4-§. Эргашган қўшма гап

1. Эргашган кўшма гап ҳақида умумий маълумот

Эргашган кўшма гап таркибидаги қисмларнинг бири иккинчисига мазмунан, грамматик ва оҳанг жиҳатдан тобе бўлиб, уни аниқлаш, тўлдириш каби вазифаларни бажаради. Шунинг учун ҳам қисмлардан бири ҳоким, иккинчиси тобе саналади. Бунда эргашган кўшма гап таркибидаги ҳоким қисм бош гап, тобеланиб келган қисм эса ергаш гап деб юритилади. Эргаш гап бош гапни ёки унинг бирор бўлагини изоҳлаш, аниқлаш тўлдириш учун хизмат қилади. Масалан: «Гар киши олмаса ҳаётдан таълим, Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.» (Рўдакий.) гапида «Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим» - бош гап, «Гар киши олмаса ҳаётдан таълим» - эргаш гап. Эргаш гап бош гапни шарт муносабатига кўра изоҳлаган.

Эргашган кўшма гапда бош гапнинг кесими кўшимча тўлиқ шаклланган бўлади, лекин эргаш гапнинг кесими кўп ҳолларда тўлиқ шаклланмайди, шу туфайли эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалар, асосан, эргаш гапнинг кесими таркибида келади ёки ундан сўнг қўшилади. Масалан, Ўз даражанга муносиб ўринга билиб ўтирсанг, бу ўриндан сени ҳеч ким кўзғатолмайди. (Оз-оз ўрганиб доно бўлур.) гапида эргаш гапни бош гапга бириктирувчи восита (-са) эргаш гапнинг кесими таркибида келган.

2. Эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалар

Эргашган кўшма гап таркибидаги эргаш гап бош гапга қуйидаги воситалар орқали бирикади:

1.Эргаштирувчи боғловчилар (шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли, чунки, нэгаки, токи, гўё, -ки) ёрдамида: шундай одамлар бўладики, уларни мансаб ҳам, даража ҳам, шон-шухрат ҳам ўзгартрмайди. (Ҳ.Ғулом.) Нафас олмай қулоқ тутган киши муттасил шовуллаган товуш ешитади, гўё олисда шивалаб ёмғир ёғаётгандек. (С.Аҳмад.)

2.Кўмакчилар (феъл формаларидан сўнг келган кўмакчилар) ёрдамида: Тоштемир шаҳарга кетгандан кейин, Содик ота қизига ҳеч нарса демади. (Ҳ.Ғулом.) Ешик ортиқча тор бўлгани учун, от сикилибгина ўтди... (А.Қодирий.)

3.ЙУкламалар ёрдамида: Осмонда булутлар пайдо бўлганиданми, денгиз мотам тутаётган аёлга ўхшарди. (Ў.Умарбеков.)

4.Нисбий сўзлар ёрдамида: Одамлар учун хотирада сақлаш қанчалик зарур бўлса, баъзан унутиш ҳам шунчалик зарур. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур».)

5.Сифатдош шакли ҳамда келишик аффикси ёрдамида: Ота-оналаримиз қариб қолганда, уларга меҳр-муҳаббат туйғуларимизни бахш етмоғимиз лозим. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур».)

6.Феълнинг равишдош шакли ёрдамида: Насиба чиқиб кетгач, Бувсора она секин косага назар ташлади. (Санъат Маҳмудова) Қалин қорлар ериб, ўтлар кўкариб қолди. (СҲ.Айтматов.)

7.Феълнинг шарт майли формаси ёрдамида: Диққат билан қулоқ солсангиз, унинг булбулга тақлид қилаётганини сезасиз. (Ҳ.Ғулом.) Оилада ҳамжихатлик бўлмаса, уни бахт ташлаб кетар. (Мақол.)

8.Феълнинг буйруқ-истак майли формаси ёрдамида: Она ишдан қандай ўй, қандай ташвиш билан қайтмасин, шу кўзларни кўрибоқ, кўнгли ёзиларди. (А.Мухтор.)

9.-дай (-дек) ўхшатиш маъносини билдирувчи кўшимча ёрдамида: Тўйнинг бўлди-бўлдиси қизиқ туюлгандай, янги ишнинг бошланиш арафаси қизиқ бўлади.

Эргаш гап бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. Масалан: Даъвогар сушт келса, қози муттахам... (Ҳ.Ғулом.) Қўрқоқ дўст душмандан хавфлидир, чунки душмандан еҳтиёт бўласан, аммо дўстга ишонасан. (Л.Н.Толстой.)

Айрим ҳолларда эргаш гап бош гап ичида ҳам келиши мумкин. Масалан: Ўзи..., бўғ оз совлиқлар қийналмасин дея, уларни ўз юришига қараб бамайлихотир хайдаб кетди. (СҲ.Айтматов.) Унинг совуқ нафаси, ешик очиларкан, ўрмонларнинг шовқини билан оқиб кириб, йигитни бироз хушёрлантитарди. (Ойбек.)

3. Эргаш гапнинг турлари

Маълумки, ергаш гап бош гапни ёки унинг бирор бўлагини изоҳлаш, аниқлаш, тўлдириш учун хизмат қилади. Шунга кўра ергаш гап икки катта гуруҳга бўлинади: 1) бош гапнинг бирор қисми (бўлаги)ни изоҳловчи ергаш гаплар; 2) бутун бир бош гапни изоҳловчи ергаш гаплар. Масалан: Дунёда шундай одамлар бўладики, уларнинг ҳаёти, қилган ишлари, босиб ўтган йўллари биз учун... юксак намуна бўлиб хизмат қилади. (О.ЙОқубов.) Кечаси шудринг тушмаган бўлса ҳам, дарахт япроқлари нам ва муздек еди. (О.ЙОқубов.)

Биринчи гап таркибидаги ергаш гап (уларнинг ҳаёти, қилган ишлари, босиб ўтган йўллари биз учун... юксак намуна бўлиб хизмат қилади) бош гапдаги аниқловчи (шундай) ни изоҳлаган бўлса, иккинчи гап таркибидаги (кечаси шудринг тушмаган бўлса ҳам) ергаш гапни бош гапни тўсиқсизлик муносабати орқали бутун ҳолда изоҳлаган.

Бош гапнинг бирор бўлагини изоҳлайдиган ергаш гапларга эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ергаш гаплар; бош гапни бутун ҳолда изоҳловчи ергаш гапларга пайт, ўрин, сабаб, мақсад, шарт, тўсиқсиз, равиш, миқдор-даража, ўхшатиш, натижа ергаш гаплар киради.

Эга ергаш гап бош гапнинг олмош билан ифодаланган эга бўлагини изоҳлаб, ким? нима? сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

Эга ергаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:

1.Ергаш гапнинг кесими шарт майли шаклида бўлади. Бунда бош гапнинг эгаси у, ўша, ўзи каби олмошлари билан ифодаланади. Масалан: Кимки бировнинг пайини қиркса, ўзиники ҳам қирқилади. («Ажойиб насиҳатлар».) Кимки ўтмишни яхши билса, у ҳозирги замон кадрига етади. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур».)

2.Ергаш гапнинг кесими аниқлик майлида бўлади. Масалан: Ким ўзини ҳурмат қилар экан, у бошқаларни ҳам ҳурмат қилади.

3.Эга ергаш гап бош гапдан кейин келиб, бош гапга –ки аниқлов боғловчиси орқали бирикади: Шу нарса равшанки, ўтмишни билмасдан туриб, ҳозирги замон кадрига етиб бўлмайди.

Баъзан эга ергаш гап бош гапдаги шаклланмаган эгани изоҳлаши мумкин. Масалан: Бизга аёнки, халқ ўз тақдирини ўзи яратади.

Кесим ергаш гап бош гапнинг олмош билан ифодаланган кесимини изоҳлайди. Бунда бош гапнинг кесими вазифасида шу, шундай, шу бўлди, шундан иборат сўзлари келиб, ергаш гап шу сўзларни изоҳлагани ҳолда, бош гапга –ки боғловчиси ёрдамида бирикади. Масалан: Фарқи фақат шуки, мен маданий навларни чатиштирдим... ҳатто географик узок навларнинг ҳам маданийсини танлаб чатиштирганман... (Ў.Усмонов.) Енг ёмони шундаки, у... одамларни йил сайин ўткирроқ дориларни ишлатишга мажбур қияпти... (Ў.Усмонов.) Дўстликнинг қудрати шундан иборатки, бу қудратли куч ҳар қандай тўсиқни енга олади.

Тўлдирувчи ергаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчинини (ёки бош гапда қўлланмаган тўлдирувчинини изоҳлайди ва бош гапга қуйидагича бирикади:

1.Ергаш гапнинг кесими шарт майлида бўлади. Масалан: Кимда гумон бўлса, уни кўздан қочирма гапи таркибидаги ергаш гап (кимда гумон бўлса) бош гапдаги уни тўлдирувчисини изоҳлаган.

2.Тўлдирувчи ергаш гап бош гапга –ки боғловчиси орқали бирикади. Масалан: Мен ҳеч бир вақт инкор қилмайманким, ёлғиз ўз ғарази йўлида иш қилувчи панд кишилар... бизда ҳам йўқ эмас. (А.Қодирий.) гапи таркибидаги «ёлғиз ўз ғарази йўлида иш қилувчи панд кишилар бизда ҳам йўқ эмас» ергаш гапи бош гапда қўлланмаган шуни тўлдирувчисини изоҳлаб, унга –ки боғловчиси ёрдамида бириккан.

Аниқловчи ергаш гап бош гапдаги аниқловчи вазифасида қўлланган (ёки қўлланмаган) сўзнинг маъносини изоҳлайди.

Аниқловчи ергаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:

1.Ергаш гап таркибида ким, кимки, кимнинг каби олмошлар қатнашиб, кесим шарт майли шаклида бўлади. Масалан: Кимнинг кўнгли тўғ ри бўлса, унинг йўли ҳам тўғ ри бўлади.

2.Ергаш гап бош гапга –ки боғловчиси ёрдамида бирикади. Бунда бош гап таркибида шундай, шунақа сўзлари келади, ергаш гап таркибида эса бундай, бунақа сўзлари қатнашади.

Масалан: Шундай одамлар бўладики, уларни мансаб ҳам, даража ҳам, шон-шухрат ҳам ўзгартирмайди. (Х.Ғулом.) Қалб шундай уммонки, унинг бағ рида даҳшатли долғалар силсиласи бор. (Е.Воҳидов.)

Айрим ҳолларда олмош билан ифодаланган аниқловчи бош гапда туширилган бўлади. Масалан: Шоирлар бўладики, уларни бир киши ёлғиз ўзи кечаси ўқийди. (Е.Воҳидов.)

Пайт ергаш гап бош гап воқеа-ҳодисанинг юзага келиш вақтини, пайтини билдиради. Пайт ергаш гап бош гап томонидан бериладиган қачон? қачондан бери? қачонгача? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Пайт ергаш гап ва бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиши куйидагича:

И. Бош ва ергаш гаплардан англашилган воқеа-ҳодиса бир пайтда содир бўлади. Бунда ергашган қўшма гап қисмлари ўзаро куйидагича бирикади:

1. Ергаш гапнинг кесими сифатдош шаклида бўлиб, уўрин-пайт келишигида қўлланади. Масалан: У ҳовлига чиққанда, Қумри билан дугонаси супа ёнида суҳбатлашиб туришарди. (Х.Ғулом.) Кабинаси банд машиналар ўтганда, худди ёш болалардек қувониб кетардим. (СХ.Айтматов.)

2. Ергаш гапнинг кесими сифатдош шаклида бўлиб, унга ўрин-пайт келишигидаги «пайт», «вақт», «чоғ», «замон» сўзлари бирикиб келади. Масалан: Улар кўчага чиққан вақтда, палос, кўрпачалар ёзилган еди. (Х.Ғулом.) У идорага кириб келган пайтда қабулхона ўнга яқин қари-қартаг ва Хотин-халаж навбат кутиб турарди. (Н.Аминов.)

3. Ергаш гапнинг кесими «-(а)р екан» шаклида бўлади. Масалан: Ража бака ҳаммангизни электростанциянинг ортига бошлаб ўтар екан, Зулайҳо пастга тушди. (П.Қодиров.) Мен келишдан мақсадимни аста-секин тушунтирар еканман, борган сайин Бойтемирнинг жаҳли чиқди. (СХ.Айтматов.) У касалхонанинг теракзор хиёбонига кириб борар екан, қаердадир жажжи бир қушча чирқиллади. (Ў.Ҳошимов.)

ИИ. Бош гапдаги ҳаракат, ҳолат ергаш гапдаги ҳаракат, ҳолатдан олдин юзага келади. Бунда ергаш гап бош гапга куйидагича боғланади:

1. Ергаш гапнинг кесими –гунча аффикси билан ясалувчи равишдош билан ифодаланиб, мазкур шакл ергаш гапни бош гапга бириктирувчи восита ҳисобланади. Масалан: Кейинги автобус келгунча, йигит... янги «тоғ асал»ларини олиб қути устига териб кўрди. (Ж.Абдуллахонов.)

2. Ергаш гапнинг кесими равишдошнинг бўлишсиз шакли (-май, -масдан аффикслари ясалувчи шакли) билан ифодаланади. Масалан: Орадан кўп вақт ўтмай, идорага чоллар киришди. (А.Қаҳхор.)

ИИИ. Бош гапдаги воқеа-ҳодиса ергаш гапдаги воқеа-ҳодисадан сўнг рўй берарди. Бунда ергаш гап бош гапга куйидагича бирикади:

1. Ергаш гапнинг кесими –гач аффикси билан ясалувчи равишдош билан ифодаланади. Масалан: Орадан икки йил ўтгач, Мулла Фазлиддин Андижон аркидаги тўрхонанинг баъзи нақшларини янгилаш учун чакирилди. (П.Қодиров.) Маросим тугагач, у ойисига вагонда қайтажакларини еслатган еди. (М.Козимий.) Меҳмонлар жўнаб кетгач, у ... Солиҳовни ўз хузурига таклиф етди. (Н.Аминов.)

2. Ергаш гапнинг кесими чиқиш келишигидаги сифатдош билан ифодаланиб, унга «кейин», «сўнг» кўмакчилари қўшилади. Масалан: Орадан уч-тўрт ҳафта ўтгандан сўнг, қўлига ... йигирма-ўттиз чақа пул ҳам берган едим. (А.Қодирий.) Суд кенгашга кириб кетгандан кейин, зал гувиллаб кетди. (СХ.Айтматов.)

3. Ергаш гапнинг кесими «-ган еди» шаклида келади. Масалан: Темиржон ... ендигина ювинишга тутинган еди ҳамки, шийпон ёнидан юз-қўлини ювиб, белбоғига артганича келаётган Усмонали ота кўринди. (Ж.Абдуллахонов.)

ИВ. Бош гап ва ергаш гаплардаги воқеа-ҳодиса кетма-кет юзага келади. Бунда ергаш гап кесими «-гандан бери», «-ган сайин», «-ган сари» каби шаклларда келади. Масалан: ... чўл гуллаб-яшнаган сари, йилқилар пастликка туша бошлайди. (СХ.Айтматов.)

Ўрин ергаш гап бош гап кесимидан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради.

Бунда ергаш гапнинг кесими шарт майли шаклида бўлиб, ергаш гап таркибида қаерга, қаерда, қаердан каби нисбий сўзлар қатнашиб, улар бош гапдаги шу ерга, шу ерда, ўша

ердан, ўша ерда, ўша жойда каби сўзларга мос келади. Масалан: Қаердаги еркаклар билан аёллар бир-бирларини астойдил кадрласа, ўша жойда икки томоннинг ҳам кадр-қиммати кўтарилиб кетяпти. (П.Қодиров.)

Сабаб ергаш гап бош гапдан англашилган воқеа-ҳодисанинг юзага келиш сабабини билдиради. Сабаб ергаш гап бош гап орқали бериладиган нима учун? нэга? нима сабабдан? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Сабаб ергаш гап бош гапга куйидагича бирикади:

1. Ергаш гап бош гапга чунки, нэгаки сабаб боғловчилари ёрдамида боғланади. Масалан: Самимий айтилган сўз содда бўлади, чунки дилнинг ҳукмронлиги тилдан устун бўлади. (Ғ.Ғулом.) Тун ниҳоятда қоронғи, чунки янги туғилган ой аллақачон ботган еди. (П.Қодиров.) Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мақтанмайди, нэгаки у ўзидан ҳам зўр ва фозил олим борлигини билади. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур».)

2. Ергаш гап бош гапга шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли, шу боис сўзлари воситасида бирикади. Масалан: Бошқалар ёнида бировга айбларини айтиб насихат қилиш – уни одамлар олдида уялтиришдир, шунинг учун ҳоли жойда насихат қилиш керак. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»). Кишининг истеъдоди барча соҳада бир хил бўлавермайди, шунинг учун ёшлар ўзи севган, қобилиятига мос бўлган ишни танлай билиши керак. (ЙО.Шукуров).

3. Ергаш гап бош гапга –ми юкламаси орқали бирикади. Масалан: Ўзи қаттиқчилик билан ўсган эмасми, дарров рўзғ орға киришиб кета қолди. (Ў.Ҳошимов). Темиржонни шаржлар, кулгили сурат солинган саҳифалар кўпроқ қизиқтириб қўйдими, узоқ-узоқ тикилиб қолар, куларди. (Ж.Абдуллахонов).

4. Ергаш гап бош гапга шекилли модал сўзи воситасида боғланади. Масалан: Темиржоннинг қадалиб тикилиши унинг ҳам диққатини тортди шекилли, бир қараб қўйди. (Ж.Абдуллахонов).

5. Ергаш гапнинг кесими шарт майлидаги феъл ва «керак» модал сўзи билан ифодаланиши мумкин. Масалан: Ой тўлишган бўлса керак, тошлар қиров рангида елас-елас кўриниб турар еди. (С.Аҳмад). Баъзан ергаш гапнинг шундай шаклидаги кесимига –ки юкламаси ҳам қўшилиши мумкин. Масалан: Стол атрофида ҳар кимнинг тайин жойи бўлса керакки, Қундуз чакқон бориб қаршидан жой олди. (Ж.Абдуллахонов).

6. Ергаш гапнинг кесими «-ган+эгалик аффикси+учун (ёки сабабли, туфайли)» шаклида бўлади. Масалан: Дори янги сепилгани учун, далада ҳеч Ким кўринмайди. (Ў.Усмонов). Тоғ қишлоқлари нотинч бўлгани учун, Тоштемир шу томонларга тез-тез келадиган бўлиб қолди. (Ҳ.Ғулом).

7. Сабаб ергаш гапнинг кесими «-ган+эгалик аффикси+-дан» шаклида бўлади. Масалан: Бу тарафларда машиналар кўп қатнамаганидан, чанг-тўзон бўлмас еди. (С.Аҳмад). Бу ерда тез-тез ёмғир қуйиб турганидан, дарахтларнинг шундоғам беғубор барглари ювилиб хандон писта мағзидек оч яшил тусда кўринар еди. (С.Аҳмад).

Мақсад ергаш гап бош гап кесимидан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай мақсад билан юзага келишини билдиради. Мақсад ергаш гап бош гапнинг кесими орқали бериладиган нима мақсадда? қай мақсад билан? нэга? сўроқларига жавоб бўлади. Мақсад ергаш гапнинг кесими кўпинча буйруқ-истак майлидаги феъллар ифодаланади ва мақсад ергаш гапнинг бош гапга бирикиши куйидагича:

1. Ергаш гап бош гапга деб, дея ёрдамчилари орқали боғланади. Масалан: Ҳамма баҳраманд бўлсин деб, яхши ишлаш керак. (Ойбек).

2. Ергаш гап бош гапга учун воситасида бирикади. Масалан: Тоғаси уни одобсиз дэмасин учун, Ҳулқар чойнакни кўтариб уйга Аваздан кейин кирди. (П.Қодиров).

3. Мақсад ергаш бош гапга токи мақсад боғловчиси ёрдамида бирикади. Масалан: Болаларни китобга ўргатиш керак, токи улар ишчи кучи бўлиб эмас, онгли, катта жамиятнинг билағ он аъзолари бўлиб етишсинлар. (С.Аҳмад).

Равиш ергаш гап бош гапдан англашилган ҳаракат, ҳолатнинг қай тарзда, қай ҳолда юзага келишини билдиради. Равиш ергаш гап бош гапнинг кесими орқали бериладиган қандай? қай тарзда? қай ҳолда? қандай қилиб? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Равиш ергаш гапнинг кесими, асосан, феълнинг –(и)б аффикси билан ясалувчи ўтган замон равишдоши орқали шаклланган бўлиб, шу феъл шакли ергаш гапни бош гапга боғловчи восита ҳам ҳисобланади. Масалан: Уй сув ювиб қиялашган силлиқ қирғ оқдан беш-олти қадамгина нарида бўлиб, ундан илон изидек ёлғизоёқ йўл дарёга чўзилиб тушган еди. (Ў.Усмонов). Бирдан кўллари бўшашиб, боғлаётган боғичи бармоқлари орасидан чиқиб кетди. (Ў.Ҳошимов). Ҳозир ҳам супанинг атрофий супуриб-сидирилиб, сув сепиб кўйилган. (Ж.Абдуллаев).

Ўхшатиш ергаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисани бошқа воқеа-ҳодисага ўхшатадиган, чоғиштирадиган ергаш туридир. Ўхшатиш ергаш гапнинг кесими кўпинча –ган, –ётган аффикслари билан ясалувчи сифатдош билан ифодаланиб, бундай ергаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:

1. Ергаш гап кесими –дай, –дек аффиксини олган сифатдош билан ифодаланади. Масалан: Одатда меванинг сарасини қурт эганидек, бўхтон ҳам яхши одамларга ёпишади. (Ж.Свифт). Тошбақа жайронни қувиб етиб ғажиб ташлаши мумкин бўлмаганидек, Зайнабнинг ўз орзуларига етмоғи мумкин эмасди. (Т.Малик).

2. Ергаш гапнинг кесими «-ган+эгалик аффикси+каби//сингари» шаклида бўлади. Масалан: Булутлар ортига яширинган қуёш юзидаги пардани шартта олиб ташлаб, оламни мунаввар қилгани каби, унинг ҳам чехраси бирдан ёришиб кетди. (Ж.Абдуллахонов).

3. Ергаш гапнинг кесими «-ган ёки –ётган+жўналиш келишиги аффикси+ўхшаб//ўхшаш» шаклида бўлади. Масалан: Йўл борган сари узоқлашиб кетаётганга ўхшаб, сира поёни кўринмасди. (С.Аҳмад).

4. Ергаш гап бош гапга гўё, худди ёрдамчилари воситасида боғланиши мумкин. Бунда ергаш гапнинг кесими таркибида одатда –дай, –дек аффикси ҳам қатнашади. Масалан: Баъзи қушларнинг қанотлари ёзилган, гўё улаб учиб тушмоқчидай еди. (Ойбек).

Микдор-даража ергаш гап бош гап кесимидан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг қай микдорда, қай даражада бажарилишини билдиради.

Микдор-даража ергаш гапли кўшма гапларда ергаш гап таркибидаги қанча, қанчалик, нечоғлик сўзлари бош гапдаги шунча, шунчалик, шу даражада каби сўзларга мос келади.

Микдор-даража ергаш гапнинг кесими феълнинг шарт майли билан ифодаланиб, шу феъл шакли ергаш гапни бош гапга бириктирувчи восита ҳисобланади. Масалан: Одамлар учун хотирада сақлаш қанчалик зарур бўлса, баъзан унутиш ҳам шунчалик зарур. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»). Унга томон қанча юрсанг, у сендан шунча узоқлашади. (А.Қаҳҳор).

Шарт ергаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг қандай шарт билан юзага чиқишини билдиради.

Шарт ергаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:

1. Шарт майлидаги феъл билан. Масалан: Ер бақувват бўлса, ғ ўза бақувват ўсиб, ҳеч қандай дардга чалинмайди. (Ж.Абдуллахонов). Даъвогар сушт келса, қози муттаҳам ... (Ҳ.Ғулум).

Баъзан шарт ергаш гапда агар, борди-ю, башарти, мабодо каби сўзлар келиб, улар гапдан англашилган шарт мазмунини кучлироқ ифодалаш учун хизмат қилади. Мабодо бирор одам ўзича тўй қилса, айни базм қизиган пайтда чироқ ўчириб кўйилади. (Ў.Ҳошимов). Агар бир дарахт кессангиз, ўрнига янги новдалар кўкариб чиқади. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

2. Баъзан шарт ергаш гапнинг кесими «-ган+да» шаклида бўлади ва бу шакл ергаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Масалан: Агар ёзувчи кўксида шундай бир нур – тоза иймон бўлмаганда еди, унинг шайтанат оламига сафари бэсамар чиқмоғи ҳам мумкин еди (Т.Малик).

3. Шарт ергаш гап бош гапга –ми, -чи юкламаси ёрдамида ҳам бирикиши мумкин. Масалан: Хатосини бўйнига олдим, егилган бошни қилич кесмайди.

Тўсиқсиз ергаш гап мазмунан бош гапга зид бўлса ҳам, унда ифода қилинаётган фикр бош гапда ифода қилинаётган фикрнинг бажарилишига тўсиқ бўлмайди.

Тўсиқсиз ергаш гап бош гапга қуйидагича боғланади:

1. Шарт майли аффикси + ҳам юкламаси орқали: Улар ўтирган жойга сел келмаган бўлса ҳам, Оқдаранинг шағирлаши қулоқларига чалинган еди. (П.Қодиров). Ҳовли сотилиб кетган бўлса ҳам, қариндошлардан аъло қўшниларим бор. (Мирмуҳсин).

Баъзан маънони кучайтириш учун бош гап таркибида зидловчи боғловчи ҳам келади: Маҳфуза Райҳонга дастлаб ёцираб қараган бўлса ҳам, лекин унинг меҳрибонликлари қизалок кўнглини секин-аста юмшатди. (Ҳ.Ғулом).

2. Шарт майли аффикси + да юкламаси орқали: Унинг сўзлари гарчи ўқ каби ботаётган бўлса-да, Елчин учун янгилик эмасди. (Т.Малик).

3. Ергаш гапнинг кесими бўлишсиз шаклида қўлланган буйруқ майлидаги феъл билан ифодаланади: Она ишдан қандай ўй, қандай ташвиш билан қайтмасин, шу кўзларни кўриб, кўнгли ёзилар еди. (А.Мухтор).

4. Тўсиқсиз ергаш гапнинг кесими «-ган+эғалик аффикси+билан» шаклида бўлади: Йўқ, айниқса Жўрақуловга ўхшаган кишилар ... сип-силлиққина кўрингани билан, дилида қанча сиру синоатлар борлигини ҳамма ҳам билавермайди. (Мирмуҳсин). Дарвозаси кўримсиз бўлгани билан, бу ҳовлининг ўнги ичида екан. (Т.Пўлатов). Зайнаб ўзини енгилроқ ҳис қилгани билан, боши гаранг еди. (Т.Малик).

Натижа ергаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг натижасини билдириб, бош гапга – ки аниқлов боғловчиси орқали боғланади. Бунда бош гап таркибида кўпинча шу қадар, шундай, шунча, шунчалик, чунон (ергаш таркибида эса натижада, оқибатда каби сўзлар) қўлланади. Масалан: Йўлдузлар шу қадар кўп чиққан едики, аллақанчаси Сомон йўлининг ортларида ҳам милт-милт қиларди. (П.Қодиров). ... нафас олиш шундай енгилки, кекса одам ҳам бу ерда болалик пайтларини еслайди. (П.Қодиров).

5-§. Боғловчисиз қўшма гап

Қисмларининг ўзаро боғловчи воситаларсиз бирикишидан тузилган қўшма гап боғловчисиз қўшма гап дейилади. Бундай қўшма гапларда предикатив қисмларни мазмун ва қурилиш жиҳатдан боғлашда оҳанг (оҳанг) етакчи вазифа бажаради. Масалан: Ташқарида қор учқунланиб турар, дарахтларнинг шохлари кумуш рангда товланиб, кўзни қамаштирарди. (Ж.Абдуллахонов).

Боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари кўпинча тенглик оҳангси орқали боғланади. Масалан: Олдиндан салқин шабада эса бошлади, йўл қишлоқнинг тутзор кўчасига кирди. (Ш.Холмирзаев). Пиёзнинг пўсти кўп, ёмоннинг дўсти кўп. (Мақол). Баъзан бундай қўшма гапларнинг предикатив қисмлари тобелик оҳангси билан боғланиши мумкин. Масалан: Ортиқ ҳам ўзича қувониб қўйди: синтетик ўтовнинг нарҳи салкам икки минг сўм... (П.Қодиров).

Шунинг учун ҳам тенглик оҳангси орқали тузилган боғловчисиз қўшма гап мазмунан боғланган қўшма гапга, тобелик оҳангси орқали тузилган боғловчисиз қўшма гап ергашган қўшма гапга мос келади. Аммо баъзи бир боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасидаги оҳанг тенглик ва тобелик ҳолатидан ўзгача бўлади. Масалан: Сўз дорига ўхшайди, ортиқчаси зарар келтиради. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

6-§. Боғловчисиз қўшма гапнинг турлари

Боғловчисиз қўшма гап қисмларининг қандай шаклланишига кўра, икки хил бўлади:

1. Бир типдаги қисмлардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гап. Бу хил қўшма гап қисмларининг кесимлари бир хил шаклланган бўлади: СЎин муҳаббат ҳусн танламас, Ҳусн учун севмас вафодор. (Шукрулло).

Бир типдаги қисмлардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабатлар қуйидагича бўлади:

1. Бир пайтда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар англашилади: Мотор эса зўр бериб тириллар, машина силкинар еди. (СҲ.Айтматов).

Бундай пайтда бутун вужудида ажойиб бир сафарбарлик сезар, хотираси, зехни, шуури бир нуқта атрофида иноқ тўпланарди. (П.Қодиров).

2. Кетма-кет рўй берадиган воқеа-ҳодисалар англашилади: Тоғ тепасида тўпланаётган булутлар тушга бориб қуюқлашиб кетди, офтоб ғ ойиб бўлди. (П.Қодиров).

3. Воқеа-ҳодисалар қиёсланади: Баҳодир қўшинга бошчилик қилади, донишманд йўл очиб беради. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»). Янги либос – оройиш, яхши йўлдош – осойиш. (Мақол).

4. Воқеа-ҳодисалар қиёсланади: Адолатпарвар бўлиш осон - еътиқодинг учун курашиш қийин. (Ф.Мусаёнов).

ИИ. Турли типдаги қисмлардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гап. Бу хилдаги қўшма гап қисмларининг кесимлари турлича шаклланади. Бунда қўшма гап қисмларидан англашилган воқеа-ҳодисалар бир-бирига боғлиқ бўлади. Масалан: Ақлли, фаросатли, илму ҳунарли кишилар билан дўст бўл. Ҳунарсиз кишида хосият бўлмайди. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

Боғловчисиз қўшма гапнинг бу турида таркибидаги қисмлар орасида қуйидаги семантик муносабатлар юзага келади:

1. Сабаб муносабати англашилади: Ҳаво яхши, далада деҳқонлар йиғим-терим билан овора. (Ойбек). Номарддан ёрдам сўрама, юзингга солади. (Мақол).

2. Пайт муносабати англашилади: Қуёш пасайиб оппоқ чўққилар устига қўна бошлаган, тоғ нинг қори кўзни олар даражада ялтирайди. (П.Қодиров).

3. Тўсиқсизлик муносабати англашилади: Булар бизни оёқ ости қилиб тепяпти, сен уйда бақрайиб ўтирибсан. (П.Қодиров). Биз илмдан йироқмиз, тажриба бор, холос. (Ж.Абдуллахонов).

4. Натижа муносабати англашилади: Шунча хўжалик янги уйларга кўчиб кирди, Ойкўл бутунлай ўзгариб кетди. (П.Қодиров).

5. Изоҳ муносабати англашилади: ... бир нарса менинг есимда турибди: Ойкўл ғаллани кўп олган йиллари чорваси ҳам ҳозиргидан беш баробар кўп еди. (П.Қодиров). Бу гапдан Исмат бобо бир чўчиб тушди: у Каттаевнинг енг яқин кишиларидан еди. (П.Қодиров).

6. Шарт муносабати англашилади: *Озроқ кутиб тургин, тез келаман.* (С.Аҳмад).

7-§. Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгилари қуйидагича ишлатилади:

1. Боғловчисиз қўшма гап қисмларидан бир пайтда ёки кетма-кет рўй берадиган воқеа-ҳодисалар англашилса, улар бир-биридан вергул билан ажратилади. Масалан: Қушбегига қарадим, ул ҳам маним оғзимга қараб турар еди. (А.Қодирий). Сиз марғилонлик оғайниларни кипчоқларга қарши оёқлантирмоқчи бўласиз, буни ҳам яхши биламиз... (А.Қодирий).

2. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари мазмун жиҳатдан мустақилроқ бўлса ёки улар таркибида вергул ишлатилган бўлса, қўшма гап таркибидаги қисмлар бир-биридан нуқтали вергул билан ажратилиб ёзилади. Масалан: *Ишинг бўлмаса китоб ўқи, ҳуснихат ол; сен қуллонинг қизи эмассан...* (А.Қодирий). *Ёш чоғида ... қаттиқчиликда ўсди; унинг баъзи ярашмаган ҳаракатлари балки ўша қаттиқчиликнинг руҳга сингиб қолган ёмон таъсирдир.* (А.Қодирий).

3. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги иккинчи гап биринчи гапнинг бирор бўлагини изоҳласа, унинг мазмунини тўлдирса, қисмлар орасига икки нуқта қўйилади. Масалан: *Арслонбоб ёнг оқларига келганда шуни айтмоқчиман: булар ниҳоятда ноёб, зотли ёнг оқлар.* (Ж.Абдуллахонов). *Холбек бир нарсани енди сезмоқда еди: Аваз билан Ҳулкар унга нэгадир керак еди.* (П.Қодиров).

4. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари бир-биридан тире орқали ажратилади. Қуйидаги ҳолатларда қўшма гап қисмлари орасига тире қўйилади:

1) қўшма таркибидаги гаплар мазмунан зид бўлса: *Кийган тўнинг ескийди – кийдирганинг ескимас.* (Мақол).

2) биринчи гап иккинчи гап кесимидан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш натижаси ёки шартини билдирса: *Қаринг бор – баринг бор.* (Мақол).

3) биринчи гап мазмуни иккинчи гап мазмунига ўхшатилса: *Қор ёғ ди – дон ёғ ди.* (Мақол). *Вақтинг кетди – бахтинг кетди.* (Мақол).

4) қисмлардан тез алмашинувчи воқеа-ҳодисалар англашилса: - Ҳой, ойимча, сен яхши бўлдинг – биз ёмон бўлиб қолдикми ҳали?... (П.Қодиров). Шу пайт ой булутлар орасидан сузиб чиқди – камтиги булутнинг четига урилиб, шўх бир силкиниб қўйгандай кўринди. (П.Қодиров).

8-§. Мураккаб қўшма гап ҳақида маълумот

Қўшма гаплар компонентларнинг сонига кўра, икки хил бўлади: 1) икки компонентли қўшма гаплар (боғланган, ергашган, боғловчисиз қўшма гаплар баҳсига қаранг), 2) кўп компонентли (мураккаб) қўшма гаплар.

Кўп компонентли (мураккаб) қўшма гаплар уч ва ундан ортиқ компонентларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикишидан ҳосил бўлади.

Мураккаб қўшма гап таркибидаги қисмлар (компонентлар) ўзаро турлича муносабатда бўлади. Шунга кўра, мураккаб қўшма гаплар қўидаги турларга бўлинади:

1. Боғланган қўшма гап тоифасидаги (боғланиш йўли билан тузилган) мураккаб қўшма гап.

2. Ергашган қўшма гап тоифасидаги (ергашиш йўли билан тузилган) мураккаб қўшма гап.

3. Боғловчисиз қўшма гап тоифасидаги (боғловчи воситаларсиз тузилган) мураккаб қўшма гап.


4. Аралаш типдаги тузилган мураккаб қўшма гап.

1. Боғланган қўшма гап тоифасидаги (боғланиш йўли билан тузилган) мураккаб қўшма гаплар

Боғланган қўшма гап тоифасидаги (боғланиш йўли билан тузилган) мураккаб қўшма гап компонентлари (қисмлари) ўзаро тенг боғловчилар ёки тенг боғловчилар вазифасидаги юкламалар орқали синтактик алоқага киришади.

Бундай мураккаб қўшма гап, таркибидаги компонентларнинг боғланиш усулларига кўра, шунингдек, уларнинг семантик муносабатларига кўра, боғланган қўшма гапдан фарқ қилмайди, лекин бунда компонентлар сони уч ва ундан ортиқ бўлади. Масалан: Бугундан бошлаб ётоқ жойларда... йигитлардан битта навбатчи қолдирилди-ю, бошқа ҳамма пахтага чиқди ва теримчилар сони тўрт кишига ортди. (П.Қодиров).

Келтирилган мисол 3 та компонент мураккаб қўшма гап таркибида қатнашиб, биринчиси иккинчисига тенг боғловчи вазифасидаги –ю юкламаси билан, иккинчиси учинчисига ва боғловчиси билан боғланган. Боғланган қўшма гап тоифасидаги мураккаб қўшма гапни қўидаги чизги билан кўрсатиш:




2. Ергашган қўшма гап тоифасидаги (ергашиш йўли билан тузилган) мураккаб қўшма гаплар

Ергашган қўшма гап тоифасидаги (ергашиш йўли билан тузилган) мураккаб қўшма гапда ергаш гап бир неча бўлиб, улар битта бош гапга тобеланади. Қўшма гапнинг бу тури бир неча ергаш гапли қўшма гап деб ҳам юритилади.

Бундай қўшма гапда ергаш гапларнинг бош гапга боғланиши икки хил бўлади:

1. Биргалик ергашишда қўшма гап таркибидаги бир неча ергаш гаплар бири иккинчиси билан грамматик алоқага киришмай, тўғ ридан-тўғ ри бош гапга боғланади. Масалан: *От тўхтаганида, у куч йиғиб олсин деб, Танабой кутиб турар ... еди.* (СҲ.Айтматов).

Бу қўшма гапнинг шэмаси (чизгиси) куйидагича:



Биргалик ергашувли мураккаб қўшма гап икки хил бўлади:

1) бир типдаги биргалик ергашишда ергаш гаплар бир хил турга мансуб бўлади ва уларнинг ҳар бири бош гапнинг маълум бўлагини ёки бош гапни бутунича бир хилда изоҳлайди, аниқлайди, тўлдиради. Улар бир хил сўроққа жавоб бўлади. Бундай ергаш гаплар уюшган ергаш гаплар деб юритилади. Мураккаб қўшма гап таркибида ергаш гапнинг ҳар бир тури уюшиб келиши мумкин. Уларнинг айримларига мисоллар:


а) эга ергаш гапларнинг уюшиб келиши: Йўлчига шуниси қизик туюлдики, бу ерда ... ҳамма дарахтлар бир чизик устида текис саф тортиб туради, дарахтлар ўртасидаги масофа ҳам баравар. (Ойбек);

б) аниқловчи ергаш гапларнинг уюшиши: Шундай ҳаёт туғилдики, у сенсиз яшай олмайди, сен унинг қудратли кучисан. (А.Мухтор);

в) сабаб ергаш гапларнинг уюшиб келиши: Кун бўйи пиёда юриб чарчадимми, карнайдан ҳадеб янграётган музыка елитдимми, ухлаб қолибман. (Ў.Ҳошимов);

г) равиш ергаш гапларнинг уюшиб келиши: Адирларни коплаб ётган қор тезда ериб, кунлар исиб, ўт-ўланлар кўқара бошлади. (СҲ.Айтматов).

Бир типдаги биргалик ергашишни чизгида куйидагича тасвирлаш мумкин:




2) турли типдаги биргалик ергашишда ергаш гаплар ҳар хил бўлади ва уларнинг ҳар бири бош гапдаги бирор бўлакни ёки бош гапни бутунича турли томондан изоҳлайди, аниқлайди, тўлдиради.

Уларнинг сўроқлари ҳам ҳар хил бўлади. Бундай ергаш гаплар уюшмаган ергаш гаплар деб юритилади: Қор тингач, ташқарида жуда совуқ бўлса ҳам, улар текширишни давом еттирдилар. (СҲ.Айтматов).


Бу қўшма гапда пайт ергаш гап ва тўсиқсиз ергаш гап бош гапни турли томондан изоҳлаб келган.

Турли типдаги биргалик ергашишни чизгида куйидагича тасвирлаш мумкин:



2. Кетма-кет ергашишда ергаш гаплар бош гапга тўғ ридан-тўғ ри тобеланмай, бири иккинчисига бўйсуниб, сўнг бош гапга боғланади. Бу хил қўшма гапларда ергаш гаплар мазмунан зич боғланган бўлади ва ергаш гаплардан бири туширилса, умумий мазмун англашилмай қолади. Масалан: Йўк оз бўлса ҳам, олис ва ўнқир-чўнқир йўлларда мотор тез қизиби, радиатор ериб кетиши ҳеч гап эмас. (СҲ.Айтматов).

Кетма-кет ергашишни чизгида қуйидагича кўрсатиш мумкин:



3. Боғловчисиз қўшма гап тоифасидаги (боғловчи воситаларсиз тузилган) мураккаб қўшма гаплар

Мураккаб қўшма гапнинг бу турида уч ва ундан ортиқ гаплар боғловчи воситаларсиз, оҳанг (оҳанг) орқали боғланади, бу жиҳатдан у оддий боғловчисиз қўшма гапдан фарқланмайди, лекин бунда гаплар орасидаги семантик муносабатлар мураккаброқ бўлади:

1) гаплар ўзаро тенг муносабатда бўлади: *Шамол ҳамон қаршидан эсар, яшин «лип-лип» қилар, момақалдироқ даранинг юқорисида гумбуллар еди. (П.Қодиров). Сув тиниқ, япроқлар қирмизи ранг тортган, ҳаво мусаффо еди. (Ф.Мусаждонов). Лаҳзада дўкон чоллар, йигитларга тўлди, барча шод, ғ оғур-ғувур, суҳбат бошланиб кетди. (Ойбек).*


Мазкур гапнинг чизгиси қуйидагича:



2) тенг муносабатдаги икки ва ундан ортиқ гаплар улар учун умумий гапдан англашилган фикрни изоҳлаб келади: *Тушдан кейин ҳамма жонланиб қолди: биров ҳазил қилган, биров шангиллаб қандайдир воқеани сўзлаган, енг дангаса шиёқмаслар ҳам алланечук сергайрат, чаққон бўлиб қолган. (Ф.Мусаждонов).*

Икки квартал наридаги кенг хиёбон жуда ўтиришли жой: ўртаси гулзор, унинг кичкина фаввораси ҳам бор. (Ф.Мусаждонов).

Келтирилган гапларнинг чизгиси қуйидагича:



5. Аралаш типда тузилган мураккаб қўшма гап

Аралаш мураккаб қўшма гап бир неча кўринишга эга бўлиши мумкин:

1) боғланиш ва ергашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап. Бундай гапларнинг қисмлари ҳам тенгланиш, ҳам тобеланиш алоқалари орқали синтактик муносабатга киришади. Масалан: *Қутидор дўконига жўнагандан кейин, Офтоб ойим Тўйбекани меҳмонхонага буюрди ва ўзи ҳамир қилишга ўтирди. (А.Қодирий).*

Келтирилган мисолда биринчи гап (пайт ергаш гап) иккинчи гапга (бош гапга) ергашиш йўли билан бириккан, буларнинг иккаласи учинчи гап билан «ва» бириктирув боғловчиси орқали боғланиш йўли билан муносабатга киришган.


Яна бир мисол: *Қиличдан етган жароҳат тилдан етган жароҳатга қараганда енгилроқдир, чунки қилич баданни жароҳатлайди, тил эса қалбни жароҳатлайди. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).*

Бунда иккинчи ва учинчи гаплар ўзаро «эса» ёрдамчиси воситасида боғланиш йўли билан муносабатга киришган ва яҳлит ҳолда биринчи гапга «чунки» боғловчиси ёрдамида сабаб муносабати орқали ергашиш йўли билан бириккан.

2) боғланиш йўли билан ва боғловчи воситаларсиз тузилган мураккаб қўшма гап.

Бундай аралаш мураккаб қўшма гап қисмлари ўзаро ҳам тенг боғловчилар (ёки тенг боғловчи вазифасидаги юкламалар), орқали, ҳам боғловчисиз муносабатга киришади: *Йигитнинг ранги оппоқ, кўзлари бўлса бир ўринда тўхтаб қолган, ҳаракатсиз, егнида ... олабула матодан тўқилган кўйлаги бор еди. (М.Козимий).*

Бунда биринчи гап иккинчи гап билан ўзаро «бўлса» қиёслов боғловчи ёрдамида боғланиш йўли билан, учинчиси билан оҳанг орқали алоқага киришган. Мазкур гапнинг чизгиси қуйидагича:



3) ергашиш йўли билан ва боғловчи воситаларсиз тузилган мураккаб қўшма гап.

Бундай аралаш мураккаб қўшма гап қисмлари ўзаро ҳам ергаштирувчи боғловчилар ёки ергаштирувчи боғловчи воситалар, ҳам боғловчисиз муносабатга киришади: Дилда сақланган адоват темир зангига ўхшайди, занг темирни эгани каби, адоват қалбни азоб ва изтироб билан емиради. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

Бунда иккинчи гап учинчи гапга ўхшатиш муносабати орқали ергашиш йўли билан бирикиб, биринчи гап ~~эса яхлит қилиб~~ олинган кейинги гапларга боғловчи воситаларсиз муносабатга киришган.

4) ҳар уч муносабат: боғланиш йўли билан, ергашиш йўли билан ва боғловчи воситаларсиз тузилган мураккаб қўшма гап. Бундай қўшма гап қисмларининг ўзаро муносабати турлича бўлади:

Толиб ака ески ходим, умри шу редакцияда ўтган ва уни бу ердан ҳайдаб бўлмайди, шунинг учун Аҳмаднинг ўзи кетиши керак. (Ф.Мусаёнов).

Бу аралаш мураккаб қўшма гап тўртта гапдан тузилиб, биринчиси иккинчисига боғловчи воситаларсиз, иккинчиси учинчиси билан «ва» бириктирув боғловчиси ёрдамида боғланиш йўли билан муносабатга киришган, биринчи учала гап яхлит ҳолда тўртинчи гапга сабаб муносабати орқали ергашиш йўли билан бирикиб келган.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қўшма гапнинг таърифини айтинг.
2. Содда ва қўшма гап ўртасида қандай фарқ бор?
3. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро қандай воситалар била бојланади?
4. Қўшма гапнинг қандай турлари бор?
5. Ергаш гапли қўшма гапнинг таърифини айтинг.
6. Бош гап деб қандай гапга айтилади?
7. Ергаш гап деб қандай гапга айтилади?
8. Ергаш гапнинг бош гапни изоҳлаши қандай кўринишларда бўлади?
9. Ергаш гапнинг жойлашиш ўринлари ҳақида гапиринг.
10. Ергаш гаплар бош гапларга қандай воситалар ёрдамида бојланади?
11. Бојланган қўшма гап таърифини айтинг.
12. Бојланган қўшма гап турларини сананг.
13. Бириктирув муносабатли бојланган қўшма гаплар ҳақида гапиринг.
14. Зидлов муносабатли бојланган қўшма гаплар ҳақида гапиринг.
15. Айирув муносабатли бојланган қўшма гаплар ҳақида гапиринг.
16. Инкор муносабатли бојланган қўшма гаплар ҳақида гапиринг.
17. Бојловчисиз қўшма г. таърифини айтинг.
18. Бојловчисиз қўшм. гап оҳангдан ташқари қандай воситалар билан бојланади?
19. Бојланган қўшма гапларга синоним бўладиган бојловчисиз қўшма гапларга мисоллар келтиринг.
20. Ергашган қўшма гапларга синоним бўладиган бојловчисиз қўшма гапларга мисоллар келтиринг.

ЎЗГАЛАРНИНГ НУТҚИНИ ИФОДАЛАШ УСУЛЛАРИ

Муаллиф ўз нутқида бошқалар ифодалаган фикрлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Бундай фикрлар **кўчирма гап**, **ўзлаштирма гап**, **диалог** ва **кўчирма** шаклида берилади.

1-§. Кўчирма гап

Ўзгаларнинг ҳеч ўзгаришсиз берилган гапи **кўчирма гап** дейилади. Кўчирма гапда икки хил гап бўлади: **кўчирилган гап** ва **муаллиф гапи**. Иккаласи биргаликда **кўчирма гапли қўшма гапни** ҳосил қилади (20; 66). Муаллиф гапининг кесими *деди, деб сўради, деб жавоб берди, гапирди, сўзлади, айтди* каби феъллар билан ифодаланди. Кўчирма гаплар сўзлашув ва бадиий услубларда кўп ишлатилади. Кўчирилган гап муаллиф гапидан аввал, ундан кейин, унинг ичида, унинг икки томонида келиши мумкин: *"Меҳнат иштаҳа очар", - дейди бобом. СХўпондан сўрадик: "Бу қўйлар кимнинг қўйи?" "Мен, - деди у, - ертага келаман". Бош инженер ниҳоятда босиқлик билан: - Бу гапга Худойқуловнинг алоқаси йўқ, - деди.(Ж.Абд.)*

2-§. Кўчирма гапда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Кўчирилган гап қўштирноқ ичига олинади, бадиий асарларда тире билан ажратиб берилади.

Кўчирма гапда, кўчирилган гапнинг ўрнига қараб, тиниш белгиларининг ишлатилиши қуйидагича бўлади:

1. Кўчирилган гап дарак гап бўлиб, муаллиф гапидан олдин келса, ундан кейин вергул ва тире қўйилади: *"ЙУринг, мен ўша томонга бораман", - деди Комила* (бадиий асарларда тире ишлатилади). Сўроқ ва ундов белгилари қўштирноқ ёпилмасдан олдин қўйилади.

2. Кўчирилган гап муаллиф гапидан кейин келса, муаллиф гапидан кейин икки нуқта қўйилади: *Бир кун Хусайн Мирзо шипга қараб ётиб, вазирларига шундай дебди: - Олиб келинг! ("Ел дэса Навоийни")*

3. Муаллиф гапи кўчирилган гап ичида келса, тиниш белгилари қуйидагича қўйилади:

1) кўчирилган гапнинг узилиб қолган қисмида ҳеч қандай тиниш белгиси бўлмаса ёки вергул ёхуд икки нуқта бўлса, бу белгилар туширилиб, муаллиф гапи ҳар икки томондан вергул ва тире билан ажратилади: *"Ҳазрат, - дебди Худойберди унга қараб, - тандирни қуролмадим". ("Ел дэса Навоийни")*

2) кўчирилган гапнинг узилиб қолган қисмидан сўнг нуқта қўйиш лозим бўлса, муаллиф гапидан олдин вергул ва тире, муаллиф гапидан сўнг эса нуқта қўйилади: *"Нойиб тўранинг гапларидан билинади ўзи, деди Мирёқуб. – Сиз бўлган гапларни айтиб беринг". (СХ.)*

3) кўчирилган гапнинг узилиб қолган қисмидан сўнг сўроқ ёки ундов белгиси қўйиш лозим бўлса, муаллиф гапидан аввал ўша белги ва тире қўйилади, муаллиф гапидан сўнг нуқта ва тире қўйилиб, кўчирма гапнинг давоми бош ҳарф билан бошланади: *"Ҳадичахон кўзларини айёрлик билан ўйнатиб туриб, кундошига қаради: - Гапни ештаётирсизми? – деди. – Ертага бизникига шаҳарлик меҳмонлар келишар экан!".(СХ.)*

4. Кўчирилган гап муаллиф гапининг ўртасида келса, тиниш белгилари қуйидагича қўйилади:

1) муаллиф гапининг узилиб қолган қисмининг охирига икки нуқта қўйилиб, кўчирилган гап қўштирноқ ичига олинади; кўчирилган гапдан кейин вергул ва тире қўйилиб, кейин муаллиф гапининг давоми ёзилади: *Саодат: "Биз ҳам астойдил меҳнат қилдик", - деди.*

2) кўчирилган гап сўроқ ёки ҳис-ҳаяжон гап бўлса, уларнинг белгилари қўштирноқ ичида бўлади: *Ўқитувчимиз: "Сен қайси бадиий китобларни ўқиб чиққансан?" - деб сўрадилар.*

5. Кўчирма гаплар ҳамсухбатларнинг лукмаси тарзида ифодаланганида ёзма нутқда ҳар бир лукмадан аввал тире қўйилади. Бу лукмаларда муаллиф гапи бўлмайди: *- Шаҳарда қариндошингиз борми? - Йўқ.*

3-§. Ўзлаштирма гап

Ўзгаларнинг шакли ўзгартирилиб, мазмуни ифодаланган гапи **ўзлаштирма гап** дейилади. Ўзлаштирма гап кўчирма гапга айлантирилиши мумкин бўлган гапдир: *Қурбон ота ертага келишини айтди (ўзл. гап) – Қурбон ота деди: “Мен ертага келаман” (кўч. гап).*

Сўроқ, буйруқ мазмунини ифодалаган кўчирма гаплар ўзлаштирма гапга айлантирилганда, дарак гап шаклида баён қилинади.

Кўчирма гап	Ўзлаштирма гап
- Бу қандай бино, нимага мўлжаллайсиз? - деди Ўктам.	Ўктам бу қандай бино еканлигини, унинг нимага мўлжалланишини сўради

Ундалма, кириш сўз қатнашган кўчирма гаплар ўзлаштирма гапга айлантирилганда, кириш сўзлар тушиб қолади, ундалма воситали тўлдирувчига айлантирилади, 1-, 2-шахсларни кўрсатувчи сўзлар 3-шахсга айлантирилади:

Кўчирма гап	Ўзлаштирма гап
- <i>Хўш, Канизакхон, қандай янгиликлар бор?</i> - сўради Ўктам. - <i>Мен кетдим, - деди укаси.</i>	Ўктам Канизакхондан қандай янгиликлар борлигини сўради. Укаси ўзининг кетаётганини айтди.

Ўзлаштирма гапнинг кесими *айтмоқ, гапирмоқ, буюрмоқ, сўрамоқ, ундамоқ* (демоқ феълидан ташқари) сўзлари билан ифодаланади.

4-§. Кўчирма ва унда ишлатиладиган тиниш белгилари

Бирор матндан кўчирилган гаплар **кўчирма** дейилади. Кўчирма икки хил бўлади:

1. Муаллиф гапи билан бирга қўлланган кўчирма: *Алишер Навоий илм олишга даъват қилиб: "Олим бўлсанг, олам сеники", - деган еди .*

2. Муаллиф гаписиз қўлланган кўчирма:

*Коинот гултожи инсондир азал,
Ундадир енг олий тафаккур, амал.
У ҳатто тубанлик ичра ҳам танҳо,
ЙО фалак, ижодинг бунча мукамал.*

А.Орипов

Муаллиф гапи билан қўлланган кўчирма баён қилинаётган фикрни асослаш, тасдиқлаш ёки инкор этиш учун келтирилади. Шеъринг парчалар кўчирма тарзида келтирилса, қўштирноққа олинмайди. Кўчирма муаллиф гаписиз қўлланса ҳам, қўштирноққа олинмайди. Бу тарздаги кўчирмалар **эпиграф** тарзида қўлланади ва қўштирноққа олинмайди.

5-§. Диалог

Икки кишининг нутқи **диалог** деб аталади. Диалогда кўчирма гаплардан фойдаланилади, ҳар бир гап тире билан бошланади. (Бунда муаллиф гапи ишлатилмаслиги ҳам мумкин.): - *Қайси мактабда ўқийсан? - 24-мактабда. – Нечанчи синфда? – Бешинчи синфда.*

Гап таҳлили намунаси	
1. Ифода мақсадига кўра тури.	5. Уюшиқ ва ажратилган бўлақлар бўлса, аниқланади.
2. Ҳис-ҳаяжон ифодалашига кўра тури.	6. Гап бўлақлари саналмайдиган бирликлар бўлса, аниқланади.
3. Тузилишига кўра тури.	7. Ўзга гап бўлса, тури аниқланади.
4. Гап бўлақлари ва уларнинг турлари.	

Такрорлаш учун саволлар:

1. Муаллифнинг нутқида ифодаланган бошқаларнинг фикрлари қандай шаклларда бўлиши мумкин? 2. Кўчирма гапнинг таърифини айтинг. 3. Кўчирилган гап ва муаллиф гаплари ҳақида маълумот беринг. 4. Кўчирилган гапнинг жойлашиш ўринлари ҳақида гапиринг. 5. Кўчирилган

9. Муаллиф нутқида ишлатилган қандай бирликлар қўштирноққа олинади? 10. Кўчирма гаплар диалогик нутқда луқма тарзида келган бўлса, қандай тиниш белгилари ишлатилади? 11. Ўзлаштирма гапнинг таърифини айтинг. 12. Кўчирма гаплар ўзлаштирма гапларга

гап муаллиф гапидан олдин келса, тиниш белгилари қандай қўлланади? 6. Кўчирилган гап муаллиф гапидан кейин келса, тиниш белгилари қандай қўлланади? 7. Муаллиф гапи кўчирилган гап ичида келса, тиниш белгилари қандай қўлланади? 8. Кўчирилган гап муаллиф гапининг ўртасида келса, тиниш бўлгилари қандай қўлланади?

айлантирилганда, улар таркибидаги гап бўлаклари ҳисобланмайдиган бирликлар қандай ўзгаришларга учрайди? 13. Кўчирма ва унинг турлари ҳақида гапиринг. 14. Кўчирмада тиниш белгилари қандай ишлатилади? 15. Кўчирма гапда ишлатиладиган тиниш белгиларининг барчасини санаб кўрсатинг.

УСЛУБИЯТ (СТИЛИСТИКА). НУТҚ УСЛУБЛАРИ

1-§. Услубият ҳақида умумий маълумот

Услубият тилшунослик фанининг бир бўлими бўлиб, нутқ жараёнида тил ҳодисаларининг мақсадга, шароитга ва муҳитга мос равишда фойдаланиш қонуниятлари билан таништиради. Услубиятда услублар, тил воситаларининг нутқда қўлланиш йўллари, фонетик, луғавий, фразеологик ва грамматик бирликларнинг қўлланиш хусусиятлари ўрганилади.

Адабий тилнинг ижтимоий ҳаётдаги маълум бир соҳада қўлланиладиган, бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга бўлган кўриниши **адабий тил услуби** дейилади. Услуб орқали сўзловчи шахс нарсаларга, воқеаларга шахсий муносабатини акс еттиради.

Ўзбек адабий тилида қуйидаги асосий нутқ услублари бор: **сўзлашув услуби, бадий услуб, расмий услуб, оммабоп услуб, илмий услуб** (Айрим дарсликларда сўзлашув услубидан бошқа барча услублар **китобий услуб** деган умумий ном остида берилади): *дурут, метро, кўк, тузук* (сўзлашув услуби); *мовий, метрополитен* (китобий).

Ҳар бир услубни яратувчи воситалар мавжуд. Буларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Лексик воситалар: Синоним, омоним, антоним, пароним, кўп маънолилик, таг маъно (гапнинг тагида яширинган маъно), сифатлаш, ўхшатишлар, фразеологик бирлик, шева, ноадабий сўзлар (жаргон, арго, сўкиш, қарғиш кабилар) касб-ҳунар сўзлари, муболаға (гипербола), архаик ва тарихий сўзлар, атамалар.

2. Фонетик воситалар: нутқ товушлари, оҳанг, урғу.

3. Грамматик воситалар: а) **морфологик воситалар:** ҳар бир сўз туркуми; б) **синтактик воситалар:** гап бўлаклари, риторик сўроқ гаплар, ундалма, кириш сўз, кириш бирикма, содда ва қўшма гаплар, кўчирма ва ўзлаштира гаплар.

Маълум бир услубга тегишли бўлган сўзлар **услубий хосланган сўзлар** деб юритилади: *янглиг* сўзи бадий услубга, *омоним, синоним* сўзлари илмий услубга, *балли, кетворган* каби сўзлар сўзлашув услубига, *фаоллар йигилиши, сиёсий майдон* каби сўз бирикмалари оммабоп услубга хосдир. Сўзлашув услубида ҳам, китобий услубда ҳам ишлатилаверадиган сўзлар **услубий бетараф** сўзлар ҳисобланади: *сув, тоғ, бола, хат*. Бу сўзлар кўчма маънода қўлланса, маълум бир услубга тегишли бўлиши мумкин.

2-§. Нутқ услублари

1. Сўзлашув услуби

Уйда, кўчада, инсонларнинг ўзаро сўзлашувида қўлланиладиган услуб **сўзлашув** услуби деб аталади. Бу услубнинг адабий тил меъёрларига риоя қиладиган кўриниши **адабий сўзлашув услуби** деб юритилса, бундай меъёрларга риоя қилинмайдиган кўриниши **оддий сўзлашув услуби** деб аталади. Сўзлашув услубидаги нутқ кўпинча диалогик шаклда бўлади. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг лўқмасидан тузилган нутқ **диалогик нутқ** дейилади.

Сўзлашув услубида кўпинча турли услубий бўёқли сўзлар, грамматик воситалар, товушлар тушиб қолиши, орттирилиши мумкин: *Кеп қолинг! Оббо, ҳамма ишни дўндирибсиз-да. Мазза қилдик. Кетақо-о-ол!*

Сўзлашув услубида гапдаги сўзлар тартиби анча еркин бўлади, пичинг, қочириқлар, киноялар кўплаб ишлатилади. Кўпроқ содда гаплар, тўлиқсиз гаплар, ундалмали гаплардан фойдаланилади.

2. Илмий услуб

Фан-техниканинг турли тармоқларига доир илмий асарлар, дарсликлар **илмий услубда** ёзилади. Мантқиқлик, аниқлик бу услубга хос хусусиятлардир. Илмий услуб аниқ маълумотлар асосида чиқарилган илмий хулосалар (қоидалар, таърифлар)га бой бўлиши билан бошқа услублардан фарқ қилади: *ЙОмғир - суюқ томчи ҳолидаги атмосфера ёғини. Томчининг диаметри 0,5-0,6 мм бўлади.*

Илмий услубда ҳар бир фаннинг ўзига хос илмий атамаларидан фойдаланилади, бу услубда сўзлар ўз маъносида қўлланади, қоида ёки таърифнинг мазмунини очишга хизмат қиладиган ажратилган бўлақлар, кириш сўзлар, кириш бирикмалар, шунингдек, қўшма гаплардан кўпроқ фойдаланилади.

3. Расмий-идоравий услуб

Давлат идоралари томонидан чиқариладиган қарорлар, қонунлар, низомлар, халқаро ҳужжатлар **расмий-идоравий услубда** ёзилади. Ариза, тилхат, маълумотнома, чақирув қоғози, таклифнома, шартнома, таржимаи ҳол, ёълон, тавсифнома, далолатнома, ҳисобот қабилар ҳам шу услубда ёзилади. Бундай услубдаги ҳужжатлар қисқа, аниқ, барча учун тушунарли қилиб тузилади. Бу услубнинг асосий белгиси: **жумлаларнинг бир қолинда, бир хил шаклда бўлиши**. Бу услубда ҳам сўзлар ўз маъносида қўлланади, кўпчиликка маълум бўлган айрим қисқартма сўзлар ишлатилади, ҳар бир соҳанинг ўзига хос атамаларидан фойдаланилади, *қарор қилинди, инобатга олинсин, ижро учун қабул қилинсин, тасдиқланади, юклатилсин, тайинлансин* каби сўз ва сўз бирикмалари кўплаб учрайди. Расмий-идоравий услубда кўпинча дарак гаплардан, қарор, буйруқ, кўрсатма қабиларда эса буйруқ гаплардан ҳам фойдаланилади. Бу услубда гап бўлақларининг одатдаги тартибда бўлишига риоя қилинади: *Ўз лавозимини суиистеъмом қилганлиги учун М.Аҳмедовга ҳайфсан ёълон қилинсин.*

4. Оммабоп (публицистик) услуб

Ташвиқот-тарғибот ишларни олиб боришда қўлланадиган услуб, яъни матбуот услуби **оммабоп услуб** ҳисобланади. Соддалиқ, тушунарли бўлиш, таъсирчанлик, адабий тил меъёрларига риоя қилиш бу услубнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Оммабоп услубнинг радио, телевидениеда ишлатиладиган кўриниши **оғзаки оммабоп услуб** дейилса, газета, журналларда ишлатиладиган кўриниши **ёзма оммабоп услуб** ҳисобланади. Бу услубда ижтимоий-сиёсий сўзлар кўп қўлланади. Нутқ таъсирчан бўлиши учун таъсирчан сўз ва бирикмалардан, мақол ва ҳикматли сўзлардан ҳам фойдаланилади. Бундай услубда гап бўлақлари одатдаги тартибда бўлади, кесимлар буйруқ ва хабар майлидаги феъллар билан ифодаланади, дарак, ҳис-ҳаяжон ва риторик сўроқ гаплардан, ёйиқ ундалмалардан, такрорий сўз ва бирикмалардан унумли фойдаланилади: *1. Азамат пахтакорларимиз мўл ҳосил этиштириш учун фидокорона меҳнат қилишяпти. 2. Партия фаоллари ўзларининг навбатдаги мажлисига йигилишиди.*

5. Бадий услуб

Воқелиқни бадий образлар (тимсоллар) воситасида акс еттириб, тингловчи ёки ўқувчига эстетик жиҳатдан таъсир қилувчи услуб **бадий услуб** деб аталади. Бадий асарлар (назм, наср ва драматик асарлар) бадий услубда бўлади. Бадий асар кишига маълумот бериш

билан бирга, тимсоллар (образлар) воситасида естетик таъсир ҳам кўрсатади: *Ўлкамизда фасллар келинчаги бўлмиш баҳор ўз сепини ёймоқда*. Бадиий услубда қаҳрамонлар нутқида оддий нутқ сўзлари, шева, вулгаризмлардан ҳам фойдаланилади.

Бадиий услуб **аралаш услуб** ҳисобланади, чунки бу услубда сўзлашув ва китобий услубларга хос ўринлар ҳам учрайди.

3-§. Нутқ маданияти ҳақида

Нутқ тўғри, аниқ ва ёқимли бўлиши лозим. Тўғри, аниқ ва ёқимли гапириш учун мантикий изчилликка ва адабий меъёрларга риоя қилиш керак.

Нутқ маданияти деганда мантикий изчилликка, адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда тўғри, аниқ ва ёқимли сўзлаш тушунилади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Услубият нима ва бу бўлимда нималар ўрганилади?
2. Адабий тил услубининг таърифини айтинг.
3. Сўзлашув услуби ҳақида гапиринг.
4. Сўзлашув услубида кўпроқ қандай гаплардан фойдаланилади?
5. Илмий услуб ҳақида гапиринг.
6. Илмий услубда кўпроқ қандай тил воситаларидан фойдаланилади?
7. Расмий-идоравий услубда нималар ёзилади? 8. Расмий-идоравий услубда қандай гаплардан фойдаланилади?
9. Оммабоп услуб ҳақида гапиринг.
10. Оммабоп услубда қандай гап ва тил воситаларидан фойдаланилади?
11. Бадиий услубнинг хусусиятлари ҳақида гапиринг.
12. Бадиий услуб нэга аралаш услуб дейилади? 13. Нима учун маънодошлик услубиятнинг асоси дейилади?
14. Тўлиқ синонимлар ҳақида гапиринг.
15. Маъновий синонимлар ҳақида сўзланг.
16. Услубий синонимлар ҳақида гапиринг.
17. Фразеологик синонимлар ҳақида гапиринг.
18. Грамматик синонимлар ҳақида сўзланг.
19. Қандай меъёрлар адабий тилнинг ҳамма кўринишлари учун хос? 20. Қандай меъёрлар адабий тилнинг ҳамма кўринишлари учун хос эмас?
21. Нутқ маданияти ҳақида сўзланг.

УСЛУБИЯТ ТУРЛАРИ

1-§. Ёзма ва оғзаки нутқ меъёрлари ҳақида

Луғавий, грамматик, услубий меъёрлар адабий тилнинг ҳамма кўринишлари учун характерли, имло ва тиниш белгиларга оид меъёрлар адабий тилнинг фақат ёзма шакли учун, тўғри талаффуз меъёрлари эса фақат оғзаки нутқ шакли учун хосдир.

2-§. Лексик услубият

1. Омонимларнинг услубий хусусиятлари. Нутқда омонимлардан фойдаланган ҳолда турли сўз ўйинлари ҳосил қилинади: *Қўлингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилик қил, болам, ёмонликни от, Насихатим ёд қилиб ол, фарзандим, Йўлғиз юрса чанг чиқармас яхши от*. Бу ўринда *от* омоним сўзлари турлича маъноларни ифодалаяпти. Омоним сўзлардан фойдаланган ҳолда сўз ўйинларини яратиш **тажнис (жинос)** санъати дейилади. Бадиий адабиётда шу бадиий санъат қўлланиб яратилган тўрт қатор шеър эса **туюк** деб аталади.

2. Синонимларнинг услубий хусусиятлари. Синонимларни қўллашда ҳиссий-таъсирий бўёк мавжудлиги жиҳатидан фаркланади: *юз, афт, башара, бет, чехра, жамол, рухсор, дийдор* синонимик қаторидаги *юз* сўзи маъноси бетараф сўз бўлса, *бет, афт* сўзлари салбий бўёққа эга, *башара* сўзида эса салбий бўёқ янада кучли, *турк* сўзида *башара* сўзига нисбатан ҳам кучлироқдир; *чехра* ижобий бўёққа эга, *жамол* сўзида бу бўёқ янада кучли. Шунингдек, синонимларнинг ишлатилиш доираси чэгараланган ёки чэгараланмаган бўлиши мумкин:

кекса, қари, оқсоқол, нуроний, мўйсафид синонимик қаторидаги қари сўзининг ишлатилиш доираси кенг, қолганлариники эса чэгараланган. Синонимларни ўринсиз ишлатиш оқибатида турли услубий хатолар келиб чиқади: *Булдозер кўчамизда йиқилай деб турган деворларни бир чеккага суриб йўл очар еди гапида йиқилай сўзи ноўрин қўлланган, чунки бу сўз одамларга нисбатан ишлатилади; бу гапда деворга нисбатан қуламоқ сўзи ишлатилиши керак еди.*

3. Антонимларнинг услубий хусусиятлари. Антонимлардан тўғри фойдалана олмаслик ҳам услубий хатоликларни келтириб чиқаради: *СҲойхона мудури ЙУсуфжон Нозимов турмушининг иссиқ-чучугини тотиган кишига ўхшайди.* Бу гапдаги иссиқ-чучугини жуфтлиги ўрнида аччиқ-чучугини жуфтлиги ишлатилиши керак еди. Антонимлардан фойдаланган ҳолда яратиладиган бадий санъат **тазод (антитеза)** деб аталади.

4. Паронимларнинг услубий хусусиятлари. Паронимларни тўғри қўлламаслик натижасида ҳам хатоликлар келиб чиқади: *СҲаноқлардаги лўппи очилган пахталар қуёшда ярқираб кумушдек тобланади.* Бу гапдаги тобланади сўзи ўрнида товланади сўзи ишлатилиши керак еди.

5. Турли сабабларга кўра қўлланиши чэгараланган сўзларнинг услубий хусусиятлари. Бундай сўзларга ескирган ва янги сўзлар, шева, касб-ҳунарга оид сўзлар, атамалар, жаргонлар киради. Нутқда бу каби сўзлар ҳам муҳим услубий вазифалар бажаради. Архаизмлардан бадий ёки оммабоп асарларда нутққа киноя, ҳажв руҳини киритиш учун фойдаланилса, тарихий сўзлардан ўтмиш воқелигини ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Шева сўзлари маҳаллий руҳни ифодалашда ишлатилса, атамалар илмий ва бадий асарларда фан-техникага оид тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади, жаргонлар эса маълум тоифага мансуб кишилар нутқини бериш учун зарурдир.

Албатта, бу гуруҳ сўзлардан фойдаланганда, чэгарадан чиқмаслик лозим, акс ҳолда нутқда ғализлик пайдо бўлади:

1. *Терилган пахтани ташиб туриш учун кўтаримчи ажратилди.*

2. *Бунинг устига токарлик станогининг резидержатели ўрнига махсус мослама тайёрланиб унга гребенларни тозаловчи фрез ўрнатилди.* Биринчи гапда кўтаримчи деган ўринсиз ясалган янги сўз ишлатилган бўлса, иккинчи гапда атамалар меъёрдан ортик ишлатилган.

Нутқда ибора, тасвирий ифода ва мақоллар ҳам маълум услубий вазифа бажаради. Иборалардаги омонимлик, синонимлик, антонимлик хусусиятлари, тасвирий ифодалардаги баландпарвозлик, мақоллардаги мазмуний ихчамлик катта услубий имкониятлар яратади: *Бир ёқадан бош чиқармоқ* ибораси бадий нутққа мансуб бўлса, *бир жон, бир тан бўлмоқ* ибораси умумнутққа хосдир. ЙОзувчи ва шоирларимиз ҳам ибора ва мақоллар ижод қилишади: *Ўликнинг ёгини, тирикнинг тирногини ейди бу. (Абдулла Қаҳҳор) Ўқсиз солдат – қиличсиз қин. (Ойбек)*

6. Муболага (ёки **гипербола**) услубий восита бўлиб, ифодаланган тушунчанинг кўпиртириб, орттирилиб тасвирланишидир. Муболага халқ дostonларида, ертақларда, айтишув ва лофларда фаол ишлатилади: *Тўқсон молнинг терисидан кавуши...* (“Алпомиш” дostonидан)

7. Сифатлаш (ёки **эпитет**) нарса, шахс, ходисаларнинг белгисини ифодалаш воситасидир. Бу вазифада тилимиздаги белги билдирувчи сўз туркумлари (асосан, сифатлар) қўлланади: *Золим жаллод, билмаганим билдиргин...* (“Кунтуғ миш” дostonидан)

3-§. Фонетик услубият

1. Нутқ товушларининг услубий хусусиятлари

1) *асир, девон* каби сўзлардаги товушларнинг нотўғри (*аср, диван* каби) талаффуз қилиниши оқибатида нутқда тушунмовчилик юзага келади.

2) *–да, –ва, –қа* (ёки *–қ*) каби бўғинлардан кейин яна шундай товушлар билан бошланадиган сўзларни келтириш нутқий ғализликни келтириб чиқаради: *Сўзларнинг гапда қўлланиши ва вазифалари...*

2. Урғунинг услубий хусусиятлари

Сўз урғусининг кўчиши шу сўз маъносини ўзгартириши мумкин: *янги кийим*(сифат) - *янги дамланди* (равиш). Гапда оҳангнинг ўзгариши ҳам янги услубий мазмун пайдо бўлишига олиб келади: *Сиз аҳмоқ одам эмассиз* жумласида **аҳмоқ** сўздан кейин тўхтама (пауза) қилинса, фикр қаратилган шахснинг ҳам аҳмоқ, ҳам одам эмаслиги ифодаланиши мумкин: *Сиз аҳмоқ, одам эмассиз.*

ГРАММАТИК УСЛУБИЯТ. МОРФОЛОГИК УСЛУБИЯТ

1-§. От туркумига хос услубий хусусиятлар

1. Келишик қўшимчаларининг услубий хусусиятлари.

Келишик қўшимчалари ўзаро алмашиб қўлланиши мумкин:

- 1) *–ни* ва *–дан* қўшимчалари алмашиб қўлланиши мумкин: *Қани, ошдан (ни) олинг, меҳмон.*
- 2) *–ни* ва *–га* қўшимчалари алмашиб қўлланиши мумкин: *Гапизга (гапизни) тушунмадим.*
- 3) *–ни* ва *–да* қўшимчалари алмашиб қўлланиши мумкин: *Далани (да) айландим.*
- 4) *–нинг* ва *–дан* қўшимчалари алмашиб қўлланиши мумкин: *Келганларнинг бири – келганлардан бири.*
- 5) келишик қўшимчалари ва кўмакчилар алмашиб қўлланади:
 - а) *–га* қўшимчаси ўрнида **учун** кўмакчиси қўлланади: *Укамга олдим – Укам учун олдим.*
 - б) *–да* қўшимчаси ўрнида **билан** кўмакчиси қўлланади: *Хатни қаламда ёзди – Хатни қалам билан ёзди.*
 - в) *–дан* қўшимчаси ўрнида **орқали** кўмакчиси қўлланади: *Хабарни радиодан ешитдик – Хабарни радио орқали ешитдик.*
 - г) *–ни* қўшимчаси ўрнида **ҳақида** кўмакчиси қўлланади: *Акаси келганини гапирди – Акаси келгани ҳақида гапирди.*

2. Эгалик қўшимчаларининг услубий хусусиятлари.

- 1) отларда қўлланган эгалик қўшимчаси қаратқич келишиги қўшимчасининг мавжудлигини, қаратқич келишиги қўшимчаси эса эгалик қўшимчасининг мавжудлигини кўрсатиб туради: *мактаб ҳовлиси, бизнинг мактаб.*
- 2) эгалик (қарашлилик маъноси) *–ниқи* қўшимчаси ёрдамида ҳам ифодаланиши ҳам мумкин, фақат бу қўшимча шахс-сон кўрсатмайди: *Бизнинг мактаб – мактаб бизники.*
- 3) қаратқичли бирикмаларда шахс алмашиб қўлланиши ҳам мумкин: *Менинг уйим шу ерда – Каминанинг уйи шу ерда.*

3. От ясовчи қўшимчаларининг услубий хусусиятлари. Бу қўшимчалар орасида ўзаро синоним бўлган қўшимчалар ҳам учрайди: *адабиётшунос – адабиётчи, меҳнатқаш – меҳнатчи.*

2-§. Сифат туркумига хос услубий хусусиятлар

1. Сифатлардаги қиёсий даражани ясовчи *–роқ* қўшимчаси ўрнида *–мтир, -имтил, -иш* қўшимчалари қўлланиши мумкин: *кўкроқ – кўкиш, қорароқ – қорамтир.*
2. Сифат ясовчи қўшимчалар орасида синонимлик ҳодисаси кўплаб учрайди: *айбдор – айбли, сергайрат – гайратли, чопқир – чопаз он, безубор – зуборсиз, бамаъни – маънили.*
3. Бу қўшимчалар орасида антонимлик ҳодисаси ҳам учрайди: *сувли – сувсиз.*

3-§. Олмош туркумига хос услубий хусусиятлар

1. *У, бу, шу* олмошлари ўрнида *бир* сўзи (ёки *бир хил* сўзлари) қўлланади: *Бир (шундай) чаманки, атрофида булбуллар гирён. Бир хил (шундай) одамлар тушунмайди.*

2. Мен олмоши ўрнида камина сўзи, сиз ўрнида ўзлари сўзи қўлланади: Бу ишда каминанинг заррача тажрибаси йўқ. Сиз ваъда берган едингиз – Ўзлари ваъда берган едилар.
3. Илмий ишларда, расмий ҳужжатларда, йиғилишларда мен олмошининг ўрнида биз олмоши ишлатилади: Бизнинг (менинг) бу илмий ишимизда кўрсатиш олмошларининг хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.
4. Ҳурматни ифодалаш учун сен олмоши ўрнида сиз олмоши ишлатилади. Сиз бугун келасизми? Аксинча ҳурмацизликни ифодалаш учун эса сен олмошига кўплик қўшимчаси қўшилади: Сенлар бунини тушунмайсанлар.
5. Кўрсатиш олмошлари таъкидлаш, ажратиш маъноларини ифодалайди: Китоб – бу доно маслаҳатчи.

4-§. Феълларга хос услубий хусусиятлар

1. Шахс-сон қўшимчаларининг синонимияси:

- 1) феълнинг 2-шахс бирлик қўшимчаси ўрнида 2-шахс кўплик қўшимчаси қўлланади: Амаки, ертага келасизми?
- 2) феълнинг 1-шахс бирлик қўшимчаси ўрнида 2-шахс бирлик қўшимчаси ишлатилади: Табиатнинг ишларига ҳайрон қоласан киши.
- 3) 2-шахс кўплик ўрнида 1-шахс кўплик қўшимчаси қўлланади: Болалар, бугун диктант ёзамиз.
- 4) 2-шахс кўплик ўрнида 3-шахс бирлик қўшимчаси ишлатилади: У норози оҳангда деди: - Шунақа иш билан ҳазиллашиб бўладими?

2. Замон қўшимчаларининг синонимияси:

- 1) ҳозирги замон давом феъли ўрнида ҳозирги-келаси замон шакли қўлла-нади: Бутун қишлоқ улар ҳақида гаплашишади (гаплашишяпти).
- 2) келаси замон ўрнида ҳозирги замон шакли қўлланади: Ертага теримга тушяпмиз.
- 3) ҳозирги замон ўрнида ўтган замон шакли келади: Қарасам, югуриб келаётибди.

3. Майл қўшимчалари синонимияси:

- 1) ижро майлидаги феъл буйруқ майли ўрнида келади: Қани, кетдик, болалар.
- 2) ижро майли шарт майли ўрнида келади: Келаман дедингми, келиш керак.

4. Нисбат қўшимчалари синонимияси:

- 1) биргалик нисбати қўшимчаси кўплик қўшимчасига синонимдир: Улар келишди – Улар келдилар.
- 2) нисбат қўшимчалари ичида ўзаро синонимликни ҳосил қиладиганлари ҳам бор: -л, ил,-н, -ин, -ш, -иш; -т, -тир, -дир, -ир, -гиз; -киз, -каз, -қиз, -қаз.

5. Феъл ясовчи қўшимчалар синонимияси:

- 1) баъзи ясама феъллар ибораларга синоним бўлади: гуллади – гулга кирди.
- 2) қўшимча ёрдамида ясалган феъллар қўшма феълларга синоним бўлади: ҳимоялади – ҳимоя қилди.
- 3) феъл ясовчилар ўзаро синоним бўлади: сизламоқ – сизсирамоқ, сувсамоқ- сувсирамоқ.

СИНТАКТИК УСЛУБИЯТ

1-§. Гап бўлақларининг услубий хусусиятлари

- 1) **сифатловчи аниқловчилар** от билан ифодаланса, мажозий маъно ифодалайдиган бўлиб қолади: Кумуш чойшаб ётиб далалар, қор қўйнида ухлаб ётади. (Уйғун)
- 2) **сифатловчи аниқловчилар** турли сўз туркумларидан тузилиб, сифатлаш вазифасини бажарган ибора ва сўз бирикмалари билан ифодаланади: Осмон ўпар тоғлар, бағ ри кенг инсон, чеки йўқ қирлар, фикри тиниқ инсонлар.
- 3) **сифатловчи-аниқловчи** такрорий сўзлар билан ифодаланганда маъно кучайиши юз беради: Баланд-баланд бинолар тез учрай бошлади.
- 4) **изоҳловчи** ҳам услубий вазифа бажаради. Маълумки, изоҳловчи лақаб, қариндошлик, ўхшатиш каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Бунда маълум шахсга нисбатан

муносабат сезилади, яъни услубий маъно юзага келади: *Мамажон қуруқ, Али тажсанг, Соли совуқ* ва ҳ. Ҷхшашлик маъносигаги изоҳловчи жумлага кўтаринкилик(пафос) хусусиятини киритади: *она-Ватан, гулчалар-қизчалар.*

5) ажратилган бўлақлар жумла таркибига айрим бўлақларга урғу бериш, уларни алоҳида ажратиб кўрсатиш, шахс ва нарса ҳақида қўшимча маълумот бериш, белги-хусуситларни таъкидлаш каби вазифаларни бажаради: *Биз, ёшлар, ота-боболаримиз меросини кўз қорачигидай асрашимиз лозим.*

6) ундалмалар ҳам турли услубий вазифаларни бажаради. Улар гап бошида ва ўртасида келса, чақириқ ва мурожаатни ифодалайди: *Ука, менинг йўқлигимни билдирма.* Гап охирида келган ундалма тингловчига нисбатан ҳурмат, муҳаббатни ифодалайди: *Тупрогингни зар биларман, она-Ватаним!* Булардан ташқари ундалмалар илтимосни, сўзловчининг ҳис-туйғусини, кучли еҳтиросини, кўтаринки ҳолатни, пичинг ва кинояни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади.

7) кириш сўз ва **кириш бирикмалар** сўзловчининг ўз фикрига бўлган муносабатини билдиради. Бу муносабат сифат, сон, олмош, феъл ва модал сўзлар ёрдамида ифодаланиб, гумон, тасдиқ, инкор, фикр тартиби, фикр изоҳи, еътиборни тортиш, хулоса, икки фикрни ўзаро боғлаш каби маъноларни акс еттиради: *У бугун келмайди, шекилли.*

2-§. Айрим гап турлари ўртасидаги синонимия

1) айна бир фикр гапнинг ҳар хил турлари билан ифодаланади:

а) содда гап билан: *Ҳар ким екканини ўради.* б) қўшма гап билан: *Ким нимани екса, шуни ўради.*

2) бир бош бўлақли ва икки бош бўлақли гаплар ўзаро синоним бўлади: *Бугун кетамиз – Биз бугун кетамиз.*

3) дарак ва сўроқ гап синоним бўлади: *Ватанни ким севайди – Ватанни ҳамма севади.*

3-§. Қўшма гапларнинг услубий хусусиятлари

1) боғланган қўшма гаплар таркибида бириктирув ва зидлов боғловчилари ўрнида *-у, -ю, -да* юкламалари синоним ҳолатда қўлланиши мумкин: *Ҳаво булутлашиди ва ёмғир ёға бошлади. Ҳаво булутлашиди-ю, ёмғир ёға бошлади.*

2) эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи ергаш гапли қўшма гаплар содда гапларга синоним бўлади: *Шуниси аниқки, биз бугун йўлга чиқа олмаймиз - Бизнинг бугун йўлга чиқа олмаслигимиз аниқ.*

3) сабаб, мақсад, ўхшатиш ергаш гапларнинг кесимлари сифатдош, ҳаракат номи, от билан ифодаланса, содда гапларга синоним бўлади: *Тог этаги жуда гўзал еди, гўё чиройли гилам тўшалгандай – СҲиройли гилам тўшалгандай тог этаги жуда гўзал еди.*

4) пайт, сабаб, шарт, тўсиқсиз, натижа, равиш ергаш гапларни ўз доирасида синонимлари билан алмаштириш мумкин:

У келса (келган пайтда, келар екан), ҳамма кетиб бўлибди.

5) боғловчисиз қўшма гаплар боғланган ва ергашган қўшма гапларга синоним бўлади: *Қор ёғди – дон ёғди (Қор ёғди са, дон ёғади. Қор ёғди-ю, дон ёғди).*

4-§. Кўчирма ва ўзлаштира гапларнинг услубий хусусиятлари

Бировларнинг ҳеч ўзгаришсиз берилган гапи (кўчирма гап) ўзгаларнинг мазмуни сақланиб, шакли ўзгартирилган ҳолда берилган гапи (ўзга гап) билан синонимик ҳолатда бўлади: *Ўқитувчимиз деди: “Топшириқларни ўз вақтида бажаринг” – Ўқитувчимиз топшириқларни ўз вақтида бажариш лозимлиги ҳақида гапирди.*

Кўчирма гап ўзлаштира гапга айланганда қуйидаги ўзгаришлар юз беради:

1. Кўчирма гап бирикмали тўлдирувчига айланади: *“Ҳамма йиғилди”, - деди навбатчи. Навбатчи ҳамманинг йиғилганини айтди.*

2. Кўчирма гап таркибидаги ундалма воситали тўлдирувчига айланади: *“Расулбек, биз билан юринг”, - деб таклиф қилди дўсти. Расулбекка дўсти ўзлари билан юришни таклиф қилди.*
3. Кўчирма гап таркибида кириш сўз вазифасида келган ундовлар, таклид сўзлар туширилади: *“Вой, қўрқиб кетяпман”, - деди хотини. Хотини қўрқиб кетаётганини айтди.*

Такрорлаш учун саволлар:

- | | |
|--|--|
| 1. Омонимларнинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. | 11. Сифатнинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. |
| 2. Синонимларнинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. | 12. Олмошнинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. |
| 3. Антонимларнинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. | 13. Шахс-сон қўшимчаларининг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. |
| 4. Паронимларнинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. | 14. Майл қўшимчаларининг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. |
| 5. Турли сабабларга кўра қўлланиши чегараланган сўзларнинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. | 15. Нисбат қўшимчаларининг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. |
| 6. Нутқ товушларининг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. | 16. Феъл ясовчи қўшимчаларнинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. |
| 7. Урjунинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. | 17. Гап бўлақларининг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. |
| 8. Келишик қўшимчаларининг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. | 18. Айрим гап бўлақлари ўртасидаги синонимия ҳақида гапиринг. |
| 9. Эгалик қўшимчаларининг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. | 19. Қўшма гапларнинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. |
| 10. От ясовчи қўшимчаларнинг услубий хусусиятлари ҳақида гапиринг. | |

ИШОРАТ ҚОИДАЛАРИ (ПУНКТУАТСИЯ)

Тиниш белгилари ва уларнинг ёзма нутқда қўлланишини ўрганадиган бўлим **пунктуация** деб юритилади.

1-§. Нуқта

Нуқта қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Тинч оҳанг билан айтилган дарак, буйруқ ва ундов (ҳис-ҳаяжон) гаплардан кейин: *Олтин куз фасли кириб келди. Дарсларни ўз вақтида тайёрлаб юргин. Кошки унинг кучи еца.*
2. Биринчи қисмида нуқта, кўп нуқта, ундов ёки сўроқ белгиси бўлган кўчирма гап ўртасида келган муаллиф гапидан сўнг: *"Мен ҳозир жўнайман, - деди у. – Сиз эса ярим соатлардан кейин йўлга чиқинг".*
3. Қисқартирилган исм ва фамилияларнинг биринчи ҳарфи ёки қисмидан кейин: *М.Исм. (Мирзакалон Исмоилий)*
4. Санаш ёки айрим фикрнинг қисмларини ифодалаган ва ой, кун, йилларни бир-биридан ажратиш учун қўлланган рақам ёки ҳарфлардан кейин: *27.09.2007* каби.

Д и қ қ а т ! Қавсга олинган манбадан олдинги гап охиридаги тиниш белгилари ўз ўрнида сақланади ва қавсдан кейин ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди: *Кетди. (А.Қ.)* Шунингдек, сарлавҳалардан кейин (дарак гап бўлса) нуқта қўйилмайди.

2-§. Сўроқ белгиси

1. Сўроқ белгиси сўроқ гаплардан кейин қўйилади: *Ишга тайёرمىсиз?*

2. Сўроқ гаплар биттадан ортиқ бўлиб келиши мумкин: Бундай пайтларда сўроқ белгиси қуйидагича қўйилади:

1) сўроқ гапларнинг ҳар бирига аҳамият бериш лозим топилса ёки ҳар қайси сўроқ гап мазмунига кўра мустақил бўлса, ҳар биридан сўнг сўроқ белгиси қўйилади: *Қишлоқлар қандай? Оғайнилар яхши юришибдимми?*

2) агар сўроқ гаплар мазмунан умумий бир фикрни ифодаласа, сўроқ белгиси энг сўнгги сўроқ гапдан кейин қўйилади: - *Тагин меҳмон бошлаб келдингми? Ким келяпти: Савримми, Раҳбарми, ё акангнинг болаларини етаклаб келяпсанми? (F.F.)*

3. Сўз ёки ибора ноаниқ бўлса, унда гумон ифодаланса, сўроқ белгиси қўйилади: *Бу ишларнинг ҳаммасини ярим соат (?) ичида бир ўзи бажардимикин?*

Д и к қ а т ! Баъзан қўшма гаплар таркибидаги содда гаплардан бири сўроқ гап шаклида, иккинчиси эса унинг изоҳи сифатида келиши мумкин, бундай ҳолатда улар орасига вергул ёки тире қўйилиши мумкин: *У ертага келадими, келмайдими, бу мен учун қоронги.*

3-§. Ундов белгиси

Ундов белгиси қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Кучли ҳис-ҳаяжонни ифодалаган гаплардан сўнг: *ЙОшлигимизда нақадар бахтиёр едик!*

2. Буюриш, тилак, орзу маъноларини ифодалаган гаплардан сўнг: *Ҳозироқ буларни кўзимдан йўқот! Қани энди қуш каби осмонда парвоз қилса!*

3. Гап бошида келиб, кучли ҳис-ҳаяжон ифодалаган ундалмалардан, ундов ҳамда **ҳа** ва **йўқ** сўзларидан сўнг: *Йўқ! Рустам бундай қабиҳликка бормаиди ҳеч қачон! Азизлар! Сизни мустақиллик байрами билан табриклайман!*

4-§. Кўп нуқта

Кўп нуқта қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Фикрнинг тугалланмаганлиги, сўзловчининг ҳаяжонланиб яна нимадир айтмоқчи эканлигини кўрсатиш учун: *Агар ҳозир гапингизни тўхтатмасангиз...*

2. Баъзан кўп нуқта сўзловчининг ўйлаши, мулоҳаза қилишини кўрсатади: *Бугун... бугун олдингизга ўцам бўладими?*

3. Баъзан кимнингдир саволга жавоб бермай индамай турганини кўрсатиш учун ҳам кўп нуқта қўйилади:

- *Мендан розимассиз, биламан, кечирмайсиз...*

- ...

4. Бирор сўз ёки гапнинг туширилганини кўрсатиш учун: *Бугун еттинчи бўлимга келиб, ... фиг они ошди.(Т.Малик)*

5-§. Кўп нуқта, ундов ва сўроқ белгиларнинг бириккан ҳолда келиши

1. Сўроқ мазмунига қараганда ҳис-ҳаяжон кучли бўлган сўроқ гаплардан кейин ундов ва сўроқ белгиси бириккан ҳолда (!?) қўйилади: *Гўзаллик оламни қутқаришига ким ишонмайди!?*

2. Кучли ҳис-ҳаяжон билан берилган саволни ифодалайдиган сўроқ гаплардан сўнг сўроқ ва ундов белгиси бириккан ҳолда қўйилади: - *А?! – Хонкелдиева турган ерида сурат бўлиб қолди. - Директоримиз-а?! (Х.Ғ.)*

3. Кучли ҳис-ҳаяжон ифодаланган ва мазмунан тугалланмаган гаплардан кейин ундов белгиси ва кўп нуқта бириккан ҳолда (!..) қўлланади: -*Нафиса!.. Нафисаой!.. – деди Азиз ўпкаси юмшаб, кўзларига қайноқ ёш келди.(Х.Ғ.)*

4. Мазмунан тугалланмаган сўроқ гаплардан сўнг сўроқ белгиси ва кўп нуқта бириккан ҳолда (?..) ишлатилади: - *Нима дедингиз? Буларнинг ҳаммаси мен учун?...*

6-§. Вергул

Вергул қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Уюшиқ бўлақлар орасида:
 - 1) боғловчисиз бириккан уюшиқ бўлақлар орасида *Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон – Ўзбекнинг чамани, боғу бўстони. (F .F .)* 2) такрорланувчи боғловчилар билан бириккан уюшиқ бўлақлар орасига: *У гоҳ кулимсирайди, гоҳ чуқур ўйга толади.* 3) зидловчи боғловчилар ёрдамида бириккан уюшиқ бўлақлар орасига: *Замиранинг баланд, аммо майин овози бор еди. (П.Қ.)*
 2. Ундалмаларни ажратиш учун: *Ертага, азизим, тоққа жўнаймиз.*
 3. Кириш сўзларни ва тузилишига кўра мураккаб бўлмаган кириш гапларни ажратиш учун: *Хуллас, ертага шу ерда йиғиладиган бўлдилар. Мен сизга айцам, одамнинг ёмони бўлмайди.*
 4. *Ҳа* ва *йўқ* сўзларини гап бўлақларидан ажратиш учун: *Ҳа, бу гапингиз тўғ ри. Йўқ, ертага кела олмайман.*
 5. Гапнинг ажратилган бўлақларини айириб кўрсатиш учун: *"Биз, ёшлар, ота-боболаримиз қолдирган бебаҳо меросни кўз қорачигидай асрашимиз керак".*
 6. Боғловчисиз боғланган қўшма гапларда: *Ешик очилди, ичкарига муздай ҳаво ёпирилиб кирди.*
 7. *Ва, ҳам, ҳамда, ёки* (ёлғиз келган) боғловчиларидан бошқа боғловчилар билан боғланган қўшма гапларда: *Ҳамма гапирди, лекин у бир чеккада хомуш ўтирар еди.*
 8. Ергаш гапни бош гаплардан ажратиш учун: *Ҳамма йиғилгач, мажлис бошланди.*
 9. Муаллиф гапини кўчирма гапдан ажратиш мумкин:
- Бугунги қилган езгу ишларимиз, - деди ота, - келажак учун мустаҳкам пойдевор вазифасини бажаради.

7-§. Нуқтали вергул

Нуқтали вергул қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. Ўз ичида вергул бўлган ёйиқ уюшиқ бўлақлар орасида:
Меҳнат, ижод, одам шарафи;
Дил ёруғи, ҳаёт қувончи
Ҳаммасининг асли манбаи
Сен, Ватаним - тинчлик таянчи. (С.Назар)
2. Ўз ичида вергули бўлган, мазмунан маълум даражада мустақилликка эга содда гаплар орасида ҳамда ҳар хил турдаги гапларни ўз ичига олган қўшма гапларда: *Дарахтлар, буталар шитирлади; кузнинг салқин нафаси юзига урилди.*

8-§. Икки нуқта

1. Уюшиқ бўлақлардан олдин келган умумлаштирувчи сўздан сўнг: *Йиғилишида тажрибали ишчилар: Салим ака, Абдукарим ака ва Собиржонлар сўзга чиқишиди.*
Е с л а т м а : Баъзан умумлаштирувчи сўз яшириниши мумкин, лекин икки нуқта қўйилаверади: *Қилиниши керак: тракторлар таъмирдан чиқарилсин, ишчиларга етарли шароит яратилсин.*
2. Қуйидаги маъноларни ифодалаган боғловчисиз қўшма гапларда:
 - 1) бир гап иккинчи бир гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг сабабини кўрсаца: *У икарига шошиб кириб кетди: телефон анчадан бери жиринглаётган экан.*
 - 2) бир гап иккинчи бир гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг натижасини кўрсаца: *Шамол жуда зўрайди: дарахтларнинг анча-мунчаси синиб тушиди.*
 - 3) агар бирор гап бошқа бир гапнинг мазмунини тўлдирса ёки изоҳласа: *Вазифангиз шу: биронта одам бу хонага кирмаслиги керак.*
3. Кўчирма гапдан олдин, муаллиф гапидан сўнг: *У баланд овозда сўради: - Ким бор?*

9-§. Тире

Тире қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. От, сон, олмош ва ҳаракат номи билан ифодаланиб, кесим билан боғламасиз бириккан эга ва кесим орасига: *Ўзбекистоннинг пойтахти – Тошкент. Икки ўн беш – бир ўттиз. Буларни амалга оширадиган – сиз. Ўқиш – ҳаётни уқиш.*

2. Уюшиқ бўлақлардан сўнг келган умумлаштирувчи сўздан олдин: *Акам, опам ва синглим – барчаси мени кутиб ўтиришиган экан.*

3. Ажратилган бўлақ билан изоҳланмиш бўлақ орасига: *Мен – Валиев Маҳмуд, 1954 йилда Тошкентда тугилганман.*

4. Кириш гап билан гап бўлақлари орасига: *Тунов кунги овчи – мен уни ўрмонда учратиб қолдим – менга қизиқ бир воқеани сўзлаб берди.*

5. Муаллиф гапи билан кўчирма гап орасига: *- Бугун келасизми? – сўради қизи.*

6. Диалог типидagi кўчирма гапларда: *- Келдими? - Келди.*

7. Кутилмаган воқеа-ҳодисаларни ифодалаган гаплардан олдин: *Кеча сизларникига борган едим – Асқаржон келибди!*

8. Зид маъноли боғловчисиз қўшма гаплар орасига: *Жисмимиз йўқолур - ўчмас номимиз.*

10-§. Қавс

1. Ифодаланаётган фикрга ёки унинг бирор бўлагига қўшимча изоҳ берувчи сўз ёки иборалар қавсга олинади: *Каримжон (синфимизнинг аълочиси) олий ўқув юртига кирибди.*

Еслатма: Қавсдан олдинги тиниш белгилари (вергул, нуқтали вергул, икки нуқта, тире) қавсдан кейинга кўчирилади: *СҲавандоз бу гапларни Ертоевага айтишини ҳам, айтмасликни ҳам билмай (аййца Ертоева хафа бўлади, айтмаса бар жойдан чатоги чиқиши мумкин), боши қотиб ... турганда... Гулчеҳра можароси чиқса бўладими? (О.ЙО.)*

2. Кириш гаплар ёки ремаркалар қавс билан берилади: *Укам (сен уни танийсан) бу йил мактабни битирди. А з и з К а м о л (хаёл оғушида). Ватанимизга қарши кўтарилган руҳий ва иқтисодий ҳужум шу кунларда чўққисига чиқди. (С.Аз.)*

3. Мисол ёки кўчирманинг манбаи: *...Ешик қарс етиб ёпилди. (О.ЙО.)*

4. Кириш сўз ёки иборага оид тиниш белгилар қавснинг ичига олинади: *Тўсатдан унинг хаёлига акасининг бундан беш-олти ой олдин... ёзган хати (ўшандан бери ундан дом-дарак йўқ!) ... тушиди. (О.Й.)*

11-§. Қўштирноқ

1. Кўчирма гапларни ажратиш кўрсатиш учун: *"Ертага келаман", - деди.*

2. Қўшма маънодаги, шартли ном ёки тахаллус маъносидаги айрим сўз ва сўз бирикмалари ҳам қўштирноққа олинishi мумкин: *"Тоғ асали" сотадиган йигит ... довоннинг нариёзига ўтиб кетган. (С.Аҳм.)*

Е с л а т м а : Қўштирноққа олинishi керак бўлган сўзларда турловчи (келишик) қўшимчалар мавжуд бўлса, бу қўшимчалар қўштирноқдан кейин қўйилади: *Буларни кўрган Азиз ўзи ҳайдаб келаётган «ГАЗ-69» юришини тезлатиб, йўлга чиқди-да, "Жигули" томонга бурилди. (Ҳ.Ғ.)*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбек тилида жами нечта тиниш белгиси бор?
2. Нуқта қайси ўринларда қўйилади?
3. Сўроқ белгисининг қўйилиш ўринлари ҳақида гапиринг.
4. Ундов белгисининг қўйилиш ўринлари ҳақида гапиринг.
5. Кўп нуқта қайси ўринларда қўйилади?
6. Тиниш белгиларининг бириккан ҳолда ишлатилиши ҳақида гапиринг.
12. Қўштирноқнинг қўйилиш ўринлари ҳақида гапиринг.
13. Қайси тиниш белгиси нисбатан кўп қўлланади?
14. Қайси ўринларда вергул доимо икки марта қўлланади?
15. Қайси ўринларда тире доимо икки марта қўлланади?
16. Қайси тиниш белгилари жуфт(такрорий)

7. Вергулнинг қўйилиш ўринлари ҳақида гапиринг. 17. Қайси тиниш белгилари қисқартирилган сўзлар билан қўлланади?
8. Нуқтали вергулнинг қўйилиш ўринлари ҳақида гапиринг. 18. Инсон руҳияти билан боғлиқ ўринларда ишлатиладиган тиниш белгиларини санаб кўрсатинг.
9. Икки нуқтанинг қўйилиш ўринлари ҳақида гапиринг. 19. Изоҳ маъноси ифодаланган ўринларда ишлатиладиган тиниш белгиларини санаб кўрсатинг.
10. Тиренинг қўйилиш ўринлари ҳақида гапиринг. 20. Рақамлар билан бирга ишлатиладиган тиниш белгиларини санаб кўрсатинг.
11. Қавснинг қўйилиш ўринлари ҳақида гапиринг.

ИЛОВАЛАР

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҚЎШИМСҲА ТУРЛАРИ

1. СЎЗ ЯСОВЧИ ҚЎШИМСҲАЛАР

От ясовчи қўшимчалар

Қўшимча	Мисоллар	Қўшимча	Мисоллар
Шахс оти ясовчи қўшимчалар			
-чи	<i>сув<u>чи</u></i>	-дўз	<i>етик<u>дўз</u></i>
-дош.	<i>синф<u>дош</u></i>	-соз	<i>аравас<u>соз</u></i>
-кор	<i>пахта<u>кор</u></i>	-хўр	<i>чай<u>хўр</u></i>
-кар	<i>миска<u>р</u></i>		
-гар	<i>зар<u>гар</u></i>		
-гор	<i>талаб<u>гор</u></i>		
-каш	<i>Арава<u>каш</u></i>	-гўй	<i>Дуо<u>гўй</u></i>
-дор	<i>С<u>Хорвадор</u></i>	-нараст	<i>шахсият<u>нараст</u></i>
-бон	<i>Сарой<u>бон</u></i>	-фуруш	<i>мева<u>фуруш</u></i>
-боз	<i>дор<u>боз</u></i>	-вачча	<i>Тоғавач<u>ча</u></i>
-паз	<i>Ош<u>паз</u></i>	-(у)вчи	<i>ёзу<u>вчи</u>, учувчи</i>
-хон	<i>Газет<u>хон</u></i>	-(о)вчи	<i>тинглов<u>чи</u></i>
-шунос	<i>тилшунос</i>	ҳам-	<i>ҳамсу<u>ҳбат</u></i>
-сил	<i>йўқ<u>сил</u> (арх.)</i>		
Нарса-буюм оти ясовчи қўшимчалар			
-гич	<i>тишковла<u>гич</u>, кўрсат<u>кич</u>,</i>	-ги	<i>сунур<u>ги</u>,</i>
-кич	<i>қисқ<u>кич</u>,</i>	-ки	<i>теп<u>ки</u>,</i>
-қич	<i>чизг<u>ич</u>.</i>	-қи	<i>тутат<u>қи</u>,</i>
-гич		-ги	<i>чал<u>ги</u>,</i>
		-гу	<i>туйг<u>у</u></i>
-дак	<i>югур<u>дак</u>,</i>	-иқ,	<i>топишир<u>иқ</u>,</i>
-доқ -	<i>қовур<u>доқ</u>.</i>	-ик	<i>теши<u>қ</u>.</i>
-ма	<i>тўқим<u>а</u>,</i>	-уқ	<i>уч<u>уқ</u>, ют<u>уқ</u>.</i>
-м, -им	<i>тўпла<u>м</u>, кийим<u>м</u>,</i>	-қ, -оқ	<i>тароқ<u>қ</u>, ўроқ<u>қ</u></i>
-ум	<i>ун<u>ум</u>, уй+<u>ум</u> – уюм</i>	-дон	<i>қалам<u>дон</u>, туз<u>дон</u></i>
-т	<i>қурт(қури+<u>т</u>),</i>	-қин	<i>тўлқин</i>
-ит	<i>чиқит<u>т</u>,</i>	-қун	<i>учқун</i>
-ат	<i>кўчат<u>т</u>,</i>	-гин	<i>ёнгин</i>
-от	<i>сизот<u>т</u>.</i>	-гун	<i>юлгун</i>
--ин	<i>Йигин</i>	-қоқ	<i>Ботқоқ</i>

-ун	<u>тугун</u>	-как	<u>Ешкак</u>
-он	<u>тўзон</u>	-гак	<u>Илгак.</u>
-к, -ак	<u>курак, варрак.</u>	-(и) ш	<u>қурилиш, турланиш.</u>
-(у)в,	<u>ёзув,</u>	-ак	<u>Қарсақ</u>
-(о в	<u>сайлов.</u>	-оқ	<u>қалдироқ</u>
-илдоқ	<u>шақилдоқ.</u>	-а	<u>шаршара, жизза.</u>
-ос	<u>гулдурос</u>	-(и)нди	<u>чиринди, чўкинди</u>
-оя	<u>бедаоя, з ўзаоя.</u>		
мачоқ-	<u>бекинмачоқ,</u>	-чиқ	<u>ёпинчиқ, суянчиқ.</u>
-чак	<u>бурчак, кемирчак.</u>	-из	<u>бўғиз</u>
-миқ	<u>буламиқ</u>	-нома	<u>таклифнома</u>
-миш	<u>ўтмиш, қилмиш.</u>		
-килик	<u>Ичкилик</u>	-моқ	<u>Куймоқ</u>
-гилик	<u>кўргилик.</u>	-мак	<u>чертмак (ўйин тури)</u>
-ча	<u>қизилча, олача.</u>	-ка	<u>йўлка</u>
Ўрин-жой отини ясовчи қўшимчалар			
-зор	<u>гулзор, пахтазор,</u>	-истон	<u>Ўзбекистон, гулистон.</u>
-лоқ	<u>ўтлоқ, тошлоқ.</u>	-гоҳ	<u>сайлгоҳ, ўйингоҳ.</u>
-хона	<u>ошхона, чойхона.</u>	-обод	<u>ЙУнусобод, Янгиобод.</u>
Мавҳум от ясовчи қўшимчалар			
-чилик	<u>деҳқончилик, тирикчилик.</u>	-лик - лиқ	<u>болалик,</u> <u>борлиқ</u>
-от- -ат	<u>тарғибот</u> <u>маданият</u>	-ч	<u>севинч, қувонч</u>
гарчилик	<u>одамгарчилик,</u> <u>огайнигарчилик.</u>	-и -иш	<u>ўқиш</u> <u>тузилиш</u>
-(у)в	<u>ундов, уқув</u>	-и	<u>суюнчи</u>

Сифат ясовчи қўшимчалар

Қўшимча	Мисоллар	Қўшимча	Мисоллар
1. Отдан сифат ясовчи қўшимчалар			
-ли	<u>кучли</u>	-лик	<u>тошкентлик (бола)</u>
-сиз	<u>тузсиз</u>	-ий, -вий	<u>тарбиявий соат, деворий</u> <u>газета</u>
-ги	<u>баҳорги ишлар қишқи</u>	-аки	<u>жиззаки даҳанаки</u>
-ки	<u>кийим пистоқи</u>		<u>огзаки</u>
-қи			
-йи	<u>ҳавойи</u>	-чан	<u>ишчан бола</u>
сер-	<u>серҳосил</u>	ба-	<u>бадавлат</u>
бе-	<u>беғубор, беҳабар</u>	-симон	<u>шарсимон</u>
-дор	<u>вафодор</u>	-кор, -гар	<u>исёнкор, иг вогар</u>
-и	<u>қишлоқи</u>	-ча	<u>арабча (ўйин)</u>
-намо	<u>дарвешнамо</u>	-парвар	<u>халқпарвар,</u>
-дек	<u>муздек (сув) жўжабирдай</u>	--лик, -лиқ	<u>кўйлаклик (чит), болалик</u>
-дай	<u>(жон)</u>		<u>(чоғлар)</u>
-шумул	<u>оламшумул,</u>	-манд	<u>касалманд</u>
-дон	<u>гапдон, билимдон</u>	-каш	<u>дилкаш, ҳазилкаш</u>
-боп	<u>паловбоп, қишбоп</u>	хуш-	<u>хушфеъл, хушҳаво</u>
-ин	<u>ерқин, оташин</u>	бар-	<u>барҳаёт</u>
-параст	<u>мансабпараст,</u> <u>маишатпараст</u>	-вор	<u>девоनावор, афсонавор</u>
-чил	<u>халқчил, изчил.</u>	бад-	<u>бадбахт, баднафс</u>

-и	жаннати (кампири)	-лоқ	бақалоқ
-кор	фусункор (хусн)	-каш	заҳматкаш (одам)
-чи	ваҳимачи (одам)	-вон	зўравон (киши)
-қа:	лойқа (сув)	-омуз	ҳазиломуз (гап)
-хўр	гамхўр (одам)	-соз	соақоз (уста)
Феълдан сифат ясовчи кўшимчалар			
-гир	сезгир,	-кун	тушкун
-гир	олгир	-қин	жўшқин
-кир	ўткир,	-гин	озгин
-қир	топқир,	-гун	тургун
-қур	учқур	-қун	тутқун
-чоқ	Мақтанчоқ	-к	чирик
-чак	Куюнчак	-ик	тешик
-чиқ	қизганчиқ	-ук	тузук
		-ак	галвирак
-қ	илиқ	-қоқ	тиришқоқ тойг оқ
-уқ	бузук	-г оқ	
-иқ	синиқ		
-қи	сайроқи қуш	-оқ	қочоқ
-аг он	билаг он, чопаг он	-мон	билармон,
-ма	бурма кўйлак	-(а)рли	етарли, зерикарли
-ч	тинч, жирканч	-гич	юлгич (одам)
-онгич	тепонгич, сузонгич	-овуч	хурковуч, исковуч
-мас	ўтмас (тичоқ)	-(и)нди	асранди (бола)
-а	кўтара (савдо)	-мсиқ	қаримсиқ, ачимсиқ
3. Сифат, равиш, тақлид сўзлардан сифат ясовчи кўшимчалар			
-ги	кечаги, дастлабқи	но-	номаълум
-лом	соғлом	-илдоқ	бижилдоқ

Феъл ясовчи кўшимчалар

Кўшимча	Мисоллар	Кўшимча	Мисоллар
-ла	ишла, оқла, секинламоқ, шивирла, чуҳламоқ, сенламоқ,	-лан -лаш	фахрланди, иккиланди, кўмаклашди, суҳбатлашди.
-илла	чирқилла	-ира	ярқиради,
-а	туна, бўша, ўйин+а-ўйна.	-сира -са	сенсира сувса
-(а)р	қисқар, кўкар	-(а)й	қорай, кучай,
-(и)к -(и)қ	бириқмоқ йўлиқмоқ	-(и,о)т	йўқот, тўлат, беркит
-и	бойи, тинчи	-ир	гапир, тупир.

Равиш ясовчи кўшимчалар

Кўшимча	Мисоллар	Кўшимча	Мисоллар
-ча	қисқача, ўзича, бошқача, ескича	-ларча	қардошларча, ўртоқларча.
-дек -дай	ўқдек қушдай	-сига	тиккасига, ялтисига.
-лигича	хомлигича, тириклигича, бутунлигича, хўллигича	-часига	янгичасига, тошкентчасига,

			<u>деҳқончасига</u>
-лаб	<u>ерталаб</u> , <u>кўплаб</u> .	-она	<u>дўстона</u> ,
-ан	<u>мажбуран</u>	-гача	<u>кечгача</u> ,
-симон	<u>Ҳазилсимон</u> .	-намо	<u>уялганнамо</u>
-лай(ин)	<u>бутунлай</u> , <u>тириклайин</u> .	-сиз, бе-	<u>тўхтовсиз</u> , <u>беихтиёр</u> .
-инча	<u>кўпинча</u> , <u>аксинча</u> .	-чанг	<u>кўйлақчанг</u>
-ин	<u>олдин</u>		

2. СЎЗ ЎЗГАРТУВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР

Отлардаги келишик қўшимчалари

№	Келишик номи	қўшимчаси	саволлари
1.	Бош келишик	-	ким? нима?
2.	Қаратқич келишик	-нинг, -н	кимнинг? ниманинг
3.	Тушум келишик	-ни, -н, -и	кимни? нимани? кимими?
4.	Жўналиш келишик	-га, -ка, -қа, -на, -а	кимга? нимага?
5.	Ўрин-пайт келишик	-да	кимда? нимада?
6.	СҲиқиш келишик	-дан	кимдан? нимадан?

Отлардаги эгалик қўшимчалари

шахс	Бирлик	Кўплик
1-шахс	<u>далам</u> , <u>китобим</u>	<u>даламиз</u> , <u>китобимиз</u>
2-шахс	<u>даланг</u> , <u>китобинг</u>	<u>далангиз</u> , <u>китобингиз</u>
3-шахс	<u>даласи</u> , <u>китоби</u>	<u>далалари</u> , <u>китоблари</u>

Феъллардаги шахс-сон қўшимчалари

шахс	бирлик	кўплик
1-шахс	<u>ёздим</u> , <u>ёзаман</u> , <u>ёзай(ин)</u>	<u>ёздиқ</u> , <u>ёзамиз</u> , <u>ёзайлик</u>
2-шахс	<u>ёздинг</u> , <u>ёзасан</u> , <u>ёз(гин)</u>	<u>ёздингиз</u> , <u>ёзасиз</u> , <u>ёзинг(из)</u>
3-шахс	<u>ёзди</u> , <u>ёзади</u> , <u>ёзсин</u>	<u>ёзди(лар)</u> , <u>ёзади(лар)</u> , <u>ёзсин(лар)</u>

3. СЎЗ ШАКЛИ ЯСОВЧИ ҚЎШИМСҲАЛАР

№	Қўшимча	Мисоллар	Хусусияти
1.	-а И	<u>бурамоқ</u> , <u>чопачоп</u> , <u>қасира-қасир</u> .	Маънони кучайтиради
2.	-а ИИ	<u>югураюгура</u> , <u>ола бошлади</u>	равишдош шаклини ясайди
3.	-ажак	<u>келажак</u> , <u>боражак</u>	сифатдош шаклини ясайди
4.	-ала	<u>учала</u> , <u>ўнала</u> .	жамловчи сон шаклини ясайди
5.	-алак	<u>Дўнғалак</u> ,	кичрайтириш маъносини ҳосил қилади
6.	алла-	<u>аллаким</u> , <u>алланима</u> .	гумон олмошини ясайди
7.	-аси	<u>келаси (йил)</u> .	сифатдош шаклини ясайди
8.	-б ёки -иб	<u>ўқиб</u> , <u>бориб</u> .	равишдош шаклини ясайди
9.	-ган, -кан -қан	<u>борган</u> , <u>теккан</u> , <u>чиққан</u> .	феълнинг ўтган замон сифатдоши шаклини ҳосил қилади
10.	-газ, -каз, -	<u>кўргаз</u> , <u>ўтказ</u> , <u>тутқаз</u> ,	орттирма даража шаклини ясайди

	қаз,-гиз, -қиз	<i>ётқиз.</i>	
11.	-гани -кани, - қани	<i>ўқиғани, еккани, туққани.</i>	келаси замон мақсад маъносидаги равишдош шаклини ҳосил қилади:
12.	- ганча	<i>югурганча кетди, шу кетганча қайтмади</i>	ҳолат ёки пайт равишдош-ларини ҳосил қилади
13.	- гач -кач, -қач	<i>У келгач, биз кетдик (пайт) . У келмагач, биз бордик (сабаб)</i>	пайт ёки сабаб равишдошларини яшаш учун хизмат қилади
14.	- ги И	<i>боргим келди.</i>	эғалик кўшимчалари билан биргаликда хоҳиш, истак маъносини ифодалайди
15.	- ги (-ги) ИИ	<i>югургизламоқ, тўзгизмоқ.</i>	фёлга кўшилиб, такрорийлик, давомлилик маъноларини ифодалайди
16.	-гиз, -из, -каз, қаз, -ғаз, -гиз	<i>юргизмоқ, ўтказмоқ, ютқизмоқ, турғазмоқ, оқизмоқ.</i>	фёллардаги орттирма нисбатни ҳосил қилади
17.	-гил, -гин	<i>боргин, келгил.</i>	фёллардаги буйруқ-истак майлини ҳосил қилади
18.	-гина -кина -қина	<i>Қизгинам баландгина, оппоққина тузукқина</i>	а) отлардаги еркалаш-кичрайтириш, ачиниш маъносини ифодалайди б) сифатлардаги озайтирма даражани ҳосил қилади
19.	-гунча -кунча -қунча	<i>келгунча, теккунча, чиққунча.</i>	пайт равишдошларини ҳосил қилади:
20.	-гур	<i>Қурмагур.</i>	фёллардаги истак маъносини ифодалайди
21.	-гуси (-гуси)	<i>боргуси, бўлгуси.</i>	ескирган кўшимча бўлиб, келаси замон сифатдошини ҳосил қилади
22.	-ди	<i>Ёзди.</i>	яқин ўтган замон фёлини ҳосил қилади
23.	-дир И	<i>Китоб билим манбаидир.</i>	кесимлик кўшимчаси, яъни от-кесимни эга билан боғловчи восита (боғламининг бир тури)
24.	-дир ИИ	<i>кимдир, нимадир.</i>	гумон олмошини ҳосил қилади:
25.	-дир ИИИ ёки -тир	<i>ёздир сездир.,</i>	орттирма даража ҳосил қилувчи кўшимча:
26.	-диган	<i>келадиган</i>	келаси замон сифатдошини ҳосил қилади
27.	-ётган	<i>кўраётган</i>	сифатдош шаклини ҳосил қилади
28.	-ёттир	<i>Бораёттир.</i>	ҳозирги замон давом фёлини ҳосил қилади
29.	-жон	<i>каримжон</i>	отлардаги ҳурмат маъносини ҳосил қилади
30.	-и	<i>тўзимоқ.</i>	фёллардаги маънони кучайтирувчи кўшимча
31.	-б (-иб)	<i>бориб, ўқиб</i>	ҳолат равишдошларини ҳосил қилади
32.	-имтир ёки	<i>кўкимтир, қорамтир</i>	сифатлардаги озайтирма даражани

	-мтир		ҳосил қилади
33.	-ин И (ёки - н)	<i>кий<u>ин</u>моқ</i> (ўзлик), <i>оли<u>н</u>моқ</i> (мажҳул)	ўзлик ёки мажҳул нисбат ясовчи қўшимча
34.	-ин ИИ	<i>борай<u>ин</u>.</i>	феъллардаги маънони кучайтирувчи қўшимча ҳисобланади
35.	-инчи ёки - нчи	<i>учин<u>чи</u>, олтин<u>чи</u></i>	тартиб сон ясовчи қўшимча
36.	-ир	<i>Тошир<u>моқ</u>.</i>	феъллардаги ортгирма нисбат қўшимчаси
37.	-иш ёки -ш И	<i>бор<u>иш</u>, ўқ<u>иш</u></i>	феълларнинг ҳаракат номи шаклини ясовчи қўшимча
38.	-иш ёки -ш ИИ	<i>ёзи<u>ш</u>ди, тўқ<u>иш</u>япти</i>	феълнинг биргалик нисбат қўшимчаси:
39.	-иш ИИИ	<i>Кўки<u>ш</u></i>	сифатлардаги озайтirma даража ҳосил қилувчи қўшимча
40.	-иш ИВ	<i>тўли<u>ш</u>ди</i>	Кучсиз ҳаракатни ифодалайди
41.	-иқ	<i>оши<u>қ</u>моқ, толи<u>қ</u>моқ</i>	феълнинг ўзлик нисбатини ҳосил қилувчи қўшимча:
42.	-й И	<i>ўқий бош<u>ла</u>ди.</i>	равишдош ҳосил қилувчи қўшимча
43.	-й ёки -ай ИИ	<i>тўқий, борай, келай.</i>	феълнинг буйруқ-истак майли шаклини ясайди
44.	-ка	<i>сурқа<u>моқ</u>,</i>	феълнинг кучайтirma шаклини ҳосил қилади
45.	-л ёки -ил	<i>Ишга қаттиқ берилди</i> (ўзл. нисб.) <i>Навбат берилди</i> (маж. нисбат).	феълнинг ўзлик ёки мажҳул даражасини ҳосил қилади
46.	-ла	<i>қувла<u>моқ</u>, савала<u>моқ</u></i>	феълларнинг кучайтириш шаклини ясайди
47.	-лар И	<i>уй<u>лар</u></i>	кўплик маъносини ҳосил қилади
48.	лар ИИ	<i>Онам<u>лар</u></i>	ҳурмат маъносини ҳосил қилади
49.	-лик	<i>Айтмоқ<u>лик</u>.</i>	ҳаракат номига қўшилиб, маънони кучайтиради
50.	лоқ ёки - алоқ	<i>қизалоқ, бўталоқ.</i>	кичрайтириш ва еркалаш маъносини ҳосил қилади
51.	-ма	<i>юр<u>ма</u>, кел<u>ма</u>.</i>	феълнинг бўлишсиз шаклини ҳосил қилади
52.	-миш	<i>келмиш, олмиш.</i>	ескирган шакл бўлиб, ўтган замон сифатдошини ҳосил қилган
53.	-моқ	<i>бор<u>моқ</u>, қол<u>моқ</u></i>	ҳаракат номини ҳосил қилади
54.	-моқда	<i>келмоқ<u>да</u>, ёзмоқ<u>да</u>.</i>	ҳозирги замон давом феълени ҳосил қилади
55.	-моқчи	<i>ўқимоқ<u>чи</u></i>	келаси замон мақсад феълларини ясайди
56.	-ники	<i>китоб<u>ники</u>, мени<u>ки</u></i>	қарашлилиқ шаклини ҳосил қилади
57.	-ов	<i>икк<u>ов</u>, уч<u>ов</u></i>	жамловчи сон ҳосил қилувчи қўшимча
58.	-овлан	<i>Беш<u>ов</u>лан</i>	худди шундай жамловчи сонларни ясайди
59.	-ой	<i>Барчино<u>й</u>, Хулкаро<u>й</u></i>	аёл исмларига қўшилади ва еркалаш-ҳурматлаш маъноларин ифодалайди

60.	-он	<i>борибон, келибон</i>	ескирган кўшимча бўлиб, равишдош шаклини ҳосил қилган
61.	-роқ	<i>каттароқ, оқроқ</i>	сифатларнинг қиёсий даража шаклини ҳосил қилади
62.	-р ёки -ар	<i>-: борар, ўқир</i>	келаси замон сифатдошини ясайди
63.	-са	<i>- борса</i>	фёъллардаги шарт майли шаклини ҳосил қилади:
64.	-син	<i>Олсин</i>	фёъллардаги буйруқ-истак майлини ясайди
65.	-т -	<i>ўқит</i>	фёъллардаги орттирма нисбатни ҳосил қилади
66.	-та	<i>бешта, ўнта.</i>	дона сон шаклини ҳосил қилади
67.	-тача	<i>бештача, ўнтача.</i>	чама сон шаклини ҳосил қилади
68.	-ув	<i>борув, келув.</i>	фёълнинг ҳаракат номи шаклини ҳосил қилади
69.	-хон	<i>Каримахон.</i>	одам исмларига кўшилиб, ҳурмат маъносини ҳосил қилади
70.	-ча	<i>қушча, китобча</i>	отлардаги кичрайтириш-еркалаш маъносини ифодалайди:
71.	-чак	<i>келинчак, тугунчак.</i>	отлардаги кичрайтириш маъносини ифодалайди
72.	-чоқ	<i>тойчоқ, кўзичоқ.</i>	отлардаги кичрайтириш-еркалаш маъносини ифодалайди
73.	-яп	<i>Кетяпман.</i>	ҳозирги замон давом фёъллини ҳосил қилади

4. Кўп маъноли кўшимчалар

Кўшимчалар	Мисоллар
-ли	акл <u>ли</u> (мавжудлик маън.), ёғ <u>ли</u> (ортиқлик маън.), ўтириш <u>ли</u> (мослик)
-ма	қовур <u>ма</u> (ҳаракат натижаси), бура <u>ма</u> (одатдаги хусусият)
-ла	мой <u>ла</u> (эга ҳолатлик), ранда <u>ла</u> (восита), бола <u>ла</u> (пайдо қилиш)
-чи	чорва <u>чи</u> (касбга мансублик), бўёқ <u>чи</u> (аниқ соҳага тегишлилик),
-чилик	пахта <u>чилик</u> (соҳа), тўкин <u>чилик</u> (мавжудлик), тирик <u>чилик</u> (ҳолат),
-дор	айб <u>дор</u> (мавжудлик маън.), бўй <u>дор</u> (ортиқлик маън.)
но-	<u>но</u> умид (эга эмаслик), <u>но</u> мард (қарама-қаршилик маън.)
бе-	<u>Бе</u> ғубор (йўқлик маън.), <u>бе</u> ғам (камлик маън.)
-сиз	асос <u>сиз</u> (эга эмаслик маън.), мадор <u>сиз</u> (камлик маън.)
-лик	ота <u>лик</u> (қариндошлик), бола <u>лик</u> (ҳолат), мудир <u>лик</u> (касб, ҳунар)
-са	Бер <u>са</u> , ейман (шарт); Қани ўқишга кир <u>са</u> (орзу)

5. Синоним кўшимчалар

Кўшимчалар	Мисоллар	Кўшимчалар	Мисоллар
-дан/-ни	ош <u>дан</u> олинг – ош <u>ни</u> олинг	но/-сиз	<u>но</u> ўрин – ўрин <u>сиз</u>
-дан/-га	ешик <u>дан</u> сиғ мади – ешик <u>ка</u> сиғ мади	-она/-ларча	мард <u>она</u> - мард <u>ларча</u>
-дан/-нинг	улар <u>дан</u> бири - улар <u>нинг</u> бири	-са/-сира	сув <u>са</u> моқ - сув <u>сира</u> моқ
-га/-ни	бун <u>га</u> тушунмади-бун <u>ни</u> тушунмади	-чи/-шунос	тил <u>чи</u> - тил <u>шунос</u>

-диган/-ар	кўра диган кўз - кўра р кўз	-лаб/-дан	сахар лаб - сахар дан
дон/-ли	билим дон – билим ли	-(у)в/-(и)ш	ўку в - ўқи ш
сер/-ли	сер сув-сув ли	бе/-сиз	бе маза – маза сиз
ба/-ли	ба хайбат – хайбат ли	-қир/-ағ он	чо п қир - чопа ғ он
-дўз/-чи	етик дўз – етик чи		
-ётир -моқда -япти	келя пти – келаё тир – кел моқда	-имтир/-иш/-- роқ	оқ иш – оқим тир - оқ роқ
-лоқ/-зор	ўт лоқ – ўт зор	-из/-дир	то м из - то м дир
-иш/-лар	кел иш ди – келди лар	-ли/-дор	унум ли - унум дор
-соз/-чи	кэма соз – кема чи	-ларча/-часига	мард ларча - мард часига
лай/-лигича	хўл лай – хўл лигича		

6. Омоним қўшимчалар

№	Қўшим-чалар	От	Сифат	Феъл	Рабиш	Юклама Боғловчи
1	-а	жизза а (с/й)	кўтара а (савдо)	қона а (с/й) бора а (ш/й) бура а (ш/й)	-	сен- а
2	-ай	-	-	куча й (с/й) бора й (ш/й)	-	-
3	-ак	ғижжа к (с/й)	қирмиза к (с/й)	-	-	-
4	-ар	-	-	кўка р (с/й) кела р (ш/й)	-	-
5	-га	болага а (с/ў)	-	сурга моқ (ш/й)	-	-
6	-ги	супур ги (с/й)	ёз ги (с/й)	бор гим (ш/й)	-	-
7	-гина	қиз гина (ш/й)	-	-	-	қизим гина
8	-да	уй да (с/ў)	-	унда моқ (с/й)	тез да (ш/й)	кел- ди- да
9	-дай	-	кафт дай (с/й)	-	ўқ дай (с/й)	-
10	-дир	-	-	сез дир (ш/й)	-	Келган дир
11	-дон	кул дон (с/й)	кадр дон (с/й)	-	-	-
12	-дор	чорва дор	Пул дор (с/й)	-	-	-
13	-и	оти и (с/ў)	жаннати и (с/я)	тин чи (с/й) тўзи и (ш/й)	-	-
14	-ик	кўри к (с/й)	ег ик (с/й)	бири к (с/й)	-	-
15	-ил	-	-	ег ил ди (ўзл. н.) ичи л ди (маж. нисб.)	-	-
16	-ин	еки н (с/й)	соғи н (сигир)	кўри н (ш/й)	олди н (с/й)	-
17	-им	уй им (с/ў) били м (с/й)	Айри м (с/я)	-	чеки м (с/й)	-
18	-инг	уй инг (с/ў)	-	очи нг (с/ў)	-	-
19	-ингиз	уй ингиз (с/ў)	-	очи нгиз (с/ў)	-	-
20	-ир	-	-	гапи р (с/й) ўчи р (ш/й)	-	-

21	-иш	-	Кўки <u>ш</u> (ш/й)	ёзи <u>ш</u> (ш/й) оли <u>ш</u> ди (ш/й)	-	-
22	-ик	чизи <u>қ</u> (с/й)	очи <u>қ</u> (с/й)	йўли <u>қ</u> (с/й) сини <u>қ</u> моқ (ш/й)	-	-
23	-й	-	-	қорай <u>ди</u> (с/й) ўқий <u>ди</u> (ш/й)	-	-
24	-к	тўша <u>қ</u> (с/й)	Чири <u>қ</u> (с/й)	борди <u>қ</u> (с/ў)	-	-
25	-ка	йўл <u>қа</u> (ш/й) етик <u>қа</u> (с/ў)	-	ис <u>қа</u> (с/й) сур <u>қа</u> (ш/й)	-	-
26	-каш	хас <u>каш</u> (с/й)	Нос <u>каш</u> (с/й)	-	-	-
27	-ки	теп <u>ки</u> (с/й)	Кеч <u>ки</u> (с/й)	-	-	дема <u>кки</u> билади <u>ки</u>
28	-кин	еп <u>кин</u> (с/й)	Кес <u>кин</u> (с/й)	тў <u>қкин</u> (ш/й)	-	-
29	-кор	пахта <u>кор</u>	фусун <u>кор</u> (с/й)	-	-	-
30	-ла	-	-	иш <u>ла</u> (с/й) қув <u>ла</u> (ш/й)	-	-
31	-лик	очли <u>қ</u> (с/й)	Ўшли <u>қ</u> (с/й)	-	-	-
32	-м	чида <u>м</u> (с/й) ука <u>м</u> (с/ў)	-	ёзди <u>м</u> (с/ў)	-	-
33	-ма	туг <u>ма</u> (с/й)	яса <u>ма</u> (с/й)	кел <u>ма</u> (ш/й)	ён <u>ма</u> -ён (ш/я)	-
34	-миз	онами <u>з</u> (с/ў)	-	ола <u>миз</u> (с/ў)	-	-
35	-моқ	қуй <u>моқ</u>	-	ич <u>моқ</u> (ш/й)	-	-
36	-н	ўзи <u>н</u> (и) с/ў	-	ясан <u>моқ</u> (ш/й)	-	-
37	-он	тўзо <u>н</u> (с/й)	Шодо <u>н</u> (с/й)	-	-	-
38	-оқ	ўро <u>қ</u> (с/й)	Кўро <u>қ</u> (с/й)	-	-	кели <u>боқ</u>
39	-са	-	-	сув <u>са</u> ди (с/й) кел <u>са</u> (ш/й)	-	-
40	-си	отаси <u>с</u> (с/ў)	-	гаранг <u>сим</u> оқ (ш/й)	-	-
41	-сиз	-	иш <u>сиз</u> (с/й)	ичаси <u>сиз</u> (с/ў)	тўхтов- <u>сиз</u> (с/й)	-
42	-т	-	-	тўлат <u>ди</u> (с/й) ўқит <u>ди</u> (ш/й)	-	-
43	-хон	китоб <u>хон</u> с/й ота <u>хон</u> (ш/й)	-	-	-	-
44	-ч	қувон <u>ч</u> (с/й)	тин <u>ч</u> (с/й)	-	-	-
45	-ча	қизил <u>ча</u> /с/й	фарғ она <u>ча</u> (с/й)	-	ўзи <u>ча</u> (с/й)	-
46	-чак	келин <u>чак</u> (ш/й)	куюн <u>чак</u> (с/й)	-	-	-
47	-чан	-	яшов <u>чан</u> (с/й)	-	маҳси <u>ча</u> <u>н</u> (с/я)	-
48	-чи	иш <u>чи</u> (с/й)	айирма <u>чи</u> (с/й)	-	-	кел- <u>чи</u>
49	-чик	қоп <u>чик</u> (ш/я)	сирпан <u>чик</u> (с/й)	-	-	-
50	-чок	той <u>чок</u> (ш/й)	мақтан <u>чок</u> (с/й)	-	-	-
51	-қ	таро <u>қ</u> (с/й)	Юмшо <u>қ</u> (с/я)	-	-	-
52	-қа	ўқ <u>қа</u> (с/ў)	Қис <u>қа</u> (с/й)	чай <u>қа</u> (ш/й)	-	-

53	-қи	чоп <u>қи</u> (с/й)	сайро <u>қи</u> (с/й)	-	-	-
54	-қин	тўл <u>қин</u> (с/й)	Сот <u>қин</u> (с/й)	бок <u>қин</u> (с/ў)	-	-
55	-қоқ	тут <u>қоқ</u> (с/й)	ёпиш <u>қоқ</u> (с/й)	-	-	-
56	-ғ оқ	тўл <u>ғ оқ</u> (с/й)	той <u>ғ оқ</u> (с/й)	-	-	-

Шартли қисқартмалар:

с/й – сўз ясовчи; с/ў – сўз ўзгартувчи; ш/й – шакл ясовчи.

ВАРИАНТДОШ СЎЗЛАР

Сўзлар	Варианти	Сўзлар	Варианти
Адаб	<i>Одоб</i>	Карта	<i>Қарта</i>
Аждаҳо	<i>Аждарҳо</i>	Оёқ ости	<i>Оёғ ости</i>
Айқирмоқ	<i>Ҳайқирмоқ</i>	Подшо	<i>Подшоҳ</i>
Алифбо	<i>Алфавит</i>	Сўлқиллоқ	<i>Сўлқилдоқ</i>
Арава	<i>Ароба</i>	Суюниш	<i>Севиниш</i>
Асо	<i>Ҳасса</i>	Суймоқ	<i>Севмоқ</i>
Аста	<i>Оҳиста</i>	Сан-ман	<i>Сен-мен</i>
Ассаломалайкум	<i>Ассалому алайкум</i>	Сабо	<i>Сабоҳ</i>
Астағ фируллоҳ	<i>Астафирулло</i>	Тегизмоқ	<i>Теккизмоқ</i>
Аш-паш	<i>Ҳаш-паш</i>	Тева	<i>Туя</i>
Баайни	<i>Баайниҳи</i>	Террариум	<i>Террарий</i>
Бадтар	<i>Баттар</i>	Тупук	<i>Тупурук</i>
Байир	<i>Байри</i>	Тўнка	<i>Тўнгак</i>
Байтулаҳзан	<i>Байтулҳазан</i>	Тойчоқ	<i>Тойчиқ</i>
Бамаъни	<i>Бамаъно</i>	Хаёлат	<i>Хаёлот</i>
Баравар	<i>Баробар</i>	Чучук	<i>Сучук</i>
Бараҳман	<i>Брахман</i>	Тақилламоқ	<i>Тақирламоқ</i>
Бениҳоя	<i>Бениҳоят</i>	Теравермоқ	<i>Тера бермоқ</i>
Бекинмоқ	<i>Беркинмоқ</i>	Тўлғазмоқ	<i>Тўлғизмоқ</i>
Бойкот	<i>Бойқут</i>	Файласуф	<i>Философ</i>
Болгар	<i>Булғ ор</i>	Чивин	<i>Чибин</i>
Бообрў	<i>Бообрўй</i>	Шаҳаншоҳ	<i>Шоҳаншоҳ</i>
Бош бармоқ	<i>Бошмалдоқ</i>	Шохтут	<i>Шотут</i>
Бузург	<i>Бузрук</i>	Шундоққина	<i>Шундайгина</i>
Бугун	<i>Букун</i>	Юган	<i>Жуган</i>
Валиюллоҳ	<i>Валиуллоҳ</i>	Юнг	<i>Жун</i>
Важҳ	<i>Важ</i>	Юравермоқ	<i>Юра бермоқ</i>
Валангор	<i>Валангир</i>	Юқа	<i>Юпқа</i>
Гавҳар	<i>Гуҳар</i>	Ўтириш	<i>Ўлтириш</i>
Гадо	<i>Гадой</i>	Ўтирғич	<i>Ўлтирғич</i>
Думалоқ	<i>Юмалоқ</i>	Қабарик	<i>Қаварик</i>
Етказ	<i>Еткиз</i>	Қабат	<i>Қават</i>
ЙОвон	<i>Ёбон</i>	Қайнона	<i>Қайнана</i>
Исирға	<i>Сирға</i>	Қайнота	<i>Қайната</i>
Каптар	<i>Кабутар</i>	Қайтага	<i>Қайтанга</i>
Корол	<i>Қирол</i>	Қайтадан	<i>Қайтатдан</i>
Мачит	<i>Масжид</i>	Куваламоқ	<i>Кувламоқ</i>
Моҳ	<i>Маҳ</i>	Ғазинадор	<i>Хазинадор</i>

ҚИСҚАСҲА ИБОРАЛАР ЛУҒАТИ

Ибора

Аламини олмоқ

Маъноси

Аламини тарқатиш учун зулм қилмоқ

Арпасини ким хом ўрибди
 Акли кирди (аклини танимоқ)
 Балога қолмоқ
 Бағ ри тош
 Белни боғламоқ
 Боши кўкка йетди (терисига сиғ май
 кетмоқ, оғзининг таноби қочдиб кўйи
 мингга етмоқ)
 Бурни кўтарилган
 Гап(лар)и бир жойдан чиқди
 Гаҳ дэса кўлига қўнади
 Дўпписини осмонга отмоқ
 Етти ўлчаб бир кесди
 ЙОғ тушса ялагудек
 Жағи очилди
 Жони ҳалқумига келди
 Илоннинг ёғини ялаган
 Калаванинг учини топди
 Капалаги учди
 Кўзига иссиқ кўринди
 Кўзи очилмоқ
 Кўзи тўрт бўлди
 Кўкка кўтармоқ
 Кўнгли кўтарилди
 Кўнгли оқ
 Кўнгли тўлди
 Кўнгли юмшоқ (кўнгли бўш)
 Лафзи ҳалол
 Лом-мим демади
 Мазаси қочди
 Миси чиқди
 Мум тишлаб қолди
 Номи чиқди
 Оёғини кўлига олиб келди
 Ораларидан қил ўтмайди
 Оғзи қулоғига етган
 Оқ-қорани таниди
 Терисига сиғ май кетди
 Тили бир қарич
 Тили ширин (тилидан бол томади)
 Тилининг учида турмоқ
 Тирноқ остидан кир қидирмоқ
 Тишининг қавагида сақламоқ
 Тоқатлари тоқ бўлди
 Хўрлиги келди
 СҲеҳраси очилди
 Еси чиқиб кетди
 ЙУлдузни бенарвон уради
 Кўй оғзидан чўп олмаган
 Кўли калталиқ қилди
 Ҳафсаласи пир бўлди

Нима ёмонлик қилибди?
Ес-хушли бўлмоқ;
жазога дучор бўлмоқ
Бемехр, илтифоти йўқ
1) шайланмоқ; 2) астойдил киришмоқ.
Беҳад севинмоқ;
Гердайган, кибрланмоқ
Фикр-ўйлари мос келди
Жуда итоаткор
Жуда қувонмоқ
Ниҳоятда еҳтиёткорлик билан иш кўрмоқ
Ниҳоят даражада тоза, ораста
Кўп гапирди
Ўлар ҳолатга келиди
Ўта айёр, муғамбир, қув
Жумбоқни ҳал қилиши йўлини топди
Ниҳоятда қаттиқ чўчимоқ
Таниши туйилмоқ
Яхши –ёмонни тушунадиган бўлмоқ
Интизор бўлмоқ
Ниҳоятда мақтамоқ
Рухланди
Самимий
Мамнун бўлди
Раҳмдил
Ваъдасида турадиган
1) гапирмади; 2) еътироз қилмади.
Соғлиги ёмонлашди
Асл қиёфаси фош бўлди
Гапирмой қолди
Маишхур бўлди
Тез келди
Жуда иноқ, аҳил
Жуда хурсанд
Ҳаёт тажрибасига эга бўлди
Жуда қувонди
Мақтанишига ҳақли бўлди
Ёқимли гапирадиган
Хотирасида тиклаб айта олмаслик
Ёмон ният билан айбни қидириши
Ўта еҳтиёт билан
Сабр-чидами тугади
Ўксиниб йиғлашига тайёр
Хафагарчилиги тугади
Ниҳоятда қаттиқ кўрқмоди
Ўта абжир, чаққон, чапдаст
Ўта ювош
Имконияти чекланган
Бирор ишни қилишига истак-интилиши йўқолди

ҚИСҚАСҲА ПАРОНИМЛАР ЛУҒАТИ

•

А

Абадий – мангу
Абрў – қош
Абзал – от, ешак эгар-жабдуғи
Абгор – ночор, хароб
Адиб – ёзувчи
Адл – адолат, одиллик
Адрэсат – хат, телеграмма олувчи
Азм – қатъий қарор, жазм
Аён – маълум, равшан
Аламон – оломон
Ало – устига: “Нур ало нур”
Алам – жисмоний оғрик
Алпоз – ахвол, вазият, ҳолат
Амр – буйруқ, фармон
Арик – сув оқадиган жой
Артиш – тозалаш
Асл – туб, негиз, ҳақиқий
Ато – инъом, совға
Ачипти – ошиқ ўйини тури
Ахил – тотув, иноқ

Адабий – бадиий адабиётга оид
Обрў – ёғтибор, ҳурмат
Афзал – аъло, яхши
Афкор – фикрлар
Адиб – кўрпа, тўн четидаги мағиз
Адил – тик, егилмаган
Адрэсант – хат, телеграмма юборувчи
Азим – ғоят катта, улкан
Аъён – амалдорлар
Альамон – омонлик учун мурожаат
Аъло – энг юқори, энг яхши
Аълам – диний арбоб, бош муфти
Алфоз – лафзлар, сўзлар, иборалар
Амир – подшо, хон (қад. Бухорода)
Орик – озғин
Арчиш – пўстлоғидан ажратиш
Асил – аъло сифатли, энг яхши, тоза
Ота – фарзандли ер киши
Ачибди – (қатик) ачибди
Ахл – бир соҳа одамлари

Б

Бад – ёмон, ярамас
Баднафс – нафси бузуқ
Баён – ёзма иш
Базур – баҳузур, бемалол
Бакор – корига ярамоқ
Бал – рақс кечаси
Банд – модда, параграф; машғул
Бармоқ – аъзо
Бийрон – сўзамол, гапдон
Бикр – иффатли қиз, бокира
Биров – кимдир
Боб – китобнинг қисмлари
Бод – касаллик
Борлик – мажудлик
Бошда – аввал
Боғли – боғи бор
Буд – бор-йўқ нарса
Бурж – 12 та юлдуз туркуми
Бурил – бурилмоқ
Бурғи – парма
Буқа – ёш еркақ қорамол

Баъд – кейин, сўнг
Баднафас – нафаси совуқ
Баян – мусиқа асбоби
Базўр – зўрға
Бекор – ишсиз
Балл – баҳо ўлчови бирлиги
Бант – сочга тақиладиган лента
Бормоқ – бориш
Бирон – бирор
Бикир – пишиқ, бақувват
Буров – бураш, бурамоқ
Боп – муносиб
Бот – тез; ботмоқ
Борлиқ – мавжудот
Бошида – ёнида, олдида
Боғлиқ – боғланган
Бут – тўлиқ, бекаму кўст
Бурч – мажбурият
Бурул – холдор, кўкиш (от)
Бурғу – қадимги чолғу асбоби
Букъа – мадрасадаги хужра

В

Вақф – диний муассаса мулки
Воқе – содир(бўлмоқ)

Воқиф – хабардор
Воқеа – ҳодиса

Г

Ганж – бойлик, хазина
Гилос – мева

Ганч – сувоқ материали, алебастр
Гўлос – тўқ жигар ранг

Д

<p>Даво – дори-дармон Давр – вақт оралиғи Дадил – довьюрак Дала – екин екиладиган жой, майдон Дарз – ёриқ, ёрилган Дазмол–кийим текислайдиган асбоб Даха – шаҳарнинг маъмурий бўлиниши Девон – шоирнинг шеърлари тўплами Дипломат – давлат хизматчиси Дуб – дарахт</p>	<p>Даъво – арз, талаб Довур – от ёпинчиғи Далил – исбот Дара – икки тоғ оралиғидаги жарлик Дарс – машғулот, сабоқ Дастмол – қозон ювғич Даҳо – кучли зеҳн ва истеъдод Диван – юмшоқ мебел тури Дипломант – диплом ёзувчи киши Дуп – товушга тақлид билд. сўз</p>
•	Ж
<p>Жоди – ўт қиркадиган асбоб Жуда – енг, ғ оят</p>	<p>Жоду – сеҳр Жудо - айрилик</p>
•	З
<p>Зафар – ғалаба</p>	<p>Заъфар – сап-сарик ранг</p>
•	И
<p>Илк – аввалги</p>	<p>Илик – суяк ичидаги ёғ симон модда</p>
•	К
<p>Кампания – маълум ишлар тизими Кафт – қўлнинг қисми Кат – ёғ оч каравот Квадрат – тенг ёкли тўртбурчак Контакт – алоқа, боғланиш Куйинди – куйишдан қолган из</p>	<p>Компания – корхона, бирлашма Кифт- елка Карт – карт думба Квadrant – доиранинг чораги Контракт – шартнома Куюнди – куюнмоқ</p>
	Л
<p>Лаҳм – суяксиз гўшт Лоп – бирдан</p>	<p>Лаҳим – ерости йўли Лоф – муболаға</p>
•	М
<p>Матал – ҳикматли сўзлар Метр – узунлик ўлчови: 100 см.</p>	<p>Маътал – кутиб қолган, мунтазир Метр –ҳурмат билдирувчи сўз (франц.)</p>
•	Н
<p>Наша – наркотик модда Нақ – худди, айна Нуфуз – обрў, еътибор</p>	<p>Нашъа – естетик лаззат, ҳузур Нақд – пули дархол тўланадиган Нуфус – аҳоли</p>
•	О
<p>Олу – олхўри Ора –ўрта Охир – чэгара, поён Оқлик – оқ ранглик Орасида – ўртасида, ичида</p>	<p>Олув – олиш Оро – пардоз Охур – ҳайвонларга ем солинадиган жой Оқлик – сут маҳсулотлари Ораста – безатилган, ясатилган</p>
•	С
<p>Сада – дарахт тури Сайд – ов</p>	<p>Садо – овоз, товуш, акс-садо Сайд – Муҳаммад пайғамбар авлодлари</p>

Сайл - байрам
Санат – санатмоқ
Сақов – от, ешаклар касаллиги
Суйилмоқ – севилмоқ
Сурат – расм
Сургин – сурмоқ

Сайр – сайр қилмоқ
Санъат – бадий ижодиёт тури
Соқов – гунг, тилсиз
Суюлмоқ – суюқлашмоқ
Суръат - тезлик, темп
Сургун - бадарға

•
Т

Таб – тафт, ҳарорат
Талат – талатмоқ
Тамбур – вагон кираверишидаги бўлма
Тана – гавда
Тариф – баҳолар кўрсаткичи
Тасир – тасир-тусур
Тақиб – тақиб қўйди
Тиб – медицина
Туб – таг, ост
Тутин – тутинмоқ

Таъб – кишининг ички табиати; мижоз
Тальят – юз, чехра
Танбур – чолғу асбоби
Таъна – гина, кудурат
Таъриф – тавсиф, тасвир
Таъсир – тазйиқ
Таъқиб – яширинча кузатиш
Тип – тоифа
Туп – ўсимлик, дарахтнинг ҳар донаси
Тутун – олов тутуни

•
У

Узик - узилган
Уйим - менинг уйим
Улиш - улимоқ(ит, бўри)
Уним - (менинг) уним
Уриш - урмоқ

Узук - тақинчоқ
Уюм - тўда
Улуш - бўлак, ҳисса
Унум - ҳосил, барака
Уруш – жанг

•
Ф

Фақир – камбағал

Пақир - челак

•
Х

Хаёли – ўйи, фикри
Халқ – ел, улус
Хам – егик, куйи солинган
Хар – ешак
Хиёл – сал, озгина
Хийла – анча
Хил-хил - турли-туман
Хирс – айиқ
Хол – бадандаги қора туғ ма доғ
Холи – ёлғиз, бўш, банд эмас
Хосият – хослик ҳолати
Хур – товуш: хур-хур
Хуш – яхши, маъқул, дуруст

Хаёли – иффатли
Халқ - халқум
Хам – (мен) ҳам
Хар – ҳар ким
Хаёл – ўй, фикр
Хийла – макр, фириб
Хил-хил - хил-хил (пишган)
Хирс – кучли истак, интилиш
Хол – аҳвол
Холи - аҳволи
Хосият – ҳис етиш
Хур – еркин, озод
Хуш – онг, ақл, идрок, ес-хуш

•
Ш

Шер – ҳайвон: арслон
Шох – дарахт ёки ҳайвон шохи
Шуба – мўйнали қишки кийим

Шеър – вазн, қофияли кичик бадий асар
Шох – подшо
Шуъба бўлим, идора

•
Е

Еллик – сон
Есиз – аттанг, афсус
Ехзон – қайғу ҳукм сурган қулба

Енлик - икки енлик (хат)
Ессиз – еси йўқ, нодон
Ехсон – хайрли иш, езгулик

Йетди – етиб борди
 Ягана – екинни сийраклатиш
 Йетди – етиб борди
 Ювинди - сув билан тозаланди
 Ёлқин - ўлов ёлқини
 Ёндаш – яқинлаш
 Ёрик – ёрилган
 Ёлқин - ўлов ёлқини
 Ёндаш – яқинлаш
 Ёрик – ёрилган

Йетти – сон
 Ягона – якка, танҳо, ёлғиз
 Йетти – сон
 Ювунди – ифлос сув
 Ёрқин – ўта ёруғ
 Ёндош – ёнидаги
 Ёруғ – нур
 Ёрқин – ўта ёруғ
 Ёндош – ёнидаги
 Ёруғ – нур

Қад – қомат
 Қайд – таъкид
 Қала – ўтинни тахла
 Қалмоқ – миллат
 Қарз – қайтариладиган пул, буюм
 Қари – кекса, мўйсафид
 Қатъи – қатъи назар
 Қийқ – товуш: қийқ етди
 Қиймат – баҳо
 Қирлик – қирда турувчи
 Қисм – бўлак
 Қолиб – қолмоқ
 Қуйилди – оқди
 Қура – кура бошлади
 Қурт – ҳашарот

Қат – қават, қатлам
 Қайт – ўқчиш, қушиш
 Қалъа – шаҳар
 Қолмоқ - қолиш
 Қарс – товуш: қарс етди
 Қаъри – чуқур ери, ости, ичи
 Қатъий – узил-кесил
 Қийиқ – қийилган; рўмол
 Қиммат – нархи баланд
 Қирлик – жун қайчи
 Қисим – сиқим
 Қолип – оёқ кийими мосламаси
 Қуюлди – қуюқлашди
 Қуръа - чек
 Қурут – сузма курут

Фойдаланилган адабийотлар рўйхати

1. И.Каримов. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
2. А.Нурмонов,
Б. Ёўлдошев. Тилшунослик ва табиий фанлар. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. –Т.: 2001,
3. А.Ҳожиёв. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. –Т.: 2002,
4. Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Т.: “Талқин” нашриёти. 2005,
5. Ғ .Абдурахмонов, А. Сулаймонов, Ҳозирги ўзбек адабий тили
Х. Холиёров,
Ж. Омонтурдиев “Ўқитувчи” Т.,1979, Синтаксис.
6. А. Абдуазизов. Ўзбек тили фонологияси ва морфологияси, Тошкент, 1992-йил.
7. Ҳ. Жамолхонов. Ҳозирги ўзбек адабий тилидан маъруза матнлари (Кириш. Фонетика ва фонология. Графика ва орфография) Тошкент. 2000-йил.
8. Е. Бегматов, А. Бобоева, Ўзбек нутқи маданияти очерклари. “Фан”
М. Асомиддинова нашриёти, Т., 1988 й.
Б.Умиркулов
9. М.Мирзаев, С.Усмонов, Ўзбек тили. Т., “Ўқитувчи” 1978 йил
И.Расулов

10. М. Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тилидан маъруза матнлари (Синтаксис). Тошкент. 2000-йил
11. У.Турсунов . Ҳозирги ўзбек адабий тили Т., ”Ўқитувчи” 1979 йил
12. Ш. Шоабдурахмонов Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Т., “Ўқитувчи” 1980 йил
13. М.Асқарова, А. Хожиев Ўзбек тили стилистикаси. Т., “Ўқитувчи” 1983 йил
14. И.Расулов, Х.Дониёров Ҳозирги ўзбек адабий тили. «Ўзбекистон», Тошкент. 1992-йил
15. А.Ғуломов, .Н.Тихонов, Р.Қўнғуров Ўзбек тили морфем луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1977 й.
16. Ўзбек тилининг имло луғати. Т., “Фан” нашриёти 1976 йил
17. Ўзбек тили грамматикаси. Т., “Фан” 1975 йил. 1-қисм
18. Ўзбек тили грамматикаси. Т., “Фан” 1976 йил 2-қисм
19. Ўзбек тилининг имло луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1995- йил.
20. Р. Юнусов. Ҳозирги ўзбек адабий тилидан маъруза матнлари (Лексикология, фразеология, лексикография) Тошкент, 2000-йил.
21. Қ. Сафаев, Р. Юнусов Ҳозирги ўзбек адабий тилидан маъруза матнлари (Морфология). Тошкент. 2000.
22. М. Содиқова. Усмонова. Ўзбек тилининг орфоепик луғати. Т., 1977-йил.
23. Д. Муҳамедова, Д. Шодмонқулова, М. Мақсудова. Ҳозирги ўзбек адабий тилидан маъруза матнлари (Кириш, фонетика, графика ва орфография, лексикология, фразеология, лексикография). Тошкент. 2001-йил.
24. Р. Икромова, Д. Муҳамедова, Д. Шодмонқулова, М. Мақсудова, Х. Ғуломова. Ҳозирги ўзбек адабий тилидан маъруза матнлари (Морфемика. Сўз ясалиши. Морфология.). Тошкент. 2001-йил.
25. Р.Икромова Ҳозирги ўзбек адабий тилидан маъруза матнлари (Синтаксис). Тошкент. 2001-йил.
26. Д. Муҳамедова, Д. Шодмонқулова, Х. Ғуломова.
26. М.А.Ҳамроев Ўзбек тилидан маърузалар мажмаси. Т., 2007-йил.
27. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-2 том. Москва. 1981-йил
28. А. Ҳожиев Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент. 1974-йил
29. А. Ғуломов, А.Н.Тихонов, Р.Қўнғуров. Ўзбек тили морфем луғати. Тошкент. 1977-йил.
30. “Қалқон” журнали. 2004 йил, 7-сон.
31. Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. Т., 1980-йил.
32. Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Т., 1978-йил.
33. Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Т., 1984-йил.
32. Ш.Раҳматуллаев Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Т., “Университет”, 2006.

33. Р.Сайфуллаева ва б.
34.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Т., 2006
“Қалқон” журналі. 2004-йил, 7-сон.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
Тилшунослик ҳақида умумий аълумот	6
1-§ Тилшунослик фани ҳақида маълумот	6
2-§ Тил ижтимоий ҳодисадир	6
3-§ Тилнинг тузилиши	7
4-§ Тил – тараққий қилиб, ўзгариб борувчи ҳодиса	7
5-§ Миллий тил ва унинг таркибий қисмлари	8
6-§ Тилларнинг таснифи	10
7-§ Тилларнинг генеологик таснифи	11
8-§ Тилларнинг морфологик таснифи	12
ФОНЕТИКА	16
1-§ Фонетика ва фонология ҳақида умумий маълумот	16
2-§ Товуш ва фонема	17
3-§ Фонетик акустика	18
4-§ Нутқ товушларининг артикуляцияси	18
5-§ Ўзбек тилининг фонетик воситалари	19
6-§ Нутқ товушларининг таснифи	21
7-§ Унли товушлар ва уларнинг таснифи	22
8-§ Айрим унли товушлар тавсифи	23
9-§ Ундош товушлар ва уларнинг таснифи	23
10-§ Ундош товушлар тавсифи	24
11-§ Тил ундошлари	28
12-§ Қўш товушлар ва уларнинг қўлланилиши	30
13-§ Нутқнинг асосий фонетик бирликлари	30
14-§ Урғу	32
15-§ Нутқ товушларининг ўзгариши	34
16-§ Тил ва ёзув	37
17-§ Кирилл графикаси асосидаги ўзбек ёзуви	38
18-§ Ҳозирги ёзув ва уни ифода етувчи воситалар	39
19-§ Орфография (имло)	40
ЛЕКСИКОЛОГИЯ	48
1-§ Лексикология ҳақида умумий маълумот	48
2-§ Сўзнинг лексик ва грамматик маънолари	49
3 -§ Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар	50
4 -§ Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари	52
5 -§ Ўзбек тилининг луғат таркиби	54
6 -§ Ўзбек тили лексикасида ўз ва ўзлашган қатлам	56
7 -§ Ўзбек тили лексикасининг ишлатилиш доираси	58
8 -§ Тарихий жиҳатдан ўзбек тили лексикаси	60
9 -§ Ўзбек тили лексикасининг бойиш манбалари	62
10-§ Фразеология	63
11-§ Лексикография	64

СЎЗ ЯСАЛИШИ	68
ГРАММАТИКА	70
1-§ Грамматика ҳақида умумий маълумот	70
2-§ Сўз шакл ва грамматик маъно	70
3-§ Грамматик маънони ифодалаш восита ва усуллари	71
4-§ Сўзнинг грамматик шакли	71
5-§ Грамматик категория	73
6-§ Сўз туркумлари	73
ОТ	78
1-§ Отнинг лексик-грамматик хусусиятлари	78
2-§ Отларнинг маъно турлари	79
3-§ Отларда сон категорияси	81
4-§ Отларда эгалик категорияси	82
5-§ Отларда келишик категорияси	84
6-§ Отларнинг ясалиши	89
7-§ Отларда модал шакл ясалиши	93
8-§ Отларнинг тузилиш жиҳатдан турлари	94
СИФАТ	99
1-§ Сифатнинг лексик-грамматик хусусиятлари	99
2-§ Сифат даражалари	100
3-§ Озайтirma ва кучайтirma сифатлар	100
4-§ Сифатларнинг отлашиши	102
5-§ Сифатларнинг ясалиши	102
6-§ Сифатларнинг тузилиш турлари	105
СОН	109
1-§ Соннинг лексик-грамматик хусусиятлари	109
2-§ Соннинг маъно турлари	111
3-§ <i>Бир</i> сонининг ўзига хос грамматик хусусиятлари	114
4-§ Сонларнинг отлашиши	115
5-§ Сонларнинг тузилиш жиҳатдан турлари	115
О Л М О Ш	119
1-§ Олмошнинг таърифи ва лексик-грамматик хусусиятлари	119
2-§ Олмошларнинг маъно турлари	119
3-§ Бошқа туркумга оид сўзларнинг олмошга кўчиши	122
4-§ Олмошларнинг тузилиш турлари	122
ФЕЪЛ	126
1-§ Феълнинг лексик-грамматик хусусиятлари	126
2-§ Ўтимли ва ўтимсиз феъллар	127
3-§ Бўлишли ва бўлишсиз феъллар	128
4-§ Феъл нисбатлари	130
5-§ Феълнинг вазифадош шакллари	132
6-§ Феълларнинг тусланиши(шахс-сон категорияси)	139
7-§ Феъл замонлари	141
8-§ Феъл майллари	147
9-§ Феълларнинг ясалиши	148
10-§ Феълнинг модал маъно ифодаловчи шакллари	150
11-§ Тўлиқсиз феъллар	151
РАВИШ	155
1-§ Равишнинг лексик-грамматик хусусиятлари	155
2-§ Равишларнинг маъно турлари	157
3-§ Равишларнинг ясалиши	158
4-§ Равишларнинг тузилиши жиҳатдан турлари	160
ЁРДАМЧИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ	163
1-§ Кўмакчи ҳақида маълумот	163

2-§ Боғловчи	164
2-§ Юклама	167
АЛОҲИДА ОЛИНГАН СЎЗЛАР ГУРУҲИ	172
1-§ Модал сўзлар	172
2-§ Ундов сўзлар ҳақида маълумот	173
3-§ Таклид сўзлар	174
СИНТАКСИС	178
1-§ Синтаксис ҳақида умумий маълумот	178
2-§ Синтактик алоқа турлари	178
3-§ Бошқарув	179
4-§ Битишув	179
5-§ Мослашув (мувофиқлашув)	180
6-§ Сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатга киришуви	180
7-§ Сўз бирикмаси	181
8-§ Сўз бирикмаларининг таснифи	182
ГАП	183
1-§ Гап ва унинг белгилари	183
2-§ Гапнинг турлари	184
3-§ Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари	185
4-§ Гапнинг эмоционалликка кўра турлари	187
ГАПЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ	190
1-§ Содда гап турлари	190
2-§ Икки бош бўлакли гапнинг тузилиши	191
3-§ Бир бош бўлакли гаплар	192
ГАП БЎЛАКЛАРИ	198
1-§ Гап бўлаклари ҳақида умумий маълумот	198
2-§ Гапнинг бош бўлаклари	199
3-§ Эга билан кесимнинг орасида тиренинг ишлатилиши	203
ГАПНИНГ ИККИНСҲИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ	203
1-§ Аинқловчи	203
2-§ Тўлдирувчи	206
3-§ Ҳол	208
4-§ Гап бўлақларининг жойлашиш тартиби	211
ГАПНИНГ УЙУШИҚ БЎЛАКЛАРИ	218
1-§ Уюшиқ бўлақлар ҳақида умумий маълумот	218
2-§ Уюшиқ қатор аъзоларининг ўзаро алоқага киришуви	219
3-§ Уюшиқ бўлакли гапларда умумлаштирувчи бирликлар	220
ГАПНИНГ АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРИ	221
1-§ Ажратилган бўлақлар ҳақида умумий маълумот	221
2-§ Ажратилган тўлдирувчилар	222
3-§ Ажратилган аинқловчилар	222
4-§ Ажратилган изоҳловчилар	223
5-§ Ажратилган ҳоллар	223
ГАП БЎЛАКЛАРИ САНАЛМАЙДИГАН БИРЛИКЛАР	227
1-§ Ундалма	227
2-§ Кириш сўз ва кириш бирикма	228
3-§ Киритма гап	229
ҚЎШМА ГАП	232
1-§ Қўшма гап турлари ҳақида маълумот	232
2-§ Боғланган қўшма гап	232
3-§ Боғланган қўшма гапда тиниш белгиларининг ишлатилиши	234
4-§ Ергашган қўшма гап	234
5-§ Боғловчисиз қўшма гап	241
6-§ Боғловчисиз қўшма гапнинг турлари	242

7-§	Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши	243
8-§	Мураккаб қўшма гап ҳақида маълумот	244
	ЎЗГАЛАРНИНГ НУТҚИНИ ИФОДАЛАШ УСУЛЛАРИ	252
1-§	Кўчирма гап	252
2-§	Кўчирма гапда тиниш белгиларининг ишлатилиши	252
3-§	Ўзлаштира гап	253
4-§	Кўчирма ва унда ишлатиладиган тиниш белгилари	254
5-§	Диалог	254
	УСЛУБИЯТ (СТИЛИСТИКА). НУТҚ УСЛУБЛАРИ	257
1-§	Услубият ҳақида умумий маълумот	257
2-§	Нутқ услублари	257
3-§	Нутқ маданияти ҳақида	259
	УСЛУБИЯТ ТУРЛАРИ	262
1-§	Ёзма ва оғзаки нутқ меъёрлари ҳақида	262
2-§	Лексик услубият	262
3-§	Фонетик услубият	264
	ГРАММАТИК УСЛУБИЯТ. МОРФОЛОГИК УСЛУБИЯТ	264
1-§	От туркумига хос услубий хусусиятлар	264
2-§	Сифат туркумига хос услубий хусусиятлар	265
3-§	Олмош туркумига хос услубий хусусиятлар	265
4-§	Феълларга хос услубий хусусиятлар	265
	СИНТАКТИК УСЛУБИЯТ	266
1-§	Гап бўлақларининг услубий хусусиятлари	266
2-§	Айрим гап турлари ўртасидаги синонимия	267
3-§	Қўшма гапларнинг услубий хусусиятлари	267
4-§	Кўчирма ва ўзлаштира гапларнинг услубий хусусиятлари	267
	ИШОРАТ ҚОЙДАЛАРИ (ПУНКТУАТСИЯ)	271
1-§	Нукта	271
2-§	Сўроқ белгиси	271
3-§	Ундов белгиси	272
4-§	Кўп нукта	272
5-§	Кўп нукта, ундов, сўроқ белгиларнинг бириккан ҳолда келиши	272
6-§	Вергул	273
7-§	Нуктали вергул	273
8-§	Икки нукта	274
9-§	Тире	274
10-§	Қавс	274
11-§	Кўштирноқ	275
	ИЛОВАЛАР	278
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЙОТЛАР РЎЙХАТИ	295

